

**ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИ
ТАҲЛИЛИ**

UZBEK LAW REVIEW

**ОБЗОР ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА
УЗБЕКИСТАНА**

ИЛМИЙ ТАҲЛИЛИЙ ЖУРНАЛ	SCIENTIFIC ANALYTICAL JOURNAL	НАУЧНО АНАЛИТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ
--------------------------------------	--	--

**2017
№2**

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

БОШ МУҲАРРИР:

Гулямов Саид Саидахарович – юридик фанлари доктори, профессор.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ АЪЗОЛАРИ:

- Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна** – ю.ф.д., профессор.
Рахимов Фахри Хайдарович – ю.ф.д., профессор.
Адилходжаева Сурайё Махкамовна – ю.ф.д., профессор.
Оқолов Омонбой – ю.ф.д., профессор.
Имомов Нурилло Файзуллаевич – ю.ф.д., доцент.
Эсанова Замира Нормуратовна – ю.ф.д., профессор.
Шодманов Фурқат Юсупович – ю.ф.д., профессор.
Самарходжаев Ботир Билялович – ю.ф.д., профессор.
Шамухамедова Замира Шаисламовна – ю.ф.д., доцент.
Эргашев Восит Ёқубович – ю.ф.н., доцент.
Холмўминов Жуманазар Тоштемирович – ю.ф.д., профессор.
Файзиёв Шухрат Хасанович – ю.ф.д., профессор.
Махкамов Отабек Мухатович – ю.ф.д.
Зуфаров Рустам Ахмедович – ю.ф.д., профессор.
Мухитдинов Фахриддин Мухитдинович – ю.ф.д., профессор.
Тошев Бобоқул Норқобилович – ю.ф.д., профессор.
Рустамбеков Исламбек Рустамбекович – ю.ф.н., доцент.

<p>Маълумот олиш учун куйидагиларга мурожаат этиш сўралади: Гулямов Саид Саидахарович, Рустамбеков Исламбек Рустамбекович ТДЮУ, Бизнес ҳуқуқи кафедраси, Ёш олимлар кенгаши Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., 100047, Сайилгоҳ кўчаси, 35. Тел: 233-66-36</p>
<p>"Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили"нинг электрон нусхаси Интернетдаги www.lawreview.uz сайтида жойлаштирилган.</p>
<p>Журнал 2013 йилдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олий Аттестация комиссияси журналлари рўйхатига киритилган.</p>

Ушбу журналда баён этилган натижалар, хулосалар, талқинлар уларнинг муаллифларига тегишли бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ёки Тошкент давлат юридик университети сиёсати ёки фикрини акс эттирмайди.
 2017 йилда нашр этилди.

Муаллифлик ҳуқуқлари Тошкент давлат юридик университетига тегишли. Барча ҳуқуқлар ҳимояланган. Журнал материалларидан фойдаланиш, тарқатиш ва кўпайтириш Тошкент давлат юридик университети рухсати билан амалга оширилади. Ушбу масалалар бўйича Тошкент давлат юридик университетига мурожаат этилади. Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., 100047, Сайилгоҳ кўчаси, 35.

ISSN 2181-8118

Масъул котиб: **И.Р. Рустамбеков**
 Нашриёт муҳаррири: **Н. Ниязова**
 Техник муҳаррир: **Ш. Хужаев**
 Лицензия № 02-0074
 Босишга рухсат этилди – 03.07.2017
 Нашриёт ҳисоб табоғи – 5
 «IMPRESS MEDIA» босмахонасида босилди
 Адади – 100 нусха.

**ИЛМИЙ-ТАҲЛИЛИЙ
 ЖУРНАЛ**

2/2017

МУНДАРИЖА

ДАВЛАТ ҲУҚУҚИ ВА БОШҚАРУВИ

Х.Хайитов
 Демократик ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашда қонун ижодкорлиги экспертлик таъминотини ривожлантириш масалалари **5**

И.Тўрабоев
 Норезидент юридик шахсларга солиқ солиш тартибини такомиллаштиришнинг алоҳида масалалари **8**

Б.Қодиров
 Олий таълим тизими субъектлари ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларнинг ўзига хос жиҳатлари **10**

С.Саидов
 Ўзбекистонда “Электрон ҳукумат” тизимининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш **13**

И.Эргашев
 Солиқ қонунчилигини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик ва унинг қўлланилиш асослари **16**

А.Абдусаттаров
 Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати конституциявий ваколатларининг экологик-ҳуқуқий талқини **19**

Д.Артиков
 Юридик шахслар маъмурий жавобгарлигининг айрим масалалари **22**

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ ВА ПРОЦЕССИ

Н.Ашурова
 Тадбиркорлик фаолиятида гаровга қўйилган мол-мулкдан фойдаланиш шартларива тартиби **25**

Г.Узакова
 Шаҳар ерларидан фойдаланишни ҳуқуқий тартибга солиш **29**

Н.Ражабов
 Экологик сертификатлаштириш механизмини ҳуқуқий тартибга солишнинг айрим масалалари **33**

Ҳ.Саидов
 Ер ҳуқуқи процессуал тизими ривожланиш босқичларининг айрим назарий масалалари **36**

Х.Қучқаров
 Фуқаролик процесси босқичларини оптималлаштириш масаласи **39**

Д.Атаджанова
 Аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул бўлган шахсларни меҳнат ва машғулотлар соҳасида камситишга йўл қўйилмаслиги масалалари **41**

Б.Худойбердиев
 Банкротлик тўғрисидаги қонунчилик: реабилитация ва тугатиш **44**

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ ВА ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ

Г.Тулаганова
 Судланганлик ҳолатини олиб ташлашдаги айрим масалалар хусусида **47**

Б.Хидоят
 Судга қадар иш юритувининг жиноят-процессуал функциялари **52**

Д.Базарова
 Жиноят процесси иштирокчиларининг давлат ҳимоясини тартибга солувчи БМТнинг халқаро ҳуқуқий ҳужжатлари **54**

А.Мухитдинов
 Ўзбек ССРнинг 1929 йилдаги ЖПКда дастлабки тергов органлари ва терговчи мақоми тўғрисидаги қоидаларнинг ривожланиши ҳақида **58**

Ш.Жалолов
 Пوراҳўрлик жиноятларини тергов қилишда суд экспертизасининг аҳамияти **60**

Р.Алтиев
 Ўзбекистон Республикасининг манфаатларига хилоф равишда битимлар тузганлик учун жиноий жавобгарликнинг айрим жиҳатлари **62**

М.Курбанов
 Мансабдор шахслар жиноий жавобгарлигининг ўзига хос жиҳатлари **66**

Ғ.Янгиев
 Далил – исбот қилиш институтининг энг муҳим манбаи сифатида **68**

ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР

С.Адилходжаева
 Ўзбекистон МДХ умумий бозорига интеграциялашни қонунчилик асосларини такомиллаштириш **71**

И.Рустамбеков
 Ўзбекистон Республикасига хорижий инвестицияларни жалб этишда инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисидаги битимларнинг ўрни ва аҳамияти **73**

Д.Умархорова
 Ўзбекистон Республикасида озодликдан маҳрум қилинган шахсларни жазони ўташ учун фуқароси бўлган давлатга топшириш ва уларни қабул қилиш билан боғлиқ масалаларнинг ҳуқуқий тартибга солиниши **76**

А.Саидов
 Озодликдан маҳрум қилиш жойларида маҳкумлар билан муомала қилишининг универсал халқаро-ҳуқуқий стандартлари **79**

EDITORIAL BOARD

GENERAL MANAGER:

Dr. Gulyamov Said – Professor, Doctor of Sciences in Law.

MEMBERS OF EDITORIAL BOARD:

Mrs. Akhmedshaeva Maviyuda – professor, doctor of sciences in Law.

Mr. Rakhimov Fakhri – professor, doctor of sciences in Law.

Mrs. Adilkhodjaeva Surayo – professor, doctor of sciences in Law.

Mr. Okyulov Omonboy – professor, doctor of sciences in Law.

Mr. Imomov Nurillo – associate professor, doctor of sciences in Law.

Mrs. Esanova Zamira – professor, doctor of sciences in Law.

Mr. Shodmanov Furqat – professor, doctor of sciences in Law.

Mr. Samarkhodjaev Botir – professor, doctor of sciences in Law.

Mrs. Shamukhamedova Zamira – associate professor, doctor of sciences in Law.

Mr. Ergashev Vosit – associate professor, candidate of sciences in law

Mr. Kholmuminov Jumanazar – professor, doctor of sciences in Law.

Mr. Fayziev Shukhrat – professor, doctor of sciences in Law.

Mr. Makhkamov Otabek – doctor of sciences in Law.

Mr. Zufarov Rustam – professor, doctor of sciences in Law.

Mr. Mukhitdinov Fakhridin – professor, doctor of sciences in Law.

Mr. Toshev Bobokul – professor, doctor of sciences in Law.

Mr. Rustambekov Islambek – associate professor, candidate of sciences in Law.

For further information please contact:

Mr. Gulyamov Said,
Mr. Rustambekov Islambek
35, Sayilgoh Street, Tashkent,
TSUL, Department of "Business Law",
Council of Young Scientists
100047, Uzbekistan. Tel.: 233-66-36

Electronic copy of "Uzbek Law Review" journal can be found at www.lawreview.uz

The journal was registered in the list of the High Attestation Commission of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan in 2013.

The findings, conclusions and interpretations expressed in the journal are those of the authors alone and can in no way be taken to reflect the views of the Republic of Uzbekistan or the Tashkent State University of Law.
Published in 2017.

Copyright by Tashkent State University of Law. All rights reserved. Enquiries concerning reproduction should be addressed to Tashkent State University of Law, 100047, 35, Sayilgoh Street, Tashkent, Uzbekistan.

ISSN 2181-8118

General Secretary: **I.Rustambekov**
Publishing editor: **N.Niyazova**
Technical editor: **Sh.Khujaev**

License No. 02-0074

Authorized to issue – 03.07.2017

Bulk – 5

Printed in «IMPRESS MEDIA» Printhouse

Number of copies – 100

SCIENTIFIC-ANALYTICAL JOURNAL

2/2017

CONTENTS

STATE LAW AND MANAGEMENT

Kh.Khaitov Issues of Improving of Provision of Lawmaking Expertise Service In Strengthening Legal Foundations of Democratic Reforms	5
I.Turaboyev Special Issues of Improvement of Taxation of Nonresident Legal Entities	8
B.Kodirov Peculiarities of Legal Relations Between the Subjects of Higher Education System.....	10
S.Sadikov Improvement of Legal Basis of E-Government System in Uzbekistan.....	13
I.Ergashev Administrative Responsibility for Breach of Tax Legislation and Basis for its Application.....	16
A.Abdusattarov Ecological-Legal Treatment of the Constitutional Powers of the Government of Republic of Uzbekistan	19
D.Artikov Certain Issues of Administrative Liability of Legal Entities.....	22

CIVIL LAW AND CIVIL PROCESS

N.Ashurova Conditions and Procedure for Use of the Property Supplied Bail in Business	25
G.Uzakova Legal Ruling of Using Town Lands.....	29
N.Rajabov Some Questions of Legal Regulation of Ecological Certification Mechanism	33
Kh.Sadikov Some Theoretical Matters of Development of Stages of Procedural System of Land Law.....	36
Kh.Kuchkarov The Issues of Optimization the Stages of Civil Procedure.....	39
D.Atadjanova The Questions of Prohibition of Discrimination of Women and Persons Engaged in Performance of Family Duties in the Sphere of Labour and Occupations.....	41
B.Khudaybergenov The Legislation on Bankruptcy: Rehabilitation and Liquidation	44

CRIMINAL LAW AND CRIMINAL PROCESS

G.Tulaganova About Some Issues of Removal of State Condemnation.....	47
B.Khidoyatov Criminal Procedure Functions of Pre-trial Proceedings	52
D.Bazarova International Legal Acts of the United Nations Governing the State Protection of Participants in Criminal Proceedings.....	54
A.Mukhitdinov Development of Rules on Procedural Provision on Body's Preliminary Investigation and the Status of the Investigator According to the Code of Criminal Procedure of the Uzbek SSR	58
Sh.Jalolov Essence of Forensic Examination on Investigation in Case of Bribery.....	60
R.Altiyev Some Aspects of the Criminal Liability of the Deal Against the Interests of the Republic of Uzbekistan	62
M.Kurbanov Features of Criminal Responsibility of Officials.....	66
G.Yangiyev The Evidence as the Most Important Source of the Institute of Prove.....	68

INTERNATIONAL LEGAL RELATIONS

S.Adilkhodjaeva Improving of the Legislative Bases Integration of the Republic of Uzbekistan in the Common Market of the CIS	71
I.Rustambekov The Role and Importance of Bilateral Investment Treaties (BITs) in the Republic of Uzbekistan in Attraction of Foreign Investments.....	73
D.Umarkhonova The Issues of Legal Regulation in the Republic of Uzbekistan the Transfer and Acceptance of Persons who Sentenced to Imprisonment, for further Serving of Punishment in the State whose Citizens they are	76
A.Saidov Universal International-Legal Standards for Treatment of Prisoners in Prisons.....	79

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ

ГЛАВНЫЙ РЕДАКТОР:

Гулямов Саид Саидахарович – доктор юридических наук, профессор.

ЧЛЕНЫ РЕДКОЛЛЕГИИ:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – д.ю.н., профессор.

Рахимов Фахри Хайдарович – д.ю.н., профессор.

Адилходжаева Сурайё Махкамовна – д.ю.н., профессор.

Оқюлов Омонбой – д.ю.н., профессор.

Имомов Нурилло Файзуллаевич – д.ю.н., доцент.

Эсанова Замира Нормуратовна – д.ю.н., профессор.

Шодманов Фурқат Юсупович – д.ю.н., профессор.

Самарходжаев Ботир Билялович – д.ю.н., профессор.

Шамухамедова Замира Шаисламовна – д.ю.н., доцент.

Эргашев Восит Ёқубович – к.ю.н., доцент.

Холмўминов Жуманазар Тоштемирович – д.ю.н., профессор.

Файзиев Шухрат Хасанович – д.ю.н., профессор.

Махкамов Отабек Мухтарович – д.ю.н.

Зуфаров Рустам Ахмедович – д.ю.н., профессор.

Мухитдинов Фахриддин Мухитдинович – д.ю.н., профессор.

Тошев Бобоқул Норқобилович – д.ю.н., профессор.

Рустамбеков Исламбек Рустамбекович – к.ю.н., доцент.

Для получения информации просим обращаться:

Гулямов Саид Саидахарович,
Рустамбеков Исламбек Рустамбекович
ТГЮУ, кафедра Бизнес право,
Совет молодых ученых.
Республика Узбекистан, Ташкент, 100047,
ул. Сайилгох, 35. Тел.: 233-66-36 (1073).

Электронная версия "Обзор законодательства Узбекистана" размещена на Интернет сайте:
www.lawreview.uz

Журнал включен в список Высшей Аттестационной Комиссии Кабинета Министров Республики Узбекистан в 2013 г.

Результаты, заключения, толкования, выраженные в этом документе, принадлежат только их авторам и не отражают политики или мнения Республики Узбекистан или Ташкентского государственного юридического университета.

Опубликовано в 2017 г.

Авторские права принадлежат Ташкентскому государственному юридическому университету. Все права защищены. Публикация может производиться, распространяться или передаваться в какой-либо форме с разрешения Ташкентского государственного юридического университета. По вопросам воспроизведения обращаться в Ташкентский государственный юридический университет. Республика Узбекистан, Ташкент, 100047, ул. Сайилгох, 35.

ISSN 2181-8118

Ответственный секретарь: **И.Рустамбеков**

Издательский редактор: **Н.Ниязова**

Технический редактор: **Ш.Хужаев**

Лицензия № 02-0074

Подписано к печати – 03.07.2017

Уч.- изд. лист. – 5

Отпечатано в типографии «IMPRESS MEDIA»

Тираж – 100

**НАУЧНЫЙ-АНАЛИТИЧЕСКИЙ
ЖУРНАЛ**

2/2017

СОДЕРЖАНИЕ

ГОСУДАРСТВЕННОЕ ПРАВО И УПРАВЛЕНИЕ

Х.Хайитов Вопросы совершенствования экспертного обеспечения законотворчества в укреплении правовых основ демократических реформ	5
И.Турабоев Отдельные вопросы совершенствования порядка налогообложения нерезидентов юридических лиц	8
Б.Кодиров Особенности правовых отношений между субъектами системы высшего образования	10
С.Садиков Совершенствование правовых основ системы «Электронное правительство» в Узбекистане.....	13
И.Эргашев Административная ответственность за нарушение налогового законодательства и основа для её применения	16
А.Абдусаттаров Эколого-правовая трактовка конституционных полномочий Правительства Республики Узбекистан.....	19
Д.Артиков Некоторые вопросы административной ответственности юридических лиц.....	22

ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО И ГРАЖДАНСКИЙ ПРОЦЕСС

Н.Ашурова Условие и порядок пользования имуществом поставленное под залог в предпринимательской деятельности.....	25
Г.Узакова Условие и порядок пользования имуществом поставленное под залог в предпринимательской деятельности.....	29
Н.Ражабов Некоторые вопросы правового регулирования механизма экологической сертификации.....	33
Х.Садиков Некоторые теоретические вопросы этапов развития процессуальной системы земельного права	36
Х.Кучкарров Вопросы оптимизации этапов гражданского процесса	39
Д.Атаджанова Вопросы запрещения дискриминации в сфере труда и занятий женщин и лиц, занятых исполнением семейных обязанностей.....	41
Б.Худайбергенов Законодательство о банкротстве: реабилитация и ликвидация.....	44

УГОЛОВНОЕ ПРАВО И УГОЛОВНЫЙ ПРОЦЕСС

Г.Тулаганова Некоторые вопросы, возникающие при погашении судимости	47
Б.Хидоятов Уголовно-процессуальные функции досудебного производства	52
Д.Базарова Международно-правовые акты ООН, регулирующие государственную защиту участников уголовного процесса	54
А.Мухитдинов О развитии положений об органах предварительного расследования и о статусе следователя в УПК Узбекской ССР 1929 года	58
Ш.Жалолов Значение судебной экспертизы при расследовании взяточничества	60
Р.Алтиев Некоторые аспекты уголовной ответственности заключение сделки вопреки интересам Республики Узбекистан.....	62
М.Курбанов Особенности уголовной ответственности должностных лиц	66
Г.Янгиев Доказательство – самый важный источник института доказывания	68

МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВЫЕ ОТНОШЕНИЯ

С.Адилходжаева Совершенствование законодательных основ интеграции Республики Узбекистан в общий рынок СНГ	71
И.Рустамбеков Роль и значение двусторонних соглашений о поощрении и взаимной защите инвестиций в Республике Узбекистан в привлечении иностранных инвестиций.....	73
Д.Умархонова Вопросы правового регулирования в Республике Узбекистан передачи и принятия лиц, осужденных к лишению свободы, для дальнейшего отбывания наказания в государстве, гражданами которого они являются	76
А.Саидов Универсальные международно-правовые стандарты обращения с заключенными в местах лишения свободы.....	79

Х.С.Хайитов,

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси докторанти, ю.ф.н.

ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШДА ҚОНУН ИЖОДҚОРЛИГИ ЭКСПЕРТЛИК ТАЪМИНОТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: мақолада демократик ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашда қонун ижодкорлиги экспертлик таъминотининг аҳамияти, қонунчилик базаси, экспертиза турлари ва уларни амалга ошириш зарурати ёритилган ҳамда экспертлик таъминотини амалга ошириш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: экспертиза, эксперт, қонун ижодкорлиги, қонун лойиҳаси, қонунчилик техникаси, ҳуқуқий экспертиза, экспертиза ўтказиш механизми.

Аннотация: в статье раскрыта значения экспертно-го обеспечения законотворчества в укреплении правовых основ демократических реформ, законодательной базы, виды экспертизы, важность их реализации, а также разработаны предложения по совершенствованию механизма реализации экспертного обеспечения.

Ключевые слова: экспертиза, эксперт, законотворчество, проект закона, законодательная техника, юридическая экспертиза, механизм проведения экспертизы.

Abstract: this article sheds light on the significance of provision of lawmaking expertise service in strengthening the legal bases of democratic reforms, its legislative basis, kinds of expertise and their actuality. Some suggestions for improvement of the mechanism of realization of provision of the expertise have been made.

Key words: expertise, expert, lawmaking, draft laws, legislative techniques, legal expertise, mechanism of carrying out expertise.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллигида давлат ва жамият ҳаётининг турли соҳаларида улкан ютуқларга эришганимизни фахр билан эътироф этамиз. Мамлакатимиз тарихида муносиб ўчмас из қолдирган мазкур йиллар давомида Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг “ўзбек модели” асосида амалга оширилган туб ислохотлар самараси ўлароқ ҳаётимиз сифати, мамлакатимиз қиёфаси тубдан ўзгарди, ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча йўналишлари бўйича оламшумул ютуқ ва натижаларга эришилди, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очиқ демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида улкан ишлар амалга оширилди ҳамда салмоқли натижалар қўлга киритилди.

Айни вақтда мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлини чуқур таҳлил этиш асосида янги-янги вазифаларни амалга ошириш ва мақсадларни рўйбга чиқариш долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Мазкур йўналишда жамият турли тармоқларида тараққиётга салбий таъсир этаётган омилларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича асослантирилган таклифлар ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этади.

Таъкидлаш лозимки, бугун мамлакатимизда ўзига хос замонавий миллий ҳуқуқий тизим шаклланишини ҳақли равишда қайд этамиз. Айниқса, Конституциямизда белгиланган принциплар нормалар асосида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилинаётганлиги уларнинг ягоналиги ва самарадорлигини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Шунингдек, қонун ижодкорлигини амалга ошириш бўйича қонунчилик ва амалиётнинг доимий такомиллаштирилиб борилаётганлиги қонун ижодкорлиги соҳасида бой тажрибангиз шаклланишига асос бўлди. Буни биргина қонун ижодкорлиги экспертлик таъминотининг ҳуқуқий ва ташкилий асослари яратилганлиги мисолида ҳам кўриш мумкин. Ушбу йўналишда бир қанча қонун ва қонун ости ҳужжатлари, яъни Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги, “Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида”ги, “Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритиладиган қонун лойиҳаларини ва Олий Мажлис Сенатига тақдим этилган қонунларни юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш қоидалари, Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти, қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш бўйича дастурларни тайёрлаш ва қабул қилиш, шунингдек, уларнинг бажарилиши мониторинги тартиби тўғрисидаги низом қабилар шулар жумласидандир.

Илм-фанда ишлаб чиқаришнинг муайян соҳаларини экспертлик таъминлашнинг зарурати бўйича кўплаб тадқиқотлар амалга оширилди. Шу билан биргаликда, ҳозирги замон фанида муайян соҳадаги билимлардан жамиятнинг барча соҳаларида самарали фойдаланиш муҳим зарурият сифатида эътироф этилади. Бу ҳақда ҳуқуқшунос М.К.Нажимов ва Ш.Сайдуллаевлар таъкидлашчи, ушбу зарурият экспертотократия, меритократия концепцияларида ўз аксини топган. Мазкур концепцияларга кўра, келажакда жамиятни оқилона бошқариш муаммолари профессионал ва ижодий бошқарув элитаси бўлган экспертларни шакллантириш йўли билан ҳал этилиши мумкин.

Бу ёндашув туфайли қонун ижодкорлиги жараёнида сиёсий ҳокимият амалиёти билан эксперт амалиётининг ўзаро нисбати муаммоси юзага келади. Мазкур муаммонинг таҳлили кўрсатишича, эксперт фаолияти субъекти ва ҳокимият ваколатларига эга бўлган субъектнинг фарқлиниши эксперт фаолиятининг ўзига хос хусусиятларидан биридир. Аслида бу муаммога сиёсий ҳокимият ва эксперт фаолиятининг аста-секин яқинлашиш жараёни сифатида тушуниладиган экспертиза ва эксперт фаолиятининг институционаллашуви жараёни нуқтаи назаридан ёндашиш мақсадга мувофиқ бўлади [1, 87-б.]. Ушбу ёндашувни ижобий баҳолаймиз. Шунингдек, қонун ижодкорларининг фаолиятида уларнинг мустақил қарор қабул қилиш ҳуқуқини инкор қилмаган ҳолда мазкур фаолиятни кучайтиришга хизмат қиладиган экспертлик тузилмаларининг фаолияти жуда ҳам зарур эканлигини қайд этиш лозим. Бунда экспертлар ўз асослантирилган хулосаларини мустақил тарзда шакллантирадилар.

Мутахассислар экспертизани амалга оширувчи субъектга қараб экспертиза турлари фарқлиниши мумкинлигини қайд этадилар [2, 28-б; 3, 4-11-блар; 4, 33-б.]. Айтайлик, давлат органи ёки муассасаси қарорига биноан давлат ташкилоти томонидан ўтказиладиган экспертиза, табиийки, давлат экспертизаси саналади. Жамоат ташкилоти томонидан амалга оширилувчи экспертиза, уни ўтказиш тўғрисидаги қарорни давлат органи ёки муассасаси ёхуд жамоат ташкилоти қабул қилишидан қатъи назар, жамоат экспертизадир. Ёки ваколатли органининг мурожаати билан хорижий давлатлар ёки халқаро ташкилотлар илмий муассасалари томонидан ўтказиладиган экспертиза халқаро экспертиза ҳисобланади.

Шу ўринда экспертиза тушунчасига аниқлик киритиш лозим. “Экспертиза” сўзи латинча “*expertus*”, яъни “синов” сўзидан келиб чиққан [5, 67-б.] ва ечими турли соҳаларда махсус билимларга эга бўлишни талаб қилувчи муайян масалаларни мутахассис (эксперт) томонидан ўрганишни ёки бирон-бир масалани эксперт ёки экспертлар гуруҳи томонидан ҳулоса бериш учун кўриб чиқишни англатади [6, 330-б.].

Экспертиза ўрганувчи предмет ёки эксперт (экспертлар) олдига қўйилган масалалар билан боғлиқ бўлган билим, фан, техника ёки санъат соҳалари (тармоқлари, кичик тармоқлари) экспертиза турларини таснифлашда муҳим асос ҳисобланади [7, 150-б.].

Жамият ҳаёти соҳа ва тармоқлари хилма-хиллиги, ижтимоий эҳтиёжларнинг ранг-баранглиги экспертизани турли асосларда таснифлаш, яъни турларга ажратиш имконини беради. Модомики шундай экан, экспертизанинг кенг тарқалган турлари орасида биологик, санъатшунослик, тарихий, юрислингвистик, халқаро-ҳуқуқий, илмий, патент, ҳуқуқий, кримнологик, техник, филологик, молиявий, иқтисодий, этнографик, экологик йўналишлардаги экспертизаларни қайд этиш мумкин [1, 89-б.].

Қонун ижодкорлиги натижасида қабул қилинган қонунлар жамиятнинг барча соҳаларини тартибга солади. Шу боис мазкур жараёнга турли соҳалар бўйича махсус билимга эга бўлган экспертларнинг таклиф этилиши ва уларнинг ҳулосаси асосида қонун лойиҳаларининг такомиллаштирилиши қонунларнинг таъсирчанлиги ҳамда сифатини таъминлашнинг муҳим шартидир.

Қонун лойиҳалари экспертизаларини ушбу лойиҳаларнинг мураккаблик даражасига кўра ҳам таснифлаш мумкин [8, 157–173-блар.]. Шундай қилиб, комплекс ва ихтисослаштирилган экспертизалар фарқланади [9, 16-б.]. Башарти қонун лойиҳаси қонун йўли билан тартибга солишнинг бир неча соҳасига дахлдор бўлса, тегишли соҳалар мутахассислари иштирокида комплекс экспертиза ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади. Қонун йўли билан тартибга солишнинг фақат бир соҳаси тармоғига тааллуқли бўлган қонун лойиҳаларига нисбатан ихтисослаштирилган экспертиза ўтказиш лозим бўлади.

Таъкидлаш лозимки, қонун ижодкорлиги жараёнида ўтказилувчи экспертизаларнинг аксарияти комплекс хусусият касб этади. Уларни ўтказишда қонунчиликнинг турли соҳаларига ихтисослашган экспертлар иштирок этишади. Зеро, малакали мутахассис бўлган экспертлар соҳа (тармоқ) эҳтиёжларини, унинг камчиликларини, етилган

муаммоларини яхши билишади. Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов ҳақли равишда қайд этиб ўтганидек: “Қонунлар ҳаётий, амалиёт билан узвий боғлиқ бўлиши ва ундан келиб чиқмоғи керак” [10, 320-б.]. Шу билан бирга, бунда муайян соҳа ёки идоравий манфаатлар устун бўлишига йўл қўйилмаслик ҳам муҳим вазифа ҳисобланади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари лойиҳалари турларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, улар экспертизасини ташкил этиш қонун ижодкорлиги фаолияти сифати ва самарадорлигини янада ошириш имконини беради.

Бу ҳақда, ҳуқуқшунос Ў.Муҳамедов тўғри таъкидлаганидек, экспертиза турлари, шакллари ва вазифалари ҳамда ҳозирги фан ва техника имкониятларига суянувчи эксперт технологиялари, ранг-баранглигига қарамай, уларнинг ҳаммаси қонун доирасида амалга оширилиши ва эксперт фаолиятининг асосий принципларига бўйсунуши лозим [11, 6–7-блар.].

Биз ҳам ушбу фикрга қўшилган ҳолда мамлакатимизда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари лойиҳалари экспертизасини ташкил этиш бўйича мазкур жараёнларни тартибга солувчи махсус қонун қабул қилишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Бундан ташқари, мазкур фаолият билан шуғулланувчи тузилмаларни ташкил этиш ёки амалда мавжудларининг фаолиятини такомиллаштириш муҳим вазифалардан биридир. Маълумки, қонун ижодкорлиги ташаббусини илгари суришдан бошлаб уни қабул қилгунча қонун лойиҳалари чуқур таҳлиллардан ўтказилади. Ушбу жараёнларда махсус билимга эга экспертларнинг жалб этилиши қонун ижодкорлиги сифатини оширишнинг муҳим омилдир. Шунингдек, қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклифларни ишлаб чиқиш билан шуғулланадиган махсус илмий-тадқиқот тузилмаларини тузиш ҳам долзарб аҳамиятга эга.

Бу ҳақда муаллифлар жамоаси томонидан нашр этилган Давлат қурилиши ва бошқаруви қўлланмасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёки Адлия вазирлиги қошида ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш ва қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш билан шуғулланадиган Ҳуқуқий сиёсат ва қонунчилик илмий-тадқиқот институтини ташкил этиш бўйича таклиф илгари сурилган [12, 299-б.]. Биз ҳам ушбу таклифга қўшилган ҳолда қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича махсус илмий-тадқиқот институтининг ташкил этилиши қонунлар сифатини янада оширишга хизмат қилади, деб ҳисоблаймиз.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги Фармони билан тасдиқланган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантириш, хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ҳамда диний бағрикенглик муҳитини таъминлашга қаратилганлиги билан давлат ва жамият ҳаётини янада ривожлантиришда ғоят долзарб аҳамиятга эга. Ҳаракатлар стратегиясининг биринчи устувор йўналишлари қаторида қабул қилинаётган қонунларнинг амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий,

ижтимоий-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ ислоҳотлари жараёнига таъсирини кучайтиришга йўналтирилган ҳолда қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини тубдан ошириш вазифаси келгуси беш йил давомида амалга ошириладиган долзарб вазифа сифатида белгиланган.

Шунингдек, 2017 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталарининг ахборот-таҳлил ва тадқиқот фаолиятини кучайтиришга қаратилган таркибий бўлинмаларини тузиш вазифаси белгиланди. Ўйлаймизки, ушбу чора-тадбирлар парламентимиз қонун ижодкорлиги самарадорлигини оширишга ижобий таъсир кўрсатади [13].

Ушбу йўналишдаги ишларни янада ривожлантириш лозим. Мазкур белгиланган вазифа ҳам қонун ижодкорлигининг бир қатор долзарб вазифаларининг ечимини топишга хизмат қилиши шубҳасиз. Мазкур вазифаларни амалга оширишга йўналтирилган қўйидаги таклифларни илгари суриш мумкин. Бизнингча, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Илмий-тадқиқот маркази фаолиятини йўлга қўйиш лозим. Мазкур марказ таркибида бир қатор ихтисослашган бўлимларни тузиш талаб этилади. Айниқса, Ҳуқуқий экспертиза, Иқтисодий экспертиза ва Тил хизмати бўлимлари фаолиятини йўлга қўйиш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, қонунлар сифатини таъминлашда қонун ижодкорлиги жараёнининг экспертлик таъминоти муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, қабул қилинаётган қонунларнинг илмий асосларини чуқур ўрганадиган махсус тузилмаларнинг фаолият юритиши қонун лойиҳаларининг чуқур илмий асосланган ҳолда қабул қилинишига хизмат қилади. Бу эса қонунлар сифатини ошириб, мамлакатимизда қонун устуворлиги ва фуқароларимизда юксак ҳуқуқий маданият шаклланишига самарали таъсир кўрсатади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Нажимов М.К. Сайдуллаев Ш.А. Қонунчилик техникаси. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДҶОИ, 2008. – Б. 87,89.
2. Жумаев А., Кушакаев Б. Қонун лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш муаммолари. – Тошкент: Олий суд ахборотномаси. –2006, – № 2. – Б. 28.
3. Адилкариев Х.Т., Рустамов П.А. Научно-информационное обеспечение законодательства в Республике Узбекистан // Ҳуқуқ – Право – Law. – 2000, – № 3. – С. 4–11.
4. Татишвили Т.М. Конституционно-правовые аспекты экспертного сопровождения законодательной деятельности: Дис. ... канд. юрид. наук – Москва, 2016. – С. 33.
5. Бартошек М. Римское право: понятия, термины, определения. – М.: Юридическая литература, 1989. – С. 67.
6. Тихомиров М.Ю. Юридическая энциклопедия. 3-е изд. – М., 1995. – С. 330.
7. Поленина С.В. Законодательство в Российской Федерации. – М.: Юридическая литература, 1996. – 150 бет.
8. Тихомиров Ю.А. Правотворчество. Общая теория государства и права. Академический курс. – М., 1998. – С. 157–173..
9. Радулгин Н.В. Правовая экспертиза проектов федеральных законов. – М., 2001. – С. 16.

10. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 320.

11. Муҳамедов Ў. Қонун ҳужжатлари лойиҳалари экспертизасининг назарий ва амалий муаммолари // «Қонунчилик ҳужжатларини экспертиза қилиш муаммолари» мавзусидаги илмий-амалий семинар материаллари / Масъул муҳаррир: Ф.Ҳ.Отахонов. – Т., 2005. – Б. 6–7.

12. Давлат қурилиши ва бошқаруви. Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси. – Т.: Фафур Фулом, 2007. – Б. 299.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

И.Қ.Тўрабоев,
ТДЮУ ўқитувчиси

НОРЕЗИДЕНТ ЮРИДИК ШАХСЛАРГА СОЛИҚ СОЛИШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЛОҲИДА МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: мазкур мақолада норезидент юридик шахсларга солиқ солиш тартибини такомиллаштиришнинг назарий-амалий жиҳатлари тадқиқ этилган. Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигига резидент солиқ тўловчининг назорат қилинувчи чет эл ташкилоти фаолиятига солиқ солиш бўйича тайёрланган қонун лойиҳаси таҳлили ҳамда уни такомиллаштириш бўйича таклиф ва мулоҳазалар берилган.

Калит сўзлар: солиқ резиденти, норезидент, назорат қилинувчи чет эл компанияси, солиқ тўловчи, солиқ солиш.

Аннотация: в данной статье исследованы теоретические и практические аспекты совершенствования порядка налогообложения нерезидентов юридических лиц. Проанализирован проект закона о внесении в налоговое законодательство Республики Узбекистан, предусматривающий налогообложение, контролируемой иностранной организацией налогового резидента Республики Узбекистан. Даны предложения по совершенствованию законопроекта.

Ключевые слова: налоговый резидент, нерезидент, контролируемая иностранная компания, налогоплательщик, налогообложение.

Abstract: in this article the author made research on theoretical and practical aspects of developing of taxation nonresident legal entities. The author has analyzed draft Law on taxation of controlled foreign companies of Uzbek tax residents and his recommendations on further developing of this draft law.

Key words: tax resident, nonresident, controlled foreign company, taxpayer, taxation.

Солиқлар даражаси юқори бўлган мамлакатларда фаолият юритувчи компаниялар, асосан, компаниялар гуруҳлари мазкур компания гуруҳига тушадиган умумий солиқ юқини пасайтириш мақсадида оффшор зоналарда яна бир корхона очиб, компаниялар гуруҳи томонидан олинган даромадларни, асосан пассив даромадларни тўплаш ҳамда ўзи резидент ҳисобланувчи давлатга мазкур даромадлардан солиқ тўлашдан иложи борича қочишга ҳаракат қиладилар. Бундай хатти-ҳаракатлар, асосан ўзининг бир қанча компаниялар тармоқларига эга бўлган компаниялар гуруҳи томонидан амалга оширилади.

Қуйида компаниялар гуруҳлари томонидан фойда солиғини тўлашдан бўйин товлash бўйича амалда қўлланиладиган схемалардан бирини кўриб чиқамиз. Масалан, Германия резиденти бўлган юридик шахсмаиший электрон буюмлар ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келади. Германияда ушбу маҳсулотни сотишдан тушган даромадни тўлашдан қочиб уларни оффшор ҳудуд ҳисобланувчи Бермуд оролларидаги ўзининг 100% акцияларига эгалик қилувчи шўба корхонасига маҳсулотини ўз таннархида сотади. Албатта, маҳсулотни ўз нархида сотгандан сўнг фойда олмайди ва компания

Германияда ушбу битим натижасида солиқ тўламайди. Бермуд оролидаги компания ушбу маҳсулотни энди ўзининг шўба корхонаси ҳисобланувчи Ҳиндистондаги компанияга бозор нархида сотади, мазкур компания энди маҳсулотни бозор нархида сотса ҳам даромад олмайди ва даромад солиғи тўламайди. Фақатгина Бермуд оролида жойлашган компания даромад олади, аммо ушбу ҳудуд оффшор ҳудуд бўлгани учун у фойда солиғи тўламайди. Агар худди ўша Германия компанияси Бермуд оролидаги ўзининг шўба корхонасига интеллектуал мулк объектга олган патентни ўтказса ва мазкур шўба корхона патентдан фойдаланиш натижасида олинадиган роялтилардан ҳам Бермуд оролларида солиқ тўламайди ва натижада Германия солиқ резиденти олиши мумкин бўлган даромад оффшор ҳудудда тўпланади.

Шунга ўхшаш солиқларни режалаштириш схемалари натижасида ўзаро боғлиқ компаниялар занжиридаги битимлардан олинадиган фойда солиғи суммаси оффшор ҳудудда тўпланиб қолади.

Юқорида кўриб ўтилган солиқ солишдан бўйин товлash бўйича ҳаракатларни амалга оширишни чеклаш мақсадида жаҳоннинг кўпгина давлатларида резидент солиқ тўловчилар томонидан солиқ тўловлари паст даражадаги ёки умуман солиқ олинмайдиган ҳудудларда, яъни оффшор ҳудудларда компаниялар ташкил этиб, ўз мамлакатидан солиқларни тўлашдан бўйин товлashни олдини олишга қаратилган “назорат қилинувчи чет эл компаниялари” қондаси (инг. controlled foreign company rules) ишлаб чиқилган ва амалиётга киритилган.

Мазкур қондалар ва қонунларнинг асосий моҳияти мамлакат иқтисодиётини деоффшоризациялаш, яъни даромадларни солиқлар даражаси паст бўлган ёки умуман солиқ тўланмайдиган ҳудудларга ўтказилишига тўсқинлик қилиш ҳамда оффшор ҳудудларда рўйхатга олинган компаниялар орқали солиқ солишдан бўйин товлash билан курашишга қаратилган. Шунинг таъкидлаб ўтиш зарурки, баъзи мамлакатларнинг қонунчилиги нафақат оффшор ҳудудларда, балки дунёнинг барча давлатларида ташкил этилган компаниялар оладиган даромадига солиқ солишга қаратилган.

Назорат қилинувчи чет эл компаниялар қондаси илк бора 1962 йилда АҚШда амалга киритилган. АҚШ Ички Даромадлар кодекси (Internal Revenue Code)га киритилган қўшимчаларга кўра назорат қилинувчи компаниянинг баъзи даромадлари уни назорат қилувчи АҚШ акциядорининг жами даромадларисирасига киритилиши ва ушбу даромадлардан солиқ тўлашнинг назарда тутати [1].

Орадан кўп ўтмай бошқа ривожланган давлатлар, жумладан, Германия (1972 йил), Канада (1975 йил), Япония (1978 йил), Франция (1980 йил) ҳамда Буюк Британия (1984 йил) давлатлари мазкур қондаларни ўз солиқ қонунчилигига татбиқ этганлар [2, 25-р]. Ҳозирги пайтда жаҳоннинг 30 дан ортиқ давлатларида назорат қилинувчи чет эл компаниялари қондаси қўлланиб келинмоқда.

Россия Федерациясида ҳам солиқларни тўлашдан бўйин товлash мақсадида кўплаб компаниялардан оффшор ҳудудлардаги компаниялар орқали битимлар схемаларини амалга ошириши туфайли жуда катта маблағлардан солиқ олинмай келган. Масалан, Россия Банки берган маълумотларга кўра Россия Федерацияси компаниялари томонидан 2007 йил

давомида чет элга 46,3 млрд АҚШ доллари миқдориди инвестиция киритилган бўлса, уларнинг аксар қисми оффшор ҳудудларга, масалан, Кипрга 15,3 млрд АҚШ доллари, Бермуд оролларига эса 2,7 млрд АҚШ доллари, Нидерландия қироллигига эса 12,7 млрд АҚШ долларидасармоя, яъни мамлакатдан олиб чиқиб кетилган капиталнинг 71 фоизига тўғри келган [3]. Юқорида кўрсатилган ҳолатлар натижасида мамлакатда солиқ резидентлари томонидан солиқ тўлашдан бўйин товлашни олдини олиш мақсадида “назорат қилинувчи чет эл компаниялари” қоидасини амалга киритиш бўйича ҳаракатлар бошланди.

Россия Федерациясида ҳам 2015 йил 1 январидан бошлаб “назорат қилинувчи чет эл компаниялари” қоидаси амалга киритилди, яъни мамлакат Солиқ кодексига мазкур жараённи тартибга солувчи нормалар киритилди [4].

Ўзбекистон Республикасида мамлакат солиқ резидентлари томонидан бошқариладиган ёки назорат қилинадиган норезидент юридик шахсларнинг оффшор ҳудудлардаги фаолияти натижасида оладиган даромадларига солиқ солишни такомиллаштириш мақсадида амалдаги солиқ қонунчилигига “назорат қилинувчи чет эл ташкилотлари” институти ва мазкур чет эл компанияларидан олинган даромадларга солиқ солиш қоидасини амалга киритиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган ҳамда мазкур қоидаларни ўз ичига олган “Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонуни лойиҳаси 2016 йил 22 февралдан 8 мартга қадар www.regulation.gov.uz Ўзбекистон Республикаси норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг муҳокамаси порталида муҳокама учун кенг омма эътиборига тақдим этилди.

Мазкур қонунчилик ташаббуси Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида фаолият юритувчи корхоналарга эгаллик қилувчи ёки уларни назорат қилувчи юридик ва жисмоний шахслар даромадларига солиқ солишни тартибга солишга қаратилгани учун анча муҳим ва аҳамиятли ҳисобланади. Мазкур қонун лойиҳаси амалдаги Солиқ кодекси 22-моддасига, яъни Солиқ кодексига қўлланиладиган асосий тушунчалар сирасига “солиқ резиденти” тушунчасини киритишни назарда tutади. Таклиф этилаётган қонун лойиҳаси қоидаларига кўра *“солиқ резиденти – фойда (даромад) олиш мақсадида ўзлари томонидан назорат қилинувчи чет эл ташкилотлари устав капиталда акцияларга, улушларга эгаллик қилувчи ҳамда назорат қилувчи шахс ҳисобланувчи Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган жисмоний ва юридик шахслардир”*. Мазкур солиқ резиденти тушунчаси юридик шахслар учун муаммо туғдирмасда, жисмоний шахслар учун бирмунча аниқлик киритилишини талаб этади. Чунки амалдаги Солиқ кодексига, умуман халқаро тан олинган жисмоний шахсларга солиқ солиш принципларида уларни “инкорпорация” принципи, яъни рўйхатдан ўтиш принципи эмас, балки “резидентлик” принципи қўлланиб келинади. Бунда жисмоний шахсларнинг муайян мамлакат ҳудудида қанча муддат доимий бўлиб туришига асосланиб аниқланади. Амалдаги қонунчиликка кўра Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турган ёки жорий солиқ даврида яқунланаётган ҳар қандай кетма-кетликдаги ўн икки ойлик давр ичида

жами бир юз саксон уч кундан ортиқ муддат Ўзбекистон Республикасида турган жисмоний шахс Ўзбекистон Республикаси резиденти деб ҳисобланади. Агар қонун лойиҳасида белгиланган тарзда солиқ резиденти тушунчаси қабул қилинадиган бўлса, жисмоний шахсларни солиқ резиденти ҳисобида рўйхатдан ўтказиш муаммоси пайдо бўлади. Агар амалдаги Солиқ кодексига тушунча бўйича, яъни жисмоний шахсни мамлакат ҳудудида маълум бир муддат бўлиб туришига қараб белгиланса, Ўзбекистон Республикасига маълум муддатга, айтайлик 1 йилга фаолият юритгани келган чет эл фуқароси ўзининг назорат қилувчи компанияси бўйича солиқ тўлаши ҳамда маълумотлар тақдим этишига тўғри келади. Шунинг учун жисмоний шахс солиқ резидентларининг мамлакат ташқарисидаги активларига, жумладан улар томонидан назорат қилинувчи компаниялар даромадларига солиқ солишда мазкур солиқ резидентнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қанча вақт давомида бўлиб туришлик даврига қараб даражаланса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Масалан, Буюк Британия CFC rules (назорат қилинувчи компаниялар қоидаси) га кўра недомцилийлар, яъни чет элликларнинг Буюк Британия ҳудудидан ташқарисидаги активларига 7 йилгача солиқ солинмайди [5]. Ундан кейинги йилларда эса маълум бир суммадан солиқ тўлашга тўғри келади.

Қонун лойиҳаси амалдаги Солиқ кодексига 114-1-моддасини, яъни Солиқ резиденти солиқ солиш базасига назорат қилинувчи чет эл компаниясидан ҳисобланган фойда улушини киритмаганлиги учун жавобгарлик назарда тутувчи моддани киритишни ўз ичига олган. Агар солиқ резиденти назорат қилинувчи чет эл компаниясидан ҳисобланган фойда улушини ўзининг солиқ солиш базасига киритмаганлик сабабли солиқ тўламаса ёки тўла миқдорда тўламаса назорат қилинувчи чет эл компаниясидан ҳисобланган фойда улушининг 20% миқдориди жарима тўлаши назарда тутилган.

Албатта, ҳар бир мамлакатнинг мазкур қоидаларнинг қабул қилишидан мақсади унинг ҳуқуқ тизимига кўра турличадир. Масалан, АҚШда назорат қилинувчи компаниялар қоидасига кўра нафақат оффшор ҳудудларда рўйхатдан ўтган, балки дунёнинг ҳар қандай мамлақатида фаолият олиб бораётган назорат қилинувчи компаниялар тушунилади. Баъзи мамлакатларда эса оффшор ҳудудлар рўйхати белгиланса, баъзиларида эса оффшор ҳудудлар ҳамданазорат қилинувчи компаниялар даромад солиғи олинмайдиган давлатлар рўйхатлари ҳам тасдиқланади.

Юқоридаги қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш ва Ўзбекистон Республикасида назорат қилинувчи чет компаниялар тўғрисидаги қоидаларни амалиётга киритиш учун қуйидагиларни амалга ошириш зарур деб ҳисоблаймиз.

Биринчидан, солиқ қонунчилигига киритилиши таклиф этилаётган “солиқ резиденти” тушунчасидаги жисмоний шахс мақомини қайта кўриб чиқиш зарур. Бунда мазкур тушунчани умумэтироф этилган принципларга ҳамда амалдаги Солиқ кодексига норезидент тушунчаси билан боғлаш зарур. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси солиқ резидентимақомини олувчи чет эл жисмоний шахсларининг назорат қилувчи ташкилотлардаги акция

ва улушларидан олинадиган даромадларга солиқ солишда уларнинг мамлакатда бўлиб туришларини инобатга олган ҳолда амалга оширишни ҳам кўриб чиқиш ва бу бўйича халқаро тажрибани ўрганиб чиққан ҳолда мажбурий “солиқ резиденти” тушунчасига ўзгартириш киритилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси солиқ резидентининг назорат қилинувчи чет эл ташкилотининг қандай фойдаси (даромади)га солиқ солинишига ҳам аниқлик киритиш зарурдир. Назорат қилинувчи чет эл компаниялар тўғрисида қоидаларни қабул қилган давлатларнинг асосий қисмида фақатгина назорат қилинувчи чет эл компанияларининг пассив даромадлари (дивиденд, роялти ва бошқалар) ҳамда уларнинг фақатгина оффшор юрисдикцияларда олинган даромадларига солиқ солинади.

Учинчидан, қонун лойиҳасида қўлланилаётган терминларни бир хиллаштириш зарур. Чунки қонун лойиҳасининг асосий моддаларида “контролируемая иностранная организация” термини қўлланилган бўлса, яна бир жойида “контролируемая иностранная компания” термини қўлланилган.

Умуман олганда, мазкур қоидаларни амалиётга киритиш Ўзбекистон Республикаси солиқ резидентлари томонидан назорат қилинувчи чет эл компанияларининг даромадларига солиқ солиш орқали солиқ резидентларининг солиқ тўлашдан бўйин товлашни олдини олишга ҳамда бунинг натижасида Ўзбекистон Республикаси бюджетининг эҳтимолий йўқотишларини олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар рўйхати:

1. 26 US Code. part 4. Chapter 61. Section 7. Controlled Foreign Corporations.
2. Reuven S. Avi-Yonah, International Tax as International Law: An Analysis of the International Tax Regime, Cambridge University Press, 2007. – P. 25.
3. Старженецкая Л.Н. Правила налогообложения контролируемых иностранных компаний : опыт зарубежных стран и возможность применения в России. // Журнал Налоговед. 2013. – №9.
4. Федеральный закон от 24 ноября 2014 г. № 376-ФЗ “О внесении изменений в части первую и вторую Налогового кодекса Российской Федерации (в части налогообложения прибыли контролируемых иностранных компаний и доходов иностранных организаций)”.
5. Николаева А.Н. Контролируемые иностранные компании: российский законопроект и опыт Великобритании. // Журнал Налоговед. 2014. – №6.

Б.Қодиров,

ТДЮУ мустақил изланувчиси
юридик фанлар номзоди

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ СУБЪЕКТЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Аннотация: мазкур мақолада таълим-тарбия жараёни иштирокчилари ўртасида юзага келадиган ҳуқуқий муносабатларнинг ўзига хос жиҳатлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: таълим, ҳуқуқий муносабат, субъект, таълим жараёни иштирокчилари, олий таълим муассасаси, ҳуқуқ.

Аннотация: в статье проанализированы особенности правовых отношений, возникающих между участниками образовательно-воспитательного процесса.

Ключевые слова: образования, правовые отношения, субъект, участники образовательного процесса, высшее образовательное учреждение, право.

Abstract: the article considers the peculiarities of legal relations that take place between the participants of education and upbringing process.

Key words: education, legal relations, subject, participants of education process, institutions of higher education, law.

Таълим-тарбия жараёнида юзага келадиган муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари таълим субъектлари ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларда намоён бўлади.

Таъкидлаш жоизки, олий таълим муассасаларида фуқароларга олий таълим бериш орқали пайдо бўладиган турли ҳуқуқий муносабатлар ўзига хос хусусиятга эгадир. Олий таълимнинг умумий жиҳатлари ва шу соҳадаги муносабатлар шундан иборатки, бунда мазкур муносабатлар ўзининг мазмуни ва тавсифига кўра муайян йўналиш ҳисобланмайди, яъни муносабатлар ўзининг йўналиши бўйича турли ҳуқуқий соҳаларнинг нормалари орқали тартибга солиниши ҳам мумкин.

Масалан, ота-оналар фарзандларининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиниши арафасида уларнинг билимларини ошириш ҳаракатида бўладилар, ўша пайтда маълум бир олий таълим муассасасининг тайёрлов курслари ёки “репетиторлар” хизматига мурожаат қилишади. Ҳар бир вазиятда ота-оналар у ёки бу субъектлар билан таълим хизматларидан фойдаланиш учун педагогик, фуқаролик, молиявий ва меҳнат муносабатларига киришадилар. Демак, олий таълимга оид муносабатлар нафақат таълим қонунчилиги, балки турли ҳуқуқ соҳаларининг нормалари билан ҳам тартибга солинади.

Шу нуқтаи назардан олий таълим муассасалари, фуқаролар ҳамда бошқа субъектлар ўртасида пайдо бўладиган ҳуқуқий муносабатларни қуйидагича таҳлил қилиш мумкин.

1. Таълим-тарбия муносабатлари. Бунга олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари билан таҳсил олувчи, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахс билан таҳсил олувчи, олий таълим муассасаси билан профессор-ўқитувчи ўртасидаги муносабатлар киради. Шу билан бир қаторда, айрим

олимлар томонидан педагогик муносабатлар таълим тизими муносабатларининг асосийси сифатида эътироф этилади. Бундан ташқари, педагогик муносабатлар нафақат таълим ҳуқуқида, балки педагогика йўналишида ҳам ҳуқуқий тартибга солишнинг предмети дея, қайд этилади. Қолган бошқарув, меҳнат, молиявий ва бошқа муносабатлар иккинчи даражали ёрдамчи муносабатлар ҳисобланади.

Таълим-тарбия ҳақида сўз борар экан, энг аввало, тарбия масаласи менталитетимиздан келиб чиқиб, мамлакатимизга хос бўлган муайян жараён дея эътироф этиш мумкин.

Тарихга назар ташласак, Амир Темур даврида ҳам давлат миқёсида ва шахсан ўзи очган масжид-мадрасаларда билим бериш мазмунининг сифатли бўлишига ҳам катта аҳамият берган. Таълим муассасаларида ёшларга давлатнинг қонун-қоидалари билан бир қаторда тарбия масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, ёшларнинг комил инсон бўлиб етишишини таъминлайдиган масала сифатида қаралган.

Ёш авлодни ота-боболаримизнинг муносиб ворислари бўлиб вояга етишида, XXI аср талабларига ҳар томонлама жавоб берадиган комил инсон бўлиб камол топишларида Соҳибқирон Амир Темурнинг маънавий мероси биз учун доимо қимматли манба бўлиб қолаверади. Демак, бугунги давр талабидан келиб чиқиб, ёшлар муаммоларини ҳал этиш мамлакат тараққиёти ва хавфсизлигининг кафолати экан, миллий тараққиётнинг муҳим вазифаларини ҳал этишда ёшларга таълим-тарбия бериш жараёнида барча зарур шароитларни яратиш, замонавий билим ва касб-хунарга эга, дунё майдонида ўз тенгдошлари билан беллашишга қодир бўлган ёшларни тарбиялаш таълим соҳасида фаолият юритаётган кўп сонли устоз – мураббийлар олдида турган ўта муҳим ва масъулиятли вазифалардан биридир.

2. Бошқарув муносабатлари. Таъкидлаш жоизки, бошқарув давлат пайдо бўлмасдан олдин вужудга келган бўлиб, кимнидир ёки ниманидир ёхуд қандайдир фаолиятни йўналтириш, унга раҳбарлик қилиш маъносини англатади.

Ҳуқуқшунос олим Ю.Н. Стариковнинг фикрича, бошқарув – бошқарув субъектининг бошқарув объектига нисбатан мақсадга мувофиқ ва доимий таъсир этиш жараёни ҳисобланади. Бунда бошқарув объекти сифатида турли хилдаги ҳодисалар ва жараёнлар, жумладан, инсон, жамоа, ижтимоий жамоатчилик, механизмлар, технологик жараёнлар ва бошқалар намоён бўлиши мумкин. Бошқарув субъектининг объектга нисбатан таъсири – бу бошқарув жараёнини таъминловчи механизм, яъни мақсадга мувофиқ ва келишилган ҳолда функцияланувчи ўзаро боғлиқ элементлардир. Бошқарув жараёнидаги бу элементлар орқага қайтиш принципи асосида ягона тизимга бирлашади [1, 19 бет].

Шунингдек, бошқарув бу – ташкил этувчи, ижтимоий бошқарув фаолиятининг бир тури бўлиб, жамиятни ёки бўлмас маълум бир йўналишни бошқаришдир. Унда жамият аъзоларининг биргаликдаги муайян ҳаракатларни бир-бирига мослиги ва интизоми таъминланади.

Турли даражадаги ижро этувчи ва бошқарувчи фаолият давомида ҳўжалик юриштиш, ижтимоий-маданий ва маъмурий, сиёсий, қурилиш, таълим

соҳасидаги вазифаларни бажарувчи кишиларнинг биргаликдаги фаолияти ташкил этилади. Давлат бошқарув органлари бошқариш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишни амалга оширадilar, бошқариладиган тизимларнинг фаолият кўрсатиш билан боғлиқ умумий масалаларни ҳал қиладilar, бошқариш муносабатлари қатнашчиларининг фаолиятларини бирлаштирадilar ва мувофиқлаштирадilar.

Бу каби муносабатларга олий таълим муассасалари билан таълим бўйича давлат бошқарув органлари, олий таълим муассасалари билан маҳаллий давлат ҳокимият органлари, олий таълим муассасасининг турли кўринишдаги бошқарув бўлинмалари (ректорат билан факультет, ректорат билан илмий кенгаш, факультет билан кафедра ва ҳ.к.) ўртасидаги муносабатлар киради. Мазкур муносабатлар хусусиятига кўра ўқув-услубий ва ташкилий характерга эга ҳисобланади.

3. Меҳнат муносабатлари. Бунга иш берувчи сифатида олий таълим муассасаси раҳбарияти билан педагог ходим, давлат бошқарув органлари билан олий таълим муассасасининг раҳбар ходимлари, бошқарув органи аппарати ходимлари ўртасида пайдо бўладиган муносабатлар киради. Бунда иш берувчи билан ходим ўртасидаги муносабатлар меҳнат қонунчилигига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Мамлакатимизда олий таълим тизимидаги меҳнатга оид муносабатлар, хусусан, олий таълим муассасалари раҳбар кадрларини лавозимларига тайинлаш каби ўзига хос хусусиятларга эга.

Олий таълим муассасасининг раҳбари, яъни ректори олий таълим муассасаси бўйсунувчи вазирлик (идора) раҳбарининг тавсиясига кўра, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида лавозимига тайинланади. Олий таълим муассасасининг проректорлари Ўзбекистон Республикаси Президенти девони тегишли хизматининг розилиги асосида олий таълим муассасаси бўйсунувчи вазирлик (идора)нинг буйруғи асосида лавозимига тайинланса, факультет деканлари вазирлик (идора)нинг келишуви асосида олий таълим муассасаси ректорининг буйруғи билан лавозимига тайинланади.

Бундан ташқари, олий таълим муассасалари педагогларини ишга қабул қилишнинг алоҳида механизми жорий қилинган бўлиб, ушбу муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги “Олий таълим муассасаларига педагог ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 20-сонли қарори билан тасдиқланган “Олий таълим муассасаларига педагог ходимларни танлов асосида қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом” [2] билан тартибга солинади.

Шундай экан, меҳнат муносабатлари юқорида қайд этилган жараёнларда яққол намоён бўлади ва ўз ифодасини топади.

4. Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар. Бунга олий таълим муассасалари ходимлари, олий таълим муассасалари билан давлат бошқарув органлари, жамоат ташкилотлари, корхоналар, олий таълим муассасалари билан фуқаролар ўртасидаги мулкӣ, шахсий номулқий муносабатлар киради.

Ҳар қандай ҳуқуқ соҳасининг тартибга соладиган ҳуқуқий муносабатлар доираси мавжуд бўлгани каби

фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар ҳам доимо ривожланишда бўлиб, иштирокчиларнинг тенг ҳуқуқлилиги асосидаги ўзаро алоқаларидан иборатдир.

Фуқаролар ва юридик шахслар ҳар доим турли хил (иқтисодий, маданий, маънавий ва ҳ.к.) эҳтиёжларни қондиришга муҳтож бўладилар. Бу мақсадда улар мулкка эга бўладилар, бир-бирларига турли хил хизматлар кўрсатадилар ва ишлар бажарадилар. Давлат фуқаролик қонунчилиги билан мулккий ва у билан боғлиқ номулкий муносабатларни, фуқаролик-ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг фуқаролик-ҳуқуқий мақомини тартибга солади, мулкдорнинг мулкка эга бўлиш имкониятини яратади ва уларнинг товар-пул муносабатларида иштирокини таъминлайди. Мулккий муносабатлар, шунингдек фуқаролик муомаласидаги муносабатлар иқтисодий қонунлар асосида ривожланади, лекин уларнинг ривожланиши, мустаҳкамланишига давлат фуқаролик-ҳуқуқий нормалар орқали таъсир кўрсатади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, фуқаролик-ҳуқуқий муносабат деб, юридик жиҳатдан тенг бўлган шахслар ўртасида вужудга келадиган ва фуқаролик-ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатга айтилади. Шахслар (давлат бошқарув органлари, олий таълим муассасалари, ходимлар, бошқа ташкилотлар) ўртасида тузиладиган олди-сотди, маҳсулот етказиб бериш, бирор-бир ишни бажариш, ижара, қарз тўғрисидаги шартномалар фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар жумласига киради.

5. Молиявий-ҳуқуқий муносабатлар. Молиявий фаолият, қолаверса, ҳар қандай фаолият соҳасида давлат олдида турган вазифаларни амалга ошириш учун мазкур жараёнда юзага келадиган муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш лозим бўлади. Молиявий-ҳуқуқий нормалар ёрдамида тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар молиявий-ҳуқуқий муносабатлар ҳисобланади.

Молиявий-ҳуқуқий муносабат ҳуқуқий муносабатларнинг муайян бир турини ташкил этиб, ушбу муносабат орқали ҳар қандай ҳуқуқий муносабатга хос бўлган умумий хусусиятларни ўз ичига қамраб олади.

Молиявий-ҳуқуқий муносабат – бу молия ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар бўлиб, унинг иштирокчилари юридик ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади ҳамда нормаларда кўрсатилган давлат пул жамғармаларини ва даромадларини ташкил этиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш бўйича муайян кўрсатмаларни бажаради.

Бу каби муносабатга олий таълим муассасаси билан таъсисчи ёки давлат бошқарув органлари, олий таълим муассасаси билан тегишли молия идоралари, олий таълим муассасаси билан ходимлар ўртасидаги муносабатлар киради.

6. Ижтимоий-таъминот муносабатлари. Инсон, унинг манфаатлари ва эҳтиёжлари уларни ҳар томонлама барқарорлаштириш, изчил ижтимоий ҳимоя сиёсатини амалга ошириш, эркин ва фаровон ҳаётни бунёд этиш, жамият ва шахс манфаатлари ўзаро алоқадорлиги уйғунлигини таъминлаш зарурати билан белгиланади.

Давлатимиз томонидан олиб борилаётган ислохотларнинг барчаси моҳиятан шахснинг турмуш даражасини яхшилашга қаратилган. Шу мақсадда мамлакатимизда иқтисодий ислохотларнинг биринчи босқичларидаёқ Ўзбекистоннинг бозор

муносабатларига ўтишнинг ўзига хос тамойилларидан бири бўлмиш аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялашга киришилди.

Фуқаролар учун зарур ижтимоий-маиший, ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар яратиб бериш уларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликларини амалда таъминлаш орқали рўёбга чиқарилади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳам фуқароларнинг муҳим ижтимоий ҳуқуқларидан бири – ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи алоҳида мустаҳкамлаб қўйилган. Унга кўра ҳар ким кексайганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга.

Бу жараён олий таълим муносабатлари қатнашчилари ўртасидаги пенсия, стипендия, нафақа ва бошқа ижтимоий имтиёزلарга оид муносабатлар орқали намоён бўлади.

7. Оилавий муносабатлар. Ёшларни ҳар томонлама маънавий етук баркамол шахс сифатида тарбиялаш мураккаб ва муҳим вазифалардан бўлиб, оила, таълим муассасалари, маҳалла ва жамоатчилик бу юксак мақсадни амалга оширишда бевосита бирдек масъулдирлар.

Баркамол шахсни тарбиялашда, болани дунёга келганидан бошлаб то вояга етгунга қадар бўлган даврдаги психологик хусусиятларини билиш, туғма лаёқатларини аниқлаш, шунингдек қулай муҳит яратиш, таълим тизимида фаол иштирокини таъминлашда тарбиячилар, педагоглар ва психологлар билан бир қаторда ота-оналар ҳам масъулдирлар.

Таълим муассасасида фаолият кўрсатаётган педагог билим бериш билан бир қаторда таҳсил олувчининг ўқиши, одоби, хулқи, ўзини тутиши каби ҳолатларидан хабардор бўлиб турмоғи лозим. Шунинг учун талаба-ўқувчиларнинг ота-оналари билан алоқа боғлаб, улар билан ҳамкорликни йўлга қўйиши даркор. Шунинг учун ҳам педагогик ахлоқда ўқитувчи билан ота-оналарнинг ўзаро муносабатлари, муомаласига катта эътибор берилади.

Ота-оналар иштироки ахлоқий-тарбия йўналишидаги муносабатлардан ташқари яна бир муҳим жараёнда намоён бўладики, бунда фарзандларини олий таълим муассасаларида ўқитишлари учун тўлов-контракт маблағларини тўлаши орқали ушбу муносабатга киришадилар. Бу ҳам, ўз навбатида, таълим соҳасидаги оила муносабатларининг муайян турларидан бири ҳисобланади.

Юқорида қайд этилганлардан кўриниб турибдики, таълим субъектлари таълим-тарбия жараёнида юзага келадиган ва ўзига хос хусусиятларга эга турли хил муносабатларнинг иштирокчиси бўлишини кузатишимиз мумкин. Дарҳақиқат, ҳар бир таълим субъекти барча муносабатларда иштирок этиши учун айна пайтда ушбу муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар яратилганлигини алоҳида таъкидлаш зарур.

Адабиётлар рўйхати:

1. Бахрах Д.Н., Россинский Б.В., Старилов Ю.Н. Административное право. Учебник для вузов. – М.: Норма, 2004. – 280 с.

2. Олий таълим муассасаларига педагог ходимларни танлов асосида қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2006. – № 6-7, – 36-модда.

С.Садиков,

Самостоятельный соискатель ТГЮУ

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПРАВОВЫХ ОСНОВ СИСТЕМЫ «ЭЛЕКТРОННОЕ ПРАВИТЕЛЬСТВО» В УЗБЕКИСТАНЕ

Аннотация: данная статья посвящена вопросам совершенствования правовых основ системы “Электронного правительства” в Узбекистане. В статье приведены термины и определения, фигурирующие в оценке качества оказания государственных услуг в рамках внедрения “Электронного правительства” в государственное управление.

Ключевые слова: государственные услуги, концепция, информация, онлайн-среда, фронт-офис, трансформация, демократия, гражданское общество, электронное правительство.

Аннотация: мақола Ўзбекистонда “электрон ҳукумат” тизимининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалаларига бағишланган. Мақолада давлат бошқарувига “электрон ҳукумат” тизимини жорий қилиш шароитида давлат хизматларини баҳолашда учрайдиган терминлар ҳамда тушунчалар келтирилган.

Калит сўзлар: давлат хизматлари, онлайн-муҳит, фронт-офис, трансформация, демократия, фуқаролик жамияти, электрон ҳукумат.

Abstract: This article is dedicated to the improvement of the legal framework of the system of "electronic government" in Uzbekistan. The article contains terms and definitions appearing in the evaluation of the quality of public services in the framework of the implementation of "e-government" in the public administration.

Key words: public services, concept, information, online environment, the front office, transformation, democracy, civil society, e-government.

Узбекистан является интегрированной частью глобального тренда по предоставлению услуг электронного правительства. Это означает приближение государственного управления к своим непосредственным клиентам – гражданам и предпринимателям посредством применения электронных услуг к событиям человеческой жизни, а также перемещения процедур регистрации бизнеса в более удобную онлайн-среду. Такие шаги повлекут за собой большие изменения как концептуального, так и практического характера. Становится очевидным из последних изменений в правовой среде в сфере ИКТ в целом и электронного правительства, в частности, что Узбекистан намерен значительно ускорить этап трансформации, уделяя особое внимание развитию фронт-офисов оказания услуг.

Обеспечение государством высокого уровня информированности создает условия для повышения политической активности населения, углубления демократических процессов, в результате чего обеспечивается участие граждан в жизни общества и государства.

Первый Президент Республики Узбекистан И.А.Каримов в своем докладе “Концепция дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества в стране”, выступая на совместном заседании палат Парламента,

подчеркнул: “Обеспечение свободы и прав граждан в информационной сфере, включающие в себя такие составляющие, как свобода и реализация прав на получение, распространение информации и собственных идей, является краеугольным камнем основ построения демократического общества в Узбекистане” [2].

С первых дней обретения нашей страной независимости осуществляются комплексные меры по обеспечению всестороннего развития средств массовой информации и свободы слова. За истекший период было принято более 10 законодательных актов, направленных на создание действенного и эффективного механизма в сфере информации, обеспечения роли и престижа СМИ как “четвертой власти”, повышения качества и активности их работы.

Первоначальной правовой основой обеспечения свободы информации, дальнейшего повышения политической активности граждан и их участия в данных процессах является Конституция Республики Узбекистан [1]. Согласно статье 29 Конституции, «каждый имеет право на свободу мысли, слова и убеждений. Каждый имеет право искать, получать и распространять любую информацию, за исключением направленной против существующего конституционного строя и других ограничений, предусмотренных законом» [1]. Кроме того, в статье 30 Основного закона Республики Узбекистан отмечается: “Все государственные органы, общественные объединения и должностные лица Республики Узбекистан обязаны обеспечивать гражданам возможность ознакомления с документами, решениями и иными материалами, затрагивающими их права и интересы” [1].

Для свободного и полноценного обеспечения каждого человека доступом к информации, к ее использованию, а также защиты персональных данных были приняты Законы Республики Узбекистан “О принципах и гарантиях свободы информации” и “О гарантиях и свободе доступа к информации”. Именно во 2-й части статьи 8 Закона “О принципах и гарантиях свободы информации” закреплена норма: “Органы государственной власти и управления, органы самоуправления граждан, общественные объединения и другие негосударственные некоммерческие организации и должностные лица обязаны в установленном законодательством порядке обеспечивать каждому возможность ознакомления с информацией, затрагивающей его права, свободы и законные интересы, создавать доступные информационные ресурсы, осуществлять массовое информационное обеспечение пользователей по вопросам прав, свобод и обязанностей граждан, их безопасности и другим вопросам, представляющим общественный интерес” [1]. Кроме того, в целях развития и модернизации деятельности СМИ был принят в новой редакции Закон Республики Узбекистан “Об информатизации”, в котором закреплено, что граждане и юридические лица имеют право на получение информации не только в устной или письменной форме, но и с использованием современных компьютерных технологий.

Ключевые политические аспекты управления развитием новой концепции «Электронного правительства» на основе межведомственного взаимодействия и интеграции затрагивают очень сложные вопросы реформирования рабочих бизнес-процессов, перехода от одностороннего предоставления информа-

ции и систематизации услуг к предоставлению интерактивных услуг. Будущее во взаимодействующих и интегрированных информационных системах с соответствующими услугами. Однако принятые решения не разъясняют на практике, что это значит, т.е. не представлены четкие определения и основные принципы не объяснены в достаточной степени.

Запланированные меры для совершенствования законодательства в сфере электронного правительства должны включать в себя разработку и использование четко определенной стратегии межведомственной совместимости. В то время как взаимодействие и интеграция являются верными концепциями, их интерпретация также должна включать в себя понятие того, что информационные системы не просто связаны, а поддерживают связь друг с другом и «понимают» друг друга вне зависимости от используемых технологий. В том же ключе бизнес-процессы соответствующих государственных органов должны быть перестроены надлежащим образом для обеспечения такого «взаимного понимания» на уровне систем и данных. Все должно быть пересмотрено через призму возможности взаимодействия систем. Это касается программных обеспечений, сети, безопасности, организационных платформ, функций и др.

Таким образом, совместимость является как необходимым условием, так и средством эффективного предоставления общественных услуг. Это требует тесного сотрудничества между государственными органами в совместном создании электронных услуг, а также в обмене и использовании информации, с тем, чтобы повысить производительность предоставления услуг по низким ценам.

Другим важным и непосредственно связанным с совместимостью аспектом электронного правительства является оценка уровней зрелости электронных услуг. Как отмечалось выше, в настоящий момент многие государственные услуги, оказываемые государством, ограничиваются односторонним предоставлением информации. Знание текущего уровня зрелости электронных услуг поможет быстрее и легче идти вперед.

В соответствии с распоряжением Кабинета Министров от 8 декабря 2012 года, в январе 2013 года была подготовлена новая версия Концепции и Комплексной программы развития электронного правительства. В целом концепции рассматривают технологические и правовые аспекты его введения больше, нежели компоненты, отражающие цели развития электронного правительства. Приведены ценные ссылки на международный опыт, особенно, опыт Южной Кореи, которая рассматривается моделью для развития электронного правительства в Узбекистане, а также критический анализ мирового опыта. Это указывает на то, что есть понимание того, что копирование опыта других стран не всегда приносит нужные результаты. Несмотря на то, что разные страны могут использовать различные стратегии, есть одно общее свойство в развитии национальных информационных систем в странах с развитой ИКТ: переход от сбора информации институтами в индивидуальном порядке к предоставлению услуг на межинституциональной основе, т.е. решение вопроса интероперабельности (способность продукта или системы, интерфейсы которых полностью открыты, взаимодействовать и функционировать с другими продуктами или системами без каких-либо ограничений доступа и реализации) электронного правительства.

Данные и информация важны постольку, поскольку они определяют направление преобразования внутренних бизнес-процессов в рамках государственного сектора и его стратегии управления. Ключевой вопрос для успешного электронного правительства – взаимосовместимость его компонентов: технических (технологических), информационных (семантических) и организационных (институциональных).

При оценке качества государственных услуг в процессе функционирования электронного правительства фигурируют следующие термины и определения:

Межведомственный электронный запрос – требование государственного органа о представлении документов и информации, необходимых для оказания государственной услуги, направленных в форме электронного документа на основании запроса заявителя организациям, имеющим запрашиваемые документы и информацию. Результат оказания электронной государственной услуги – реализация прав, свобод и законных интересов заявителей, выраженная в осуществлении государственными органами соответствующих действий в соответствии с регламентом оказания электронной государственной услуги, в том числе предоставление заявителям соответствующей информации и документов.

Единый реестр государственных услуг, форм и бланков – открытый и общедоступный информационный ресурс в сети Интернет, содержащий полный перечень государственных услуг, форм и бланков, а также иную информацию в соответствии с Положением о порядке формирования и введения Единого реестра государственных услуг, форм и бланков.

Единый реестр электронных государственных услуг – открытый и общедоступный информационный ресурс в сети Интернет, формируемый в составе Единого реестра государственных услуг, форм и бланков и публикуемый на Едином портале интерактивных государственных услуг, содержащий полный перечень электронных государственных услуг, а также иную информацию в соответствии с Положением о порядке оказания электронных государственных услуг через Единый портал интерактивных государственных услуг и официальные веб-сайты государственных органов.

Показатель – свойство услуги, которое может быть измерено (количественно оценено). Каждый показатель соответствует определенному требованию, которое основано на положениях нормативно-правовых актов, регулирующих предоставление государственных услуг, либо на законодательно обоснованных ожиданиях заявителей.

Критерии определения значений показателей – формализованное описание алгоритма принятия решения о присвоении того или иного численного значения каждому показателю;

Оптимизация – выбор наилучшего варианта из возможных для достижения наибольшей эффективности процесса предоставления государственных услуг.

Информационная государственная услуга – электронная государственная услуга, направленная на удовлетворение информационных потребностей заявителей, оказываемая путем публикации и иного распространения информации о деятельности государственного органа;

Интерактивная государственная услуга – электронная государственная услуга, оказываемая заявителю путем двустороннего электронного взаимодей-

ствия между заявителем и государственным органом, оказывающим электронные государственные услуги.

Транзакционная интерактивная государственная услуга – интерактивная государственная услуга, все процедуры, оказания которой осуществляются использованием информационных систем.

Вопросы внедрения современных информационных систем в государственное управление и формирования системы “Электронное правительство” нашло свое отражение в более чем 30 законодательных актах, в число которых входят Законы “Об электронном документообороте”, “Об информатизации”, “Об электронной цифровой подписи”, “Об электронной коммерции”, “Об электронных платежах”, “Об электронном правительстве”.

Кроме того, вопросы, связанные с информатизацией государственного управления, непосредственно регулируются Указом Президента Республики Узбекистан “О дальнейшем развитии компьютеризации и внедрении информационно-коммуникационных технологий”, постановлениями Кабинета Министров Республики Узбекистан “О дополнительных мерах по дальнейшему развитию информационно-коммуникационных технологий”, “О мерах по дальнейшему совершенствованию взаимодействия органов государственного и хозяйственного управления, государственной власти на местах с юридическими и физическими лицами с использованием информационно-коммуникационных технологий” и “О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности правительственного портала Республики Узбекистан в сети Интернет с учетом предоставления интерактивных государственных услуг” и т.д.

Важно учесть мониторинг государственных услуг, оказываемых государственными органами. Целью мониторинга является выявление типовых и частных проблем перевода государственных услуг в электронный вид, их систематизация и анализ, обеспечение руководителей проектов по переводу государственных и муниципальных услуг в электронный вид информацией, необходимой для принятия управленческих решений на основании оценки и анализа качества перевода услуг в электронный вид.

Для эффективной электронизации государственных услуг необходимо внести ряд изменений и поправок в некоторые законодательные акты, т.е. закрепить императивные нормы по предоставлению государственных услуг с использованием ИКТ гражданам и юридическим лицам. В Законах “О принципах и гарантиях свободы информации”, “О гарантиях и свободе доступа к информации”, “Об образовании”, “Об охране здоровья граждан”, “Об обжаловании в суд действий и решений, нарушающих права и свободы граждан”, “О государственном пенсионном обеспечении”, “О защите прав потребителей”, “О государственном кадастре”, “О нотариате”, “Об архивном деле”, “О банках и банковской деятельности”, “О биржах и биржевой деятельности”, “О лицензировании некоторых видов деятельности”, “О государственной статистике”, “О частном предпринимательстве”, “О железнодорожном транспорте”, “О связи”, “О рынке ценных бумаг”, “О сертификации продукции и услуг”, “О бухгалтерском учете”, “Об авторских и смежных правах” не закреплены нормы о возможности предоставления

гражданам государственных услуг в электронной форме.

Таким образом, широкое внедрение системы электронного правительства в Республике Узбекистан приведет к дальнейшим позитивным изменениям и обновлению в жизни населения и в целом общества. Повсеместное внедрение системы во всех направлениях создаст условия для защиты прав и свобод человека на самом высоком уровне и активизации его участия в государственных делах и будет способствовать повышению эффективности деятельности. В конечном итоге, все это позволит достичь высокой эффективности в любой сфере социальной и политической жизни страны.

Список литературы:

1. Конституция Республики Узбекистан. –Т., 2014. – С. 74.
2. <http://www.press-service.uz/ru/news/794/>

И.Эргашев,
ТДЮУ ўқитувчиси

СОЛИҚ ҚОНУНЧИЛИГИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ВА УНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШ АСОСЛАРИ

Аннотация: Мазкур мақолада солиқ қонунчилигини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик ва унинг қўлланилиш асосларининг назарий-амалий жиҳатлари тадқиқ этилган. Солиқ қонунчилигини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик ва унинг қўлланилиш асосларини такомиллаштириш бўйича таклифлар берилган.

Калитли сўзлар: маъмурий жавобгарлик, солиқ тизими, солиқ қонунчилиги, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар

Аннотация: в данной статье исследованы теоретическо-практические аспекты административной ответственности за нарушения налогового законодательства и основы для её применения. Даны предложения по совершенствованию административной ответственности за нарушения налогового законодательства и основы для её применения.

Ключевые слова: административная ответственность, налоговая система, налоговое законодательство, налоги и другие обязательные платежи.

Abstract: In this article authors made research on theoretical practical aspects of administrative responsibility for breach of tax legislation and basis for its application. Authors provided their recommendations on further improvement of administrative responsibility for breach of tax legislation and basis for its application.

Key words: Administrative responsibility, tax system, tax legislation, taxes and other mandatory payments.

Маълумки, мамлакатимизни модернизация ва ислоҳ этиш шароитида юридик жавобгарликни назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этиш долзарб вазибалардан биридир. Сўнги йилларда мамлакатимизда бозор иқтисодиёти муносабатларининг шаклланиши ва ривожланиши шароитида солиқ қонунчилигини бузганлик учун асосий юридик жавобгарликнинг турларидан бири бўлган маъмурий жавобгарликнинг қўлланилиши алоҳида муҳим аҳамият касб этади.

Умуман, ҳуқуқ назариясида маъмурий жавобгарлик масаласи бир қатор ҳуқуқшунос олимлар томонидан ўрганилган бўлиб, уларнинг кўпчилиги бу масалага бир хил ёндашган, яъни улар маъмурий жавобгарликни – юридик жавобгарликнинг алоҳида тури сифатида эътироф этишган. Биз ҳам мазкур ёндашувни қўллаб-қувватлаймиз.

Маълумки, маъмурий жавобгарлик – бу маъмурий ҳуқуқ меъёрлари билан тартибга солинган, маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахсга нисбатан ваколатли давлат органлари ҳамда мансабдор шахслари томонидан процессуал тартибда маъмурий жазонинг қўлланилишидир [1, 14-15 бетлар].

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 1-моддасида маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари кўрсатилган бўлиб, улар умумий маъмурий муносабатлар соҳасини қамраб олади. Мазкур кодекснинг 2-моддасида эса, маъмурий

жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг вазифалари берилган бўлиб, улар инсон ва жамият фаровонлиги йўлида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, мулкни, давлат ва жамоат тартибини, табиий муҳитни муҳофаза қилишни, ижтимоий адолат ва қонунийликни таъминлашни, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг ўз вақтида ва объектив кўриб чиқилишини, шунингдек бундай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишни, фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялашни ўз олдига вазифа қилиб кўяди [2].

Шунга кўра, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг солиқ соҳасидаги вазифалари – солиқ соҳасида ўрнатилган ижтимоий муносабатларни, инсон ва жамият фаровонлиги йўлида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, мулкни давлат ва жамоат тартибини, солиқ соҳасидаги ижтимоий адолат ва қонунийликни таъминлаш, солиқ соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида кўриб чиқиш, шунингдек уларни олдини олиш, фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялашдир.

Мамлакатимизда солиқ қонунчилигини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик масаласи ҳуқуқшунос олимлар А.А.Ли, Л.Б.Хван, Э.Т.Хожиев ҳамда хорижий ҳуқуқшунос олимлардан А.Н.Козырин, Ю.А.Крохина, Ю.Н.Стариков, Л.Л.Попов, Ю.И.Мигачев ва бошқалар ўз ишларида тадқиқ қилишган.

Ҳуқуқшунос олим Л.Б.Хваннинг фикрича, мазкур жавобгарликнинг моҳияти давлат томонидан солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатлари қоидабузарларига нисбатан солиқ ҳақидаги ҳуқуқий муносабатларда қўлланиладиган таъсир этишнинг ҳуқуқий чоралари комплекслигидан иборат [3, 116 бет].

Умуман, ҳар қандай жавобгарликнинг фактик асоси қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) бўлганидек, маъмурий жавобгарликнинг ҳам фактик асоси маъмурий ҳуқуқбузарликдир. Шунга мувофиқ, солиқ соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳам солиққа оид маъмурий жавобгарликнинг фактик асосидир. Р.Т.Бердияров ва З.Н.Қурбоновларнинг фикрича, солиқ соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарлик деганда, қонун ҳужжатлар билан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган ҳамда солиқ соҳасида бошқарувнинг ўрнатилган тартибига таъвоуз қиладиган айбли (қасддан ёки эҳтиётсизликдан) содир этилган қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) тушунилади [4, 240 бет].

Шундай қилиб, солиқ қонунчилигини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик барча солиқ тўловчилар учун татбиқ қилинадиган умуммажбурий қоидаларни бузганлик ёки риоя этмаганлик учун қўлланилади. Жавобгарликнинг мазкур кўриниши бевосита солиққа оид ҳуқуқий нормаларнинг бузилиши натижасида юзага келади.

Бизнингча, солиқ қонунчилигини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик – солиқ қонунчилигини бузилиши натижасида солиқ тўловчига нисбатан солиқ ҳуқуқий нормаларда назарда тутилган санкциялар асосида давлатнинг мажбурлов чораларини қўллашдир.

Шу ўринда, солиққа оид маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг юридик таркибига ҳам эътибор қаратиш лозим. Ҳуқуқбузарликларнинг умумҳуқуқ назариясида эътироф этилган таркибидан келиб чиқиб, уларнинг қуйидаги кўринишлари мавжуддир:

Солиқ солиш соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг объекти Солиқ кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатлардир [5, 25 бет].

Солиқ солиш соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг объектив томони дейилганда, солиқ солиш соҳасидаги ижтимоий муносабатлар жараёнида содир этилган ғайриқонуний ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади [5, 25 бет].

Мазкур ҳуқуқбузарликларнинг субъектлари эса, ҳуқуқбузарликни содир этган ва жавобгарликка тортилувчи муомала лаёқатига эга бўлган шахс ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси нормаларига мувофиқ ушбу ҳуқуқбузарликни содир этган шахс ҳуқуқбузарликни содир этиш вақтида ўн олти ёшга тўлган бўлиши лозим.

Солиқ солиш соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг субъектив томони эса, ҳуқуқбузарликни содир этган шахснинг қасд ёки эҳтиётсизлик шаклидаги айблилик даражасидир. Шундай қилиб, мазкур юридик таркиблар солиқ қонунчилигини бузганлик учун маъмурий ҳуқуқбузарликнинг содир этилган ёки содир этилмаганлигини белгилашда ва унга нисбатан жавобгарлик чораларини белгилашда асосий ўрин тутади.

Аввало, шуни қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикасида солиққа оид маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик асослари бевосита Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 264-моддасида назарда тутилган нормаларда берилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар давлат солиқ хизмати органларига тааллуқлидир.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2015 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 175-моддаси тегишлича олтинчи ва еттинчи қисмлар билан тўлдирилди [6]. Яъни, солиқ тўловчи томонидан бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловларни тўлаш учун тўлов топшириқномасини хизмат кўрсатаётган банкка тақдим этмаслик ёки ўз вақтида тақдим этмаслик мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Ушбу модданин олтинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этиш мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши белгиланди.

Давлат солиқ хизмати органининг бошлиқлари ҳамда уларнинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 264-моддаси биринчи қисмида кўрсатилган

давлат солиқ хизмати органи номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо чораларини қўллашга ҳақлидирлар [7].

Таъкидлаш жоизки, амалдаги қонунчиликка мувофиқ, шахс солиқ қонунчилигини бузганлик учун ҳуқуқбузарлик содир этилган пайтда ўн олти ёшга тўлган бўлиши талаб этилади. (Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 13-моддаси ҳамда Солиқ кодексининг 107-моддаси).

Солиққа оид маъмурий жавобгарликнинг субъектлари хусусида тўхталганимизда эса, аввало, ҳуқуқшунос олим Э.Т.Хожиев солиқ соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, бунда шахс нафақат ўн олти ёшга тўлган бўлиши, балки қонун ҳужжатлари билан унга солиқ ва бошқа тўловларни тўлаш мажбурияти ҳам қўланган бўлиши ҳамда мазкур ҳуқуқбузарликни содир этган шахс ўз хатти-ҳаракатлари оқибатини тушуна олиши, яъни ақли расо бўлиши лозимлигини таъкидлаб ўтган [8, 102 бет].

Шунингдек, қонунчиликда, яъни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 15-моддаси иккинчи қисмида мансабдор шахслар тушунчасига таъриф берилган бўлиб, унга мувофиқ, мулк шаклидан қатъи назар корхона, муассаса, ташкилотда муайян мансабни эгаллаб турган шахс, башарти унга раҳбарлик, ташкилий, фармойиш бериш, текширув-назорат вазифалари ёки моддий бойликлар ҳаракати билан боғлиқ бўлган вазифалар оқлатилган бўлса, мансабдор шахс деб ҳисобланади ва улар ҳам, ўз навбатида, солиқ қонунчилигини бузганлик учун тегишлича маъмурий жавобгарликка тортилади. Шундан келиб чиқиб, мансабдор шахслар ҳам мазкур жавобгарликнинг субъектлари бўлади. Мазкур масала, ўз навбатида, Қозоғистон Республикаси (Қозоғистон Республикаси Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексининг 34-моддаси), Россия Федерациясининг (Россия Федерацияси Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексининг 2.4-моддаси) қонунчилигида белгиланган [9].

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, айрим давлатларда солиқ қонунчилигини бузганлик учун маъмурий жавобгарликнинг алоҳида субъекти сифатида юридик шахслар ҳам намоён бўлади. Масалан, Россия Федерацияси (Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексининг 2.10-моддаси), Беларусь Республикаси (Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексининг 1.4-моддаси), Қозоғистон Республикаси (Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексининг 36-моддаси) қонунчилигида юридик шахсларнинг солиқ қонунчилигини бузганлик учун маъмурий жавобгарлиги белгилаб ўтилган [9].

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида эса, юридик шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги назарда тутилмаган. Аммо, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексини 108-моддасига кўра, юридик шахсларнинг солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортилиши тегишли асослар мавжуд бўлган тақдирда, унинг мансабдор шахсларини маъмурий, жиноий ва бошқа жавобгарликдан озод этмаслиги белгиланган.

Умуман олганда, солиқ соҳасида содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик унинг хусусияти, ҳуқуқбузарнинг шахси, айбдорлик даражаси, мулкий аҳоли, содир этилган ҳуқуқбузарлик учун

жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар ҳисобга олинади. Шахс икки ёки ундан ортқ солиқ соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган тақдирда, маъмурий жазо ҳар бир ҳуқуқбузарлик учун алоҳида-алоҳида қўлланилади. Агар шахс бир неча маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиб, мазкур ишлар бир вақтнинг ўзида айна бир орган (мансабдор шахс) томонидан кўриб чиқилаётган бўлса, бу шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо оғирроқ жазони назарда тутувчи санкция доирасида қўлланилади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Абдуқодиров Ш. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик бўйича амалга оширилган ислохотлар ва уни янада такомиллаштириш истиқболлари. // Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси. 2013 йил 5-сон, – Б.14–15.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 3-сон; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 9-сон, 193-модда, 12-сон, 269-модда. (2016 йил 1 октябрда бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан).
3. Хван Л.Б. Солиқ ҳуқуқи. –Тошкент. Консаудитинформ, 2001. – Б.116.
4. Бердияров Р.Т., Қурбонов З.Н. Солиқ ҳуқуқи. Ўқув қўлланма. Юрист-медиа маркази. –Т., 2010. – Б.240.
5. Маннонов А. Солиқ солиш соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг айрим жиҳатлари // Олий ҳужалик суди Ахборотномаси. 2009 йил 1-сон, – Б.25.
6. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 декабрдаги ЎРҚ–379-сонли Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 49-сон, 579-модда.
7. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 3-сон; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 9-сон, 193-модда; 12-сон, 269-модда. (2016 йил 1 октябрда бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан).
8. Хожиев Э.Т. Солиқ қонунчилигини бузганлик учун юридик жавобгарлик. Монография. –Т., 2006. – Б.102.
9. Norma 2016. Ўзбекистон Республикасининг ахборот- ҳуқуқий тизими.

А.М.Абдусаттаров,
ТДЮУ докторанти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ВАКОЛАТЛАРИНИНГ ЭКОЛОГИК-ҲУҚУҚИЙ ТАЛҚИНИ

Аннотация: Мақолада Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати конституциявий ваколатлари экологик-ҳуқуқий нуқтаи назардан тадқиқ этилган, унинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқ ижодкорлиги, ижроия ва тартибга солиш бўйича ваколатлари таҳлил қилиниб, миллий қонунчиликни такомиллаштириш тўғрисида тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: Конституция, ҳукумат, экологик ваколатлар, ҳуқуқ ижодкорлиги, бошқарув, муҳофаза қилиш, тартибга солиш, ижро этиш

Аннотация: в статье исследованы конституционные полномочия Правительства Республики Узбекистан с эколого-правовой точки зрения, а также проведен анализ правотворческих, исполнительных и регулирующих полномочий в сфере охраны окружающей среды, а также разработаны рекомендации по совершенствованию национального законодательства.

Ключевые слова: Конституция, правительство, экологические полномочия, правотворчество, управление, охрана, регулирование, исполнение

Abstract: in this article researched constitutional powers of the Government of Republic Uzbekistan from the ecological-legal point of view, also analyzed lawmaking, executive and regulating powers in sphere of protection of the environment, and developed recommendations on improving national legislation.

Keywords: Constitution, Government, ecological authorities, lawmaking, govern, protection, regulation, execution.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги “Асосий вазифамиз – жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги bosқичга кўтаришдан иборат” мавзусидаги маърузаларида таъкидлаганларидек, “Конституциямиз бугунги кунда юртимизда мустақил, суверен демократик давлат барпо этиш, кўп укладли бозор иқтисодиёти таркибида хусусий мулк устуворлигини мустаҳкамлаш ва унинг ҳимоясини кафолатлаш, шунингдек инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият ҳисобланган фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий ҳуқуқий ва қонунчилик пойдеворига айланди” [1].

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.Мирзиёев ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови” мавзусидаги маърузаларида “Мустақил тараққиёт йилларида Конституциямиз юртимизда ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти, эркин бозор муносабатлари ва хусусий мулк устуворлигига асосланган иқтисодиётни қуриш, халқимиз учун тинч, обод ва фаровон ҳаёт

барпо этиш, Ўзбекистоннинг халқро майдонда муносиб ўрин эгаллашида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда” [2], деб таъкидлаб ўтдилар.

Конституциямизда миллий ғоямизнинг асосий мақсади ҳисобланган – инсон ҳуқуқларини таъминлаш, давлат суверенитетини мустаҳкамлаш, табиий ресурсларни асраб-авайлаш, келажак авлодлар олдидаги масъуллик, давлатчилик ривожининг тарихий тажрибасидан унумли фойдаланиш, демократия, ижтимоий адолат, халқро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидаларининг устунлиги, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, миллий тотувликка эришиш, урф-одатларга ҳурмат, фикрлар хилма-хиллигини эътироф этиш, инсон шаъни, ҳаёти, эркинлиги, қадр-қиммати олий қадрият эканлиги, қонунийлик каби вазифалар ўзининг конституциявий асосини топган ва улар кафолатланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида давлат ҳокимият органлари, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати нормал фаолият кўрсатиши учун зарур ва муҳим бўлган ваколатлар белгилаб берилган. Хусусан, Конституциянинг 98-моддаси барча соҳалар учун умумий бўлган Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини қамраб олади, ундан келиб чиққан ҳолда, Вазирлар Маҳкамасининг экология соҳасидаги қуйидаги ваколатларини ажратиб кўрсатиш мумкин: 1) самарали экологик сиёсати юритилиши, атроф-муҳитни ривожлантириш бўйича дастурлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши учун жавобгар бўлади; 2) фуқароларнинг экологик ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича чоратадбирларни амалга оширади; 3) экология соҳасидаги давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ишини мувофиқлаштиради ва йўналтиради, уларнинг фаолияти устидан қонунда белгиланган тартибда назоратни таъминлайди; 4) экология соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлайди; 5) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳар йили мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг энг муҳим масалалари, шу жумладан атроф-муҳит ҳолати масалалари юзасидан маърузалар тақдим этади [4, 3-б; 5, 38-б; 6, 70-б].

Юқоридагилардан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг экология соҳасидаги ваколатлари амалдаги қонун ҳужжатларида ҳам белгилаб берилган. Ушбу қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш қонунчиликда икки хил ёндашув мавжудлигини кўрсатмоқда. **Биринчи ёндашувда**, қонун ҳужжатларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига экологик ваколатлари алоҳида моддада тизимли равишда баён этилади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексида, “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги, “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги, “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Урмон тўғрисида”ги, “Экологик назорат тўғрисида”ги, янги таҳрирдаги “Усимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги ва “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги қонунларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг экологик ваколатлари алоҳида моддада мустаҳкамланган.

Иккинчи ёндашувда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига экологик ваколатлари қонун

ҳужжатининг турли моддаларида тарқоқ ҳолда баён этилади. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги қонунларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ваколатлари қонун ҳужжатининг турли моддаларида тарқоқ ҳолда баён этилган.

Умуман олганда, Вазирлар Маҳкамасининг конституциявий ваколатлари тармоқ экологик қонун ҳужжатларида янада аниқлаштирилган ҳолда ифодаланган. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг самарали экологик сиёсати юритилиши, атроф муҳитни ривожлантириш бўйича дастурлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши учун жавобгар бўлиши тўғрисидаги Конституция 98-моддаси мазмунидан англашиладиган қоида 1992 йил 9 декабрдаги “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонун 9-моддасида, 1993 йил 6 майдаги “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддасида, 1998 йил 30 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси 4-моддасида, 1998 йил 28 августдаги “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги Қонун 6-моддасида, 1999 йил 15 апрелдаги “Ўрмон тўғрисида”ги Қонуннинг 10-моддасида, 2002 йил 13 декабрдаги “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги Қонуннинг (янги таҳрирда) 8-моддасида ва бошқаларда ўз аксини топган. Уларга кўра, Вазирлар Маҳкамаси табиатни муҳофаза қилишга доир ягона сиёсат юритади, ерлардан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга оширади, ер ресурсларидан оқилона фойдаланишга қаратилган ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқади, тупроқ унумдорлигини ошириш, ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш юзасидан давлат дастурларини тасдиқлайди, ер қаърини муҳофаза этиш давлат дастурларини тасдиқлайди ҳамда уларнинг амалга оширилишини назорат қилади, сув ресурсларидан комплекс ва оқилона фойдаланиш, уларни бошқариш ва муҳофаза қилиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширади, ўрмонларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш бўйича ягона давлат сиёсатини амалга оширади ва ҳ.к.

Ёки бўлмаса, Конституция 98-моддаси мазмунидан англашиладиган Вазирлар Маҳкамасининг экология соҳасидаги давлат ва ҳўжалик бошқаруви органилари ишини мувофиқлаштириши ва йўналтириши, уларнинг фаолияти устидан қонунда белгиланган тартибда назоратни таъминлаши тўғрисидаги ваколати экологик қонун ҳужжатларида фақатгина ва ер ҳамда сув қонунчилигида ифодаланган. Хусусан, Вазирлар Маҳкамаси 1998 йил 30 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси 4-моддасига кўра, ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишда вазирликлар ҳамда идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, 1993 йил 6 майдаги “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддасига кўра эса, сувларнинг зарарли таъсирининг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш соҳасида вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар, бошқа юридик шахсларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришни амалга оширади [3, 20-б.].

Қонун ҳужжатлари таҳлилидан келиб чиққан ҳолда Вазирлар Маҳкамасининг экология соҳасидаги қуйидаги умумий ваколатларини ажратиш мумкин: табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза

қилишга доир ягона давлат сиёсатини юритиш; табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларини тартибга солишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш; табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш юзасидан давлат дастурларини тасдиқлаш; табиий ресурсларни тасарруф этиш, табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича алоҳида ҳаракатларни амалга ошириш тартибини белгилаш; давлат назоратини ташкил қилиш ва б.қ.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси экология соҳасидаги конституциявий ваколатларини амалга ошириб, ушбу соҳада бир қатор қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиққан. Хусусан:

1) **экологик назорат, экспертиза, мониторинг, нормативларни ишлаб чиқиш ва амалга киритиш соҳасида** 2013 йил 7 октябрда “Фуқаролар йиғинининг экология ва табиатни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича комиссияси тўғрисида”ги Намунавий низом, 2014 йил 5 августда “Давлат экологик назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги, 2001 йил 31 декабрда “Ўзбекистон Республикасида давлат экологик экспертизаси тўғрисида”ги, 2002 йил 3 апрелда “Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги тўғрисида”ги, 2014 йил 21 январда “Экологик нормативлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишиш тартиби тўғрисида”ги низомлар, шунингдек 2015 йил 8 октябрдаги 286-сонли “Экологик назорат соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида”ги ҳамда 287-сонли “Жамоатчилик экологик назоратини амалга оширишга доир намунавий низомларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорлари билан тасдиқланган “Идоравий экологик назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги, “Ишлаб чиқариш экологик назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги, “Экологик хизмат тўғрисида”ги, “Жамоатчилик экологик назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги, “Экологик назоратнинг жамоатчи инспектори тўғрисида”ги намунавий низомлар ҳамда “Экологик аудит тўғрисида”ги Низом;

2) **ўрмон соҳасида** 2000 йил 5 июнда “Ўрмонларнинг қўриқланиш тоифаларини аниқлаш тартиби тўғрисида”ги, 2005 йил 15 ноябрда “Давлат ўрмон кадастрини юритиш тартиби тўғрисида”ги, 2008 йил 9 сентябрда “Ўрмон қўриқчилиги тўғрисида”ги, 2015 йил 30 сентябрдаги “Ўрмондан фойдаланганлик учун тўловлар миқдорини ва уларни ундиришни тартибга солиш тўғрисида”ги низомлар;

3) **ўсимлик ва ҳайвонот дунёси соҳасида** 2000 йил 5 сентябрда “Ўзбекистон Республикаси ўсимлик дунёси объектларининг давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисида”ги ва “Ўзбекистон Республикаси ҳайвонот дунёсининг давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисида”ги, 2014 йил 20 октябрда “Ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланиш ва ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисида”ги, 2014 йил 20 октябрдаги “Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш ва ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисида”ги низомлар, 2015 йил 30 сентябрдаги 278-сонли “Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор;

4) **ер, шаҳарсозлик, қишлоқ хўжалиги соҳаларида** 1998 йил 31 декабрда “Давлат ер кадастрини юритиш тартиби тўғрисида”ги, 2011 йил 25 майда “Ер участкалари эгалари, фойдаланувчилари, ижарачилари ва мулкдорларининг кўрган зарарларини, шунингдек қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш тартиби тўғрисида”ги, “2014 йил 30 октябрда “Қишлоқ аҳоли пунктлари ерларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги 2013 йил 31 январда “Фермер хўжалиги ер майдонини мақбуллаштириш ва уни тугатиш тартиби тўғрисида”ги, 2013 йил 25 февралда “Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун аҳоли пунктларида ер участкалари бериш, қурилиш объектларини лойиҳалаштириш ва рўйхатдан ўтказиш, шунингдек объектларни фойдаланишга қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги ва “Қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар, шунингдек икки ва ундан ортқ туманлар (шаҳарлар) ёки вилоятлар ҳудудида жойлаштириладиган объектлар қурилиши учун аҳоли пунктлари ташқарисидан ер участкалари бериш тартиби тўғрисида”ги низомлар, 2014 йил 24 февралда “2013–2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича давлат дастурининг сўзсиз бажарилишини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар”, 2015 йил 7 октябрдаги 285-сонли “Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун танлов асосида ер участкалари бериш тартибларини ва қурилиш учун рухсатномалар олиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлар;

5) **муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар соҳасида** 1998 йил 10 мартда “Ўзбекистон Республикасининг муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлари давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисида”ги, 2014 йил 17 июнда “Дўрмон” миллий боғи тўғрисида”ги, 2011 йил 26 августда “Қуйи Амударё давлат биосфера резервати тўғрисида”ги, 2001 йил 22 июнда “Чотқол давлат биосфера қўриқхонаси тўғрисида”ги, “Угом-Чотқол Давлат миллий табиат боғи тўғрисида”ги Низом, 2014 йил 2 июнда “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудуднинг паспортини юритиш тартиби тўғрисида”ги низомлар;

6) **сув соҳасида** 1998 йил 7 январда “Ўзбекистон Республикасининг Давлат сув кадастрини ишлаб чиқиш ва юритиш тартиби тўғрисида”, 1992 йил 7 апрелда “Ўзбекистон Республикасидаги сув омборлари ва бошқа сув ҳавзалари, дарёлар, магистрал каналлар ва коллекторларнинг, шунингдек ичимлик суви ва маиший сув таъминотининг, даволаш ва маданий-соғломлаштиришда ишлатиладиган сув манбаларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари ҳақида”ги, 2013 йил 19 мартда “Ўзбекистон Республикасида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби тўғрисида”ги, 2014 йил 4 августдаги “Сувга қудуқларни бурғулаш учун рухсатнома бериш тартиби тўғрисида”ги, 2013 йил 14 июндаги “Сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмоли қилиш учун рухсатнома бериш тартиби тўғрисида”ги низомлар, 2014 йил 25 февралдаги “Республика аҳолисини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори;

7) **ер қаъри соҳасида** 1997 йил 13 январда “Фойдали қазилмалар қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган мақсадлар учун кон ажратмалари бериш

тартиби тўғрисида”ги, 1997 йил 26 майда “Ўзбекистон Республикаси конлари, фойдали қазилмалари нишонлари ва техноген ҳосилаларининг давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисида”ги, 2011 йил 28 июлда “Ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш, ундан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати тўғрисида”ги, 2011 йил 8 июнда “Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тўғрисида”ги, 2014 йил 12 майда “Ўзбекистон Республикасининг ер қаъри мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисида”ги, 2014 йил 29 июлда “Ўзбекистон Республикаси фойдали қазилмалари захираларининг давлат балансини юритиш тартиби тўғрисида”ги, 2014 йил 13 августдаги “Фойдали қазилмалар захираларини қайта ҳисоблаш учун эксплуатацион кондицияларни қўллаш тартиби тўғрисида”ги низомлар;

8) **чиқиндилар соҳасида** 2003 йил 1 майда “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун компенсация тўловларини қўллаш тартиби тўғрисида”ги, 2014 йил 27 октябрда “Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида давлат ҳисоби ва назоратини олиб бориш тартиби тўғрисида”ги низомлар;

9) **энергетика соҳасида** 2015 йил 13 августдаги 238-сонли “Энергия самарадорлиги ва энергиянинг тикланадиган манбаларини ривожлантириш масалалари бўйича республика комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарор;

10) **давлат дастурлари, комплекс чора-тадбирлар соҳасида** конституциявий ваколатлар доирасида Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1999–2005, 2008–2012, 2013–2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар дастурлари, шунингдек 2003–2005, 2006–2010, 2011–2015 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳит давлат мониторинги дастурлари қабул қилинган. Хусусан, 2011 йил 31 октябрда “2011–2015 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳит давлат мониторинги дастури”, 2013 йил 27 майда “2013–2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар дастури”, 2015 йил 29 августдаги 255-сонли “Орол фожеаси оқибатларини юмшатиш, 2015–2018 йилларда Оролбўйи минтақаларини тиклаш, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ва б.қ. қабул қилинган (тасдиқланган).

Ушбу ваколатларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси комплекслари ҳам муҳим роль ўйнайди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси етти та комплексдан иборат бўлиб, унда ушбу масалалар билан бевосита Соғлиқни сақлаш, экология ва инсон ҳаёти сифати масалалари комплекси шуғулланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ахборот-таҳлил департаментлари тизимида ҳам Соғлиқни сақлаш, экология ва инсон ҳаёти сифати масалалари ахборот-таҳлил департаменти муҳим ўрин тутаяди. Шу билан бирга, ушбу ахборот-таҳлил департаменти вазибаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат порталида унинг асосий икки вазифаси кўрсатилган бўлиб, улар соғлиқни сақлаш ва аҳолининг ночор қатламларини ижтимоий муҳофаза қилиш соҳаларига тааллуқли.

Фикримизча, ушбу ахборот-таҳлил департаменти фаолиятини унинг номига мувофиқ ҳолда, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатлар билан ҳам тўлдириш мақсадга мувофиқ.

Мухтасар қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида Вазирлар Маҳкамасининг энг асосий ва муҳим ваколатлари белгиланган бўлиб, экология соҳасидаги тармоқ қонун ҳужжатларида ушбу ваколатлар янада тўлдирилган ва кенгайтирилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган Вазирлар Маҳкамасининг фуқароларнинг экологик ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, экология соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлаш бўйича ваколатларини тармоқ экологик қонун ҳужжатларига ҳам киритиш мақсадга мувофиқ.

Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Асосий вазиғамиз – жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза // www.uza.uz.
2. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза // www.uza.uz.
3. Сафаров Дж.И., Нуридудлаев А.А. Вазирлар Маҳкамасининг экология соҳасидаги ваколатларининг ҳуқуқий асослари // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг Ахборотномаси. – Тошкент, 2015. – №4. – Б.20–24.
4. Усмонов М.Б. Табиатни муҳофаза қилишнинг конституциявий асослари / М.Х.Рустамбоев таҳрири остида. – Тошкент: ТДЮИ, 2002. – Б. 3–4.
5. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ / Масъул муҳаррир: проф. А.А.Азизхўжаев. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – Б. 69–71.
6. Файзиёв Ш.Х. Атроф табиий муҳит муҳофазаси дастаклари. Республикада экологик хавфсизликни таъминлашнинг конституциявий муаммолари // Ҳаёт ва қонун. – Тошкент, 1998. – №4. – Б. 38-40.

Д.Д.Артиков
ТДЮУ ўқитувчиси

ЮРИДИК ШАХСЛАР МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИГИНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: мақолада юридик шахслар маъмурий жавобгарлигининг ҳуқуқий табиати, уларни жавобгарликка тортишнинг ўзига хос хусусиятлари ёритилган ҳамда қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: маъмурий жавобгарлик, маъмурий жазо, юридик шахс, ҳуқуқий таъсир чоралари.

Аннотация: в статье раскрывается правовая природа административной ответственности юридических лиц, особенности привлечения их к ответственности, а также разработаны предложения по совершенствованию законодательства.

Ключевые слова: административная ответственность, административное взыскание, юридическое лицо, меры правового воздействия.

Abstract: The article describes the legal nature of the administrative liability of legal persons especially bring them to justice and proposals to improve the legislation.

Key words: administrative liability, administrative penalty, legal entity, measures legal exposure.

Жавобгарлик кўп қиррали ва мураккаб ижтимоий ҳодиса ҳисобланади. Унинг ёрдамида бурч (мажбурият) англашилади, юриш-туриш ва унинг оқибатлари баҳоланади, норма талабларидан ташқари чиққанларга эса давлат ва жамоат номидан жавобгарликка тортиш белгиланади, етказилган зарар қопланади.

Юридик адабиётларда жавобгарлик тушунчаси турлича ифодаланган бўлиб, баъзан ўз қилимиши ва ҳаракати, шунингдек унинг оқибати учун объектив жавоб бериш, баъзан эса қонунда ўрнатилган талабни бузганлик учун субъектга нисбатан маълум даражада қўлланилган салбий оқибат деб таъриф берилади. Баъзилар юридик жавобгарликнинг турлари тўғрисида юридик, моддий ҳамда сиёсий турлари ҳақида сўз юритса, аксарият олимлар уни фуқаролик, маъмурий ва интизомий турларини ажратиб кўрсатадилар. Амалдаги қонунчиликка кўра, юридик шахсларнинг жавобгарлиги деганда асосан фуқаровий жавобгарлик назарда тутилади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 48-моддасига кўра, юридик шахс ўз мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли бутун мол-мулк билан жавоб беради. Юридик шахс муассиси (иштирокчиси) ёки унинг мол-мулкнинг эгаси юридик шахснинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, юридик шахс эса муассис (иштирокчи) ёки мулкдорнинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

Юридик жавобгарлик орасида оммавий ҳуқуқий жавобгарликнинг бир кўриниши сифатида маъмурий жавобгарлик алоҳида ўрин тутди. Маъмурий жавобгарлик масаласи кўпгина ҳуқуқшунос олимлар томонидан тадқиқ қилинган бўлиб, уларнинг кўпчилиги ушбу масалага деярли бир хил ёндашганлар. Улар томонидан маъмурий жавобгарлик тушунчасига қуйидагича таъриф берилган: “маъмурий жавобгарлик – бу маъмурий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинган, маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахсга нисбатан ваколатли давлат органлари ва мансабдор шахслар

томонидан маъмурий процессуал тартибда маъмурий жазони қўллашди” [3, 225-б].

Ўзбекистон Республикасида маъмурий жавобгарлик белгилашни бош манбаи бўлган Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига биноан юридик шахслар маъмурий жавобгарлик субъекти ҳисобланмайди. Лекин, хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, юридик шахсларни маъмурий жавобгарлик субъекти сифатида баҳолаш мумкин. Жумладан, Европа мамлакатларида ушбу масаланинг ривожланиш тенденцияси кетмоқда. Ҳозирда Европа мамлакатларида юридик шахсларнинг жавобгарлик масаласида икки ҳил қараш юзга келган. Улардан бири Германия бошчилигидаги Греция, Португалия каби мамлакатлар томонидан юридик шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик қўллаш назарда турсалар, яна бири эса Франция бошчилигидаги Голландия, Буюк Британия мамлакатлари юридик шахсларга нисбатан жиноий жавобгарликни белгилашни қўллаб-қувватлайдилар [4, 39–40-б]. Ушбу икки ҳил қараш ичида юридик шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик белгилаш ҳозирда ривожланиб бормоқда. Маълумки, юридик шахс ўз мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли бутун мол-мулк билан жавоб беради. Юридик шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик асосан жарима кўринишида қўлланади.

Германия Федератив Республикасининг “Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги Акти” (“Act on Regulatory Offences”) нинг 30-моддасига кўра юридик шахслар маъмурий жавобгарлик субъекти ҳисобланади [5].

Ҳуқуқшунос олим Анка Попниг таъкидлашича, Германияда бошқа кўплаб Европа мамлакатларидан фарқли равишда, юридик шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик белгиланган. Ушбу тизим юридик шахсларга нисбатан жиноий жавобгарлик белгилашда анча қулай, таъсирли ва, айниқса, уни қўллаш прецедураси ихчамдир [6, 5-б].

Германия қонунчилигида юридик шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарликнинг белгиланганлиги жиноий жавобгарлик белгиланган давлатларга қараганда ижобий натижаларга олиб келди [7, 283-б]. Умуман айтганда, германиялик ҳуқуқшуносларнинг аксарияти юридик шахслар жиноятчи шахс бўлмайди деб ҳисоблайди. Фақатгина юридик шахсларни маъмурий жавобгарликка тортишни ўзи кифоя деб таъкидлайдилар [8, 23-б].

Италияда ҳам 2001 йилдан бошлаб юридик шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги қонунчиликка киритилди. Жисмоний шахслар сингари юридик шахслар ҳам маъмурий жавобгарлик субъектига айланди [9].

Юридик шахсларнинг маъмурий жавобгарлик масаласи Россия Федерациясининг Маъмурий ҳуқуқбузарлик кодексининг 2.10-моддасида акс этган. Унга кўра юридик шахслар содир этган ҳуқуқбузарлиги учун Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодекс ва қонунлар бўйича жавобгарликка тортилади [2].

Шунингдек, Белорусь Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодексининг 4.8-моддасига биноан, юридик шахслар ушбу Кодекснинг махсус қисмида санкция белгиланган модда бўйича жавобгарликка тортиладилар деб белгилаб қўйилган.

Маълумки, шахс томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилса, унга нисбатан маъмурий жавобгарлик белгилаш учун унинг ҳуқуқбузарлигининг юридик таркиби муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги кунда юридик шахсларга нисбатан маъмурий ва жиноий жавобгарликни белгилашда ҳуқуқбузарликни субъектив томонини аниқлаш муаммо бўлиб келмоқда. Маълумки, оммавий ҳуқуқ сифатида маъмурий ва жиноий жавобгарлик учун шахс ҳуқуқбузарлигининг таркибий элементи сифатида субъектив томонни аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, ушбу муаммоли вазият туфайли юридик шахсларга нисбатан жиноий жавобгарликни ўрнатиш юзасидан олимлар икки ҳил қарашни илгари сурадилар. Биринчи гуруҳ олимлар, жумладан, Р.Филлимор, Г.Иванов ва бошқаларнинг фикрича, юридик шахсларда ҳис қилиш ва фикрлаш хусусиятининг йўқлиги, уларни қонун ҳужжатларига риоя қилиш руҳида тарбиялаш имконияти бўлмаганлиги, жамоани субъект сифатида жавобгар қилиб бўлмаслиги, юридик шахсда жазони ҳис этадиган виждон, қалб, вужуднинг мавжуд эмаслиги, бундан ташқари, корпорация юридик фиксия (ҳақиқатга тўғри келмайдиган бирор-бир аниқ мақсадни кўзлаб онгли равишда ўйлаб топилган юридик ҳолат) ҳисобланиб, қонунда ўрнатилган *actus reus* (айбли ҳаракат) ҳамда *mens rea* (эркнинг айбдорлиги, айб) талабларига жавоб бера олмаслиги сабабли жиноий жавобгарликка тортиб бўлмаслигини таъкидлайдилар. Иккинчи гуруҳ олимлар – А.Бастрикин, О.Ремизова, Р.Яппаров, Н.Москвитин, С.Бойко ва бошқалар юридик шахснинг қилмиши учун жиноий жавобгарликни белгилаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдилар. Уларнинг фикрича, кўпчилик жиноятлар бевосита юридик шахслар иштирокида содир қилинганда, уларнинг раҳбарлари жиноий жавобгарликка тортилиб, жиноятнинг асосий ячейкаси бўлмиш юридик шахслар жавобгарликка тортилмасдан, баъзан жиноий йўл билан топилган даромадлар ва жиноят воситалари мусодара қилинмаяпти [10, 53–56-бетлар]. Юридик шахслар ҳуқуқбузарлигининг субъектив томонини аниқлашда анча мураккаб вазифа эканлигини кўпчилик олимлар таъкидласа, баъзи олимлар уни асослашга ҳаракат қилганлар.

Ю.М.Козловнинг таъкидлашича, юридик шахсларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлигининг субъектив томони деганда, маъмурий ҳуқуқбузарлик қилишда юридик шахс ва унинг вакиллари (ишчилар, муассислар, мансабдор шахслар ва бошқалар) ўртасидаги муносабат тушунилади [11, 345-б].

Ушбу фикрни И.А.Хамедов ҳам қўллаб-қувватлайди. Унинг фикрича, юридик шахсларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлигининг субъектив томони қонунга хилоф ҳаракат қилишда ташкилотнинг коллективи, таъсисчиси ва мансабдор шахсларнинг алоқасидир [12, 389-б]. Албатта, ушбу фикрда ҳам асослар етарли. Чунки юридик шахснинг фаолияти жамоавий характерга эга бўлиб, у томонидан содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳам улар ўртасидаги муносабат маҳсули бўлади. Лекин, амалда бунини аниқлаш анча мураккаб жараён.

Н.Хаттобовнинг таъкидлашича, юридик шахс ҳуқуқбузарлигидаги энг мунозарали масала унинг айби масаласидир. Чунки айб уни содир этган субъектнинг хоҳиш-истаклари, ички кечинмалари билан белгиланади. Бу қоида жисмоний шахснинг айбини аниқлашга нисбатан татбиқ этилади. Юридик шахснинг қонунда назарда тутилган белгиларга жавоб берадиган корхона, ташкилот ёки муассаса эканидан келиб чиқса, уларда бундай хусусиятлар мавжуд бўлмаслиги ўз-ўзидан равшан [13].

Баъзи олимлар томонидан юридик шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик белгилашда унинг ҳуқуқбузарлигининг субъектив томонига эътибор қаратмасликни таъкидлаб ўтадилар. Жумладан, Ш.Қобиловнинг кўрсатиб ўтишича, субъектив белги жавобгарлик чораларининг маъмурий ҳуқуқий белгисини инкор қилиш учун ишончли мезон бўла олмайди. Бир қатор мамлакатларнинг табиатни муҳофаза қилиш фаолиятида юридик шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги кенг қўлланилади. Бизнинг қонунчилигимиз тарихида ҳам юридик шахслар маъмурий жавобгарликнинг субъектлари бўлган ҳоллар учрайди. Қандайдир сабабга кўра, у ёки бу жавобгарлик чораси тегишли кодификацияланган қонунчиликка киритилмай қолган бўлса ҳам, бу ҳолат уларни турга мансублигининг ўлчови бўлиб хизмат қила олмайди[14,60-б].

Демак, юридик шахсларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлиги субъектив томонини аниқлаш анча мураккаб жараёндир. Бизнингча, баъзи олимлар фикрига таяниб, юридик шахслар ҳуқуқбузарлигини субъектив томонини аниқлаш имкони бўлмасада, лекин уни ушбу жавобгарлик субъекти сифатида инкор этиш мақсадга мувофиқ эмас.

Бугунги кунда юридик шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги белгилашдаги мунозарали масалалардан яна бири уларга нисбатан қўлланиладиган маъмурий жазо чораларининг доирасидир. Жумладан, ҳозирда қонунчилигимизда “ҳуқуқий таъсир чоралари” деб номланиб келинаётган фаолиятни тугатиш, фаолиятни тўхтатиб туриш, фаолиятни қайта ихтисослаштириш, айрим фаолият турлари билан шуғулланиш учун лицензияларнинг амал қилишини тугатиш ва лицензияларни бекор қилиш чораларида маъмурий жазо белгилари мавжудлигини кўриш мумкин. Ушбу масаланинг экологик қонунчилик томонига эътибор қаратайлик. Ўзбекистон Республикаси “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида” ги Қонуннинг 48-моддасига биноан, корхоналар, ташилотлар, иншоотлар ва бошқа объектларнинг инсон саломатлигига ёки яшаш шароитига, табиий ресурсларга, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга зарарли таъсир этган ёки бундай таъсир этиш хавфи туғилган тақдирда уларнинг фаолияти чекланиши, тўхтатиб қўйилиши, зарарли таъсир этиш сабабларини бартараф этишнинг имкони бўлмаган тақдирда эса тугатилиши ёки ўзгартирилиши мумкин [1]. Бундай объектларнинг фаолиятини чеклаш, тўхтатиб қўйиш, тугатиш ёки ўзгартириш ҳамда айни вақтда уларни пул билан таъминлашни тўхтатиш хусусидаги қарорларни давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари, ўз ҳуқуқ доирасига мувофиқ табиатни муҳофаза қилиш идоралари чиқарадилар. Кўрсатилган чоралар тадбиркорлик субъектларига нисбатан суд тартибда қўлланилади, бундан фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва саломатлиги учун бошқа реал хавф юзага келишининг олдини олиш билан боғлиқ ҳолда фаолиятни ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб қўйиш ҳоллари мустасно. Ушбу чораларни жавобгарликнинг қайси турига мансублигига аниқлашда ҳуқуқий адабиётларда турли ҳил қарашлар мавжуд. Баъзи олимлар жавобгарликни махсус тури шаклланаётгани ҳақида таъкидлайдилар. Баъзи олимларнинг нуқтаи назари бўйича бу чоралар жавобгарликни мустақил тури сифатида изоҳланади. Учинчи гуруҳ олимлар уларни маъмурий жавобгарлик чорасига киритадилар.

Ўз навбатида, хорижий мамлакатларда ушбу жазо кўринишлари маъмурий жавобгарлик чораси сифатида ҳисоблаш ҳоллари мавжуд. Жумладан, Россия Федерациясининг Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодексининг 3.12-моддасига биноан, фаолиятни тўхтатиб туриш шахс, юридик шахс ташкил этмасдан фаолият юритаётган тадбиркор, юридик шахс, унинг филиали, вакили, таркибий қисми, ишлаб чиқариш участкасининг фаолиятини вақтинчалик тўхтатиш ҳисобланиб, тўқсон суткагача қўлланилади.

Бизнингча, ушбу жазо чораларини маъмурий жавобгарлик чорасига киритиш мақсадга мувофиқ. Уларни маъмурий жавобгарликка киритишни инкор этувчи энг асосий сабаб жавобгарлик субъекти бўлиб келган. Чунки ушбу чоралар ҳам юридик шахсларга, ҳам жисмоний шахсларга нисбатан қўлланса, маъмурий жавобгарлик фақатгина жисмоний шахсларга нисбатан қўлланилади деб ҳисоблайдилар. Лекин ушбу сабаб таҳлил қилинаётган жазо чораларини маъмурий жавобгарлик чорасига киритишга тўқсинлик қила олмайди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига юридик шахсларнинг маъмурий жавобгарлигини киритиш, уларга нисбатан қўлланиладиган маъмурий жазо чоралари доирасини аниқлаш ҳозирги замон маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик олдидаги энг долзарб вазифадир.

Адабиётлар рўйхати:

1. “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги 1992 йил 9 декабрдаги 754-XII сон Қонун //Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 1-сон, 38-модда.
2. Кодекс РФ об административных правонарушениях. Глава 2. [Статья 2.10]
3. Бахрах Д.Н., Россинский Б.В., Стариков Ю.Н. Административное право. Учебник для вузов. – М., 2004, – Б. 484-485; Габричидзе Б.Н., Чернявский А.Г., Ким Кимэн А.Н. Административное право. Учебник. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004. – Б. 225-228.
4. Vermeulen G., De Bondt W. and Ryckman C. Liability of legal persons for offences in the EU. Antwerpen | Apeldoorn | Portland Maklu 2012 p.39-40
5. http://www.gesetze-im-internet.de/englisch_owig/englisch_owig.html (Act on Regulatory Offences in the version published on 19 February 1987 (Federal Law Gazette [Bundesgesetzblatt] I p. 602), last amended by Article 4 para. 58 of the Act of 7 August 2013 I 3154, 2014 juris GmbH, Saarbrücken)
6. Criminal Liability of Corporations – Comparative Jurisprudence. Anca Iulia Pop, Michigan State University College of Law 1-1-2006, p. 5
7. Corporate Criminal Liability: Model Penal Code Section 2.07 and the Development in Western Legal Systems, Roland Hefendehl, *Buffalo Criminal Law Review*, Vol. 4, No. 1 (April 2000), pp. 283-300
8. Vermeulen G., De Bondt W. and Ryckman C. Liability of legal persons for offences in the EU. Antwerpen | Apeldoorn | Portland Maklu 2012, pp. 23
9. The system of Administrative Liability of Legal entities under the 8th June 2001 Legislative Decree n.231, Di Guido Molinari, Rome 2008
10. Бердиев Ш. Юридик шахслар қилмиши уни криминализация ва пенализация қилишининг ҳуқуқий асослари. // Ҳуқуқ ва бурч, №1/2014, 53-56-бетлар.

11. Административное право. Учебник / Под ред. Ю.М. Козлова, Л.Л. Попова. – М., 1999. – С.345

12. Хамедов И.А., Хван Л.Б., Цай И.М. Административное право Республики Узбекистан. Общая часть. Учебник. – Т., 2012. – С.389

13. <http://huquqburch.uz>

14. Қобилов Ш., Экологик қонунчиликини бузганлик учун юридик жавобгарликнинг такомиллаштириш муаммолари. Юридик фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т.: 2002, – Б. 60.

Н.А.Ашурова,
ТДЮУ докторанти,
юридик фанлари номзоди

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИДА ГАРОВГА ҚЎЙИЛГАН МОЛ-МУЛҚДАН ФОЙДАЛАНИШ ШАРТЛАРИВА ТАРТИБИ

Аннотация: мақолада тадбиркорлик фаолиятида гаровга қўйилган мол-мулкдан фойдаланиш шартлари ва талаблари, гаровга қўйилган мол-мулкни сақлаш билан боғлиқ мажбуриятларни бузиш масалалари ўрганилган. Муаллиф тадбиркорлик фаолиятида гаров муносабатларини қўллашни бузиш ҳолатларини таҳлил қилар экан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексини такомиллаштиришга оид таклифларни илгари суради.

Калит сўзлар: тадбиркорлик фаолияти, гаров, мол-мулк, гаровга олувчи, гаровга қўювчи, гаров нарсаи, шартнома шартларининг бузилиш ҳолатлари, ҳуқуқлар гарови.

Аннотация: в статье изучены вопросы условия и требования использования, а также нарушений обязательств, связанных с хранением, оставленной под залог собственности в предпринимательской деятельности. Анализируя нарушения отношений залога в предпринимательской деятельности, автор выдвигает предложения по совершенствованию Гражданского кодекса Республики Узбекистан.

Ключевые слова: предпринимательская деятельность, залог, собственность, залогополучатель, залогодатель, предмет залога, случаи нарушения условий договора, залог прав.

Abstract: the article studied the issues of terms and conditions of use, as well as breaches of obligations related to the storage, left the security of property in business. Analyzing violations of collateral relations in entrepreneurial activity, the author puts forward proposals to improve the Civil Code of the Republic of Uzbekistan.

Key words: entrepreneurship, mortgage, property, pledgee, the pledgor, the collateral, for breach of contract, the pledge rights.

Тадбиркорлик фаолиятида турли шартномалар асосида мол-мулкдан фойдаланиш кенг қўлланилади. Бунда тадбиркорлик фаолияти субъекти ўзгалар мол-мулкдан фойдаланиш эвазига ўз бизнесини юритиши билан бирга, ўзига тегишли мол-мулкни фуқаролик муомаласига киритиш орқали ҳам даромад олишга қаратилган фаолият юритиши мумкин. Тадбиркорлик фаолияти субъектининг ўзига тегишли мол-мулкни фуқаролик муомаласига киритиш орқали ўз фаолиятини юритиш, ўз мол-мулкни эркин тасарруф этиш усулларида бири гаров муносабатларидир. Бунда гаров муносабатлари тарафларига бир қатор ҳуқуқ ва мажбуриятлар юклатиладики, бу ҳуқуқ ва мажбуриятлар тадбиркорлик субъекти мол-мулкнинг ҳуқуқий режимини белгилашда алоҳида ўрин тутлади.

Умумий қоидага кўра, гаров шартномаси иккиламчи характери касб этадиган ҳуқуқий муносабат сифатида эътироф этилади. Муайян бир фуқаролик-ҳуқуқий шартнома бўйича юзага келадиган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш воситаси сифатида гаров шартномаси қарздорнинг мол-мулкни фуқаролик муомаласи чеклаш ҳамда унда назарда тутилган

шартлар ва талаблар бажарилмаганда гаровга олувчининг талабларини қарздорнинг гаровга қўйилган мол-мулкдан, бошқа кредиторларга қараганда имтиёзли қаноатлантиришни назарда тутиши билан аҳамиятли ҳисобланади. Шу боис гаров шартномасида назарда тутилган шартларнинг бажарилмаслиги одатда асосий шартнома бўйича қарздорнинг зиммасидаги мажбуриятни бажармаслиги билан боғлиқдир. Шу билан бирга, гаровга қўйилган объектни, яъни гаров нарсасини асраш ва сақлаш, унинг нобуд бўлиш ёки шикастланиш хавфи ва, шунингдек, гаров нарсасига нисбатан амалга оширилиши тақиқланган ҳаракатларни амалга оширилиши гаров шартномасидаги тарафларнинг мажбуриятларини бузиш ҳисобланади.

ФКнинг 274–278-моддаларида гаров шартномаси бўйича тарафларнинг мажбуриятлари назарда тутилган. Хусусан, ФКнинг 274-моддаси 1-қисмига кўра, агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, гаровга қўювчи ёки гаровга олувчи гаровга қўйилган мол-мулк кимдалигига қараб (ушбу Кодекснинг 269-моддаси):

1) гаровга қўйилган мол-мулк йўқолиши ёки шикастланиши хавфидан унинг тўла қиймати бўйича, борди-ю мол-мулкнинг тўла қиймати гаров билан таъминланган талабнинг миқдоридан ошиб кетса, талаб миқдоридан кам бўлмаган суммага гаровга қўювчи ҳисобидан суғурталаш;

2) гаровга қўйилган мол-мулкнинг асралишини таъминлаш учун, шу жумладан уни учинчи шахсларнинг тажовузлири ва талабларидан ҳимоя қилиш учун зарур чораларни кўриши;

3) гаровга қўйилган мол-мулк йўқолиши ёки унинг шикастланиши хавфи пайдо бўлганлиги тўғрисида иккинчи тарафни дарҳол огоҳлантириши шарт.

Иқтисодий ривожланишнинг бугунги босқичида мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усули сифатида гаров катта аҳамият касб этади. Кўп ҳолларда мазкур механизмдан жисмоний ва юридик шахслар, бизнес субъектларини кредитловчи, шунингдек ипотека кредитлари берувчи банклар ва нобанк кредит муассасалари фойдаланиладилар. Албатта, реал таваккалчилик ҳолатида кредит муассасалари ўз таваккалчиликларини бошқаришнинг шундай тизимини ташкил этишадими, бу тизимда ишончли ва молиявий барқарорлиқни максимал таъминлашга эътибор қаратилади. Ҳозирги пайтда кредит бозорларидаги ҳолат шундай шаклланганки, гарчи мол-мулк гарови эвазига кредитлаш шароитида ҳам кредит муассасалари бир қатор ҳолатларга кўра гаров предметига ундирувни қаратиш имкониятига эга эмаслик билан тўқнаш келишмоқда. Бундай нохуш ҳолат (воқеа) лар юз бермаслиги хавфини, шунингдек ўзларининг кредит таваккалчиликларини камайтириш учун банк суғурта каби таваккалчилик хавфини бошқариш усулидан фойдаланиши мумкин. Суғурта кредит фаолиятидаги хавфларни бошқаришнинг методларидан бири бўлиб, хавфни суғурталовчи ва кредит бозор иштирокчилари ўртасида тақсимлаш имконини беради, кредитлаш тизимининг ишончилигини оширади. Банк томонидан гаровга қўйилган мол-мулкни суғурталашни ташкил этишнинг сифати нафақат ташкилотнинг кредит хавфини камайтириш имконини беради, балки истеъмом кредит бозорида унинг рақобатбардошлиги элементи ҳам ҳисобланади [1, - 115 с].

Банк томонидан берилган кредитлар қайтарилишини кафолатлашга ёрдам берувчи суғурталашнинг бир нечта турлари мавжуд. Бундай суғурта турларига, хусусан, банк томонидан берилган кредит қайтарилишини таъминлаш кафолати сифатида берилган мол-мулкни суғурталаш (гаровни суғурталаш) ва қарздорнинг ҳаёти ва соғлигини суғурталаш киради.

Гаровга қўйилган мол-мулкни суғурталаш тизимини қуйидагича изоҳлаш мумкин:

1. Уй-жой ипотека кредити соҳасидаги хавфлардан ҳимоялашнинг комплекси суғуртаси. Унинг таркиби ипотекага қўйилган кўчмас мулк суғуртаси, титул суғуртаси ва қарздорнинг ҳаёти ва соғлигини суғурталаш киради;

2. Юридик ва жисмоний шахсларнинг бошқа мол-мулклари суғуртаси (масалан, транспорт, бино, иншоот, ускуна, товар-моддий бойликлар ва шу кабилар);

3. Гаровни суғурталашда кредит маблағлари қайтарилишини кўшимча кафолати сифатида қўлланиладиган “гаров атрофидаги” деб номланадиган суғурта (масалан, қарздорнинг ҳаёти ва соғлигини суғурта қилиш) [2, 29-с].

Мол-мулкни лозим даражада сақлаш ва асраш мажбурияти гаров муносабатларининг томонларига юклатилади (гаровга қўювчи ёки гаровга олувчига) ва бу билан уларга ЎзР ФК 174-моддасининг қондасини жорий қилади. Бу мажбуриятлардан ташқари, шарҳланаётган модда билан гаровга қўйилган мол-мулкни унинг тўла қиймати бўйича суғурталаш талаби ўрнатилади. Агар мол-мулкнинг тўла қиймати гаров билан таъминланган талабнинг миқдоридан ошиб кетса, талаб миқдоридан кам бўлмаган суммага суғурталашга рухсат берилади [3, 429-6].

Гаровга қўйилган мол-мулк йўқолиши ёки шикастланиши хавфи суғурталашда суғурталаш шийматини аниқлашнинг қуйидаги икки мезони белгиланган. Биринчидан, гаровга қўйилган мол-мулкнинг тўла қиймати суммаси, иккинчидан, гаров билан таъминланган талаб миқдоридан кам бўлмаган сумма. Бошқача айтганда, гаровга қўйилган мол-мулк йўқолиш ёки шикастланиш хавфини суғурталашдан мақсад, гаров билан таъминланган талабни кўшимча кафолатлаш ҳисобланади. Мабодо гаров объекти йўқолса ёки шикастланса, суғурта пули ҳисобидан гаров талаби қаноатлантиради.

Д.В.Соболеваниннг фикрича, гаров суғуртаси – кредитни таъминлаш учун берилган мол-мулкни фақат йўқолиш ёки шикастланиш хавфидан суғурталанаётган мол-мулкни таъминлаш талаблари даражасида белгиланадиган суғурта суммасининг минимал миқдоридаги суғурталашдир [4, 56-с].

Ю.С.Поваров гаров нарсасини суғурталаш гаров шартномасининг асосий шarti эканлигини таъкидлайди [5, 47-с].

Д.Б.Раднаеваниннг фикрича, қарздор томонидан мажбуриятнинг бузилиши кам аҳамиятли бўлиши лозим, яъни бунинг натижасида гаровга олувчининг талаблари ҳажми гаровга қўйилган мол-мулкнинг қиймати билан тенг бўлиши зарур. Бундан истисно сифатида гаровга олувчининг мажбуриятни бажарилиши муддатидан олдин ундирувни гаров нарсасига қаратиш ҳолатлари ҳисобланади. Бундай ҳолатларга гаров нарсасини суғурта қилиш мажбуриятини бажармаслик киради [6, 27-с].

Назаримизда, гаровга қўйилган мол-мулкни суғурталаш мажбуриятини гаров предмети кимдалигидан қатъий назар гаровга қўювчида бўлади ва бу мажбуриятни бажармаслик гаровга қўювчига нисбатан ноқулай ҳуқуқий оқибатларни юзага келтиради. Гаровга қўйилган мол-мулкни суғурталаш мажбурияти бажарилмаганда гаровга олувчи гаров билан таъминланган мажбурият бажарилиш муддатидан илгари шартномани бекор қилиб, ундирувни гаров нарсасига қаратиши ёки гаровга қўювчидан дарҳол гаровга қўйилган мол-мулкни суғурталашни талаб қилишга ҳақли бўлади.

Таъкидлаш лозимки, ФКнинг 274-моддаси биринчи қисми 1-бандидаги қоида гаровга қўювчининг мулкий ҳолатини ёмонлаштиришга қаратилган ва кўп ҳолларда уни асоратга солишга қаратилганга ўхшайди. Зеро, гаровга қўювчи гаровга қўйилган мол-мулкни суғурталашда фақат гаров билан таъминланган талаб доирасидаги мажбуриятни зиммасига олади ва ундан ортиги учун у мажбуриятни зиммасига олмайди. Бироқ ФКнинг 274-моддаси биринчи қисми 1-банди гаровга қўювчига нисбатан ана шундай қўшимча мажбуриятни юқлайди. Зеро, мазкур нормадаги “гаровга қўйилган мол-мулк йўқолиши ёки шикастланиши хавфидан унинг тўла қиймати бўйича” суғурталаш мажбурияти гаровга қўювчи учун қўшимча харажатлар қилишга олиб келади. Шу боис ФКнинг 274-моддаси биринчи қисми 1-бандини қуйидаги таҳрирда ифодалаш зарур:

1) гаровга қўйилган мол-мулк йўқолиши ёки шикастланиши хавфидан гаров билан таъминланган талабнинг миқдоридан кам бўлмаган суммага гаровга қўювчи ҳисобидан суғурталаш;

Бундай қоида бир қатор хорижий мамлакатлар қонунчилигида ҳам назарда тутилганлигини кузатишимиз мумкин. Жумладан, Россия Федерацияси Гражданлик кодексининг 343-моддаси 1-қисми 1-бандида айнан шундай қоида назарда тутилган.

Шу ўринда, гаровга қўйилган мол-мулкни суғурталаш борасида ФКнинг 274-моддаси биринчи қисми ва Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майдаги 614-І-сон “Гаров тўғрисида”ги Қонунининг 12-моддаси биринчи қисмидаги такрорланиш ҳолати хусусида тўхталиб ўтиш лозим. Мазкур қонун ҳужжатларидаги нормаларда айнан бир хил қоида такрорланган. Бироқ “Гаров тўғрисида”ги Қонуннинг 12-моддаси биринчи қисмидаги қоидалар модданинг номига мос эмаслигини ҳам қайд этиш лозим. Зеро, “Гаров тўғрисида”ги Қонуннинг 12-моддаси “гаров нарсасини суғурта қилиш” – деб номлангани ҳолда, унинг биринчи қисми 2–3-бандларида гаровга қўйилган мол-мулкни сақлаш ва асрашга доир қоидаларни назарда тутди. Шу боис ФКнинг 274-моддаси биринчи қисми қоидаларини такрорламаслик ҳамда “Гаров тўғрисида”ги Қонуннинг 12-моддаси номи ва унинг биринчи қисми мазмуни мослигини таъминлаш мақсадида, ушбу нормани қуйидаги мазмунда ифодалаш лозим:

Гаровга қўйилган мол-мулкнинг йўқолиши ёки шикастланиши хавфи Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 274-моддаси биринчи қисми 1-банди талабларига кўра, гаровга қўювчи ҳисобидан суғурталаниши лозим.

“Гаров тўғрисида”ги Қонуннинг 12-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, шартнома ёки қонун ҳужжатлари билан гаровга қўювчи зиммасига давлат бошқарув органлари томонидан унинг хўжалик фаолиятини

тўхтатиб қўювчи ёхуд унга халақит берувчи ёки унга салбий таъсир этувчи хатти-ҳаракатлар содир этилиши ва ҳужжатлар қабул қилиниши (мол-мулкни мусодара, реквизиция қилиш), шунингдек тугатилиши ёки хўжалик субъекти тўлов қобилиятини йўқотган деб эътироф этилиши ҳолларида суғурта қилиш мажбурияти юкланиши мумкин.

Гаров билан таъминланган мажбуриятни бажаришни суғурталашда гаровга қўювчида қўшимча равишда давлат бошқарув органларининг турли санкциялари оқибати хавфини ҳам қиритиш фуқаролик қонунчилигининг умумий негизларига зид келади. Дейлик, тадбиркор банкдан 750 миллион сўмлик кредит олиб савдо комплексини қуришни бошлади. Бироқ қурилиш ишлари бажарилиб бўлиниб, савдо комплекси ишга тушишидан олдин, давлат бошқаруви қарори асосида қурилиш учун ер участкаси нотўғри ажратилган деб топилиб, ноқонуний қурилган иморат бузиб ташланадиган бўлди. Бу ҳолат бўйича, тадбиркорлик кредит шартномаси бўйича ўз мажбуриятини бажара олмайди. Чунки, унинг савдо комплекси асосланган бизнес барҳам топди. Банк эса берилган кредит суммасини қайтарилишини талаб қилади ва бу ҳолат ер участкасининг ноқонуний ажратилганлиги натижасида бузилиб ташланиши унинг муаммоси эмаслигини таъкидлайди.

Агар “Гаров тўғрисида” ги Қонуннинг 12-моддаси иккинчи қисми асосида суғурталанган бўлса, тадбиркорнинг мажбурияти учун суғурта компанияси кредит суммасини қоплайди. Бироқ бундай суғурталаш тадбиркор учун икки каррали суғурта харажатларини келтириб чиқаради. Чунки, тадбиркор кредитни таъминлаш учун гаровга қўйилган мол-мулкни суғурталаш харажатини ҳамда давлат органларининг санкциялари хавфини суғурта қилиш тўловларини тўлаши лозим бўлади. Шу сабабли бу ҳолатга нисбатан ФКнинг 350-моддаси қоидаларини қўллаш масаласидан келиб чиқиш талаб этилади.

ФКнинг 350-моддаси биринчи қисмига биноан, агар давлат органининг ҳужжати чиқиши натижасида мажбуриятни бажариш тўлиқ ёки қисман мумкин бўлмай қолса, мажбурият тўлиқ ёки унинг тегишли қисми бекор бўлади. Бунинг натижасида зарар кўрган тарафлар ушбу Кодекснинг 12 ва 15-моддаларига мувофиқ, уни тўлашни талаб қилишга ҳақлидирлар.

Бу қоида эса суғурта қилдирилмаганда ҳам давлат органининг санкциялари сабабли кредит мажбуриятини бажариш мумкин бўлмаса, банк қарздорнинг кредит маблағлари қайтарилмаганлиги боис етказилган зарар ФКнинг 12 ва 15-моддалари асосида давлат органлари томонидан қопланиши лозим.

Агар “Гаров тўғрисида”ги Қонуннинг 12-моддаси учинчи ва тўртинчи қисмларига кўра, гаровга қўйилган мол-мулк суғурта қилинганда гаров билан таъминланган мажбурият суммасидан ортиқ бўлмаган суммада суғурта товонини олувчи — гаровга олувчи ҳисобланади. Гаровга қўювчи суғурта товонининг қолган суммасини олади.

Суғурта ҳоллари содир бўлганда гаровга олувчи ўз талаблари суғурта товони суммасидан имтиёзли қондирилиши ҳуқуқига эга бўлади.

Гаровга қўйилган мол-мулкнинг асралишини лозим даражада таъминламаганлик оқибатлари Ўзбекистон Республикасининг “Ипотека тўғрисида”ги 2006 йил 4 октябрдаги ЎРҚ-58-сон Қонунида ҳам назарда тутилган. Мазкур Қонуннинг 23-моддасига кўра,

ипотека тўғрисидаги шартнома бўйича гаровга қўйилган мол-мулкдан фойдаланиш ва уни сақлаш қоидалари, шунингдек мазкур мол-мулкни асраш мажбуриятлари ипотекага қўювчи томонидан қўпол равишда бузилган ҳамда бундай қоидабузарлик гаровга қўйилган мол-мулкнинг йўқолиши ёки шикастланиши хавфини келтириб чиқарган тақдирда, шунингдек гаровга қўйилган мол-мулкни суғурта қилиш бўйича мажбуриятлар бузилган ёхуд ипотекага олувчига гаровга қўйилган мол-мулкни текшириши асосиз равишда рад этилган тақдирда, ипотекага олувчи ипотека билан таъминланган мажбуриятнинг муддатидан олдин бажарилишини талаб қилишга ҳақли. Агар бундай талабни қаноатлантириш рад этилса, ипотекага олувчи ундирувчи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ипотека тўғрисидаги шартнома бўйича гаровга қўйилган мол-мулкка қаратишга ҳақли.

Ипотека тўғрисидаги шартнома бўйича гаровга қўйилган мол-мулкнинг тасодифан нобуд бўлиши ёки тасодифан шикастланиши хавфи, агар бундай шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ипотекага қўювчининг зиммасида бўлади.

Агар ипотекага олувчи жавобгар бўлмаган ҳолатларга кўра гаровдаги мол-мулк йўқолган ёки мажбуриятни ипотека билан таъминлаш жиддий тарзда ёмонлашган даражада шикастланган бўлса, ипотекага олувчи ипотека билан таъминланган мажбуриятнинг муддатидан олдин бажарилишини, шу жумладан ушбу Қонуннинг 24-моддасига мувофиқ суғурта товони ҳисобидан бажарилишини талаб қилишга ҳақли.

Агар ипотекага олувчи билан ипотекага қўювчи ўртасида нобуд бўлган ёки шикастланган гаровга қўйилган мол-мулкни тиклаш ёхуд алмаштириш тўғрисида келишув тузилган ва ипотекага қўювчи бу келишув шартларини лозим даражада бажараётган бўлса, ипотекага олувчи ипотека билан таъминланган мажбуриятнинг муддатидан олдин бажарилишига доир ҳуқуқларни амалга ошира олмайди.

Ушбу Қонуннинг 24-моддасига мувофиқ, ипотека тўғрисидаги шартнома бўйича гаровга қўйилган мол-мулк, агар ипотека тўғрисидаги шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, йўқолиш ва шикастланиш хавфидан суғурта қилиниши керак. Ипотека тўғрисидаги шартномада гаровга қўйилган мол-мулкни суғурта қилиш ҳақида бошқача шартлар бўлмаган тақдирда, ипотекага қўювчи бу мол-мулкни йўқолиш ва шикастланиш хавфидан унинг тўлиқ қиймати бўйича, агар мол-мулкнинг тўлиқ қиймати ипотека билан таъминланган мажбурият миқдоридан ортиқ бўлса, шу мажбурият суммасидан кам бўлмаган суммага ўз ҳисобидан суғурта қилиши шарт.

Ипотекага олувчи ипотека билан таъминланган мажбурият бўйича ўз талабини, гаровга қўйилган мол-мулк кимнинг фойдасига суғурта қилинганлигидан қатъи назар, бевосита гаровдаги мол-мулк йўқолганлиги ёки шикастланганлиги учун тўланадиган суғурта товони ҳисобидан қаноатлантириш ҳуқуқига эга. Бу талаб ипотекага қўювчининг бошқа кредиторлари талабларидан ҳамда суғурта қайси шахслар фойдасига амалга оширилган бўлса, шу шахслар талабларидан олдин имтиёзли тарзда қаноатлантирилиши керак, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар гаровга қўйилган мол-мулк ипотекага олувчининг ўзи жавобгар бўлган сабабларга кўра

йўқолган ёки шикастланган бўлса, ипотекага олувчи ўз талабини суғурта товони ҳисобидан қаноатлантириш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

Ипотекага қўювчи уй ёки квартира ипотекаси тўғрисидаги шартнома бўйича кредит қайтарилишига доир мажбурият бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун кредитор олдидаги ўз жавобгарлиги хавфини суғурталашга ҳақли.

ФКнинг 274-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларига кўра, гаровга олувчи ва гаровга қўювчи иккинчи тарафдаги гаровга қўйилган мол-мулкнинг мавжудлигини, миқдорини, ҳолатини ва уни сақлаш шароитларини ҳужжатлар асосида ва амалда текширишга ҳақли.

Гаровга олувчи ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган бурчларни гаровга қўйилган мол-мулкнинг йўқолиш ёки шикастланиш хавфини туғдирадиган даражада қўпол тарзда бузганида гаровга қўювчи гаровни муддатидан олдин бекор қилишни талаб қилишга ҳақли.

Гаров нарчасини сақлаш ва асраш мажбурияти гаров шартномасининг иккала тарафига ҳам тегишли бўлиб, бунда асраш ва сақлаш мажбурияти гаров нарчаси кимдалигидан келиб чиқиб аниқланади ва гаровга қўйилган мол-мулкнинг тасодифан нобуд бўлиш оқибати учун ҳам айнан гаров нарчасини сақлаб турган тараф жавобгар бўлади. Бунда кўчар мол-мулклар гаровга берилганда гаров нарчаси гаровга олувчида бўлиши, кўчмас мулклар гаровида эса гаров нарчаси кўп ҳолларда гаровга қўювчининг ўзида қолдирилишидан келиб чиқилиши лозим, албатта. Бироқ гаровнинг яна бир мустақил тури мулкий ҳуқуқлар гаровида (ФКнинг 265-моддаси биринчи қисми, “Гаров тўғрисида” ги Қонуннинг 5-моддаси иккинчи қисми) гаров нарчасининг сақланиши ва асралиши борасида қоида назарда тутилмаган. Шу боис ҳуқуқлар гаровида гаровга олувчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга нисбатан қоидаларни ФКга киритиш зарур. Бинобарин, ФКда гаров нарчаси бўлган мол-мулкни гаровга олувчининг манфаатларидан келиб чиқиб сақлаш ва асраш борасида қоидалар назарда тутилгани ҳолда, ҳуқуқлар гаровини сақлаш ва уни муомалага киритиш ёки бошқача усулда ундан фойдаланишини чеклаш ёхуд гаровнинг мазкур турида гаровга олувчининг манфаатлари қандай таъминланиши борасида кўрсатмалар мавжуд эмас. Фикримизча, ФКнинг 274¹-моддаси сифатида “ҳуқуқлар гаровида гаровга олувчининг ҳуқуқларини таъминлаш” номли модда киритиш ва унда ҳуқуқлар гаровга қўйилганда гаровга олувчининг ҳуқуқларини таъминлаш чоралари хусусида қоидалар назарда тутилиши лозим.

Адабиётлар рўйхати:

1. Воронина Е.В., Тимошенко И.Е. Проблемы страхования залогового имущества при потребительском кредитовании // Сибирская финансовая школа. – 2008. – №2. – С. 115.
2. Черных А.А. Тенденции развития рынка страхования залогового имущества в РФ // Российский академический журнал. – 2011. – № 2 том, 16 апрель-июнь. – С. 29.
3. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ. 1-жилд (биринчи қисм) Адлия вазирлиги. – Тошкент: «Vektor-Press», 2010. – Б. 429.

4. Соболева Д.В. Актуальные проблемы развития залогового страхования в России // Известия Санкт-Петербургского университета экономики и финансов. – 2010. – №2. – 56 с.

5. Поваров Ю.С. Существенные условия договора залога // Известия Санкт-Петербургского университета экономики и финансов. – 2012. – №4. – 47 с.

6. Раднаева Д.Б. Правовое регулирование договора ипотеки (залога недвижимости): автореферат диссертации канд. юрид. наук. – М.: 2012. – 27 с.

Г.Узакова,
ТДЮУ докторанти,
юридик фанлари номзоди

ШАҲАР ЕРЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ

Аннотация: мақолада мамлакатимиз қонунчилигидан келиб чиққан ҳолда шаҳар ерларининг ўзига хос хусусиятлари, ушбу ерлардан фойдаланишнинг ҳуқуқий тартиби ёритилган. Шунингдек, хорижий давлатлар тажрибаси ҳам ўрганилган. Мақола сўнгида амалий аҳамиятга эга бўлган таклиф ва тавсиялар ҳавола қилинган.

Калит сўзлар: шаҳар ерлари, ердан фойдаланиш ҳуқуқи, аҳоли пункти ерлари, ер участкасига нисбатан хусусий мулк ҳуқуқи

Аннотация: исходя из законодательства страны в статье даны особенности и правовой порядок пользования землями городов, а также изучен зарубежный опыт. В конце статьи продвинуты предложения и рекомендации практического значения.

Ключевые слова: земли городов, право землепользования, земли населенных пунктов, право частной собственности на земельный участок

Abstract: In this publication based on the Legislation of the country the features and use of the legal order of the land of towns. However researched foreign experience. At the end of the article advanced the proposals and recommendations of practical value.

Key words: land of town, rights of using land, land of settlement, private property right to the land.

Ер барча табиий ресурслар ичида ўзига хос алоҳида ҳуқуқий мақомга эга. У қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш воситаси, аҳолининг муқим яшаш жойи, юридик шахслар учун операцион базис, давлат маъмурий чегаралари доирасидаги ҳудуд бўлганлиги боис мустақил давлат сифатида мавжуд бўлишнинг асосий ва энг муҳим шартларидан биридир.

Шу боис ҳам, мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш орқали аҳоли бандлигини таъминлашда, жамият ҳаётининг барча соҳаларида фуқаролар билан эркин мулоқот ўрнатиш орқали демократик ҳуқуқий давлат қуриш жараёнини янги босқичга кўтаришда, қолаверса, ижтимоий, иқтисодий, маданий жиҳатдан аҳолининг турмуш даражасини ошириш сингари устувор вазибаларни муваффақиятли амалга оширишда ер бойликларидан оқилона фойдаланиш масаласига алоҳида эътибор қаратилади.

Таъкидлаш жоизки, юқоридаги вазибаларни амалга оширишда шаҳар ерларидан оқилона ва илмий асосланган тарзда тўғри фойдаланишни ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, шаҳар ерлари тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қулай ҳудуд ҳисобланади, шунингдек мамлакат аҳолисининг катта қисми шаҳарларда истиқомат қилганлиги боис бу ерлардан мақсадли фойдаланишни ташкил этиш аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади. Шу билан бирга, шаҳарлар одатда фан ва маданият ўчоғи, маъмурий бошқарув ишлари ташкил этиладиган марказлар саналади.

Ўзбекистон Республикаси ер қонунчилигига кўра, мамлакат бутун ер фонди ундан фойдаланиш

мақсадларидан келиб чиққан ҳолда бир неча тоифаларга бўлинади. Ушбу ер фонди тоифалари ичида аҳоли пункти ерлари ва унинг таркибий қисми ҳисобланган шаҳар ерлари муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда аҳоли пунктларининг ерлари 221 минг гектарни ёки умумий ер фондининг тахминан 0,49 фоизини ташкил этади [1, 5-6]. Ўзбекистон Республикаси Ер кодексида кўрсатилишича, аҳоли пунктларининг ерлари – шаҳарлар, посёлкалар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг ерларига бўлинади. 2016 йилги маълумотларга кўра, ҳаммаси бўлиб республикамизда 119 та шаҳар мавжуд. Ўз навбатида, шаҳарлар маъмурий бўйсунуши ва аҳоли сонига нисбатан республика, вилоят ва туман аҳамиятидаги шаҳарларга бўлинадилар.

Энг йирик шаҳар ҳозирги кунда Тошкент (2,5 млн.га яқин аҳоли), иккинчи ўринда эса, Самарқанд шаҳридир (0,5 млн.га яқин аҳоли). Жами шаҳарлардан 49 тасида 20 дан 50 минггача, 21 тасида 50 дан 100 минггача, 11 тасида 100 дан 250 минггача, 5 тасида 250 минг дан 500 минггача аҳоли истикомат қилади. Мустақилликка қадар Ўзбекистон ҳудудига 8 та шаҳар тугатилган.

Аҳоли пункти ерлари ва уларнинг алоҳида тури сифатида шаҳар ерларининг ҳозирги пайтдаги ҳуқуқий мақоми тубдан ўзгариб кетмоқда. Бу ерларга нисбатан ҳозирги даврда улар атрофида вужудга келаётган ҳуқуқий муносабатлар ер, фуқаролик, аграр, шаҳарсозлик ва бошқа қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади. Ушбу ҳолат, ўз навбатида, ҳуқуқий тартибга солиш масалаларида кўплаб янги муаммолар ва вазифаларни келтириб чиқаради. Ерга нисбатан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар асосан шаҳар ерлари негизда ривожланаётганлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистонда ерга бозор муносабатларини татбиқ этиш қонуниятларини ўрганиш ва таҳлил этиш, шунга кўра тегишли қонун ҳужжатларини ҳамда назарий қоидаларни такомиллаштириш муҳим заруратга айланмоқда. Қолаверса, Ўзбекистондаги мавжуд демографик вазият ҳам шаҳар ерлари аҳамияти тобора ортиб бораётганлиги ва шунга кўра бу ерларнинг ҳуқуқий мақомини доимий равишда такомиллаштириб туриш эҳтиёжини келтириб чиқаради.

Мамлакатимизда аҳолининг тез суръатларда ўсиб бораётганлигини инобатга олиб, шаҳар ерларидан фойдаланишнинг алоҳида ҳуқуқий ҳолати ўрнатилган. Шаҳар ерларидан фойдаланиш асосан қатъий белгиланган режа асосида қурилиш масалаларини ҳал қилишга қаратилган бўлади. Демак, шаҳар ерлари шаҳар қурилиш иншоотларини жойлаштириш учун фундамент, асос, ўрин, макон вазифасини бажаради.

Шаҳар ерлари, энг аввало, аҳолининг муқим яшаш жойи ҳисобланади. Ушбу ерлар билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар фуқароларнинг ердан фойдаланишдаги табиий ҳуқуқини таъминлаш (ердан яшаш, жойлашиш ва шу мақсадда уй-жой қуриш) ҳамда мулкчиликнинг турли шаклларида бўлган юридик шахсларни ҳудудий асос бўлган ерда жойлаштириш билан боғлиқ муносабатлардан келиб чиқади. Шу ўринда, шаҳар ерларининг ер фондининг муайян тоифаси бўлиши билан бирга давлат белгиланган чегарага эга бўлган маъмурий-ҳудудий бирлик эканлигини таъкидлаш лозим.

Шаҳарлар деганда, аҳолиси асосан саноат ва савдо, шунингдек хизмат кўрсатиш, бошқарув, фан, маданият соҳаларида банд бўлган энг катта аҳоли

пунктлари тан олинади. Шаҳарлар қоида тариқасида туман, вилоятларнинг маъмурий ва маданий марказлари ҳисобланадилар. Шаҳар ерларининг бош вазифаси – шаҳарнинг барқарор ривожланишини, аҳолининг мақбул тарзда жойлашувини, шунингдек ишлаб чиқариш ва транспорт объектларининг мувофиқлашган ҳолда жойлашувини таъминлашдан иборат.

Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисидаги Қонунда шаҳарларнинг қуйидагича учта тури кўзда тутилган:

1) Республика, вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар – қоида тариқасида, камида ўттиз минг аҳолиси бўлган, муҳим маъмурий аҳамият касб этадиган, истиқболли иқтисодий ва маданий марказлар деб ҳисобланган шаҳарлар.

2) Туман бўйсунувидаги шаҳарлар – камида етти минг аҳолиси бўлган, саноат корхоналари ва ривожланган инфраструктураси мавжуд шаҳарчалар, аҳоли пунктлари.

3) Шаҳарчалар – саноат корхоналари, қурилишлар, темир йўл станциялари ва бошқа муҳим объектлар яқинида жойлашган ҳамда қоида тариқасида камида икки минг аҳолиси бўлган аҳоли пунктлари.

Шаҳарсозлик кодексининг 9-моддасига мувофиқ эса, аҳоли сонига қараб шаҳар аҳоли пунктлари қуйидагиларга бўлинади:

1) энг йирик аҳоли пункти – аҳолисининг сони бир миллиондан ортиқ кишидан иборат;

2) йирик аҳоли пункти – аҳолисининг сони икки юз эллик мингдан бир миллионгача кишидан иборат;

3) катта аҳоли пункти – аҳолисининг сони юз мингдан икки юз эллик минггача кишидан иборат;

4) ўртача аҳоли пункти – аҳолисининг сони эллик мингдан юз минггача кишидан иборат;

5) кичик аҳоли пункти – аҳолисининг сони эллик минггача кишидан иборат.

Шаҳар ерларининг ҳуқуқий ҳолати Ўзбекистон Республикаси Ер кодексида белгиланган (59–67-моддалар). Унга кўра, шаҳарларнинг маъмурий чегараларидаги барча ерлар шаҳарларнинг ерларига киради. Шаҳар ерлари чегараси нафақат бинолар ва ҳар хил қурилмалар эгаллаган ерлардан, балки шаҳар хўжалиги ва аҳолисига хизмат қиладиган қурилишлар билан банд бўлмаган ерлардан иборат бўлади. Шаҳар ерларининг чегараси ўзгармас бўлмайди. Унга янги турар-жой бинолари, транспорт, коммунал хўжалиги эҳтиёжлари учун янги ерларни қўшиб олиш мумкин. Ер кодексининг 61-моддасида кўрсатилишича, режалаштириш ва қурилиш олиб боришнинг тасдиқланган лойиҳаларига мувофиқ шаҳар ерларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва ижарага бериш туман ёки шаҳар ҳокимининг қарорига асосан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 60-моддасидан келиб чиқадиган бўлса, шаҳар ерларининг чегараси юридик ва жисмоний шахслар ер участкаларининг чегаралари бўйича белгиланиши лозим. Шаҳар ерлари чегаралари тегишли давлат ҳокимияти органларининг қарорларига асосан ўзгартирилиши (кенгайтирилиши) мумкин.

Шаҳар, посёлка, қишлоқ аҳоли пунктлари ерлари ҳуқуқий ҳолатидаги ўхшашлик ва яқинликни уларнинг умумий фойдаланишдаги ерларидан фойдаланиш тартиби ва мақсадларида кўриш мумкин.

Ер қонунчилигида белгиланишича, шаҳарларнинг умумий фойдаланишдаги ерлари юридик ва жисмоний шахсларга бириктириб қўйилмайди, бу ерлар бевосита шаҳар, туман давлат ҳокимияти органларининг ихтиёрида бўлади. Умумий фойдаланишдаги ерларда бу ер қайси мақсадга хизмат қилса, фақат шунга мос келадиган иморат ва иншоотлар қуришга рухсат берилади. Шунингдек, бу ерлардан туман ёки шаҳар ҳокимининг қарорига асосан юридик шахслар ва фуқароларга энгил иморатлар, яъни савдо чодирлари, дўкончалар, реклама иншоотлари қуриш учун вақтинча фойдаланишга ижара шартлари асосида ер участкалари берилиши мумкин.

Таъкидлаш лозимки, адабиётларда шаҳар ерларининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида фикрлар билдирилган. Жумладан, А.С.Помелов улар дастлабки ҳудудий бириги сифатида ер участкаси, ердан фойдаланиш, ернинг чегараси, алоҳида зонаси эмас, балки айнан маъмурий ҳудудий бирик олиниши билан тавсифланади [2, 5-с], деб ҳисоблайди. Бошқа бир гуруҳ муаллифлар эса, ушбу ерлар фуқароларнинг фаровонлигини таъминлаш ва яшаш учун муҳим роль ўйнаши каби хусусиятларини кўрсатади [3, 327-с]. А.П.Анисимов эса, шаҳар ерларига мансуб бўлган ер участкаларидан “фойдаланиш ва уларга эғалик қилиш” тартиби ва шартлари соҳасида шаҳарсозлик ва ер қонунчилигига, уларни “тасарруф этиш”да эса, ер ва фуқаролик қонунчилигига амал қилиш лозим [4, 14-с], дея эътироф этади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, шаҳар ерлари турли соҳа қонунчилиги нормалари билан тартибга солиниб, комплекс (мажмуалашган) ҳуқуқ қондалари уларнинг ҳуқуқий ҳолатини белгилайди. Шу билан бирга, шаҳар ерларининг ҳуқуқий ҳолатидаги умумийликни бу ерларни бошқариш, фойдаланиш учун бериш, қайтариб олиш каби ҳолатлардаги муштаракликда кўриш мумкин. Демак, шаҳар ерларидан фойдаланишнинг ўзига хос тартиблари ер, шаҳарсозлик, архитектура, географик объектлар, маъмурий-тузилишга оид қонун ҳужжатлари мажмуи билан белгиланади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ер ва Шаҳарсозлик кодекслари, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги конституциявий қонунлар, 2011 йил 12 октябрдаги “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги, 2013 йил 22 апрелдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги, 1996 йил 20 августдаги “Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида”ги қонунлар, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 мартдаги 48-сон қарори билан тасдиқланган “Шаҳарлар, посёлкалар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисида”ги ҳамда 2012 йил 16 октябрдаги 295-сон қарори билан тасдиқланган “Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича Республика комиссияси тўғрисида”ги низомлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Жумладан, Ўзбекистон Ер кодексининг тегишли моддаларида ҳамда шаҳарларни ривожлантириш режаларида белгиланган бўлса, шаҳар ерларида жойлашган муҳофаза этиладиган ҳудудлар ерларидан фойдаланиш шаҳар ерларига бағишланган қондалар билан бир қаторда улар тўғрисидаги қонун билан ҳам белгиланган бўлади.

Хорижий мамлакатларда, жумладан, АҚШда шаҳар ерларининг ҳуқуқий ҳолатини белгилашда асосий мезон сифатида зоналаштириш кўзда тутилган, яъни ушбу давлатда шаҳар ерларини турларга бўлишда асосий омил зоналаштириш ҳисобланади [5, 7-с].

Англияда эса, шаҳарларни ривожлантириш масалалари Атроф-муҳит вазирлиги ҳузуридаги Атроф-муҳит масалалари бўйича департамент зиммасига юкланган. Маҳаллий даражада Англияда шаҳарларни ривожлантиришнинг икки қисмдан иборат бўлган режалаштириш тизими йўлга қўйилган. Шаҳарларни ривожлантириш режасининг *биринчи қисми* – бу “таркибий режа” бўлиб, ҳар бир графлик учун мажбурий ҳужжат сифатида ишлаб чиқилади. *Иккинчи қисм* – бу “маҳаллий режа”, у ҳам сўнгги вақтга келиб барча ҳудудлар учун юритилиши мажбурий мақомга эга бўлди. *Графлик ҳокимияти* таркибий режани, шунингдек бутун графлик ҳудуди бўйлаб фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва чиқиндиларни жойлаштириш режаларини тайёрлаш учун масъул ҳисобланадилар. Маҳаллий режалар ҳар бир маъмурий ҳудудлар бўйича тузилади ва ушбу ҳудуд кенгаши томонидан қабул қилинади. Таркибий режа эса, графлик кенгаши томонидан қабул қилинади [6, 256-р].

Германияда эса, давлат ҳокимияти уч тузилмали ҳисобланади – Bund (федераль даража), Laender (ер даражаси) ва Staedte und Gemeinden (муниципаль даража). Германияда 16 та “Laender” мавжуд бўлиб, улардан учтаси “Stadtstaaten” (ер-шаҳар) мақомига эга. Булар Берлин, Бремен ва Гамбургдир. ГФРда маҳаллий ҳокимият органлари даражасида шаҳар ерларидан фойдаланишни режалаштиришнинг икки тури амал қилади: Flaechennutzungsplan (дастлабки) ва Bebauungsplan (ҳуқуқий). У ёки бу турдаги маҳаллий режаларни тайёрлашда уларни аҳоли билан муҳокама қилиш учун камида бир ой вақт ажратилади. Flaechennutzungsplan муниципалитетнинг бутун ҳудуди учун тайёрланади ва ўзидан юқори даражадаги режага зид келиши мумкин эмас. Режада муниципалитет ҳудуди ердан фойдаланиш тоифаларига бўлинади. У ўз навбатида Bebauungsplan тузиш учун замин бўлади, муниципалитет даражасида фойдаланиш учун мажбурий бўлиб, хусусий ер мулкдорлари учун мажбурий ҳисобланмайди [7, 41–42-с]. Шунингдек, ГФРда федерал қонун муниципалитетларни алоҳида участкалар учун қурилиш хусусияти кўрсатилган талабларга (кўча, мактаб, боғча ва бошқалар учун ажратилган ер участкаларида қурилиш усули, тури ва шу каби 20 дан ортиқ талаблар) риоя этиш мажбуриятини юклайди [8, 45-с].

Бизнингча, юқоридагилар асосида шаҳар ерларининг ҳуқуқий ҳолатини такомиллаштириш билан боғлиқ қуйидаги таклиф ва тавсияларни илгари суриш мумкин:

Биринчидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан яқка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаси ажратиш тартибини батафсил тартибга солувчи ва сонсалорлик ҳамда коррупциявий омилларнинг олдини олишга қаратилган тегишли регламентларни ишлаб чиқиш, уларда зарур ҳужжатларни олиш тартиб-таомилларини соддалаштириш мақсадга мувофиқ. 2006 йилги “Яқка тартибдаги уй-жой қурилиши тўғрисида”ги Низомда ушбу масалалар ўз ифодасини топмаган.

Иккинчидан, бизнингча, Ер кодексида ер участкасини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олишнинг аниқ асосларини белгилаш лозим. Бу ердан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим омил бўлишини ҳисобга олиб, ЎзР Ер кодексининг 37-моддасини қуйидаги тахрирдаги янги иккинчи қисм билан тўлдиришни таклиф қиламиз: “Ер участкасини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш, қайта сотиб олиш учун қуйидагилар асос бўлиб хизмат қилади: 1) халқро мажбуриятлар; 2) ер участкасини sanoat, транспорт, алоқа, муҳофаза, табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш ва рекреация, тарихий-маданий эҳтиёжлар учун ажратиш; 3) фойдали қазилмалар конларини (кенг тарқалган фойдали қазилмалардан ташқари) аниқлаш ва қазиб олиш; 4) йўл, электр тармоқлари, алоқа йўллари, магистрал қувурлар, аҳоли пунктининг умумий фойдаланишдаги муҳандислик-коммунал тармоқларини, шунингдек давлат аҳамиятидаги бошқа объектларни қуриш; 5) бузилиши эҳтимоли юқори бўлган, авариявий ҳолатдаги объектларни бузиш; 6) аҳоли пунктининг бош режасини бажариш”. (Хорижий мамлакатлар, жумладан, Россия Федерацияси ва Қозоғистон Республикаси тажрибаси ер участкасини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олишнинг аниқ асосларини белгилаш мақсадга мувофиқлигини кўрсатмоқда.)

Учинчидан, ер қонунчилигида айрим истисноларни ҳисобга олган ҳолда, ер участкаларига нисбатан хусусий мулк ҳуқуқи тан олинганлигини, шу билан бирга, бу борадаги хорижий давлатлар тажрибасида (масалан, Италия, Греция) айнан шаҳар пункти ерларида хусусий мулк ҳуқуқи институти кенг қўлланилишини ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда ҳам айнан шаҳар пункти ерлари доирасида ер участкаларига нисбатан хусусий мулк ҳуқуқини ривожлантириш мақсадга мувофиқ. Бизнингча, Ер кодексига ер участкасига бўлган ҳуқуқларни кимосди савдосида сотиш тартибини белгиловчи процессуал модда киритилиши лозим.

Тўртинчидан, амалдаги қонунчиликда шаҳар ерларининг яшил ҳудудларининг (шаҳарларнинг яшил ўсимликлар, шу жумладан дарахт-буталар, ўт, гул ўсимликлари билан банд бўлган қисмлари) алоҳида мақоми белгиланмаган. Ҳозирги иқтисодий ўсиш шароитида ушбу ҳудудларнинг шаҳарларда экологик муҳитни ва табиий мувозанатни сақлашдаги аҳамиятини, экологик, соғломлаштириш, рекреациявий, эстетик, антропоген фаолиятнинг салбий таъсирини камайтириш ва бошқа вазифаларни бажаришини ҳисобга олган ҳолда ер қонунчилигининг шаҳар ерларининг ҳуқуқий мақомига оид қисмида мазкур ҳудудларнинг мақомини ва ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилинишини кўзда тутувчи тегишли қўшимчалар киритилиши мақсадга мувофиқ.

Бешинчидан, шаҳар ерларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, Шаҳарсозлик кодексида шаҳар ҳудудида аҳоли манфаатларига дахл қилиши мумкин бўлган йирик қурилишларни амалга оширишда жамоатчилик эшитувлари ўтказилиши мумкинлигини кўзда тутиш мақсадга мувофиқ.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси. “Ўзбекистон Республикаси ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида” Миллий ҳисобот. – Т., 2016. – 5 б.

2. Помелов А.С. О категориях земель // Земля Беларуси. 2003. – №4. – С. 5.

3. Боголюбов С.А., Никишин В.В., Устюкова В.В. Земельное право. Учебник. – М.: Норма, 2003. – С.327.

4. Анисимов А.П. Теоретические основы правового режима земель поселений в Российской Федерации: дисс. ... докт. юрид. наук. – Саратов, 2004. – С.14.

5. Галятин М.Ю. Зонирование как способ правового регулирования земельных отношений в США: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 1984. – С. 7.

6. Spatial Planning Systems in Western Europe // Gerhard Larsson Royal Institute of Technology. Stockholm. – Sweden. 2006. –P. 256.

7. Борисов А.А. Значение зонирования территорий при определении правового режима земель: дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 2014. – С. 41-42.

8. Крашенинников А.В. Градостроительное развитие жилой застройки: исследование опыта западных стран. – М., 2005. – С. 45.

Н.Ш.Ражабов,
ТДЮУ Ҳуқуқий тадқиқотлар маркази
докторанти, ю.ф.н., доцент

ЭКОЛОГИК СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ МЕХАНИЗМИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: мақолада экологик сертификатлаштиришга оид қонунчиликнинг ҳозирги ҳолати ҳамда уни такомиллаштиришга оид масалалар илмий-назарий нуқтаи назардан таҳлил этилган ва бу борада муаллифлик таклифлари илгари сурилган.

Таянч сўзлар: экологик сертификат, экологик меъёрлаштириш, экологик сертификатлаштириш, экологик тоза маҳсулот.

Аннотация: в статье проанализированы вопросы правового регулирования механизма экологической сертификации, при этом особое внимание уделено такому важному вопросу как экологическая сертификация. Данный вопрос рассматривается в научно-теоретическом аспекте, и дано обоснование авторским предложениям.

Ключевые слова: экологический сертификат, экологическая сертификация, экологические нормативы, экологически чистый продукт.

Abstract: the article analyzes the issues of legal regulation of the mechanism of environmental certification, with particular attention paid to such an important issue of environmental certification. This issue is considered in the theoretical and scientific aspect, and author's proposals are grounded.

Key words: ecological certificate, environmental certification, environmental standard, environmentally friendly product.

Мамлакат тараққиётининг асосий негизини истеъмол бозори учун ҳар томонлама сифатли, рақобатбардош ва экологик жиҳатдан тоза бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйилганлиги ҳамда замон талабларига жавоб берадиган кам чиқитли ёки чиқиндисиз технологияларни самарали жорий этилиши муҳимдир. Давлат томонидан ушбу соҳада бозор талаблари асосида эътироф этиладиган рағбатлантирувчи омилларни ишлаб чиқарувчиларга нисбатан ижобий қўлланилиши оқибатда маҳсулотларнинг экологик жиҳатдан сифатини ижобий томонга ўзгаришига замин яратилади. Ҳал қилиниши лозим бўлган муҳим бўлган масала эса истеъмол бозорида экологик омилни янада кучайтиришга қаратилган вазифаларни амалга оширишдан иборатдир. Бу эса, ўз навбатида, инсонларнинг қулай атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлашдек конституциявий ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган иқтисодий механизмни ишлаб чиқиш каби асосий мақсадга эришишга замин яратилади. Албатта, ушбу масалалар экологик сертификатлаштириш тизимини қанчалик такомиллаштирилганлиги билан чамбарчас боғлиқ.

Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган

мажлисидаги маърузасида қайд этилганидек "... бутун стандартлаштириш тизимини тубдан қайта қуриш керак. Бундан кўзланган мақсад – мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар замонавий халқаро стандартларга жавоб бериши лозим [1].

Шу аснода, экологик сертификатлаштириш тизимини янада такомиллаштирилиши натижасида истеъмолчи учун экологик кўрсаткичларга жавоб берадиган хавфсиз маҳсулотларга эга бўлиш имконияти мавжуд бўлади. Бу эса, ўз навбатида, ишлаб чиқарувчилар томонидан истеъмолчи учун ҳар томонлама хавфсиз бўлган, атроф-муҳитга камроқ даражада зарарли таъсир кўрсатувчи янги технологик жараёнларни жорий қилишларига ундайди.

Маълумки, қадимдан ҳарид пайтида савдо мукамал бўлиши учун, аввало, учта томоннинг иштирок этиши муҳим аҳамият касб этган. Бунда биринчи тараф – олувчи (харидор), иккинчи тараф – сотувчи (тайёрловчи) ҳамда учинчи тараф – холис шахс, яъни у сотилаётган товар ёки маҳсулотнинг маълум бир сифат кўрсаткичларига аниқ кафолат берадиган шахс ҳисобланган. Савдонинг ушбу тури асосан катта миқдордаги ёки қимматбаҳо буюм ёки маҳсулотнинг харид қилиниши пайтида қўлланиладиган бўлиб, ушбу жараённи ҳозирда ҳам бозорларда қорамол, қўй, эчки ва от савдосида учратишимиз мумкин. Тадқиқотчи олимлар ушбу жараёнларни эрамиздан олдин IV асрда қадимий юнон давлатида жорий қилинганлигини эътироф этадилар. Шу маънода сертификатлаштириш гувоҳлик бериш, қайд ёки шаҳодат этиш, ишонч билдириш маъноларини англатиб, ишончлилик билан маҳсулотнинг бирон-бир талабга, муайян стандартга ёки тегишли техникавий ҳужжатга мувофиқлигини учинчи шахс – холис ёки тан олинган томон тарафидан тасдиқлайдиган фаолиятни билдиради. Сертификатлаштиришда маҳсулотнинг сифати ҳақида истеъмолчини ишонтирадиган тегишли ҳужжат бу – сертификат ҳисобланади.

Шу билан бир қаторда, сертификатлаштириш бошқа бир турдаги меъёрлаштиришдан фарқли равишда қуйидаги хусусиятлар асносида тавсифланади. *Биринчидан*, сертификатлаштириш учинчи шахс томондан – давлат тан олган (аккредитациядан ўтган) орган ёки субъект томонидан ўтказилади. Ушбу орган ёки субъектлар маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар орасида туриб маҳсулотнинг сифат ва бошқа кўрсаткичлари тўғрисида холис кафолат берадилар. *Иккинчидан*, аниқ бир ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки товар сертификатлаштирилади ҳамда уни қалбакилаштиришнинг олди олинади. *Учинчидан* эса, сертификатлаштириш маҳсулотнинг ўрнатилган стандарт ва бошқа тегишли меъёрлардаги белгиланган талабларга мослигини билдиради.

Юқоридагиларга асосан, сертификат ўзи нима? деган табиий савол туғилади, албатта бунга жавобан, сертификат сўзи лотин тилидан таржима қилинганда «*тўғри қилинди*» деган маънони англатади. Аввало, сертификатлаштиришдан олдин маҳсулотлар ўрнатилган қайси талабларга жавоб беришини аниқлашимиз лозим. Маҳсулотлар бўйича талаблар стандартлар ҳамда бошқа тегишли меъёрларда белгиланади. Шунинг учун ҳам, улар мувофиқлик сертификати (Assurance of conformity) деб номланади. Сертификатлаштиришнинг яна бир тури бу экологик сертификатлаштириш бўлиб, унинг мазмун –

моҳиятига эътибор қаратадиган бўлсак, ушбу тушунча кўпгина адабиётларда турлича талқин қилинганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин.

Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан нашр этилган “Ўзбекча-русча-инглизча экологик изоҳли луғат”га асосан экологик сертификатлаштириш — ишлаб чиқарилган маҳсулот тавсифлари атроф-муҳит муҳофазаси соҳасидаги стандартларга мослигини тасдиқлаш жараёни. Сертификатлаштириш лаборатория ва техник синовлар натижалари асосида давлат ташкилотлари ва муассасалари томонидан амалга оширилади [2, 237-б]. Шу билан бирга, бошқа юридик адабиётларда эса экологик сертификатлаштириш деганда атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан фойдаланиш ва инсон, давлат ва жамият экологик хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги сертификатлаштириш фаолияти тушунилади [3, 232-б].

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, экологик сертификатлаштиришнинг асосий мақсади бўлиб маҳсулот сифатини ошириш, маҳсулот тайёрловчиларнинг инсофсиз фаолиятдан истеъмолчиларни ҳимоя қилиш, маҳсулотларни эътиборли танлашларида уларга кўмаклашиш ва б. Қайд этилаётган ушбу масаланинг ҳуқуқий тушунчаси ва моҳияти илмий-ҳуқуқий масалалари умумий тарзда айрим хорижий давлатларда жиддий эътибор билан ўрганилган. Таниқли олим М.М. Бринчукнинг фикрига кўра, экологик сертификатлаштиришни ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, унда ҳозирги экологик қонунчиликда уларнинг барча турли актларда мустақамланишида эканлигидир [4].

Бундан ташқари, экологик сертификатлаштиришнинг экологик экспертиза билан бирмунча ўхшаш жиҳатлари мавжуддир. Аммо, уларнинг фарқи шундан иборатки, экологик экспертизанинг объекти бўлиб лойиҳа ва лойиҳа олди ҳужжатлари, янги техника, технология, материаллар, сертификатлаштирилувчи товар ва хизматларнинг техник ҳужжат лойиҳалари бўлса, экологик сертификатлаштиришнинг объекти бўлиб тайёр маҳсулот ҳисобланади, яъни янги техника, материаллар, ашёлар унинг объекти ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш муҳимки, экологик сертификатлаштириш ёрдамида атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик жиҳатдан хавфли хусусиятга эга бўлган маҳсулотлар ҳамда хизматлардан инсонлар соғлигини муҳофаза қилиш ва уларнинг экологик хавфсизлигини таъминлаш каби бир қанча муҳим вазифалар амалга оширилади. Шу аснода, экологик сертификатлаштириш:

— истеъмол бозорида экологик жаҳатдан хавфли хусусиятга эга бўлган маҳсулот ва хизматларни пайдо бўлиши ҳамда уларни атроф-муҳитга зарарли таъсирдан огоҳлантиради;

— экологик жиҳатдан хавфсиз бўлган технологик жараёнлар ҳамда ускуналарни жорий қилинишини таъминлаш;

— экологик хавфсиз маҳсулотларни ишлаб чиқарилишига ҳамда унинг рақобатбардошлиги ва сифатини оширилишига;

— ўрнатилган экологик талабларга жавоб берадиган ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун шароитлар яратилишига;

— ҳўжалик ва ўзга фаолиятни бошқаришни такомиллаштирилишига;

— мамлакатга четдан олиб келинадиган экологик хавфли маҳсулотлар, технологиялар, чиқиндилар ҳамда хизматларни татбиқ этилишини олдини олишга;

— мамлакат иқтисодиётини жаҳон бозорига интеграциялаштириш ҳамда халқаро мажбуриятларни бажарилишига ёрдам беради.

Бошқа тегишли адабиётларда қайд этилганидан, маҳсулотнинг экологик кўрсаткичлари ушбу маҳсулотни эксплуатация ёхуд истеъмол қилиниши жараёнида унинг атроф-муҳитга зарарли таъсири даражасини аниқланиши билан тавсифланади. Чунончи, маҳсулотнинг ушбу экологик кўрсаткичлари қуйидагилардан таркиб топгандир, яъни:

— маҳсулотни сақлаш, ташиш ва эксплуатация (истеъмол қилиш) қилишда атроф-муҳитга чиқарилаётган зарарли моддаларнинг таркиби (тўйинганлик даражаси, миқдори);

— атроф-муҳитга (сув, ҳаво, ер ва б.) зарарли моддаларни чиқариш, ташлашни юз бериши мумкинлиги;

— маҳсулотни сақлаш, тайёрлаш, ташиш ва эксплуатация (истеъмол қилиниши) жараёнида зарарли нурланишнинг даражаси;

— маҳсулотнинг инсон учун зарарли даражада таъсир қилувчи шовқин ва тебранишни вужудга келтирилиши ва б.

Маҳсулотнинг сифати ва рақобатбардошлигини баҳолашда ушбу экологик кўрсаткичларнинг муҳим аҳамиятини асослантирилиши учун унинг инсон ва атроф-муҳитга кимёвий, шовқин, радиациявий ва бошқа зарарли таъсир этиши мумкинлигини аниқлаш мақсадида таҳлил амалга оширилади. Ушбу аснода эса бундай маҳсулотларни истеъмол қилиш ёхуд эксплуатация қилиш шартлари ва имкониятларини ўзида акс эттирувчи ҳулосалар, кўрсатмалар ва бошқа тавсиялар тайёрланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизнинг экологик ҳамда иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилувчи восита ҳисобланган экологик сертификатлаштириш Ўзбекистон Республикасининг халқаро иқтисодий майдонга киришга, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилишига замин яратади ҳамда мамлакат ичкарисига экологик хавфли маҳсулотларни олиб кирилишини назорат қилиш воситаси ҳам ҳисобланади.

Экологик сертификатлаштириш мамлакатимизда табиатни муҳофаза қилиш фаолиятининг янги йўналишларидан бири ҳисобланади. Республикаимизда сертификатлаштириш жараёнини тартибга солиш Ўзбекистон Республикасининг “Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида”ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги “Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиботини соддалаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 318 - сонли қарори [5] билан тасдиқланган “Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низом ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатлари орқали амалга оширилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 августдаги 373-сонли қарори билан Ўздавстандарт агентлигининг Низоми [6] га асосан ушбу органнинг асосий ваколатлари сертификатлаштириш тармоғида давлат сиёсатини амалга оширади, сертификатлаштиришни ўтказиш

бўйича умумий қоидаларни белгилайди; сертификатлаштириш бўйича орган, синов лабораториялари (марказлари)ни аккредитациядан, эксперт аудиторларни эса аттестациядан ўтказиши ва аккредитацияни бекор қилади; сертификатлаштириш органлари ва лабораториялар фаолияти устидан назоратни амалга оширади, сертификатларни ўзаро тан олиш бўйича халқаро ташкилотлар ҳамда хорижий давлатлар билан ишларни амалга оширади ва бошқалар.

Ҳозирда барча давлатлардаги каби Ўзбекистонда ҳам экологик сертификатлаштириш мажбурий ва ихтиёрий кўринишда амалга оширилади. Мажбурий экологик сертификатлаштиришни амалга ошириш шундан далолат берадики, унда давлат атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона, самарали ва мақсадга мувофиқ фойдаланиш, аҳолининг экологик манфаатларини таъминлаш ва бошқалар билан боғлиқ жамоат манфаатларини кўриқлашни ўз зиммасига олади. Ушбу жараёни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси мажбурий экологик сертификатлаштирилиши лозим бўлган объектларнинг рўйхатини тузади ҳамда тасдиқлайди. Шу аснода, ихтиёрий экологик сертификатлаштириш эса фақат қонун ҳужжатларида мажбурий экологик сертификатлаштириш кўрсатилмаган ҳолатлардагина амалга оширилиши мумкин. Албатта у табиатдан фойдаланувчи ёки юридик шахснинг мурожаати билан шартнома асосида ўтказилади.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, жаҳон тажрибасига мувофиқ экологик сертификатлаштиришнинг йўналишлари аниқланган бўлиб, мамлакатимизда ушбу соҳада Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг қўшма қарорлари асосида биргаликда бир қатор ишларни амалга ошироқдалар. Экологик сертификатлаштиришнинг муаммоли масалаларидан бири бўлиб, унинг объектига ишлаб чиқариш жараёнларини кириш ёки кирмаслиги ҳисобланади. Ушбу масала бўйича қонунларда бир-бирига мос келмайдиган қоидалар белгиланган. Масалан, “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 46-моддасига асосан ишлаб чиқариш жараёнлари экологик сертификатлаштириш объектига кириши керак. Аммо “Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида”ги Қонунида эса, сертификатлаштириш объекти сифатида фақат маҳсулотлар, хизматлар (ишлар) кўрсатилган. Сертификатлаштириш ўз моҳиятига кўра маҳсулотларнинг белгиланган стандартлар ва бошқа меъёрларга мос келишини тасдиқлашдан иборат бўлади. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқариш жараёнларини экологик сертификатлаштириш объектига киритиш нотўғри деб ҳисоблаймиз ва Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 46-моддасига тегишли ўзгартириш киритишни таклиф этамиз.

Шу билан бир қаторда эса, экологик жиҳатдан тоза маҳсулотнинг умумий жиҳатларига янги талқин ёхуд тушунчани таклиф этамиз, яъни экологик тоза маҳсулот деганда – бу тегишли қонун талабларига мувофиқ келадиган, аниқроғи, бир тарафдан инсон организмига канцероген, мутаген ва бошқача тарзда

ёмон таъсир кўрсатмайдиган соғлиқни мустаҳкамлайдиган тўйимлилик аҳамиятига эга маҳсулот ҳисобланади, қолаверса, иккинчи тарафдан эса экологик жиҳатдан тоза маҳсулотнинг ҳуқуқий мақоми тегишли санитария ва ветеринария қоида ва меъёрлари билан аниқланади. Шу аснода “хавфсиз” ҳамда “экологик тоза” маҳсулотни ўзида акс эттирувчи махсус стандартларни жорий этиш мақсадга мувофиқ эканлигини эътироф этамиз. Ушбу стандартнинг асосий моҳиятини тегишли маҳсулотлар, яъни қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш технологиясига, уларни сақлаш, ташишга қўйилган талаб ҳамда чиқиндиларни утилизация қилишга оид талабларни ўзида акс эттирмоғи лозимдир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, экологик сертификатлаштириш механизмини такомиллаштириш ҳамда уни жорий этилиши ҳар бир ишлаб чиқарувчи ёхуд қонуннинг истеъмол бозорига самарали фаолият юритишига замин яратади. Шу мақсадда, ушбу ишлаб чиқариш корхоналарида ҳамда бошқа объектиларда энг илғор ва яхши технологиялар тўғрисида маълумотлар базасини жорий этилиши, экологик хавф манбалари тўғрисидаги мониторингни амалга ошириш услубларини янада такомиллаштириш ва б. ни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, барча ишлаб чиқарувчилар томонидан хавфсиз экологик технологик жараёнларни, шунингдек экологик белги (маҳсулотга белги қўйиш) ўзлаштириш ёхуд ўзиники қилиб олишни, экологик талабларни маҳсулотларнинг норматив ҳужжатларига нисбатан қамраб олинишини таъминлашлари зарур. Ҳамда мажбурий экологик сертификатлаштиришдан ўтказилган барча товарлар учун махсус мувофиқлик белгини жорий этиш зарур, бу эса, ўз навбатида, келажакда ўзининг яхши самарасини бериши шубҳасиз. Шу билан бирга, болалар муассасалари, касалхоналар, мактаб, санаторий ва дам олиш уйлари экологик жиҳатдан тоза маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи ва таъминловчи хўжалик юритувчи субъектиларга нисбатан амалдаги қонунчиликка мувофиқ тарзда тегишли равишда маҳаллий бюджетга солиқ тўлашдан бутунлай озод қилиниши лозимлиги тўғрисида таклифни илгари сурамиз.

Шу аснода эса Европа мамлакатларидаги сингари мамлакатимизда ҳам ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг белгиланган талабларга жавоб бериш тўғрисидаги ёзма қарор тегишли ҳужжатларда, яъни юк хати, фойдаланиш бўйича қўлланма ва бошқа шаклларда (этикеткада) эълон қилиниши тизимини жорий этиш, шунингдек экологик сертификатлаштириш тизими шундай бўлиши керакки, у аввало халқаро аҳамият касб этиши, холислик, ҳаққонийлик, аниқлик, ишончлилик, тиниқлик касб этган ҳолда у манфаатдор тарафларнинг қонуний манфаатларининг тўқнашувига сабаб бўлмаслиги лозим. Албатта тегишли тадбирларни амалга оширилиши натижасида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган экспортбоп ҳар қандай маҳсулот албатта юқори нархларда харид қилиниши шубҳасиз. Бу борада аҳолининг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш бўйича чора-тадбирларни йўлга қўйган ҳолда тегишли тартибда ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Адабиётлар рўйхати:

1. "Халқ сўзи", 2016 йил 16 январь, № 11 (6705).
2. Алихонов Б., Самойлов С., Ибрагимов Р. Ўзбекча-русча-инглизча экологик изоҳли луғат. – Т.: «Chinog ENK», 2004. – С.237.
3. Голиченков А.К. Экологическое право России: словарь юридических терминов: Учебное пособие для вузов. — М.: Издательский Дом«Городец», 2008. — 448 с.
4. Бринчук М.М. Экологическое право. – М.: Юристъ. 1998. – С.91; Дубовик О.М. Экологическое право. Уч. – М.: Проспект, 2010. – С.43.
5. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2004 йил, 27-сон, 315-модда.
6. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2004 йил, 31-сон, 357-модда.

Ҳ.Ю.Садиков,
ЎзМУ ўқитувчиси,
мустақил тадқиқотчи.

**ЕР ҲУҚУҚИ ПРОЦЕССУАЛ ТИЗИМИ РИВОЖЛАНИШ
БОСҚИЧЛАРИНИНГ АЙРИМ НАЗАРИЙ
МАСАЛАЛАРИ**

Аннотация: мазкур мақолада ер ҳуқуқи ва ер процессуал муносабатларининг назарий масалалари муҳокама қилинади, шунингдек ер процессуал муносабатларининг бошқа ҳуқуқ соҳалари процессуал тизимларидан фарқли ва боғлиқ жиҳатларининг назарий муаммолар илмий тадқиқ қилинади ва асосли ечимлар берилади.

Калит сўзлар: ер процесси, умумий юридик процесс, ер судлов процесси, жиноят процесси, фуқаролик процесси, маъмурий процесс, экологик процесс, процессуал шакллар, ҳуқуқ соҳалари, ҳуқуқ институтлари, моддий нормалар, процессуал нормалар.

Аннотация: в статье проводится сравнительно-теоретический анализ земельно-правовых, земельно-процессуальных норм с другими отраслями права, также излагаются основные проблемы материального и процессуального земельного права.

Ключевые слова: земельный процесс, общий юридический процесс, уголовный процесс, гражданский процесс, земельно-судебный процесс, административный процесс, процессуальные формы, правовые институты, отрасль права, материальные нормы, процессуальные нормы.

Abstract: in reason the comparatively-theoretical analysis of earth-legal, earth-judicial norms is conducted with other industries right, the basic problems of the material and judicial landed right are including expounded.

Keywords: earth process, general legal process, earth trial, administrative process, judicial forms, legal institutes, industry is a right, landed spores, material norms, judicial norms.

Ҳуқуқни қўллаш уни амалга оширишнинг бошқа шаклларидан шуниси билан фарқ қиладики, бунда нормаларга риоя этишдагидек ҳаракатсизликка (пассив хатти-ҳаракатга) ўрин бўлмайди. Ҳуқуқни қўллаш фаолияти ҳуқуқи уни амалга ошириш мажбурияти билан қўшилиб кетади. Ҳуқуқни қўллаш ҳосила хусусиятига эга. Чунки у ҳуқуқнинг учинчи шахслар томонидан амалга оширилишини таъминлайди. Бир хил нормаларни қўллаш бир вақтнинг ўзида бошқа нормаларга риоя этиш, уларни бажариш ҳамда улардан фойдаланишни талаб қилади. Шунинг учун ҳам ҳуқуқни қўллаш – ҳуқуқни комплекс татбиқ этиш фаолияти ҳисобланади [1, 791-б].

Ҳуқуқ назариясига оид илмий адабиётларда ҳуқуқ тизимида икки хил – моддий ва процессуал ҳуқуқий меъёрлар ўзаро узвийликда амал қилиши кўрсатилган. Моддий ҳуқуқ нормалари ер ҳуқуқи таркибини аниқлаб берса, процессуал нормалар эса моддий нормалар талабларининг бажарилишини таъминлашга хизмат қилади.

Адабиётларда, ҳуқуқнинг моддий нормаларини қўллаш ҳамда ҳаётга татбиқ қилиш масалаларига эътибор қаратилсада, ҳуқуқий норма, ҳуқуқ институти, ҳуқуқий муносабатлар, ҳуқуқий муносабатлар субъекти

ва объекти, жавобгарлик, мажбурлов, рағбатлантириш каби фундаментал ҳуқуқий тушунчаларни таҳлил қилишда уларнинг процессуал ҳуқуқий жиҳатларига ва процессуал нормаларини илмий ўрганиш масалаларига етарлича эътибор берилмайди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, моддий ва процессуал ҳуқуқ ўртасидаги боғлиқликка тааллуқли бўлган ҳамда уларнинг амалда бўлишига хизмат қиладиган ҳуқуқий назариянинг ягона методологик базаси яратилиши лозим.

Ҳуқуқий процесс ва процессуал шакл каби ҳуқуқий тушунчалар умумназарий жиҳатдан етарли даражада илмий ишланмаганлиги, ҳуқуқнинг «нопроцессуал» тармоқларида процессуал воситалар тўғрисида турли хил фикрларнинг юзага келишига олиб келган [2, 18-с].

Ушбу кўрсатилган масала бўйича мавжуд нуқтаи назарларни таҳлил қилиш иккита йўналишни ажратиб олиш имконини беради:

биринчи йўналиш, ҳуқуқий процессга «тор» концепция асосида таъриф бериш тарафдорлари ҳуқуқий процессни у ёки бу кўринишида юрисдикцион фаолият (жазо бериш, чора қўллаш ва ҳ.к.) билан чеклайдилар;

иккинчи йўналиш, яъни «кенг» концепция тарафдорлари эса, мажбурловни процесснинг зарурий унсури деб ҳисобламайдилар.

«Тор» концепциянинг бир қатор намоёндалари ҳуқуқий процессни жиноий ва фуқаролик судларининг фаолияти сифатида тушунишни маъқуллайдилар (суд ҳуқуқи назарияси). Уларнинг таъкидлашича, «процессуал ҳуқуқ – бу суд ҳуқуқи, ҳуқуқий процесс – бу суд процесси, суд ҳаракати», процессуал шакл эса, ҳуқуқий феномен сифатида қонун томонидан ҳуқуқни қўллаш амалиётининг барча кўринишлари учун эмас, балки фақат ҳимояга олинган ҳуқуқ ва манфаатларнинг суд органларининг (махсус орган сифатида) иштироки орқали қўшимча кафолатлар ва ҳимоя воситаларини талаб қилувчи, жазо қўллаш, шунингдек фуқаролик, меҳнат, оила ва бошқа низоларни ҳал қилиш учун муайян маъмурий ва фуқаролик санкцияларини қўллаш орқали ҳуқуқни муҳофаза қилишни белгиловчи тегишли комплекс тармоқдир [3, 13-с].

Ҳуқуқ тизимида суд тузилиши, шунингдек процессуал соҳаларни бирлаштирувчи, жиноят ва фуқаролик судловни тартибга солувчи комплекс соҳанинг мавжудлиги тўғрисидаги ҳулоса суд ҳуқуқи назариясининг асоси сифатида эътироф этилди ва айнан шу концептуал фикр асосли танқидни келтириб чиқарган [4, 141-с].

«Суд ҳуқуқи» назарияси бир неча ўн йиллар давомида Н.Полянский, М.Строгович, А.Мельников каби жиноят-процессуал ва фуқаролик-процессуал фанининг таниқли намоёндалари томонидан қўллаб-қувватлаб келинган. Ушбу назария оммавий тарзда тан олинмаган бўлсада, В.Даевнинг образли ифодалаш бўйича унинг «яшовчанлиги» жиддий асосларга эга [5, 24-с].

Шу билан бирга, «Тор» концепция тарафдорлари «судлов ҳуқуқи» нинг ҳуқуқий процесси чегараларини бироз кенгайтиришга уринадилар ва қайси орган амалга оширишидан қатъий назар барча юрисдикцион (ҳуқуқни муҳофаза қилиш) фаолиятни унинг таркибига киритишни таклиф қиладилар. В.Тадевосян процессуал шакл тушунчасини давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятида ҳуқуқбузарлик фактини аниқлаш талаб этилганда, шунингдек фуқаролар ва

уларнинг жамоалари ўртасида, давлат, унинг органлари ўртасида, ва ниҳоят ушбу органлар ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги низолар келиб чиққанда қўллаш мақсадга мувофиқ ва зарур, деб ҳисоблайди [6, 104–105].

Маъмурий процессни илмий тадқиқ қилган Н.Салишева, маъмурий процесс ижро ва бошқарувчилик фаолиятининг алоҳида тури деган ҳулосага келади ва ушбу процесс ўзида маъмурий ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг (моддий маъмурий ҳуқуқ иштирокчилари) ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб берувчи, тегишли меъёрий-ҳуқуқий актларни мажбурий тартибда амалга ошириш имконияти билан бевосита боғлиқ, деган ҳулосага келади. Унинг фикрича, агар маъмурий ҳуқуқий муносабатлар иштирокчилари ўртасида низо бўлмаса ва мажбурий қўллаш масаласи кўрилмаётган бўлса, демак маъмурий процесс ҳам бўлмайди. В.Субботенко ва В.Шегловлар ҳам ушбу фикрни маъқуллайдилар [7, 12-с].

Н.Чечина ва Д.Чечот процессуал шаклни одил судловни амалга ошириш ҳамда процесснинг ҳар бир иштирокчиси фаолияти тартиб-қоидаларининг яхлитлиги деб тушунадилар. Бунда, улар ушбу тартиб-қоидалар: процесс иштирокчиларининг доираси ва фаолияти тартибини; хатти-ҳаракатлар тартиби ва уларнинг таркибини; жавобгарлигини; уларни ҳуқуқий расмийлаштириш йўллари белгилаб беришини таъкидлайдилар [8, 173–174-с].

Модомики, фуқаролик процессуал ҳуқуқ меъёрлари, суд ва процесснинг бошқа иштирокчилари фаолиятининг ўрнатилган тартиби ҳисобланар экан, кўрсатиб ўтилган аниқликлардан кўриниб турибдики, юқорида кўрсатилган мутахассислар процессуал шаклни, у билан яхлитликда фуқаролик процессуал ҳуқуқни шакллантирувчи ҳуқуқ нормаси билан тенглаштироқдалар. Ўз навбатида, бундай талқинда, процессуал шакл ва фуқаролик процессуал ҳуқуқ ўртасидаги чегара бузилади. Жиноят процесси борасидаги айрим муаллифлар процессуал форманинг процессуал фаолиятни амалга оширишнинг қонун билан белгилаб қўйилган шартлари билан яхлитлиги деб тушунтиришади. П.Элькин ва Т.Добровольскаялар процессуал шакл тушунчасига тегишли ҳуқуқ муносабатлари пайдо бўлиши, ўзгариши ёки тўхтатилиши шартларини ўзида акс эттирувчи хатти-ҳаракатлар содир этиш шартларини киритадилар [9, 239-с].

М.Строгович процессуал формага, тергов органлари, прокуратура ва суд томонидан ўз ваколатларини бажариш учун амалга ошириладиган, процессуал қонунчилик билан белгилаб қўйилган шартлар уйғунлиги деб таъриф беради. Процессуал ҳаракатларни амалга ошириш шартлари, охир оқибат, процессуал ҳуқуқ нормалари гипотезаларида мустаҳкамланлигини инобатга олсак, процессуал шакл, процессуал ҳуқуқ таъсирига дучор бўладиган шартлар яхлитлиги кўринишида амал қилишини таъкидловчи олимлар фикри ўринлилиги кўринади.

XX асрнинг 50-йилларидан процесс ва процессуал формаларнинг фақат юрисдикцион фаолиятнинг элементи сифатида аъъанавий талқин қилиниши танқидга учради. Бу борада ўз фикрини билдирган П.Недбайло «Ҳуқуқий процесс» ва «процессуал шакл» тушунчаларига нисбатан бирмунча кенгроқ доирада қаралиши зарурлиги масаласини ўртага ташлади. У биринчи бўлиб, процессуал шакл ҳуқуқ меъёрларини

қўллашнинг ҳар қандай фаолиятига тааллуқлилиги тўғрисидаги концепциясига асос солди. Ушбу фикрлар нисбатан ёш ва динамик ривожланиш хусусиятига эга бўлган Ўзбекистон ер ҳуқуқи учун жуда долзарб ҳисобланади.

В.Горшнева «Умумҳуқуқий процесс» концепциясини янада умумлаштирилган ва мукамал кўринишда асослаб берган. Унинг фикрига кўра, процессуал шакл ҳуқуқ нормаларини қўллашнинг нафақат юрисдикцион (ҳуқуқни муҳофаза қилиш) соҳаларида, балки ижтимоий ҳаёт субъектларининг ижобий хатти-ҳаракатларини бошқарадиган соҳаларида ҳам ўз ўрнига эга, деган фикрни илгари сурган. Буни бошқача қилиб айтганда, мулк ҳуқуқининг ҳар қандай соҳаси моддий нормаларини процессуал меъёрлар ёрдамида қўллаш эҳтиёжини келтириб чиқаради [10, 81-с]. Юқоридагилар асосида бизнинг фикримизча, ер ҳуқуқи процессуал меъёрлар ва шакллардан фаол фойдаланиши лозим.

XX асрнинг 60-йиллари бошларига келиб, ушбу фикр давлат ва ҳуқуқ назарияси ҳамда маъмурий ҳуқуқ вакиллари (С.Студеникин, Г.Петров, А.Лунев, А.Ким, В.Оснин, Ю.Козлов, В.Попов, И.Галаган, Е.Додин, Д.Бахрах) томонидан қўллаб-қувватланган, кейинчалик П.Недбайло, В.Горшенева ва уларнинг сафдошлари ишларида ўзининг умумназарий асосини топди ва ривожланди.

Юқорида номлари кўрсатиб ўтилган олимлар томонидан яратилган назарий қарашлар ҳуқуқий фанларда фаол равишда такомиллашиб борди ҳамда у «умумий ҳуқуқий процесс» номини олди.

Ҳуқуқий процессга ва процессуал шаклга нисбатан юзага келган қарашлар ҳуқуқнинг айрим «анъанавий» процессуал соҳалари вакиллари томонидан ҳам қайта кўриб чиқилган. Ягона фуқаролик процессуал ҳуқуқи фикрини 1962 йилда Н.Зейдер илгари сурган. Унинг концептуал асосини процессуал ҳуқуқий таъсир доирасига фақатгина суд иши соҳасида вужудга келадиган ижтимоий муносабатларни эмас, балки фуқаролар ўртасидаги келишмовчиликларни арбитражда, ҳакамлик судларида, касаба уюшмалари органларида кўриб чиқишни ҳам киритиш фикри ташкил қилади.

Ушбу назарияга қарши чиқувчилар, ҳуқуқни ҳимоя қилишнинг барча шаклларидаги муносабатларнинг процессуал характерини инкор қилмаган ҳолда, ушбу муносабатлар иш суд томонидан кўриб чиқиладиган ҳолатлардаги муносабатлардан сифат жиҳатдан фарқ қилишини эътироф этадилар. Бундай фарқни улар, фуқаролик ишларини кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган органлар табиати, улар шаклланишининг алоҳида тартибида ва вазифалари ҳамда функцияларининг ўзига хослигида кўрадилар.

«Умумий ҳуқуқий процесс» назариясини инкор этувчиларнинг бошқа бир асоси кўйидагилардан иборат: «ушбу процессни ҳуқуқнинг мустақил тармоғи даражасига кўтаришга уриниш асоссиздир, негаки муаллифлар унинг таркибига киритаётган омиллари улар учун умумий бўлган предметга жамлашнинг имкони йўқ. Умумий предметга эга бўлмай туриб эса, ҳуқуқ тизимида мустақил ўринга эга бўлиб бўлмайди.

Б.Ж.Абдираимовнинг фикрича, процесснинг специфик ҳамда унинг кўптармоқли хусусиятларини таҳлил қилишдан мақсад, ҳуқуқнинг янги тармоғини яратиш эмас, балки ҳуқуқнинг турли, биринчи навбатда, ер ҳуқуқи меъёрларини жорий қилиш процессуал механизмнинг умумий қоидаларига аниқлик киритиш, процесснинг анъанавий турларидан

ташқари, процессуал шаклнинг ташкилий хусусиятларидан кенг миқёсда фойдаланиш мақсадида, ягона категориал тушунчалар тизимини вужудга келтиришдир. В.Протасов таъкидлаганидек, у ёки бу назариянинг яшай олиш имконияти, тизимда тегишли тармоқнинг ёки бошқа тўлақонли меъёрий маълумотнинг мавжудлигига боғлиқ бўлиши керак эмас. «Умумий ҳуқуқий процесс» назарияси муаллифлари уни иш юритиш, стадиялар ва процессуал режимлардан ташкил топган, ўзида етакчилик, ҳуқуқий-ижодий, ҳуқуқий-қўлланмавий ва назорат қилувчи процесслар жамланмасини ўзида намоён қилувчи, барча ҳуқуқий (ҳам юрисдикцион, ҳам ноюрисдикцион характердаги) фаолият шакллари тўлақонли хосиласи сифатида баҳолайдилар [11, 285].

Айнан шундай методологик асосда, В.Горшенев ҳуқуқий процессга кўйидаги таърифни беради: давлат ваколатли органлари, мансабдор, шунингдек бошқа ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқий ишларини кўриб чиқишга масъул шахсларнинг ўзаро узвий боғлиқ фаолиятлар ҳуқуқий шаклларининг комплекс тизимидир ва у кўйидагилардан иборат бўлиши лозим:

а) маълум юридик ишни кўриб чиқиш муносабати билан ҳуқуқ меъёрлари доирасида муайян операциялар бажаришда намоён бўлади;

б) давлат ваколатли органлари ва мансабдор шахслар томонидан тегишли ҳуқуқ субъектлари фойдасига амалга оширилади;

в) тегишли ҳуқуқий актларда – ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамланади;

г) белгиланган процессуал меъёрлар орқали бошқарилади;

д) ҳуқуқий техниканинг тегишли усуллари билан таъминланади.

Шу йўсинда, ҳуқуқий процесс ҳуқуқий фаолият шаклларига тенглаштирилади, лекин фаолият ва унинг ҳуқуқий шакллари ўртасидаги чегаралар белгиланмайди, турли ҳуқуқий фаолият асосида ҳуқуқий процесс белгилари таҳлил қилинади [12, 8-с].

Юқорида келтирилган ҳуқуқий процесс тушунчаси юридик фаолият аспектидан бири, асосий белгилувчи компонент даражасига кўтарилганлиги, сунъий равишда яхлит юридик фаолиятга тенглаштирилганлиги учун танқид остига олинади.

Ушбу масала юзасидан турли нуқтаи назарлар мавжуд. Айрим муаллифлар ҳуқуқий процессни ҳуқуқий фаолият билан тенглаштиради; бошқалари ҳуқуқий процесс ўзида ҳуқуқий фаолиятни эмас, уни амалга ошириш тартибини ўзида намоён қилади, деб ҳисоблайдилар, яна бошқалари эса ҳуқуқий процесс остида ҳам процессуал ҳаракатлар, ҳам процессуал ҳуқуқ муносабатлари уйғунлигини тушунадилар.

Бир қатор муаллифлар ҳуқуқий процессни ҳуқуқий фаолият таркибини, яъни уни ташкил қилувчи юридик фаолиятларни уйғунлигини характерловчи категория, деб ҳисоблаш зарурлигини таъкидлайди.

У ҳолда, «ҳуқуқий процесс»га мустақил категория сифатида қаралса, унинг таркиби процесс иштирокчиларининг ҳаракатлари, шакли эса, ушбу ҳаракатлар амалга ошириладиган тартиби бўлади. Агар ҳуқуқий процессни моддий-ҳуқуқий меъёрларни муайян процессуал режимда амалга оширишда мутаносиблаштириш усули сифатида таҳлил қилинадиган бўлса, бундай ҳолатда у моддий ҳуқуқни амалга оширишнинг шакли ва унинг процессуал ҳуқуқий муносабатлар таркиби бўлиб қолади.

Ҳуқуқий фаолиятни мақсадли ва нисбатан мустақил ҳуқуқий ҳодиса сифатида ўрганиб, бир қатор муаллифлар процессуал шакл мазмун ва элементларини тартибга солиб, уларни ташкиллаштирилишига шароит яратиб, турли ҳуқуқий фаолиятга баробар ва уни оптимал ва самарали ечилиши учун зарур бўлган ҳуқуқий режимни яратиб беради, деган хулосага келадилар.

Бундан кўринадики, ушбу муносабат бир бутунлигича ҳуқуқий процессни кенг қамровли тушуниш тарафдорлари таклиф қилган концепция билан ҳамоҳангдир. Бизнинг фикримизча, процессуал шакл, ҳар турдаги ҳуқуқий фаолият тушунчасини, дастурини, тартибини, унинг субъектлари ва иштирокчиларининг маълум натижага нисбатан мақсадли йўналишини таъминлайди.

Юридик фаолиятнинг алоҳида (ҳуқуқий-ижобий, юрисдикцион) турлари етарли даражада ривожланган юридик процессуал шаклга эга, бошқалари эса, нисбатан соддароқ. Бироқ, барча ҳолларда ҳам процессуал шакл юридик фаолиятнинг ўзаро алоқасини, муайян натижага эришиш учун аниқ йўналтириш элементларининг янада мақсадга мувофиқ боғлиқлигини таъминловчи зарур шарт бўлиб қолаверади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. –Т.: Адолат, 2007. 915 б.
2. Демин А.А. Понятия административного процесса и Административно-процессуальный кодекс Российской Федерации // Вестник Московского ун-та. Право. Сер. 11.1998. –№ 4 –С. 97.
3. Васильев А.М. О правоприменении и процессуальном праве // Проблемы соотношения материально-го и процессуального права. –М., 1980. –С. 187.
4. Обсуждение проблемы судебного права // Сов. Государство и право. 1980. –№ 1. –С. 208.
5. Даев В.Г. Взаимосвязь уголовного права и процесса. –Л., 1982. –С. 24.
6. Тадевосян В.С. Всегда ли необходима процессуальная форма для реализации материального права? // Проблемы соотношения материального и процессуального права. М., 1980. С. 105.
7. Салищева Н.Г. Административный процесс в СССР. –М., 1964. –С.12.
8. Чечина Н.А., Чечот Д.М. Гражданская процессуальная форма, процессуальные нормы и производства // Юридическая процессуальная форма: теория и практика. –М., 1976. –С. 174.
9. Добровольская Т.Н., Элькин П.С. Уголовно-процессуальная форма, процессуальные нормы и производство // Юридическая процессуальная форма: теория и практика. –М., 1976. –С. 239.
10. Зейдер Н.Б. Судебное признание фактов, имеющих юридическое значение // Ученые труды ВИЮН. Вып. IX. –М., 1947. –С. 81.
11. Абдраимов Б.Ж., Боголюбов С.А. Земельное право России и Казахстана: проблемы развития, процессуальные формы реализации. – М.: Юристъ, 2007. – 285.
12. Теория юридического процесса / Под ред. В.М.Горшенева. –Харьков, 1985. –С. 8.

Х.А.Қучқаров,
ТДЮУ докторанти

ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИ БОСҚИЧЛАРИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ МАСАЛАСИ

Аннотация: мазкур мақолада мустақиллик йилларида мамлакатимизда суд-ҳуқуқ ислохотлари шароитида фуқаролик процесси босқичларини оптималлаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоялаш мақсадида суд ишларини юритишни соддалаштириш ва ихчамлаштиришнинг долзарб масалалари ва бу борада муаллифнинг таклифлари ўз ифодасини топган.

Калит сўзлар: фуқаролик ишлари бўйича судлар, даъво ариза, судларнинг иш юктамалари, суд ишларини юритишни соддалаштириш ва ихчамлаштириш, судья ёки суднинг бутун таркибини рад қилиш, рад қилиш тартиби, рад қилиш оқибатлари.

Аннотация: в данной статье освещаются актуальные вопросы упрощения судопроизводства с целью защиты прав и законных интересов граждан, оптимизация этапов гражданского процесса в условиях судебно-правовой реформы, проводимых в годах независимости, и выдвинуты предложения автора по совершенствованию данной сферы.

Ключевые слова. суды по гражданским делам, исковое заявление, нагрузка судей, упрощение и оптимизация судопроизводства, отвод суда или целого состава суда, порядок отказа, последствия отвода.

Abstract: in this article it is reviewed the actual issues of simplification of proceedings with the aim of protection of rights and lawful interests of citizens, optimization of stages civil procedure in the term of legal reform is being conducted in the period of independence and put forward the proposals of author on development of this sphere.

Key words. Courts on civil cases, statement of claim, the working load of judges, the simplification and optimization of proceedings, removal of judge or all judge staff, the procedure of removal, the consequences of removal.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари, энг аввало, инсоннинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва қадр-қиммати олий қадрият эканлигини ҳамда жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишнинг энг муҳим кафолати сифатида суд ҳокимиятининг нуфузини мустаҳкамлаш ҳамда судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлашга қаратилганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, унинг манфаатларини ҳуқуқий таъминлаш мамлакатимизда амалга оширилаётган босқичма-босқич ва тизимли суд-ҳуқуқ ислохотларининг асосини ташкил этади. Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш, унинг таркибий қисмларидан бири ҳисобланган фуқаролик процессуал қонунчилигини такомиллаштириш ҳам амалга оширилаётган ислохотлар жараёнининг узвий қисмига айланиб бормоқда.

Маълумки, 1997 йил 30 августда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси қабул қилинган бўлиб, ушбу Кодекс ўтган йиллар давомида мазмунан янги инсонпарвар қоидалар,

процессуал механизмга оид нормалар билан тўлдирилиб, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш муносабати билан тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш асосида такомиллашиб бормоқда.

Шу ўринда суд ишларини юритишни соддалаштирилган шаклини тартибга солувчи қонунчиликнинг вужудга келиши ва унинг ривожланиши масаласини тадқиқ этиш, ўз навбатида, ушбу соҳадаги қонунчиликни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш учун замин яратади, ушбу соҳада миллий процессуал ҳуқуқ соҳасининг асосий йўналишларини аниқлашга имкон беради.

Бироқ ҳозирги шароитда фуқаролик ишлари бўйича судларга келиб тушаётган аризаларнинг тобора ортиб бораётганлиги кузатилаётган бир пайтда фуқароларнинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тез фурсатларда ҳимоя қилиш, судларнинг иш юкларини камайтириш, ўз навбатида, суд ишларини юритишни соддалаштириш ва ихчамлаштиришнинг долзарб аҳамият касб этишини ва унга доир нормаларни фуқаролик процессуал қонунчиликка киритишни тақозо этмоқда.

Республикада амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари одил судловни ҳар томонлама қулай ва оқилона ташкил этиш ҳамда уни самарадорлигини оширишни тақозо этмоқда. Айни ушбу масалага Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал демократик партиясининг VIII съездидаги “Демократик ислохотларни изчил давом эттириш, халқимиз учун тинч ва осойишта, муносиб ҳаёт даражасини яратиш – барқарор тараққиёт кафолатидир” номли маърузасида алоҳида тўхталиб, қуйидагиларни билдириб ўтди. “Муҳтарам Биринчи Президентимиз “Одамлар ҳамма нарсага чидаши мумкин, лекин адолатсизликка чидай олмайди”, деб такрор ва такрор таъкидлар эдилар. Аммо, бугунги кунда судларда ишларни кўриб чиқишда юз бераётган овозгарчилик жойларда фуқароларнинг ҳақли норозилигига сабаб бўлмоқда. Айнан шу нўқтаи назардан, қабул қилинаётган қарорнинг асосли, адолатли ва қонуний бўлишини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади [1, 2-б]. Дунё тажрибаси шуни кўрсатадики, суд ишларини соддалаштиришнинг асосан икки йўналиши мавжуд. Буларнинг биринчиси, иш кўришнинг умумий қоидаларидан фарқли равишда айрим тоифадаги ишлар (масалан, кам аҳамиятли, низосиз ва ҳ.к. ишлар) учун соддалаштирилган қоидаларни белгилаш, яъни суд ишларини юритишнинг алоҳида турини жорий этиш бўлса, иккинчи йўналиш эса бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилишни сўраб судга мурожаат қилишга монелик туғдирувчи ҳолатлар, мазкур жараёндаги айрим ғовларни бартараф этиш, камайтириш ҳисобланади [2, 15-б].

Суд ишларини юритишни соддалаштириш ёки оптималлаштириш масаласи ҳар доим назариётчи олимлар томонидан тортишувларга сабаб бўлиб келади. Масалан, М.М.Мамасиддиқов томонидан судьяларнинг иш юкларини камайтириш мақсадида суд тартиб-таомилларининг соддалаштирилган процессуал шаклларини ишлаб чиқиш фуқаролик процессуал қонунчиликни такомиллаштиришнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида баҳоланса [3, 11–12-бетлар], М.А.Черемин эса фуқаролик ишларини уларнинг ўзига хос махсус

хусусиятларини эътиборга олмай, барча ишлар учун бир хил бўлган тартиб-таомилнинг қўлланилиши мақсадга мувофиқ эмаслиги ҳақидаги фикрларни илгари суради [4, 55-б].

Назариётчи олимларнинг бир гуруҳи фуқаролик процессини соддалаштириш, яъни иш кўришнинг муқобил усулларни татбиқ этишни таклиф этсалар, иккинчи гуруҳ олимлар эса фуқаролик суд ишларини юритишни янада оптималлаштириш, яъни суд орқали ҳимоянинг энг қулай шарт-шароитларини яратишни таклиф этадилар. Бу ўринда алоҳида тўхталиб ўтмоқчимизки, бизнингча, соддалаштириш тушунчасига оптималлаштириш нисбатан кенгрок тушунчадир, чунки соддалаштирилган тартибда иш юритиш, айрим турдагигина фуқаролик суд ишларига нисбатан қўлланилса, фуқаролик процессида оптималлаштириш барча турдаги суд ишлари юзасидан процесснинг барча босқичларини такомиллаштиришни қамраб олади. Шу сабабли ушбу мақоламизда фуқаролик процессининг иккинчи босқичи бўлган фуқаролик суд ишларини судда кўришга тайёрлаш босқичини янада такомиллаштириш масаласига тўхталиб ўтмоқчимиз.

Бизга маълумки, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 3-бобида судья ва процесснинг бошқа иштирокчиларини рад қилиш асослари тартиби ва оқибатлари кўрсатиб ўтилган, ушбу бобдаги рад қилишнинг асослари ва тартиби масаласида, бизнингча, ҳеч қандай эътироз мавжуд эмас, бироқ рад қилиш тўғрисидаги аризалани қаноатлантириш оқибатлари (30-модда), Яъни судья рад қилинган тақдирда иш фуқаролик ишлари бўйича шу туманлараро, туман (шаҳар) судида, лекин бошқа судья томонидан кўрилади ёки иш кўриш учун фуқаролик ишлари бўйича бошқа туманлараро, туман (шаҳар) судига ўтказилади.

Иш Ўзбекистон Республикаси Олий судида, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий судида, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судида кўрилаётганида судья ёки суднинг бутун таркиби рад қилинган тақдирда иш шу суднинг ўзида, лекин бошқа суд таркибида кўрилади.

Агар Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий судида, фуқаролик ишлари бўйича вилоят судида ёки фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судида ушбу ФПК нинг 27-моддасида кўрсатилган сабабларга кўра рад қилиш қаноатлантирилганидан кейин шу ишни кўриш учун суднинг янги таркибини ташкил қилишга имкон бўлмаса, иш Ўзбекистон Республикаси Олий судига ўтказилиши лозим. Бундай ҳолларда иш Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан кўрилади ёки Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг фармойишига биноан кўриш учун бошқа тегишли судга юборилиши белгилаб қўйилган.

Айни ушбу вазият процеснинг учинчи босқичи бўлмиш, ишни судда муҳокама қилиш босқичида, яъни ФПКда белгиланган суд таркибини эълон қилиш ва рад қилиш ҳуқуқини тушунтириш деб номланган 170-моддасининг 2-қисмига мувофиқ амалга оширилади ва ушбу модданинг ушбу қисмига кўра рад қилиш учун асослар, рад қилиш ҳақидаги арзни ҳал қилиш тартиби ва бундай арзларни қаноатлантириш оқибатлари ФПКнинг 3-бобига мувофиқ белгиланади.

Бу ҳолат процесс жараёнида шундай вазиятни вужудга келтирадими, агар судья рад қилинган бўлса ёки суднинг бутун таркиби рад қилинган бўлса, иш бошқа судьяга ёки бошқа судга ўтказилиши оқибатида ишни судга кўришга тайёрлаш ҳаракатлари қайтадан, яна ўн кунлик муддат асосида амалга оширилади. Бизнингча, процесда бундай вазиятнинг вужудга келиши ва ишни кўриш муддатларининг узайтирилиши ҳам вақт, ҳам ортиқча ҳаражат, қолаверса, судьялар иш юкларига салбий таъсир этади. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун фуқаролик процессуал қонунчилигимизнинг ишларни судга кўришга тайёрлаш вазифалари деб номланган моддасида белгиланган. Вазифалари қуйидагилардан иборат:

“тарафларнинг ҳуқуқий муносабатларини ва ишни кўришда амал қилиниши лозим бўлган қонунни аниқлаш;

тарафларнинг талаб ва эътирозларини асословчи фактларни, шунингдек низони тўғри ҳал этиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа фактларни аниқлаш;

ишни ҳал этиш учун зарур бўлган далиллар доирасини аниқлаш ва уларнинг ўз вақтида суд мажлисига тақдим этилишини таъминлаш;

ишда иштирок этиши мумкин бўлган шахслар таркиби масаласини ҳал этиш;

тарафларнинг суд таркибини ёки судьяни рад қилиш асослари бор йўқлигини ҳал этиш”, деб белгилаш лозим.

Адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати –Ўзбекистон либерал демократик партиясининг VIII съездидаги “Демократик ислохотларни изчил давом эттириш, халқимиз учун тинч ва осойишта, муносиб ҳаёт даражасини яратиш – барқарор тараққиёт кафолатидир” маърузаси. Халқ сўзи, 2016 йил 2 ноябрь – №216 (6651).

2. Приходько И.А. Доступность правосудия в арбитражном и гражданском процессе: основные проблемы. – СПб., 2005.; Крымский Д.И. Упрощение гражданского судопроизводства: российский и зарубежный опыт. –М: ИД «Юриспруденция», 2008. – С. 15.

3. Мамасиддиқов М.М. Суд-ҳуқуқ ислохотлари шароитида фуқаролик процессуал қонунчилигини такомиллаштиришнинг муҳим йўналишлари // “Суд-ҳуқуқ ислохотларининг истиқболлари: кеча ва бугун” мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари. –Тошкент: ТДЮИ. 2010. –Б. 11–12.

4. Черемин М.А. Приказное производство в российском гражданском процессе. – М: Городец, 2001. – С. 55.

Д.Атажанова,
ТДЮУ катта ўқитувчиси

АЁЛЛАР ВА ОИЛАВИЙ ВАЗИФАЛАРНИ БАЖАРИШ БИЛАН МАШҒУЛ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИ МЕҲНАТ ВА МАШҒУЛОТЛАР СОҲАСИДА КАМСИТИШГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАСЛИГИ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: мазкур мақолада меҳнат ва машғулотлар соҳасидаги камситишларнинг турли жиҳатлари ҳамда аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахслар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солиш дифференциацияси ёритилган ва таҳлил қилинган. Бунда муаллиф меҳнат ва машғулотлар соҳасидаги камситишнинг ҳуқуқий асосларига алоҳида эътибор қаратиб, аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахслар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солиш дифференциациясига тааллуқли қонунчиликни такомиллаштиришга оид ўз таклифларини берган.

Калит сўзлар: аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахслар, камситиш, меҳнат ва машғулотлар соҳаси, дифференциация, профессионал сегрегация.

Аннотация: в настоящей статье освещены и проанализированы различные аспекты дискриминации в сфере труда и занятий и дифференциация правового регулирования труда женщин и лиц, занятых исполнением семейных обязанностей. В этом автор уделяет особое внимание на правовые основы запрещения дискриминации в сфере труда и занятий, а также выдвигает свои предложения по совершенствованию законодательства, касающиеся дифференциации правового регулирования труда женщин и лиц, занятых исполнением семейных обязанностей.

Ключевые слова: женщины и лица, занятые исполнением семейных обязанностей, дискриминация, сфера труда и занятий, профессиональная сегрегация.

Abstract: In this article consecrated and analyzed various aspects of discrimination in sphere of work and occupations and differentiation of legal regulation of work of the women and persons engaged in performance of family duties. In it the author pays special attention to legal bases of prohibition of discrimination in the sphere of work and occupations, and also puts forward her offers to improve the legislation concerning differentiation of legal regulation of work of the women and persons engaged in performance of family duties.

Key words: women and persons engaged in performance of family duties, discrimination, sphere of labour and occupations, professional segregation.

Маълумки, мамлакатимиздаги барча ислохотларнинг пировард мақсади инсон манфаатларига қаратилгандир. Ислохотлар инсонлар учун амалга оширилаётган шароитда шахслар ҳуқуқлари, уларнинг қонун олдида ва имкониятлар доирасидан фойдаланишда тенг эканлигини эътироф этиш аҳамиятлидир.

Республикамызда ҳар ким учун ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари жумласида меҳнат қилиш, эркин касб танлаш ҳуқуқлари кафолатланади. Мазкур ҳуқуқларнинг истифода этилишида давлат эркаклар ва аёлларга бир хил тенг имкониятларни назарда тутди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 18-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт [1, 8-б].

Тенглик масаласи меҳнат ҳуқуқида ҳам алоҳида эътиборли жиҳатлардан саналади. Чунки тенгликнинг таъминланиши кўпинча адолатсизлик ва камситишнинг олдини олади.

Тенглик аслида нейтрал мазмундаги категория бўлиб, ҳуқуқ соҳаларида у ижобий мазмунда талқин этилади. Меҳнат ҳуқуқида тенглик асосан икки хил мазмунда тушунилади, яъни тенглик деганда аввало барчанинг ўз меҳнат ҳуқуқларидан фойдаланишларида тенглиги, барчага тенг имкониятлар яратилгани тушунилса; иккинчидан, меҳнат муносабатларида гендер тенглиги, яъни эркеклар ва аёлларга камида бир хил меҳнат кафолатлари белгиланиши назарда тутилади.

Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилиги меҳнат муносабатларида аёл ва эркекларнинг тенг ҳуқуқлигини тан олган ҳолда бу масалага янада гуманистик жиҳатдан ёндашади. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 6-моддасига кўра барча фуқаролар меҳнат ҳуқуқларига эга бўлиш ва улардан фойдаланишда тенг имкониятларга эга бўлиб, жинси, ёши, irqи, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ ҳолати ва мансаб мавқеи, динга бўлган муносабати, эътиқоди, жамоат бирлашмаларига мансублиги, шунингдек ходимларнинг ишчанлик қобилиятларига ва улар меҳнатининг натижаларига алоқадор бўлмаган бошқа жиҳатларига қараб меҳнатга оид муносабатлар соҳасида ҳар қандай чеклашларга ёки имтиёзлар белгилашга йўл қўйилмайди ва булар камситиш деб ҳисобланади. Меҳнат соҳасида меҳнатнинг муайян турига хос бўлган талаблар ёки давлатнинг юқорироқ ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган шахслар (аёллар, вояга етмаганлар, ногиронлар ва бошқалар) тўғрисидаги алоҳида ғамжўрлиги билан боғлиқ фарқлашлар камситиш деб ҳисобланмайди [2].

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси меҳнат муносабатларида камситишга йўл қўйилмаслигини белгилаб, меҳнатнинг муайян турига хос талаблар ёки давлатнинг алоҳида ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари учун белгилайдиган қўшимча кафолат ва имтиёзларини бошқалар учун камситиш деб баҳоланмаслигини уқтиради.

Камситиш тушунчаси кўпинча халқаро терминологияда дискриминация атамаси билан ҳам характерланади. Юридик адабиётга кўра, *дискриминация* (лот.*discriminatio* – фарқлаш, инг.*discrimination*) – одатда, давлатнинг, юридик ёки жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари (бошқа давлатлар, юридик ёки жисмоний шахсларга нисбатан) камситилишини англатадиган умумҳуқуқий атама ҳисобланади [3, 140-б].

Меҳнат муносабатларида камситишнинг тақиқланиши ёки меҳнат муносабатларида камситишга йўл қўйилмаслиги меҳнат ҳуқуқининг тамойили сифатида ҳам талқин этилади. Бу жиҳатдан олиб қаралганда у жуда кенг маънони ифодалайди. А.Иноятовнинг фикрича, меҳнат ҳуқуқининг тамойиллари деганда, амалдаги қонунчиликда

муштақамлаб қўйилган асосий ғоялар тушунилади. Меҳнат ҳуқуқининг тамойиллари умумий ҳуқуқ тамойиллари каби алоҳида-алоҳида нормаларда муштақамлаб қўйилмагани сабабли, яққол намоён бўлмайди. Аксинча, улар ҳуқуқий нормалар замирида яширингани боис, унинг мазмуни ҳуқуқий норма моҳиятидан келиб чиқади [4, 19-б]. Бундан хулоса қилиб айтиш мумкинки, меҳнат муносабатларида камситишга йўл қўйилмаслиги тамойил сифатида қонун чиқарувчига меҳнат соҳасида келгусидаги нормаларни ишлаб чиқаришида унга амал қилинишига тааллуқли эслатмалар ғоя вазифасини ўтайди.

Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Меҳнат ва машғулотлар соҳасида камситиш тўғрисидаги Конвенция (№111)нинг 1-моддаси “камситиш” атамаси қуйидагиларни ўз ичига олишини белгилайди:

а) меҳнат ва машғулотлар соҳасидаги тенг муносабат ёки имкониятни йўқ қилувчи ёки ёмонлаштирувчи таъсирга эга бўлган irq, тана ранги, жинс, дин, сиёсий қарашлар, миллий мансублик ёки ижтимоий келиб чиқиш белгилари асосидаги ҳар қандай фарқлаш, ажратиш ёки устун қўйиш;

б) ходимлар ва иш берувчиларнинг вакиллик ташкилотлари, агар шундай ташкилотлар мавжуд бўлса, ҳамда бошқа тегишли органлар билан маслаҳатлашгандан сўнг Аъзо томонидан белгиланиши мумкин бўлган, меҳнат ва машғулотлар соҳасидаги тенг муносабат ёки имкониятни йўқ қилувчи ёки ёмонлаштирувчи таъсирга эга бўлган бошқа фарқлаш, ажратиш ёки устун қўйишлар.

Махсус талабларга асосланадиган муайян ишларга нисбатан фарқлаш, ажратиш ёки устун қўйиш камситиш деб ҳисобланмайди [5, 73-б].

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 6-моддаси “меҳнатга оид муносабатларда камситишнинг тақиқланиши” деб номланади. Меҳнат ҳуқуқи нафақат меҳнат муносабатлари, балки меҳнат қонунчилиги билан тартибга солинадиган бошқа муносабатларни ҳам қамраб олиши нуқтаи назаридан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Меҳнат ва машғулотлар соҳасидаги камситиш тўғрисидаги Конвенция (№111) номи ҳамда моҳияти нуқтаи назаридан, фикримизча, мазкур модданинг “Меҳнат ва машғулотлар соҳасидаги муносабатларда камситишнинг тақиқланиши” деб номланиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг XIV бобида айрим тоифадаги ходимларга бериладиган қўшимча кафолат ва имтиёзлар тўғрисида бўлиб, унда аёлларга ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларга бериладиган қўшимча кафолатлар алоҳида параграфда берилган.

Аёлларнинг табиатан жисмонан ўзига хослиги, уларда авлодни давом эттиришдек репродуктив хусусиятнинг мавжудлиги, оилавий муносабатларда бола парваришидаги иштирокини назарда тутиб ҳамда бу ҳолатларнинг улар томонидан меҳнат вазифаларини бажаришларида ноқулайлик туғдиришини инобатга олиб меҳнат қонунчилиги аёлларга алоҳида кафолат ва имтиёзларни назарда тутди. Мазкур имтиёз ва кафолатлар оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларга ҳам тааллуқлидир.

Ҳозирга келиб аёллар ва эркеклар меҳнат ҳуқуқлари тенг кафолатланиши нафақат мамлакатимиз миқёсида, балки жаҳон миқёсида ҳам долзарб

аҳамиятга молик жиҳатлардандир. Ижтимоий муносабатларнинг деярли барчаси юридик жиҳатдан тартибга солинганга қарамай, де факто ҳолатларда аёлларнинг меҳнат муносабатларида тўлақонли ўзларини намоён этишларига бир қатор тўсиқлар бор.

Меҳнат ва машғулотлар соҳасида аёлларга нисбатан камситишларни моҳиятига кўра қуйидаги турларга бўлишимиз мумкин: 1. аёл жинсига нисбатан азалдан мавжуд стереотипга кўра; 2. аёлларга қонунчиликда назарда тутилган кафолатларга кўра; 3. репродуктивлик (фертиль ёши) ҳамда ҳомиладорлиги ҳолатига кўра; 4. болали бўлиши ва оилавий вазифалари билан боғлиқ ҳолда; 5. ёши билан боғлиқ ҳолатга кўра ҳамда бошқа жиҳатлар.

Меҳнат муносабатлари билан боғлиқ ҳолатларда эса аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларга нисбатан камситишни босқичларга кўра а) ишга қабул қилиш жараёнидаги; б) меҳнат муносабатлари жараёнидаги ҳамда с) меҳнат шартномасини бекор қилиш билан боғлиқ ҳолдаги камситишларга ажратишимиз мумкин.

Аёллар ва эркаклар ҳуқуқлари тенглиги азал-азалдан баҳсли масалалардан бўлиб келган. Бу каби ёндашувнинг асослари узоқ ўтмишга бориб тақалади. Қадимдан аёллар “уй одами” деб ҳисобланганки, бу ибтидоий қараш сояларнинг сақланиб қолинганини ҳозирги XXI аср глобаллашув шароитида ҳам пайқаш қийин эмас. Менталитетимизга хос бўлган яққол мисоллардан бири болалик чоғларидан қизларни келгусида шифокор ва ўқитувчи каби “аёл кишига мос” касбларга йўналтирамиз. Ўқитувчи ва шифокорлар қисқартилган иш вақтида ишлагани учун ҳам бу касблар оилавий вазифаларни биргаликда олиб боришга тўсқинлик қилмайдигандек туюлади. Оқибатда қайсидир маънода келгусидаги касбга тақлидий ёндашув туфайли қизлар ўқитувчи ва шифокор бўлишга интиладилар. Аёллар меҳнат ҳуқуқлари кафолатлангани тақдирда ҳам жамият кўп ҳолларда жиддий масъулият касб этадиган лавозимларга эркак ходимни маъқуллайди. Яъни жамият аёлларни депутат, судья, бўлим бошлиғи каби лавозим эгаси сифатида эмас, балки цехда тикувчи, котиб, кичик корхонада менеджер, ҳамшира ёхуд мактабда “бир умр” дарс берувчи ўқитувчи сифатида кўради. Бу ҳолат, яъни касбларни “аёлга ёки эркак кишига хос”га ажратиш профессионал сегрегацияни келтириб чиқаради. Бу муносабатни қайсидир маънода аёлни эҳтиётлаш тарзидаги ижобий қараш дейиш мумкиндир. Бироқ, ҳозирги глобаллашув шароитида барча аёлларнинг турмуш тарзи, оиладаги ролини анъанавий кўринишдагидек бир хил мақомда деб бўлмайди. Шу ҳолатда аёлларни “эҳтиётлаш” тарзидаги юқоридаги хил муносабат ўз-ўзидан меҳнат муносабатларидаги камситишга сабаб бўлаётган ҳоллари ҳам кузатилиб турибди.

Аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларга меҳнат қонунчилигида белгиланган имтиёз ва кафолатлар ҳам баъзан уларнинг “зарари”га хизмат қилади. Яъни бу тоифа шахсларни ишга қабул қилаётган иш берувчи уларга меҳнат шартномаларини таъминлаш чоғида аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларга қонунчилик назарда тутган кафолат ва имтиёзларни ўйлаб, улар билан меҳнат шартномасини тузишни истамай қолади ва танловни бошқа шахс фойдасига қилади. Ҳозирги кунда мамлакатимизда тадбиркорликка кенг шароит яратилгани ҳолатида айниқса қайсидир маънода энди

ишини бошлаган тадбиркорни бу ҳолат “кўрқитади”. Шу туфайли, бизнингча аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларни ишга қабул қилувчи иш берувчиларга солиқ қонунчилиги бўйича имтиёз ёки преференциялар белгиланса, назаримизда, мақсадга мувофиқ бўларди.

Аёлларга меҳнат соҳасидаги кафолатлар асосан уларнинг репродуктивлик жиҳати билан боғлиқдир. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш давлат сиёсатининг муҳим вазифаларидан бўлишига қарамай, иш берувчилар фертиль ёшидаги аёлларни ишга қабул қилишни хоҳламайдилар. Масалан, олий маълумотли битирувчи йигит ва қизнинг ишга жойлашиши учун амалиётда имкониятлар тенг эмас, кўпинча. Фертиль ёшидаги аёлларнинг фарзандли бўлиши, дастлаб ҳомиладорлик ва туғиш таътили, сўнгра бола парваришлаш таътилида бўлишлари, бола парваришлаш таътилидан қайтганларида фарзанди бетоблиги туфайли меҳнатга лаёқатсизлик даврига тез-тез чиқиши иш берувчига биров “малол” келади. Табиийки, бу ҳолатлар аёлларнинг ўз меҳнат ҳуқуқларидан тўлақонли фойдаланишларига тўсқинлик қилади.

30-35 ёшлардан кейин аксар аёллар ўз ҳаётларидаги режалаштирган фарзандларини дунёга келтириб бўладилар, шу туфайли бу вақтга келиб улар маълум маънода меҳнат муносабатларида эркаклар билан имтиёз ва кафолатлар доирасида де факто “тенглик” ҳолатида бўладилар. Бироқ бу пайтга келиб баъзи касбларни танлашларида эндиликда ёш цензи масаласи кун тартибига чиқади. Аёл иш жойи ёки касбини ўзгартирмоқчи бўлгани тақдирда аксар корхоналар 30 ёки 35 ёшгача шахсларни ишга қабул қилишларини маълум қиладилар. Бироқ бу ҳолат эркаклар ва аёллар учун бирдек тез-тез учраб турадиган ёшга доир камситиш сифатида ҳуқуқни қўллаш амалиётида учраб туради. Аёлларга тааллуқли бўлган ёш бўйича камситиш кўпинча меҳнат жараёнида юқори лавозимга ўтказиш масаласи кун тартибига қўйилганда кўпроқ кўзга ташланади. Эркаклар учун 50 ёш карьера қилинадиган энг кульминацион палла бўлгани ҳолда 50 ёшли аёллар пенсия ёшига яқинлашиб қолган аёллар сифатида намоён бўлади ҳамда ўз-ўзидан уларнинг меҳнат бозоридаги рақобатбардошлигига путур етади. Ваҳоланки, айти 50-55 ёшга келиб аксарият аёлларда оила вазифаларидан бўшаб ишга кўпроқ вақт ажратишга имконият туғилади. “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 7-моддасига кўра аёллар 55 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 20 йил бўлган тақдирда умумий асосларда ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлишлари [7] ҳамда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми 7-бандига асосан ходимнинг пенсия ёшига тўлганлиги, қонун ҳужжатларига мувофиқ ёшга доир давлат пенсиясини олиш ҳуқуқининг юзага келиши у билан меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилинишига олиб келиши мумкин [6] бўлган қонунчилик нормалари кўпинча иш берувчининг маълум ёшдаги аёлларни юқори лавозимларга ўтказишига “тўсқинлик қилади”. Лекин аслида мазкур ҳолатни бу каби талқин қилиш – нотўғри, чунки ходимнинг умумий асослардаги пенсия ёшига етиши иш берувчига у билан меҳнат шартномасини бекор қилиш мажбуриятини юкламайди, балки бекор қилишга ҳуқуқ беради. Пенсия ёшига етган

ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишга қарор қилган иш берувчи унинг меҳнат самарадорлигини инобатга олиши баъзан вазиятга бошқача тус бериши мумкин.

Гарчи аёллар меҳнат соҳасида алоҳида ижтимоий ҳимоя ва эътиборга муҳтож шахслар деб саналсада, меҳнат соҳасида эркаклар ҳам баъзан камситилиши ҳолатига дуч келишимиз мумкин. Масалан, кўп ҳолларда котиба ёки идиш ювувчи аёл кераклиги бўйича эълонларга кўзимиз тушади. Шу ҳолатларни қайсидир маънода шахсларни жинсига кўра ажратиш деб ҳисоблаш мумкин. Баъзан эркаклар аёлларга берилган кафолат ва имтиёزلарни ўзларига нисбатан камситилиш деб баҳолашлари ҳам учраб туради. Бу ҳолат «ижобий дискриминация» деб ҳам аталади. Ҳомиладор ва уч ёшгача фарзанди бор аёлларга тегишли меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилишдаги кафолат фарзандини ёлғиз тарбиялаётган оталар (бева, никоҳдан ажрашган ёки бошқа ҳолатларга кўра)га ҳам тааллуқли бўлишига қарамасдан, ҳуқуқни қўллаш амалиётида уларнинг ғайриқонуний ишдан бўшатирилганликлари ёки ишга тикланиш масаласида судга мурожаат қилиш фактларини учратмаймиз.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахслар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солиш ҳамда ушбу тоифани ҳуқуқни қўллаш жараёнидаги турли камситишлардан ҳимоялаш нафақат мазкур турдаги субъектлар манфаатлари учун, балки миллат генофонди ва соғлом авлод йўлидаги ижобий мазмундаги вазифалардандир.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т., 2016. –Б.8.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 1-сонга илова; 1997 й., 2-сон, 65-модда <http://www.lex.uz>
3. Ўзбекистон юридик энциклопедияси. –Т.: Адолат, 2010. – Б.140
4. А.Иноят. Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ҳуқуқи. Олий ўқув юртлари учун дарслик –Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2002. – Б.19
5. Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган конвенциялари тўплами. –Т.: «Адолат», 2014. – Б.73.
6. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 1-сонга илова <http://www.lex.uz>
7. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 338-модда <http://www.lex.uz>

Б.Б.Худайбергенов
ТДЮУ докторанти

БАНКРОТЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИК: РЕАБИЛИТАЦИЯ ВА ТУГАТИШ

Аннотация: ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасининг банкротлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган муносабатлар, банкротлик тўғрисидаги қонунчиликнинг мақсадини аниқлаш билан боғлиқ масалалар ўрганилган ва таҳлил этилган.

Таянч сўзлар: банкротлик, тугатиш, реабилитация, қарздор, кредитор, санация.

Аннотация: в этой статье изучены и проанализированы вопросы, связанные с целью законодательства о банкротстве, отношение, которые регулируются законодательством о банкротстве Республики Узбекистан.

Ключевые слова: банкротство, ликвидация, реабилитация, должник, кредитор, санация.

Abstract: in this article studied and analyzed issues associated with purpose of bankruptcy law, the relations are regulated by the legislation on bankruptcy of the Republic of Uzbekistan

Key words: bankruptcy, liquidation, rehabilitation, the debtor, the creditor, sanitation.

Юртимизда тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш бўйича бир қатор ютуқларга эришилди. «Янги бизнесни қўллаб-қувватлаш» деб аталадиган мезон бўйича мамлакатимиз айни пайтда жаҳонда 42-ўринни, тузилган шартномалар ижросини таъминлаш бўйича 32-ўринни, иқтисодий ночор корхоналарга нисбатан қўлланадиган банкротлик тизимининг самарадорлиги бўйича 75-ўринни эгаллаб турибди [1, 2-б].

Бозор иқтисодиётида рақобат муҳитига кирган тадбиркорлик фаолияти субъектлари ўзларида турли инқироз ҳолатларини бошидан кечириши табиий. Банкротлик институти фақат шахсни тугатиш, кредиторлар талабларини қаноатлантириш учун қарздор корхона мол-мулкни реализация қилиш билан боғлиқ масалалардан иборат эмас.

Барча давлатларнинг банкротлик қонунчилиги икки йўналишда олиб бориладиган ривожланиш тенденциясига эга:

1. Тугатиш. Бу йўналишдаги ҳуқуқий нормалар тўловга қобилиятсиз қарздор фаолиятига чек қўйиш ва тугатишга қаратилган.

2. Тиклаш (реабилитация қилиш). Унинг ҳуқуқий нормалари молиявий инқирозга учраган тўловга қобилиятсиз қарздорнинг фаолиятини тиклаш учун барча имкониятлардан фойдаланишни назарда тутди [2, 84-б].

Юқорида кўрсатилган тенденциялар биринчи қарашда бир-бирига қарама-қаршидек туюлади. Аслини олганда, тугатиш ва реабилитация нормалари ягона банкротлик институти доирасида ўрганилиши ҳам мантиққа зид. Ушбу тугатиш ва реабилитация нормалари қарздорнинг тўловга қобилиятсизлиги натижасида бирлашади. Бу нормаларнинг ўзаро алоқаси банкротлик қонунчилигининг шаклланиши ва ривожланиш тарихи билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, дастлаб банкротлик институтида ratio legis (пот.

мақсад, қонун мазмуни) кредиторлар талабларини қаноатлантириш билан боғлиқ масалаларни тартибга солишдан иборат бўлган ва қарздор мол-мулки кредиторларга тақдим этилган. Муайян бир даврга бориб, савдо муносабатларининг ривожини кредиторлар талабларини қаноатлантириш нафақат қарздорни тугатиш ва унинг мол-мулкини кредиторларга тақсимлаш йўли билан, балки қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш билан ҳам эришиш мумкинлигини кўрсатди. Амалиётдан шу нарса маълумки, қарздорга нисбатан тугатишга доир иш юритишни қўллаш ҳар доим ҳам кредиторлар манфаатларига хизмат қилмайди. Тугатиш таомили жуда кўп вазиятларда самарасиз бўлиб, қарздор мол-мулки сотилиши натижасида қўлга киритилган пул суммаси кредиторлар талабларини қаноатлантиришга етарли бўлмайди. Корхонани тугатиш ва ёпишдан кўра, унинг фаолиятини тиклаш, активлари қийматини ошириш мақсадга мувофиқ [3, 35-б]. Ҳозирги вақтда айрим корхоналарнинг фаолияти фақатгина кредиторларнинг иқтисодий манфаатларига зарар етказиш билан бирга, тегишли ҳудуд, алоҳида давлат, бутун дунё иқтисодиётига ҳам ўз таъсирини ўтказиши мумкин. Аста-секинлик билан иқтисодий талаб ўзгарди, ҳозирда катта саноат-молиявий комплексларни тиклаш, қайта ташкил этиш бўйича имкониятларни аниқлаш ва у билан боғлиқ ижтимоий-сиёсий масалаларни ҳал қилиш банкротлик тўғрисидаги қонунчиликнинг асосий вазифаларидан бирига айланди. Шунга мувофиқ, қарздорнинг иқтисодий ҳолатини тиклашга қаратилган реабилитация таомилларини ривожлантириш доимий равишда барчанинг эътиборида бўлиб келмоқда.

Қарздорнинг тўлов қобилияти тикланишидан қарздор ҳам, кредитор ҳам манфаатдор бўлиб, кредитор тугатиш таомили даврдан кўра ўз улушини олиш имконияти юқорироқ бўлади. Шунга қарамасдан, М.В.Телюкина банкротлик институтини қарздорга тўлов қобилиятини тиклаш имкониятини бериш ёки тиклашнинг имкони бўлмаганда қарздорнинг мол-мулкини реализация қилиш ва кредиторлар ўртасида тақсимлаш йўли билан кредиторлар талабларини қаноатлантиришга қаратилган нормалар йиғиндиси сифатида баҳолайди.[4, 72-б].

Реабилитация қилиш қарздор тўлов қобилиятини тиклаш ва кредиторлар талабларини қаноатлантиришга олиб келса, тугатиш натижасида фақат кредиторлар талаблари қондирилади. Замонавий банкротлик ҳуқуқи қарздорнинг иқтисодий ҳолатини тиклашга йўналтирилган алоҳида имтиёзли режим белгилашни, унинг бизнесини давом эттириш билан боғлиқ тадбирларни ҳам ўз ичига олиши керак. Қарздорнинг молиявий ҳолатини тиклаш бўйича ҳаракатлар натижа бермагач ёки кредиторлар талабларини қондиришнинг умуман имкони бўлмаган тақдирдагина тугатишга доир иш юритишни бошлаш лозим.

МДҲ давлатларидан фарқли ўлароқ, Европанинг кўпгина давлатларида реабилитация таомиллари нафақат узоқ тарихга эга, балки машҳурҳамдир. 1998 йил дунё молиявий инқирози даврида икки юз йиллик тарихга эга “Barings” инглиз банки молиявий таназзулга учради. Бироқ, “ING” голланд молиявий группаси “Barings” банкига нисбатан санация таомилини қўлади. Натижада, банк битта ҳам миждозини йўқотмади ва бутун дунёда муваффақиятли фаолияти юритувчи янги “ING Barings” номли

конгломерат вужудга келди. Бу молиявий инқироз санация қўллаш натижасида бартараф этилди. Судгача санация ва суд санацияси банкротлик тўғрисидаги қонунчиликнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Ушбу қонунчиликнинг ижобий натижаси фақат корхонанинг молиявий аҳволини тиклаш жараёнида намоён бўлади.

Германияда 1877 йилги Тугатиш устави 1994 йилда Ночорлик тўғрисидаги янги қарор қабул қилиниши билан ўз кучини йўқотди. Ушбу ислохотни амалга оширишдан кўзланган асосий мақсад тугатиш жараёнида тенг ҳуқуқлиликни таъминлаш, қарздор корхонани молиявий тиклаш ва қайта ташкил этиш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Банкротлик тўғрисида”ги Қонунининг (2003 йил 24 апрель) мақсади сифатида юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг банкротлиги соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатлиги кўрсатилган бўлсада, қонун томонидан қайси муносабатлар тартибга солиниши аниқ ва тўлиқ белгиланмаган. Назаримизда, қонунда тартибга солиниши лозим бўлган муносабатлар келтирилиши, унда кредиторлар талабларини қаноатлантириш ва қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш масалалари келтирилиши мақсадга мувофиқ. Россия Федерацияси “Ночорлик (банкротлик) тўғрисида”ги Қонунининг (2002 йил 26 октябрь) 1-моддасида қонун билан тартибга солинадиган муносабатлар таркибида қарздор банкротлигининг олдини олиш билан боғлиқ масала алоҳида баён қилинган. Украинада “Қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш ва уни банкрот деб топ олиш тўғрисида”ги (1992 йил 14 май) Қонун деб номланиб, қонун номида тўлов қобилиятини тиклаш масаласи берилган. Беларусь Республикаси Қонуни “Иқтисодий ночорлик (банкротлик) тўғрисидаги” (2012 йил 13 июль) 2-моддасида ҳам қарздор банкротлигининг олдини олиш қонун томонидан тартибга солинадиган алоҳида муносабат сифатида кўрсатилган.

Юқоридагиларга асосан, Ўзбекистон Республикасининг “Банкротлик тўғрисида”ги Қонунига 2¹-модда киритилиши ва қуйидагича баён қилиниши таклиф этилади: “Ушбу қонун кредиторлар талабларини қондириш ва қарздор тўлов қобилиятини тиклаш мақсадида банкротлик таомилларини қўллаш, шунингдек банкротликни олдини олиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш”. Ушбу норманинг қонунда акс этиши реабилитацион қоидаларнинг янада кенгайтилишига, яъни қарздорни молиявий ҳолатини яхшилашга йўналтирилган банкротлик таомиллари – судгача санация, суд санацияси, ташқи бошқарув пайтидаги моддий ва процессуал нормаларнинг ривожланишига олиб келади. Ушбу ҳолатда ҳар бир қарздорнинг иқтисодий ҳолати, алоҳида юридик шахсларнинг ўзига хос ҳусусиятларини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик лозим.

Кузатув даврида қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш имконияти тўғрисидаги асосий масала ҳал қилинади. Кузатув бир қатор функцияларни бажаради: қарздор мол-мулкини сақлаш учун тегишли чораларни кўриш, суд муҳокамасига қарздорнинг молиявий аҳволи тўғрисидаги маълумотларни тақдим қилиш.[5, 103-б]. Қонунда кузатув таомили қўллашнинг умумий қоидалари мавжуд. Бироқ, кузатувнинг муддати, қарздорнинг молиявий аҳволини таҳлил қилиш учун экспертларни жалб қилиш масалалар ҳанузгача тартибга солилмаган. Кўпчилик ҳолатларда, кузатув

даврида қарздорнинг молиявий аҳволи тўлиқ таҳлил қилинмасдан тугатишга доир иш юритиш бошланади. Кузатув суд санацияси, ташқи бошқарув, тугатиш бошланиши, келишув битими тузилиши билан яқунланади.

Суд санацияси даврида қарздорнинг иқтисодий ҳолати тикланиши ва кредиторлар талабларини қаноатлантиришда қарздор муассислари марказий ўринни эгаллайди. Соғломлаштириш масаласи кредиторлар йиғилишига муассислар томонидан тақдим этилади. Қонун фақат учинчи шахслар томонидан қарздорга ёрдам кўрсатиш масаласини тартибга солади. Ваҳоланки, соғломлаштиришнинг бошқа чора-тадбирлари ҳам мавжуд. Айрим иқтисодчи олимлар соғломлаштиришнинг 30 га яқин тури мавжудлигини таъкидлашади [6, 91-99 бетлар]. Ушбу чораларни қонунда кўрсатиш, агар бир неча чоралар таклиф қилинса, уларни танлаш масаласи ёритилиши лозим. Ёки Қонуннинг 32-моддасида (судгача санация қилиш) келтирилган тўлов муддати ўтказиб юборилган қарзларни тўла ёки қисман сотиб олиш; ишлаб чиқаришни рақобатбардош маҳсулот чиқаришга мослаб қайта ихтисослаштириш; четдан юқори малакали мутахассисларни жалб этиш; қарздорнинг тўлов қобилияти тикланиши ҳамда фаолиятини давом эттиришидан манфаатдор бўлган юридик ва жисмоний шахслар томонидан молиявий ёрдам кўрсатилиши; қарздорнинг фаолиятни давом эттириши учун қарздор билан кредиторлар ўртасида кредиторларга тўланадиган тўловлар муддатини кечиктириш ва (ёки) уни бўлиб-бўлиб тўлаш ёхуд қарзлардан сийлов бериш тўғрисида аҳдлашувга эришишга қаратилган битим тузиш каби чора-тадбирларни суд санациясида ҳам келтириб ўтиш ижобий натижа беради.

Хорижий давлатлар тажрибаси ва қонунчилигига таянган ҳолда Қонунни қарздорнинг иқтисодий ҳолатини тиклашга қаратилган нормалар билан бойитиш лозим. Бунинг учун, Қонуннинг мақсадидан тортиб, соғломлаштиришга йўналтирилган банкротлик таомилларини тубдан кўриб чиқиш талаб этилади. Ушбу масала қонун ижодкорлиги жараёнида катта ҳажмдаги ўзгартиш ва қўшимчаларни талаб қилади. Бироқ, тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, бозор иқтисодиётида рақобат муҳитини янада ривожлантириш, аҳолининг бандлик даражасини янада ошириш мақсадида банкротликка доир ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш мақсадга мувофиқ.

Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир //Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. //Халқ сўзи. 2016 йил 16 январь. № 11 (6446). – Б.2.

2. Плиев Г.А. Гражданско-правовой механизм предупреждения несостоятельности (банкротства)

юридического лица [Электронный ресурс]: Дис. ... канд. юрид. наук: 12.00.03. – М.: РГБ, 2005 (Из фондов Российской Государственной библиотеки). – С. 84.

3. Хоуман М. Роль режима несостоятельности в рыночной экономике //Российско-британский семинар судей, рассматривающих дела о несостоятельности (банкротстве): Вестник Высшего Арбитражного Суда Российской Федерации: Спец.прил. – 2001. – №. – С. 35.

4. Телюкина М.В. Конкурсное право: Теория и практика несостоятельности (банкротства). – М., 2002. – С.72.

5. Емелькина Н.А. Защита прав учредителей (участников) должника в деле о несостоятельности банкротства) [Электронный ресурс]: Дис...канд.юрид.наук: 12.00.03. – М.: РГБ, 2005. (Из фондов Российской Государственной библиотеки). – С. 103.

6. Дондуков А.Н., Рябцева Н.Б., Юн Г.Б. Антикризисное управление и реструктуризация предприятий в Российской Федерации. – М., 2001. – С. 91-99.

Г.Тулаганова,
ТДЮУ “Криминалистика” кафедраси
муdiri, юридик фанлар доктори, доцент

СУДЛАНГАНЛИК ҲОЛАТИНИ ОЛИБ ТАШЛАШДАГИ АЙРИМ МАСАЛАЛАР ХУСУСИДА

Аннотация: ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–4850-сонли Фармони асосида тайёрланиб, унда суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ этишнинг устувор йўналишларидан бири фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтиришда судланганлик ҳолати, уни олиб ташлашнинг бугунги аҳволи, бу борадаги хорижий тажриба ёритилиб, қонунчиликка киритилишига оид бўлган тавсиялар ҳавола этилган.

Калит сўзлар: судланганлик ҳолати, судланганликни олиб ташлаш, амнистия, авф, рецидив, эҳтиётсизлик, ижтимоий хавфлилик даражаси.

Annotation: This article was written on the basis of a Decree of Republic of Uzbekistan PF-4850 on “Measures to strengthen further reforms of the judicial system and ensure the protection of the rights and freedoms of citizens” on 21st of October, 2016. It includes one of the priority directions of further reforming of the judicial system to ensure the protection of the rights and freedoms of citizens, current conditions of removing state condemnation, international experience in this area and some recommendations related to legislation system.

Key words: record status, removal of conviction, amnesty, forgive, recurrence, carelessness, level of social danger.

Abstract: данная статья подготовлена на основании Указа Президента Республики Узбекистан №ПФ-4850 «О мерах по дальнейшему реформированию судебной-правовой системы, усилению гарантий надежной защиты прав и свобод граждан» от 21 октября 2016 года и посвящена одному из приоритетных направлений государственной деятельности, как погашение судимости для усиления гарантий надежной защиты прав и свобод граждан, сегодняшнее состояние погашения судимости, а также приведен зарубежный опыт и представлены рекомендации для внедрения в национальное законодательство.

Ключевые слова: судимость, погашение судимости, амнистия, помилование, рецидив, неосторожность, степень социальной опасности.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–4850-сонли Фармонида суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш, одил судловга эришиш даражасини ошириш каби устувор йўналишлари белгилаб берилди.

Шу билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий ҳўжалик суди, Бош прокуратураси ва бошқа манфаатдор идораларга 2017 йил 1 июлга қадар илғор хорижий тажрибани ўрганган ҳолда судланганлик ҳолатини тугатиш ва судланганликни олиб ташлаш муддатлари ва асосларини қайта кўриб чиқиш вазифаси ҳам қўйилган. 2017 йилнинг “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб эълон қилинганлигини эътиборга оладиган бўлсак, судланганликни олиб ташлаш институтини такомиллаштириш, инсон манфаатларини муҳофаза қилиш борасида қандай таомилларга риоя этилиши лозимлигини ўрганиш катта аҳамият касб этади.

Судланганликнинг ижтимоий аҳамияти шундаки, судланган шахсларга маълум фаолият тури билан шуғулланиш тақиқланади (судья, терговчи, прокурор, милиция ходими, бошқа мансаб лавозимлари). Маълум жиноятларни (ғиёҳвандлик, босқинчилик, зўравонлик) содир этганлик учун судланган шахсларнинг баъзи бир давлатлар, масалан, АҚШ ҳудудига кириши тақиқланади. Судланган шахслар янги жиноятларни содир этмаслиги учун улар устидан назоратнинг турли шакллари ўрнатилиши мумкин (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2002 йил 26 февралдаги 51-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган шахслар устидан ички ишлар идораларида маъмурий назорат ўрнатиш ва уни амалга ошириш тартиби тўғрисида Йўриқнома). Шахснинг муқаддам судланганлиги унинг яқинлари ва оила аъзоларининг манфаатларига салбий таъсир ўтказди. Ва ниҳоят, фуқароларнинг ўзининг судланганлиги тўғрисида турли хил анкета ва ҳужжатларни тўлдиринишда маълумот беришлари шарт ва бу ҳолат уларнинг ишга жойлашиши, маълум касб, лавозим, мансабни эгаллашига, сайланишига тўсқинлик қилади.

Судланганликни олиб ташлашнинг ҳуқуқий асослари қонунларимизда батафсил баён этилган. Жумладан, ЖКнинг XIV боби “Судланганлик” деб номланиб, унинг 77–80-моддаларида судланганликнинг ҳуқуқий аҳамияти, судланганлик ҳолатининг тугаллиниши ва судланганликнинг олиб ташланиши тўғрисидаги қоидалар батафсил баён этилган. ЖПКнинг 544-моддасида эса судланганликни олиб ташлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш тартиби кўрсатилган.

Уларга кўра, судланганлик шахснинг, унга суд ҳукми билан жазо қўлланилишидан келиб чиқадиган ҳуқуқий ҳолати бўлиб, мазкур шахсга нисбатан жиноят-ҳуқуқий ва умумҳуқуқий хусусиятга эга муайян салбий оқибатлар келиб чиқишида намоён бўлади. Жазо тайинланган айблов ҳукми қонуний кучга кирган кундан бошлаб шахс судланган деб ҳисобланади. Суд томонидан жазодан озод қилинган шахс судланмаган деб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2015 йил 18 сентябрдаги 13-сонли «Судланганлик ҳолати тугаллиниши ва олиб ташланишига оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 2-бандига кўра, қуйидаги ҳолларда шахс судланмаган ҳисобланади, агар унга нисбатан: жазо тайинланмаган ҳолда айблов ҳукми чиқарилган (ЖК 70, 71, 76-моддалари) ёхуд шахс бир вақтнинг ўзиде асосий ва қўшимча жазодан биринчи, апелляция, кассация ёки назорат инстанцияси суди томонидан озод қилинган

(ЖК 69, 75, 76-моддалари) бўлса; тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилган бўлса (ЖК 94-моддаси).

Куйидаги асосларга кўра жиноий жавобгарликдан озод этилган шахс ҳам судланмаган ҳисобланади: жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан (ЖК 64-моддаси); қилмиш ёки шахс ижтимоий хавфлилигини йўқотганлиги муносабати билан (ЖК 65-моддаси); айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан (ЖК 66-моддаси); жиноят содир этган шахс жабрланувчи билан ярашганлиги муносабати билан (ЖК 66¹-моддаси); жиноят содир этган шахс касаллиги туфайли (ЖК 67-моддаси); амнистия акти қўлланилганлиги муносабати билан (ЖК 68-моддаси).

правосудия должна в полной мере учитывать многообразие политических, экономических и социальных систем, и постоянно изменяющиеся условия общества. В этой связи странам предлагается учитывать ряд направлений для эффективного развития системы уголовного правосудия, основанные на уважении и соблюдении прав человека [10, 167-с].

Так «Миланский план действий» рекомендовал государствам членам, в частности, укреплять неослабное внимание совершенствованию систем уголовного правосудия в целях укрепления их способностей, реагировать на изменения общественных условий и потребностей (п.5 h); активизировать свои усилия по обеспечению как можно более широкого участия общественности в предупреждении преступности и борьбе с ней (п.5 m) [11].

В «Руководящих принципах» в области предупреждения преступности и уголовного правосудия в контексте развития и нового международного экономического порядка содержатся рекомендации по принятию необходимых законодательных и других мер в целях обеспечения жертв преступления эффективными средствами правовой защиты (п.12). Принципы также были утверждены резолюцией 44/162 Генеральной Ассамблеи ООН от 15 декабря 1989 г., которая рекомендовала государствам-участникам уделять должное внимание предупреждению преступности и уголовному правосудию, в т.ч. таким вопросам, как судьба жертв преступлений, и предлагала следовать положениям Руководящих принципов.

Вопросы государственной защиты участников уголовного процесса систематически рассматривались на последующих Конгрессах ООН и в других организациях, действующих под ее эгидой и с каждым разом все глубже и шире делался акцент на конкретных мерах безопасности и механизме их реализации. В последствии разными структурами ООН были принят ряд рекомендательных и декларативных документов, но «Миланский план действий» явился одним из первых документов, где особо подчеркивалась проблема жертв преступлений и иных лиц, участвующих в уголовном судопроизводстве.

Наряду с процессом принятия международных норм, которые призваны обеспечить должную безопасность лиц, содействующих уголовному судопроизводству, в ООН шел процесс выработки документов, ориентированных на надежную защиту должностных лиц судебных и правоохранительных органов при добросовестном осуществлении ими своих функций [12, 87-с]. В частности, в ряде документов ООН были установлены требования по обеспечению безопасности судей (п.11 «Основные принципы, касающиеся независимости судебных органов»), обеспечению властями надлежащую защиту и безопасности юристов в результате выполнения ими своих обязанностей («Основные принципы, касающиеся роли юристов»), гарантированию физической защиты со стороны властей лицам, осуществляющим судебное преследование, а также их семьям, в тех случаях, когда существует угроза их безопасности в результате выполнения ими профессиональных функций («Руководящие принципы, касающиеся роли лиц, осуществляющих судебное преследование»).

С учетом проведенного анализа можно выделить несколько важнейшие демократические положения международно-правовых актов, в частности, Декларации основных принципов правосудия для жертв пре-

ступлений и злоупотребления властью, которых представляется целесообразным имплементировать в уголовно-процессуальном законодательстве Республики Узбекистан:

во-первых, понятие «жертвы преступлений», предусмотренное в ст.1 Декларации, по сути и содержанию, намного шире, чем определения потерпевшего, предусмотренное в ст.54 УПК. Предлагается доработать ст.54 УПК с учетом положений Декларации;

во-вторых, положения Декларации, предусматривающие права жертв, в том числе, справедливое обращение, обеспечение доступа к механизмам правовой, административной и судебной защиты, защита от запугивания и мести, обеспечение права на представление необходимой информации, использование неофициальных механизмов и обеспечение права на реституцию, компенсацию и социальную помощь следовало бы закрепить в отдельном специальном законе. В этой связи важным является своевременная разработка Закона Республики Узбекистан «О защите потерпевших, свидетелей и иных участников уголовного процесса», принятия которого предусмотрено в Указе Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему реформированию судебно-правовой системы, усилению гарантий надежной защиты прав и свобод граждан» от 21 октября 2016 года.

В заключении, хотелось бы отметить, что в своей совокупности нормы рассмотренных документов представляют собой международно-правовую основу, в соответствии с которыми национальное законодательство страны мира должно предусматривать меры безопасности потерпевших, свидетелей, всех иных лиц, участвующих в уголовном судопроизводстве.

Список использованной литературы:

1. Ширитов А.Б. Правовое регулирование мер государственной защиты участников уголовного процесса: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Краснодар, 2010. – С. 17.
2. Зайцев О.А. Государственная защита участников уголовного процесса. – М.: Экзамен, 2001. – 512 с.; Брусницын Л.В. Обеспечение безопасности лиц, содействующих уголовному правосудию: российский, зарубежный и международный опыт XX века (процессуальное исследование). – М.: Юрлитинформ, 2001. – 400 с.
3. Федорченко А.А. Правовое положение жертвы преступления как свидетеля в международном уголовном процессе // Международное право и международные организации / International Law and International Organizations. – 2014. – №1. – С. 80-81.
4. Бойков А.Д. Судебная реформа: обретения и просчеты // Государство и право. – 1994. – №6. – С.8.
5. Забайло А.И. К вопросу о правовом статусе Всеобщей декларации прав человека и ее влиянии на правотворческий и правоприменительный процессы // Журнал международного права и международных отношений. – 2008. – №4.
6. Декларация основных принципов правосудия для жертв преступления и злоупотребления властью от 29 ноября 1986 года // Документы и материалы ООН по вопросам защиты прав и свобод человека. – М., 1990.
7. Брусницын Л.В. Международно-правовые и конституционные основы обеспечения безопасности лиц,

содействующих уголовному правосудию // Государство и право. – 1996. – №3. – С.108.

8. Томилова Н.С. Принципы государственной защиты потерпевших, свидетелей и иных участников уголовного судопроизводства: Дисс. ... канд. юрид. наук. – М.: Акад. эконом. безопасности МВД РФ, 2009. – 181 с.

9. Епихин А.Ю. Правовые основы безопасности личности и уголовного судопроизводства в отдельных международных документах // Международное уголовное право и международная юстиция. – 2012. – №2. – С. 13.

10. Ягофаров С.М. Соотношение международных стандартов развития уголовного судопроизводства с процессами, происходящими в России // Вестник ОГУ. – 2010. – №3 (109). – С.169.

11. «Миланский план действий», принят в сентябре 1985 года // Документы и материалы ООН по вопросам защиты прав и свобод человека. – М., 1990.

12. Зайцев О.А. Международно-правовые основы и механизмы государственной защиты участников уголовного процесса // Актуальные проблемы социально-гуманитарных наук: Сборник научных трудов. – М., 2000.

А.А.Мухитдинов,

к.ю.н., доцент кафедры

«Судебное право и прокурорский надзор»
Таджикского государственного университета
права, бизнеса и политики

О РАЗВИТИИ ПОЛОЖЕНИЙ ОБ ОРГАНАХ ПРЕДВАРИТЕЛЬНОГО РАССЛЕДОВАНИЯ И О СТАТУСЕ СЛЕДОВАТЕЛЯ В УПК УЗБЕКСКОЙ ССР 1929 ГОДА

Аннотация: в статье анализируется дальнейший этап развития процессуального положения об органах предварительного расследования и статусе следователя согласно Уголовно-процессуальному кодексу Узбекской ССР 1929 года.

Ключевые слова: уголовное преследование, предварительное расследование, следственные действия, наблюдающий орган, следователь, прокурор, подследственный, обвиняемый, обвинительное заключение.

Аннотация: мақолада Ўзбек ССРнинг 1929 йилдаги ЖПК бўйича дастлабки тергов органлари ва терговчи ваколатлари ривожланишининг кейинги босқичи таҳлил этилган.

Калит сўзлар: жиноий таъқиб, дастлабки тергов, тергов ҳаракатлари, кузатувчи орган, терговчи, прокурор, тергов остидаги, айбланувчи, айблов хулосаси.

Abstract: The author of article dwells the further stage of development of procedural provision on body's preliminary investigation and the status of the investigator according to the Code of Criminal Procedure of the Uzbek SSR.

Key words: criminal prosecution, preliminary investigation, investigative actions, the observing body, the investigator, the prosecutor, the person under investigation, the defendant, the indictment.

Предварительное расследование является самостоятельной стадией уголовного процесса и самостоятельной формой правоохранительной государственной деятельности. Следственные органы считаются разновидностью государственной власти и составным элементом её аппарата.

В 1929 году 29 июня ЦИК Узбекской ССР принял и с 1 августа 1929 года ввёл в действие новый Уголовно-процессуальный кодекс УзССР (ранее действовал УПК УзССР 1926 года). Следует отметить, что в УПК 1929 года по сравнению с предыдущим количеством глав был сокращен почти вдвое (с 32 до 18), а количество статей в - 2,6 раза (с 455 до 175). К примеру, первая глава «Возбуждение уголовного преследования» состояла из 3 статей, в которых указывались органы, имеющие право возбуждать уголовное преследование, обстоятельства, возможность возбуждения уголовного дела и другие вопросы.

В ст. 1 УПК Узбекской ССР было предусмотрено, что уголовное преследование возбуждалось органами расследования, прокуратурой и судом. Названные органы были обязаны принимать все заявления о совершенных или подготавливаемых преступлениях, независимо от подсудности и подследственности дела.

При этом кодекс наделял следователя, прокурора и народного судью правом возбуждать преследование по любой категории преступлений и без жалобы потерпевшего, если они находят, что дело имеет общественное значение [1, 5–6-с].

Производство предварительного расследования возлагалось на следователя, милицию, уголовный розыск, органы Объединенного Государственного Политического Управления (ОГПУ), специальные инспекции по делам их ведения и иные органы власти, которым специально предоставлялось право производства расследования преступлений.

Согласно статье 5 УПК Узбекской ССР, общее руководство деятельностью всех органов расследования и наблюдение за предварительным расследованием, производящимся следователем, осуществлялось прокурором, а наблюдение за предварительным расследованием, производящимся другими органами (т.е. органами дознания), кроме ОГПУ, осуществлялось следователем, на участке (территории) которого производится расследование.

Наблюдающий орган имел право в любое время знакомиться с производством расследования в полном объеме, а также давать обязательные указания по результатам наблюдения. В случае несогласия с такими указаниями лицо, производящее расследование, было вправе обжаловать их в вышестоящий орган, не приостанавливая исполнения обжалуемого указания.

Расследование преступления осуществлялось тем органом, в районе (на территории) обслуживания которого было совершено преступление. По соображению наибольшей быстроты, полноты и удобства расследования, оно также производилось по разрешению наблюдательного органа по месту обнаружения преступления или по месту жительства лица, совершившего преступление, либо потерпевшего. Вопрос о подследственности дела окончательно решался тем наблюдательным органом, в районе которого было начато производство предварительного расследования.

Ст. 9 УПК Узбекской ССР закрепила положение о возможности соединения уголовного дела в одно производство, указав, что в одном производстве могут быть объединены два и несколько дел, если по ним привлекаются несколько лиц за соучастие в совершении одного и того же преступления или одно лицо – за совершение нескольких преступлений.

Исходя из правила последственности уголовных дел, основная часть уголовных дел была подследственна следователю. Также по иным (не подследственным следователю) преступлениям, проведение расследования возлагалось на следователя в случаях особой сложности или особого общественного значения дела, а также по выдвинутому предложению или личной инициативе следователя с согласия прокурора. Кроме того, следователь имел право, с разрешения прокурора, передать для дальнейшего расследования уголовное дело любой категории из одного ведомства в другое.

В то же время УПК Узбекской ССР наделял прокурора правом на осуществление производства как отдельных следственных действий, так и на проведение расследования по любому уголовному делу.

Важно подчеркнуть, что в соответствии с положениями этой и других глав УПК, следователь

обладал широкими правами. Он был наделён такими функциями, как: производство предварительного следствия по делам, которые, согласно ст. 10 УПК, были подследственны ему; наблюдение за расследованием, производящимся органами дознания; приостановление и прекращение производства по делу; утверждение составленного ими обвинительного заключения и, наконец, поддержание обвинения в суде. Он имел право в любое время знакомиться с производством расследования и давать указания по производимым расследованиям органами милиции, уголовного розыска и иными специальными инспекциями органов власти, которым законодательством было предоставлено производство предварительного расследования. Таким образом, следователь даже выполнял некоторые функции прокурора.

Наблюдающий орган был вправе предложить лицу, производящему предварительное расследование, применить конкретную меру пресечения, а также отменить или изменить уже принятую. При этом предложение наблюдающего органа для лица, производящего предварительное расследование, являлось обязательным. Об избрании меры пресечения в виде заключения под стражу в отношении подследственного, лицо, производящее предварительное расследование, направлял извещение в адрес наблюдательного органа, администрации мест заключения под стражу и места работы арестованного.

Уголовно-процессуальное законодательство позволяло органу предварительного расследования, вынесшему постановление о прекращении уголовного дела, обжаловать его прокурору, а решение суда о прекращении уголовного дела, исходя из правил подсудности, обжалованию не подлежало. Возобновление прекращенных и приостановленных уголовных дел в отношении лица, находившегося в розыске за совершенное преступление, производилось мотивированным постановлением органа, прекратившего или приостановившего это дело.

Признав предварительное расследование оконченным, лицо, ведущее уголовное преследование, до направления дела в суд, обязано было ознакомить подследственного с материалами уголовного дела. Предварительное расследование завершалось составлением лицом, ведущим уголовное расследование, обвинительным заключением.

Обвинительное заключение, составленное следователем по результатам проведенного предварительного расследования по уголовному делу, направлялось прокурору для утверждения. Все другие органы расследования, вынесшие обвинительные заключения по делу, направляли их для утверждения следователю. Органы Объединенного государственного политического управления (ОГПУ) после утверждения обвинительного заключения по уголовному делу прокурором, непосредственно отправляли его в суд.

Глава седьмая УПК Узбекской ССР «Действия следователя и прокурора по прекращению и преданию суду» состояла из 5 (63-68) статей, которые регламентировали процессуальный порядок предания обвиняемого суду. Сравнивая УПК УзССР 1926 г. с последующим аналогичным кодексом 1929 г., следует отметить, что последний состоял из 18 глав, включавших 175 статей, против 461 статьи УПК УзССР

1926 г.; досудебная часть состояла из 68 статей, против 229. Это сопоставление - свидетельство того, что УПК 1926 г. было более детализированным. К тому же в УПК 1929 г. все вопросы, связанные с обжалованием действий следователя, регулировались в одной статье (ст. 21). В то время как в УПК 1926 г. эта деятельность регламентировалась более подробно и ей посвящалась целая глава из девяти статей [2, 52-с].

Надо сказать, что структура УПК 1929 г. страдала многими недостатками. В этом кодексе не было главы об основных положениях уголовного судопроизводства, а ряд норм соответствующей главы прежнего УПК был исключен или частично рассредоточен по разным главам. Например, отсутствовали нормы, определяющие источник законодательства об уголовном судопроизводстве, порядок его действия на территории республики, неприкосновенность личности и др. Норма о языке уголовного судопроизводства была сформулирована лишь применительно к рассмотрению дела в суде и не распространялась на расследование. Из поводов к возбуждению уголовного дела кодекс упоминал только заявления о совершенных или готовящихся преступлениях. Также не нашли разрешения нормы о порядке вызова лиц, обязательности явки и последствиях неявки при расследовании дел. Поняты подлежали приглашению лишь при обыске и выемке. Были исключены главы о протоколах, процессуальных сроках и судебных издержках.

Кроме того, УПК УзССР 1929 г. не разграничивал предварительное следствие от дознания, а использовал лишь термин «расследование»; органы расследования различались только по подследственности дела; УПК закрепил положение об административном подчинении следователей прокурору и вместе с тем сохранил за следователем не свойственные ему надзорные полномочия в отношении органов дознания.

К сказанному следует добавить, что кодекс не содержал самостоятельных глав о допросе свидетелей и экспертов, обыске, выемке, освидетельствовании и выяснении психического состояния обвиняемого. Вместо это была включена одна глава «Собирание доказательств», содержавшая отдельные нормы о производстве следственных действий: допросов, очных ставок, экспертиз, осмотров, освидетельствований, выемок и обысков без достаточной регламентации порядка их осуществления.

Неудачной, на наш взгляд, была и редакция ст. 40 УПК, которая определяла порядок привлечения лица в качестве обвиняемого. В частности, считалось достаточным наличие у следователя предположения о том, что данное лицо совершило преступление. После предъявления обвинения лицо становилось не обвиняемым, а подследственным. Кроме того, из УПК была исключена норма, запрещающая следователю помогать показаниям или признания путем применения насилия, угроз и других подобных мер, а согласно ст. 50 УПК, органы расследования могли самостоятельно, без получения санкции прокурора, принимать решение о заключении под стражу, избрании, отмене и изменении других мер пресечения. Краткой резолюции прокурора или следователя было достаточно для предания лица суду.

Приведенные выше отдельные критические замечания, касающиеся сравнительного анализа Уголовно-процессуальных кодексов 1926 и 1929 гг., высказываются и профессором из Узбекистана Г. Абдумаджидовым. В частности он отмечает: «Анализ УПК УзССР 1929 г. свидетельствует о том, что он менее четко и полно регламентировал порядок производства расследования, чем предыдущий кодекс республики, недостаточно гарантировал охрану прав и законных интересов граждан. Его недостатки приходилось компенсировать ведомственными актами органов прокуратуры, суда и юстиции» [3, 47-с].

Таким образом, подводя итог, следует отметить, что все же в Уголовно-процессуальном кодексе Узбекский ССР (1929 г.) был более основательно закреплён статус следователя и органов предварительного расследования.

Список литературы:

1. Уголовно-процессуальный кодекс Узбекской ССР. – Самарканд, 1929. 280 с.
2. Мухитдинов А.А. Процессуальное положение следователя в уголовном процессе (на материалах Республики Таджикистан). – Душанбе, 2015. – С. 52.
3. Абдумаджидов Г.А. Расследование преступлений. – Ташкент, 1986. – 480 с.

Ш.Жалолов,

Ўзбекистон Республикаси ИИВ
ТОҲТБЮ кафедра бошлигининг ўринбосари

ПОРАХЎРЛИК ЖИНОЯТЛАРИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШДА СУД ЭКСПЕРТИЗАСИНИНГ АҲАМИЯТИ

Аннотация: ушбу мақолада порахўрлик жиноятлари бўйича экспертиза тайинлаш тартиби ва тактикаси тўғрисида масалалар кўрсатилган ҳамда айрим тавсиялар берилган.

Таянч сўзлар: терговчи, пора олиш, пора бериш, коррупция, суд экспертизаси, эксперт хулосаси, эксперт.

Аннотация: в статье рассмотрены вопросы организации и тактики проведения экспертизы по делам о взяточничестве, предложены некоторые рекомендации по их эффективному проведению.

Ключевые слова: следователь, получение взятки, дача взятки, коррупция, судебная экспертиза, заключение эксперта, эксперт.

Abstract: The article describes questions of the organization and inspection of the examination of cases and tactics in case of bribery and offers some recommendations for their effective implementation.

Key words: investigator, acceptance of bribe, bribes cottage, corruption, forensic examination, expert opinion, expert.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгач, стратегик мақсад – демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлида дадил қадамлар ташламоқда. Ушбу мақсадга эришишда қулай ижтимоий шароитлар яратиш улкан аҳамият касб этади. Жиноятларни очиш, дастлабки терговни холисона олиб бориш, суднинг ҳукм ва қарорларини одилона қабул қилишда суд экспертизаси хулосаси алоҳида аҳамият касб этади. Фан-техниканинг замонавий ютуқларига таяниб, турли ашёвий далиллар ҳамда ҳолатларни ҳар томонлама, чуқур тадқиқ қилиш натижасида берилган эксперт хулосаси иш бўйича ҳақиқатни аниқлашнинг асосий воситаси бўлиб хизмат қилади. Республикамизда 2010 йил “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши фаолиятнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаб, соҳанинг турли йўналишларини ривожлантириш имконини берди.

Суд экспертизаси – фуқаролик, хўжалик, жиноят ва маъмурий суд ишларини юритишда иш ҳолатларини аниқлашга қаратилган ҳамда суд эксперти томонидан, фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасидаги махсус билимлар асосида суд-эксперт текширишларини ўтказиш ва хулоса беришдан иборат бўлган процессуал ҳаракат.

Суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ёки судьянинг қарори, суднинг ажрими суд экспертизасини ўтказиш асосларидир. Суд экспертизаси тегишли қарор ёки ажрим чиқарилган кундан эътиборан тайинланган ҳисобланади. Суд экспертизасини тайинлаган орган (шахс) текширишларни ўтказиш ва хулоса бериш учун суд экспертига зарур бўлган текшириш объектлари ҳамда иш материалларини тақдим этади.

Суд экспертизаси, объектларнинг хоссалари ва жиноят содир этилиши натижасида уларда юз берган ўзгаришлар, шунингдек уларни ўрганиш усуллари

ҳақидаги фан сифатида, криминалистика сингари, жинойтчиликка қарши курашиш амалиётининг эҳтиёжлари таъсирида вужудга келган ва шу мақсадларда табиий, ижтимоий ва бошқа фанларнинг ютуқларидан фойдаланилади. Содир этилган жинойтлар ҳақида объектив ахборот манбалари – жинойт процесси объектлари (экспертлик текширувлари потенциал объектлари) ҳажмининг йилдан-йилга кўпайиб бориши суд экспертизасининг ривожланишини белгилайдиган ҳал қилувчи омилга айланади. Суд экспертизаси доирасида бундай объектларни самарали текшириш энг янги илмий ва техника воситалари, усуллари ва услубларини ривожлантиришни тақозо этади. Ўзбекистон Республикаси Жинойт-процессуал кодексининг 85-моддасига асосан исбот қилиш ишни қонуний, асосланган ва адолатли ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги ҳақиқатни аниқлаш мақсадида далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашдан иборатдир. Маълумки, тергов-суд амалиётида эксперт хулосаси иш бўйича далиллардан бири, баъзан (одатда, аниқ ва равшан бўлмаган жинойтлар бўйича) асосий далил ҳисобланади.

Порахўрлик жинойтларини фош этишда суд экспертизалари катта роль ўйнайди. Жумладан, хатшунослик, дактилоскопик, фоноскопик, ҳужжатларни криминалистик-техник экспертизаси, товаршунослик ва заруратдан келиб чиқиб комплекс экспертизалар ўтказилади.

Хатшунослик экспертизаси – имзо ёки қўлёзма матнининг бажарувчиси, қўлёзма муаллифини аниқлаш учун хатшунослик соҳасида махсус билимларга эга бўлган мутахассис томонидан суд ажрими ёки терговчи қарорига биноан ўтказиладиган тадқиқот. Суд-хатшунослик экспертизасининг муваффақиятлари ва унинг замонавий ривожланиш даражаси суд хатшунослигини криминалистик экспертизалар тизимида мустақил соҳа эканлигини тасдиқлайди. Хатшунослик экспертизасининг вазифаси қўлёзма, дастхат ёки имзода мавжуд бўлган маълумотларни шарҳлаб бериш, муаллиф ёки ижрочи шахси тўғрисидаги маълумотларни йиғиш, тадқиқ этилувчи объектлар қандай шароитда бажарилганлигини аниқлашдир. Ушбу экспертиза идентификацион ва ноидентификацион тавсифдаги масалаларни ҳал этади.

Биринчи ҳолатда қўлёзма муаллифи, матн ёки имзонинг ижрочиси, бир неча қўлёзма ёки имзолар бир шахс томонидан бажарилганлик факти, иккинчи ҳолатда эса қўлёзма, имзо бажарилишининг ташқи шарт-шароитлари, ижрочининг руҳий ҳолати (толиқиш, ҳаяжонланиш, тормозланиш ва ҳ.к.), ноидентификацион хусусиятга эга бошқа шарт-шароитлар аниқланади. Баъзан кундалик, дафтар, ён китобчаларда – пора бериш билан боғлиқ ёзувлар, блокнотларнинг тоза варақларида матннинг босилган изларини аниқлаш мумкин.

Шунингдек, пора предметида ёки унинг ўраминида, пора бериш-олиш жараёни бўлиб ўтган жойларда хона анжомларида қўл бармоқлари ва кафтнинг изи бор-йўқлигини аниқлаш учун судга оид дактилоскопик экспертизалар ўтказилади. Жинойтларни очиш ва айбдорларни фош қилишда суд фоноскопия экспертизаси катта аҳамиятга эга. Суд фоноскопия (“фоноскопия” термини грекча “фоно” – овоз, шовқин, товуш, нутқ ва “скопия” – кузатаман маъносини англатади) экспертизаси шахсни магнит тасмасига

ёзиб олинган нутқи бўйича идентификация қилишга (таққослашга) матн мазмунини сўзма-сўз аниқлашга ва тадқиқ қилинаётган фонограмма тайёрланган асбоб-ускунани текширишга имкон беради. Порахўрлик жинойтларида асосан пора берувчи билан пора олувчи, пора берувчи ва пора олиш-беришда воситачилик қилувчи билан ўрталаридаги овозларини ёзиб олинган тақдирда суд фоноскопия экспертизаси ўтказилади. Бундан ташқари, пора олишда гумон қилинаётган шахс пора олганлигини рад этиб воқеа содир бўлган вақтда бошқа жойда бўлганлиги видео тасмадаги тасвир тасдиқлаши мумкинлиги ҳақидаги вазини текшириш учун видео тасвир бўйича ҳам суд фоноскопия экспертизаси ўтказилади. Бунда видео тасвирга қачон туширилганлиги, кадрдаги санага тузатишлар киритилган-киритилмаганлиги, унда қалбакилаштириш мақсадидаги монтаж бор-йўқлиги, видеотасмадан илгари фойдаланилган-фойдаланилмаганлиги масалаларига ҳам аниқлик киритилади. Энг муҳими видео тасвирда тасмада ёзилган шахснинг овози ва нутқи намуна сифатида қўлланилиши мумкин.

Порахўрлик жинойтларини тергов қилишда қўлланиладиган энг самарали экспертизалардан бири бу – ҳужжатларнинг техник криминалистик экспертизасидир. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 172-моддасига асосан тадқиқот тўлиқ ва холисона бўлиши учун шубҳали ҳужжатлар юзасидан техник криминалистик экспертиза тайинланади. Ушбу экспертиза қуйидаги масалаларни ҳал қилади:

текширилаётган ҳужжат қандай йўсинда тайёрланган; ҳужжат матнига ўзгартишлар киритилганми; ҳужжатнинг аввалги ҳақиқий матни қандай бўлган; ҳужжатдаги муҳр (штамп) акси қандай ясама ёки ҳақиқий усулда тайёрланган; ҳужжатнинг ёзилган, расмйлаштирилган вақти; айрим ёзувлар (асосий матн ва резолюция, тасдиқловчи имзо қабила), олдинма-кетинлиги қайси бирлари олдин, қайсилари кейин ёзилган турли шароитлар таъсирида ёзув ранглари ўчиб, ўқиб бўлмайдиган даражага келган, ҳужжатларнинг матнларини тиклаш; ҳужжатнинг матни, намуналари тақдим этилган ёзув машинкасида ёзилганми; ҳужжатнинг материали сифатини, қайси гуруҳга мансублигини аниқлаш ва бошқа масалалар.

Ҳужжатларни техник криминалистик экспертизага юборишда бир вақтнинг ўзида хатшунослик экспертизаси ҳам тайинлаб ҳужжатдаги ёзувларни қалбакилаштиришда шубҳаланган шахсларнинг хат намуналарини ҳам юбориш мумкин.

Порахўрлик ишларида суд-товаршунослик экспертизаси ўзига хос хусусиятга эга. Жумладан, ушбу экспертиза тури шахсга пора тариқасида берилган товарнинг номи ва гуруҳи қандай, қандай хом ашёдан тайёрланган, ундаги мавжуд нуқсонлар шикастланиш натижасида пайдо бўлганми ёки фойдаланаётгандами, товар янгими ёки эскимми, буюмларнинг сифат тавсифлари намуна сифатида тақдим этилган бошқа буюмларнинг худди шундай кўрсаткичларига мувофиқ келадими, агар мувофиқ келмаса, фарқи нимада, текширилаётган товарнинг қиймати экспертиза ўтказилаётган пайтда ва ўтган даврнинг муайян даврида қандай бўлган, эскириш шикастланиш, бузилишни ҳисобга олганда текширилаётган предметларнинг қиймати қандай, етказилган зарарнинг суммаси қанча деган саволларга жавоб беради. Мазкур саволлар тергов хусусиятидан

келиб чиқиб ўзгариши ҳам мумкин. Шунингдек, экспертиза объекти саноат аҳамиятига эга бўлган ва турли гуруҳдаги ҳар қандай халқ истеъмоли товарлари, шу жумладан илгари фойдаланишда бўлган товарлар ҳам бўлиши мумкин. Масалан: мебель, кийим, (газлама, трикотаж), хўжалик товарлари, маиший техника, ташкилий техника, технологик линиялар, темир йўл вагонлари ва бошқа ашёлар.

Юқоридагилардан келиб чиқиб қуйидаги ҳолатларга алоҳида аҳамият бериш лозим, деб уйлаймиз. Жумладан, порахўрлик билан боғлиқ жиноят ишларини тергов қилишда экспертиза тадқиқоти ўтказиш учун воқеа жойидан ёки пора олувчидан олинган излар, буюмлар, овоз ёзилган тасмаларни процессуал нормаларга қатъий риоя қилган ҳолда эҳтиёткорлик билан экспертга тақдим қилиш керак. Акс ҳолда, иш бўйича муҳим аҳамиятга эга бўлган далилий ашё нобуд бўлиши мумкин.

Р.С.Алтиев,
ТДЮУ ўқитувчиси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING МАНФААТЛАРИГА ХИЛОФ РАВИШДА БИТИМЛАР ТУЗАНЛИК УЧУН ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИКНИING АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

Аннотация: мақолада муаллиф Ўзбекистон Республикасининг манфаатларига хилоф равишда битимлар тузиш жинояти, бу турдаги қилмишлар учун жиноий жавобгарлик белгиланишининг ривожланиш тарихи, юридик таркиби ҳамда хорижий давлатлар жиноят қонунчилиги билан қиёсий таҳлилни келтирган.

Калит сўзлар: давлат манфаатларига хилоф, битимлар тузиш, мулк, наф келтирмаслиги аён бўлган битим, жиноий жавобгарлик.

Аннотация: в данной статье автор анализирует нормы уголовного кодекса Республики Узбекистан предусматривает ответственность за заключение сделки вопреки интересам Республики Узбекистан. В статье также освещены история развития установления уголовной ответственности, состав преступления и дан сравнительный анализ законодательства зарубежных стран.

Ключевые слова: заключение сделки, вопреки интересам государства, собственность, заведомо невыгодные сделки, уголовная ответственность.

Abstract: In this article the author analyzes the provisions of the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan provides for liability for the deal against the interests of the Republic of Uzbekistan. The article also highlights the history of the establishment of criminal responsibility of the crime and the comparative analysis of foreign law.

Keywords: Transaction, contrary to the interests of state, the property, obviously unfavorable deal, the criminal liability.

Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки даврида иқтисодийдаги марказлаштирилган маъмурий буйруқбозлик тизимидан воз кечиб, барча мулк шакллари тенг бўлган ва эркин муносабатларга асосланган бозор иқтисодиётига боқичма-боқич ўтиш йўлини танлади. Эндиликда давлат фуқаролар ҳамда юридик шахслар билан шартномавий ҳуқуқий муносабатларда тенг ҳуқуқли субъект сифатида қатнашмоқда. Давлат органлари, давлат иштирокидаги ташкилотлар мансабдор шахслари шартномавий муносабатларда давлат номидан иш юритади. Яъни давлат ўз функцияларини сайланган ёки тайинланган мансабдор шахслар орқали бажаради. Мансабдор шахслар ўз вазифаларини бажариш жараёнида уларнинг ўз вазифаларини виждонан бажариши, мансабдор шахслар масъулиятини ошириш мақсадида, жавобгарлик масалалари жиноят қонунининг қонунийлик, айб учун жавобгарлик, жавобгарликнинг муқаррарлиги пинциплари асосида белгиланиши лозим.

Давлатимиз мустақилликка эришиши муносабати билан 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Жиноят кодексида илк бор Ўзбекистон Республикасининг манфаатларига хилоф равишда битимлар тузиш жинояти учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, мазкур норма икки қисмдан иборат бўлган. Мазкур норманинг

биринчи қисмида давлат органининг, мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхона, муассаса, ташкилотнинг, жамоат бирлашмасининг мансабдор шахси томонидан наф келтирмаслиги аён бўлган битимни тузиш республика манфаатларига кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлувчи қилмишлар учун жавобгарлик белгиланган эди. Мазкур норма иккинчи қисмида ушбу ҳаракатларни такроран, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб ва жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилганлик учун жавобгарлик белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонун ҳужжатларида Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этиши, давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлиги, барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлиги ва ҳуқуқий жиҳатдан бир хилда муҳофаза этилиши кафолатлаб қўйилган.

Сўнги йилларда иқтисодиёт асосларига қарши жиноятлар динамикасида сезиларли ўсиш кузатилмоқда. Иқтисодиёт асосларига қарши жиноятдан азият чекмаган бирор-бир давлат ёки жамият йўқ. Шу сабабли, бу борадаги кураш масалалари халқаро ҳужжатлар ҳамда миллий қонунчилик асосида тартибга солинади. Қилмиш иқтисодиёт асосларига қарши жиноятлар рўйхатига киритилишида ягона мезон бўлмасда, баъзи умумий жиҳатлар мавжуд. Масалан, зарар етказилиши, битим (шартнома) интизоми, мулк ҳуқуқи кафолати, иқтисодий ресурсларни шакллантиришнинг республикада белгилаб қўйилган тартиби, корхоналар ёки тадбиркорлик билан шуғулланувчи бошқа тузилмаларнинг қонунда, ўз Уставида белгиланган фаолиятини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ва бошқалар.

2001 йил 29 августдаги “Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонуни асосида жиноят қонунидан мол-мулкни мусодара қилиш жазоси чиқариб ташланганлиги, мазкур норманинг биринчи ва иккинчи қисмларининг санкцияларидаги тегишинча “мол-мулк мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай” ҳамда “мол-мулк мусодара қилиниб” деган сўзлар чиқариб ташланган. Шунингдек, “Етказилган моддий зарар уч карра миқдорда қопланган тақдирда қамоқ ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди” деган мазмундаги рағбатлантирувчи учинчи қисм билан тўлдирилган. Норманинг мазкур матни 2016 йил 25 апрель ойига қадар амалда бўлган. 2016 йил 25 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни асосида Жиноят қонунининг 175-моддаси матни янги таҳририда эълон қилинди. Эндиликда Ўзбекистон Республикасининг манфаатларига хилоф равишда битимлар тузиш жинояти учун жавобгарлик белгиланган норма тўрт қисмдан иборат бўлиб, норманинг биринчи қисмида “Наф келтирмаслиги аён бўлган битимни тузиш, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига илгари фойдаланилган, жисман ишлатиб бўлинган, маънавий эскирган ёки замон талабларига жавоб бермайдиган асбоб-ускунани ёхуд технологияларни олиб киришга,

шунингдек уларни ўрнатиш ва жорий этишга олиб келган битимни тузиш, республика манфаатларига кўп миқдорда зарар етказган бўлса, худди шунингдек бундай битим тузилишига сабаб бўлган эксперт хулосасини ёки бошқа ҳужжатни ваколатли давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг мансабдор шахси томонидан берганлик” учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, унча оғир бўлмаган жиноятлар таснифига киритилди. Жиноятнинг оғирлаштирувчи иккинчи қисмида ушбу ҳаракатлар такроран, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилганлиги учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, оғир жиноятлар таснифига киритилди. Норманинг учинчи қисмида диспозицияда келтирилган ҳаракатлар жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда ёки уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилганлиги учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, ўта оғир жиноятлар таснифига киритилди. Норманинг тўртинчи қисми рағбатлантирувчи хусусият касб этади. Унга кўра, мазкур жиноят натижасида етказилган моддий зарар уч карра миқдорда қопланган тақдирда жиноят содир этган шахс жазодан озод этилиши белгиланди.

Шунингдек, 2016 йил 25 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни асосида илк бор Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига Ўзбекистон Республикасининг манфаатларига хилоф равишда битим тузиш учун маъмурий жавобгарлик белгиланиб, 171-моддаси билан тўлдирилди. Унга мувофиқ, “Наф келтирмаслиги аён бўлган битимни тузиш, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига илгари фойдаланилган, жисман ишлатиб бўлинган, маънавий эскирган ёки замон талабларига жавоб бермайдиган асбоб-ускунани ёхуд технологияларни олиб киришга, шунингдек уларни ўрнатиш ва жорий этишга олиб келган битимни тузиш, республика манфаатларига анча миқдорда зарар етказган бўлса, худди шунингдек бундай битим тузилишига сабаб бўлган эксперт хулосасини ёки бошқа ҳужжатни ваколатли давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг мансабдор шахси томонидан бериш” учун маъмурий жавобгарлик белгиланди.

Ўзбекистон Республикасининг манфаатларига хилоф равишда битим тузиш учун маъмурий жавобгарлик белгиланиши, аввало, миллий иқтисодиёт, хусусан, ишлаб чиқариш соҳасини муҳофаза қилиш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариш муносабатларини модернизация қилиш жараёнларини жадаллаштириш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солишга хизмат қилади.

Зеро, давлат манфаатлари учун харид қилинадиган асбоб-ускуналар ёки технологиялар бутун жамиятнинг манфаатларига хизмат қилиши лозим. Чунки, бу турдаги асбоб-ускуналар ёки технологиялар хариди учун давлат бюджети маблағлари сарфланади. Бу турдаги қилмишлар учун жиноий жавобгарликнинг ўрнатилиши, давлат томонидан иқтисодиёт секторларини коррупцион битимлар тузилиши орқали заифлаштиришга қарши қаратилган кураш воситасидир. Кўп ҳолларда Ўзбекистон Республикасининг манфаатларига хилоф равишда битимлар тузиш жинояти жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш, пора олиш, пора бериш,

пора олиш-беришда воситачилик қилиш, фирибгарлик жиноятлари билан биргаликда содир этилиб, жиноятлар мажмуини ташкил этади. Шундай экан, Ўзбекистон Республикасининг манфаатларига хилоф равишда битимлар тузиш жинояти учун жавобгарликнинг ўрнатилиши жиноят қонуни профилактик функцияни бажаришини билдиради.

Давлат манфаатлари учун харид қилинаётган асбоб-ускуналар ёки технологиялар сўнги техника ютуқлари асосида ишлаб чиқилган ва замонавий талабларга жавоб бериши лозим. Шунда харид қилинган асбоб-ускуналар ёки технологиялар узоқ вақт давлат ва жамият манфаатларига хизмат қилади ҳамда уларни харид қилиш учун сарфланган харажатларни оқлайди. Бу турдаги техника ва технологияларни харид қилиш жараёни давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотлар мансабдор шахслари томонидан амалга оширилиши сабабли, ушбу жараёнда бу мансабдор шахсларнинг ўз хизмат ваколатларини суиистеъмол қилиши жиноят қонуни билан жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг манфаатларига хилоф равишда битимлар тузиш жинояти Жиноят кодексининг “Иқтисодий асосларига қарши жиноятлар” номли 12-боби, 175-моддасидан ўрин олган. Мазкур жиноятнинг объекти ҳақида турлича илмий қарашлар мавжуд бўлиб, уларнинг аксариятида иқтисодий асосларини тартибга солиш соҳасидаги ижтимоий муносабатлар ётади. Назаримизда, Ўзбекистон Республикасининг манфаатларига хилоф равишда битимлар тузиш жиноятининг объекти аниқлаштирилиши нафақат жиноят қонунининг тизимлаштирилишида, балки жиноятнинг ижтимоий хавфлили хусусияти ва даражасини аниқлашда, қилмишни тўғри квалификация қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу жиноятнинг умумий объекти жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатлар бўлиб, унинг махсус объектини Ўзбекистон Республикаси иқтисодийнинг асослари, Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий тизимининг нормал фаолиятини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ташкил этади. Жиноятнинг турдош объекти иқтисодий соҳасидаги ижтимоий муносабатлардир. Жиноятнинг бевосита объекти бу Ўзбекистон Республикаси манфаатларида битимлар тузиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлардир.

Ўзбекистон Республикасининг манфаатларига хилоф равишда битимлар тузиш жиноятининг предметини асбоб-ускуна, технологиялар, битим, эксперт хулосаси ёки бошқа ҳужжатлар ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасининг манфаатларига хилоф равишда битимлар тузиш жинояти объектив томондан наф келтирмаслиги аён бўлган битимни тузиш, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига илгари фойдаланилган, жисман ишлатиб бўлинган, маънавий эскирган ёки замон талабларига жавоб бермайдиган асбоб-ускунани ёхуд технологияларни олиб киришга, шунингдек уларни ўрнатиш ва жорий этишга олиб келган битим тузиш, республика манфаатларига кўп миқдорда зарар етказган бўлса, худди шунингдек бундай битим тузилишига сабаб бўлган эксперт хулосасини ёки бошқа ҳужжатни ваколатли давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг мансабдор шахси томонидан беришда ифодаланади.

Ўзбекистон Республикаси манфаатлари деганда

самарали бозор иқтисодиётини яратиш, мулкӣ ва ашёвий ҳуқуқий муносабатларни, умуммиллий қадриятларни ҳимоя қилиш, асосий товарлар бўйича мустақилликка эришиш вазифаси ва бошқалар ҳисобланади. Кўрсатиб ўтилган манфаатлар битимларни тузишга алоҳида талаблар белгиланган қонунчиликда акс эттирилган ва мустаҳкамланган, шу жумладан бу савдо операцияларини ўтказиш ва тузиладиган ташқи иқтисодий битимларга ҳам тааллуқли [1, 80-бет].

Наф келтирмайдиган битимдеганда, шартлари давлат манфаатларига зид келувчи битимни тушуниш зарур (масалан, маҳсулот етказиб бериш баҳосининг аниқ пасайтирилганлиги ёки маҳсулотни олиш, уни транспортда ташиш нархларини аниқ ошириб кўрсатиш; давлат мулкӣни тасарруф қилишда паст нархлаш, Ўзбекистон Республикаси иқтисодий санкция қўллаган резидентлар билан савдо операцияларини амалга ошириш ва ҳоказолар) [2, 154-бет].

Бизнинг фикримизга кўра, “наф келтирмаслиги аён бўлган битим” деганда олдиндан тузилиши натижасида фойда олинмаслиги, ўз харажатларини қопламаслиги аён бўлган, ўрнатилган чекловларга риоя қилинмай тузилган, тузилиши республика манфаатларига зид бўлган фуқаролар ва юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ҳаракатлар тушунилади.

Битимнинг Ўзбекистон Республикаси манфаатларига зид тузилганлиги фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасида махсус билимларга эга бўлган шахс, яъни эксперт томонидан аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига кўра битим тузиш бу битимнинг барча шартлари бўйича шахс (тараф)нинг ўз эркини қонунда назарда тутилган тарзда ифодалашидир. Қуйидаги икки шартга риоя қилгандагина битим тузилган ҳисобланади: биринчиси, битимнинг барча шартлари бўйича эркирода ифодаланган бўлиши керак; иккинчиси, эркининг фойда этилиш шакли битимларга қўйилган барча талабларга жавоб бериши керак.

Қилмишни ЖКнинг 175-моддаси билан квалификация қилишда Ўзбекистон Республикасининг манфаатларига хилоф равишда битимлар тузиш жиноятини мансабга совуққонлик билан қараш жиноятдан фарқлаш лозим. Бу икки норма рақобатлашувчи нормалар бўлиб, давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўз вазифаларига лоқайдлик ёки виждонсизларча муносабатда бўлиши оқибатида уларни бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса, унинг хатти-ҳаракати мансабга совуққонлик билан қараш (ЖК 207-м.) жинояти бўйича квалификация қилинади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига илгари фойдаланилган, жисман ишлатиб бўлинган, маънавий эскирган ёки замон талабларига жавоб бермайдиган асбоб-ускунани ёхуд технологияларни олиб кириш деганда муқаддам фойдаланишда бўлган, ишлатилган, эксплуатацияда бўлган, шунингдек ўзининг ярқилик муддатида ишлатилган, истеъмолчи талабларига жавоб бермайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини ўзида акс эттирмаган,

эскирган моделлардаги, ишлаб чиқарувчи маҳсулотларига талаб ва эҳтиёж бўлмаган асбоб-ускуналарни ёхуд технологияларни давлат ва жамият эҳтиёжлари учун олди-сотди, айирбошлаш ёки бошқа турдаги шартнома асосида олиб кириш тушунилади. Шу турдаги асбоб-ускуналарни олиб кириш, уларни ўрнатиш ва жорий этишга олиб келган битимни тузиш, республика манфаатларига кўп миқдорда зарар етказиши жиноятнинг зарурий шарт бўлиб ҳисобланади.

Олиб кириш деганда асбоб ускуналарни ва технологияларни республика ҳудудига хорижий давлатдан олиб кириб келиниши, ўрнатиш деганда асбоб-ускуналарни ёки технологияларни барча бутловчи қисмларини йиғиб, маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган соз ҳолатга келтириш, жорий этилиши деганда эса асбоб-ускуналарни ёки технологияларни ишлаб чиқаришнинг бирор тармоғига нисбатан татбиқ этилиши тушунилади.

Жиноят субъектив томондан қасддан, айбнинг тўғри қасд шаклида содир этилади. Яъни айбдор республика манфаатларига хилоф равишда битим тузилаётганини англайди, билади ва буни хоҳлайди. Жиноятнинг мотиви ва мақсади қилмишни квалификация қилишга таъсир қилмайди. Мазкур норма диспозициясида “Наф келтирмаслиги аён бўлган...” жумласи қўлланилганлиги айбдор ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англаган, унинг ижтимоий хавфли оқибатларига кўзи етган ва уларнинг юз беришини истаганлигидан далолат беради.

Жиноятнинг субъекти 18 ёшга тўлган, ақли расо, давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг мансабдор шахси бўлиши мумкин.

Жиноят кодексининг Саккизинчи бўлимига асосан, “мансабдор шахс” деганда, доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича тайинланган ёки сайланган, ҳокимият вакили вазифаларини бажарадиган ёхуд давлат органларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, мулк шаклидан қатъи назар, корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахс, худди шунингдек халқаро ташкилотда ёхуд чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида мазкур вазифаларни амалга оширувчи шахс тушунилади.

Давлат органи деганда, давлатнинг жамият устидан раҳбарлик қилишида вужудга келган масалаларни ҳал этиш учун зарур бўлган ҳокимият ваколатлари ва воситалари билан таъминланган давлат механизмнинг ташкиллашган қисмини тушуниш зарур. Давлат органи сифатида битта мансабдор шахс ёки мансабдор шахсларнинг уюшган гуруҳи бўлиши мумкин [3, 399-бет].

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ташкил қилинган ҳар қандай тижорат юридик шахси, шунингдек хорижий юридик шахслар, компаниялар ҳамда фуқаролик ҳуқуқ лаёқатига эга ва хорижий давлатлар қонунчилигига мувофиқ тузилган бошқа корпоратив уюшмалар “ташкilot” сифатида эътироф этилади.

Ўзбекистон Республикасининг манфаатларига хилоф равишда битимлар тузишнинг таркиби тузилишига кўра моддийдир. Жиноят объектив томонининг зарурий белгиси республика

манфаатларига кўп миқдорда зарар етказиш кўринишидаги ижтимоий хавфли оқибатнинг келиб чиқишидир. Жиноят кўрсатилган оқибатнинг келиб чиқиши натижасида тугалланган ҳисобланади. Айбдорнинг қонунга хилоф ҳаракати ва келиб чиққан оқибат ўртасидаги сабабий боғланиш аниқланиши лозим. Кўп миқдор деганда энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача бўлган миқдор тушунилади.

Ривожланган давлатлар жиноят қонунчилиги таҳлил қилинганда, Республика манфаатларига хилоф равишда битимлар тузиш жинояти оғир ва ўта оғир жиноятлар таснифига киритилганини ҳамда давлатга нисбатан фирибгарлик ёки мансаб ваколатларни суистеъмол қилиш жиноятлари сифатида белгиланганини кўришимиз мумкин.

Жумладан, АҚШда 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш ва 1 млн. доллар миқдорида жарима [4], Германия [5], Корея [6] ва Латвия [7] давлатларида 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш, Сингапурда 20 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши белгиланганини кўришимиз мумкин. Хитойда тузилиши натижасида давлат манфаатларига зарар етказилган битимни тузган давлат органининг ёки давлат улуши бўлган ташкилотнинг мансабдор шахсига нисбатан жиноий жавобгарлик ўрнатилиб, 7 йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилиши белгиланган.

Таҳлиллар натижаси шуни кўрсатадики, Республика манфаатларига хилоф равишда битимлар тузиш жинояти иқтисодиёт асосларига раҳна солувчи оғир ва ўта оғир жиноятлар таснифига киритилган бўлиб, жиноий таъқиб ўрнатилишини тақозо қилади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикасида қонун чиқарувчи Республика манфаатларига хилоф равишда битимлар тузиш жиноятининг ижтимоий хавфлилиги инобатга олинган ҳолда жиноий жавобгарлик ўрнатган, жамият ривожланиши билан жавобгарлик асослари такомиллаштирилиб, рағбатлантирувчи қоидалар татбиқ қилинган.

Адабиётлар рўйхати

1. Рустамбаев М.Ҳ. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. Махсус қисм. IV том: Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар. Экология соҳасидаги жиноятлар. Ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши жиноятлар. – Т.: Илмзиё, 2011. 80-б.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. 1991-1998. 2-том. 154-б.
3. Большой юридический словарь. / Под ред. А.Я.Сухарева, В.Е.Крутских. – М.: ИНФРА-М. 2000, 399-б.
4. www.law.cornell.edu/uscode/text/18/1031
5. www.gesetze-im-internet.de/englisch_stgb/german_criminal_code.pdf
6. www.oecd.org/site/adboecdanti-corruptioninitiative/46816472.pdf
7. <http://www.legislationline.org/documents/section/criminal-codes>

М.Курбанов
ТДЮУ ўқитувчиси

МАНСАБДОР ШАХСЛАР ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИГИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Аннотация: мақолада муаллиф томонидан жиноят қонунчилигига кўра мансабдор шахслар томонидан содир этиладиган жиноятлар учун жавобгарликнинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган. Шунингдек, мансабдор шахслар жиноий жавобгарлигига оид жиноий қонунчилик таҳлили юзасидан айрим тақлифлар келтирилган.

Калит сўзлар: жиноий жавобгарлик, махсус субъект, мансабдор шахс, мансабдорлик жиноятлари.

Аннотация: в данной статье автором проводится анализ особенности уголовной ответственности должностных лиц за должностные преступления по уголовному законодательству, а также даны некоторые предложения привлечения к уголовной ответственности должностных лиц.

Ключевые слова: уголовная ответственность, специальный субъект, должностное лицо, должностные преступления.

Abstract: in this article the author conducted an analysis some characteristics of criminal liability of officials for official malfeasance in the Criminal Law. And as a result of analyze there had been some suggestions for the criminal liability of officials.

Key words: criminal responsibility, special subject, official, white-collar crimes.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодекси 16-моддаси биринчи қисмида жиноят учун жавобгарликнинг таърифи берилган бўлиб, жиноят учун жавобгарлик жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан суд томонидан ҳукм қилиш, жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилишида ифодаланадиган жиноят содир этишнинг ҳуқуқий оқибатидир.

Жиноий жавобгарликнинг вақт бўйича чегараси хусусида фикр юритиб, А.А.Пионтковский жиноий жавобгарлик жиноят содир қилинган пайтдан бошланади, деб ёзади [1, 9-б]. Я.М. Брайнин эса жиноят содир этилганлиги аниқланган пайтдан жиноий жавобгарлик бошланади, деб ҳисоблайди [2, 27-б].

Жиноятнинг махсус субъекти жиноят субъекти масаласида алоҳида аҳамиятга эга. Шахсни жиноятнинг махсус субъекти деб ҳисоблаш учун субъектнинг зарурий белгилари билан бирга (ёш, ақли расолик) албатта бошқа белгилар ҳам бўлиши керакки, бундай белгисиз шахснинг тегишли норма билан жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас [3, 147-б].

Жиноятнинг мансабдорлик кўринишидаги махсус субъект белгиси жиноят субъектининг факультатив белгиси бўлиб, бу белгилар ЖК Махсус қисмининг барча моддаларида назарда тутилган жиноятлар учун зарур бўлмай, фақат мансабдорлик жиноятлари учунгина зарурий саналади.

Бунга мисол тариқасида ЖКнинг 230-моддасига кўра айбсиз кишини жавобгарликка тортганлик учун фақат суриштирувчи, терговчи жиноят субъекти деб топилиши келтириш мумкин [4, 244-б].

Жиноятнинг махсус субъектлари орасида мансабдорлик белгиси энг кўп учрайдиган махсус субъект белгиси ҳисобланади. Мансабдорлик жиноятида айблаш учун шахс, албатта, қонунга мувофиқ мансабдор бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг деярли учдан бир қисм нормаларининг диспозицияларида махсус субъектларнинг жиноий жавобгарлиги назарда тутилган [5, 139-б]. Аксарият юридик адабиётларда махсус субъект белгиларининг мансаб ваколлати юзасидан жиноятнинг субъекти бўлиши (167-м., 2-қисм, «г» банди, 205-211-м.)га оид белгиси кенг тарқалганлигини қайд этиш мумкин [6, 208–209-б].

Шунингдек, махсус субъект белгиси норма диспозициясида тўғридан-тўғри кўрсатилиши ёки шарҳлаш орқали баён қилиниши мумкин. ЖКнинг 192¹-моддаси диспозициясида хусусий мулк ҳуқуқини бузиш жиноятини назорат қилувчи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда бошқа давлат органининг ва давлат ташкилотининг мансабдор шахси ёки хизматчиси томонидан содир этилганлиги учун жавобгарлик назарда тутилган. Худди шунингдек, жиноят қонунчилигида махсус субъект белгилари алоҳида нормада ҳам кўрсатиб ўтилиши мумкин. Бу ҳолат РФ ЖКнинг 331-моддаси диспозициясида кўзга ташланади. Унда ҳарбий хизмат ўташ билан боғлиқ жиноятларни содир этганлик учун жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин бўлган шахслар рўйхати келтирилган.

Юридик адабиётларда мансабдор шахс тушунчасини ёритишга турли мунозарали фикрлар билдирилган. Жумладан, И.Н.Пахомов мансабдор шахс деганда, фақат давлат ҳокимияти ваколатларига эга бўлган давлат хизматчилари тушунилиши кераклигини қайд этса, бошқа бир олим, Г.И.Петров эса, мансабдор шахс деганда, давлат ёки жамоат аппаратида мансаб ваколатига эга бўлган, ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келишига, ўзгаришига ва бекор бўлишига сабаб бўлувчи юридик ҳаракатларни содир қила оладиган шахслар тушунилиши керак, дейди. Ц.А.Ямпольская «мансабдор шахс» деганда, ўзининг хизмат ваколатларига биноан турли ҳуқуқ субъектлари ҳолатларига таъсир этувчи, маъмурий бошқарувчилик актларини вужудга келтириш билан ҳуқуқий оқибатларга сабаб бўлувчи давлат хизматчилари тушунилиши кераклигини таъкидлайди.

Б.Ж.Ахбаров «мансабдор шахс» тушунчасини биринчи марта Д.И.Курский томонидан «Янги жиноят ҳуқуқи» номли тадқиқот ишида собиқ совет илмий муомаласига киритилганлигини таъкидлаб, «мансабдор шахс» тушунчаси давлат органида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органида, мулкчилик шаклидан қатъи назар корхона, муассаса, ташкилотда тайинладиган, сайладиган ёки махсус топшириқ асосида доимий ёки вақтинча ташкилий-бошқарув ёки маъмурий-ҳўжалик ваколатини амалга оширувчи шахс, деб тушунтиради [7, 125–126-б].

1927 йилги ЖКда мансабдор шахс тушунчасига деярли тўлиқ тушунча берилган бўлишига қарамай жиноят ҳуқуқи назариясида кенг талқин қилиш давом этаверганлигини кузатиш мумкин [8, 21-б]. Кейинчалик 1959

йил 21 майда қабул қилинган ЎзССРнинг ЖКнинг 148-моддасида мансабдорлик жиноятлари ва мансабдор шахс тушунчаси берилди, унга кўра мансабдор шахс деганда, давлат ёки жамоат муассасаларида, корхоналарда ёки бошқа ташкилотларда доимий ёки

вақтинча, пуллик ёки пулсиз, тайинланиб, сайланиб ёхуд айрим топшириқлар юзасидан давлат ҳокимият ахтларини амалга ошириш билан боғлиқ вазифаларни ёхуд маъмурий-бошқарувчилик ва ташкилий-хўжалик характеридаги вазифаларни бажарувчи шахслар тушунилиши тўғрисидаги қоида ўрнатилган. Шу сабабли суд амалиётида мансабдор шахс тушунчаси унинг эгаллаб турган вазифаси ва ваколатлари хусусиятидан келиб чиқиб аниқланган.

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 20 августдаги ЎРҚ-391-сонли Қонуни билан «мансабдор шахс» атамаси тушунчасининг янги тахрирда баён этилганлиги ҳамда Жиноят қонунидан «масъул мансабдор шахс» атамасининг чиқариб ташланганлиги эътиборга молик [10].

Мансабдорлик жиноятларини жиноий-ҳуқуқий тавсифини ёритиш, бу турдаги жиноятларни квалификация қилишда мансабдор шахс, хизматчи, ҳокимият вакили атамаларини шарҳлаш ва тўғри қўллаш муҳим аҳамиятга эга. Мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикаси ЖКда мансабдорлик жиноятлари билан боғлиқ айрим атамаларнинг ҳуқуқий маъносига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Шунга кўра, «мансабдор шахс» деганда доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича тайинланган ёки сайланган, ҳокимият вакили вазифаларини бажарадиган ёхуд давлат органларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, мулк шаклидан қатъи назар, корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахс, худди шунингдек халқаро ташкилотда ёхуд чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида мазкур вазифаларни амалга оширувчи шахс тушунилади.

«Мансабдор шахс» жиноят-ҳуқуқий атамасининг янги тахрирдаги ҳуқуқий маъносини таҳлил қилиш қуйидагича хулоса қилиш имконини беради. Яъни, мансабдор шахснинг ташкилий бошқарув вазифалари жамоага раҳбарлик қилиш, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, тобе шахслар меҳнати хизматини ташкил этиш, интизомни таъминлаш, рағбатлантириш, интизомий жазо чораларини қўллаш кабиларда ифодаланади.

Давлат органида, тижорат, нотижорат ташкилотда меҳнат шартномаси ёки фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосида меҳнат фаолиятини амалга оширувчи, мансабдор шахс аломатларига эга бўлмаган шахс хизматчи саналади. Давлат ва ҳуқуқ назариясига оид адабиётларда ҳокимият ваколатига эга бўлган, ҳуқуқий ҳужжатлар чиқариб, уларни мустақил равишда ҳаётга жорий этувчи мансабдор шахслар давлат хизматчилари саналиши лозимлиги кўрсатиб ўтилади [11, 73-б]. Ҳокимият вакили эса давлатнинг бирон-бир ҳокимият органининг номидан иш кўриб, муайян вазифаларни доимий ёки вақтинча амалга оширувчи ва ўз ваколатлари доирасида қўпчилик ёхуд барча фуқаро ёки мансабдор шахслар учун мажбурий бўлган ҳаракатларни содир этиш ёки фармойишлар бериш ҳуқуқига эга бўлган шахс.

Бундай шахслар жумласига, масалан, Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси Юқори Кенгеси депутатлари ва Ҳукумати аъзолари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, Ўзбекистон

Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари ва идоралари раҳбарлари, судьялар, прокурорлар, терговчилар, боғхона, солиқ, ички ишлар органлари ва Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари, суд ижрочиларини киритиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 17-моддасига асосан ЖКнинг 205 — 210, 230 — 232, 234, 235, 279 — 302-моддаларида назарда тутилган жиноятлар учун жиноят содир этгунга қадар ўн саккиз ёшга тўлган шахслар жавобгарликка тортилади [12].

Мансабдорлик жиноятлари учун жиноий жавобгарлик ёшининг бундай белгиланиши бу ёшга етганда шахс мансаб ваколатлари билан боғлиқ ҳаракатларини тушунадиган, унинг оқибатини англай олишини ҳисобга олиб белгиланган.

Бизнингча, барча мансабдорлик жиноятлари каби «Тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашуш билан боғлиқ жиноятлар ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қиладиган бошқа жиноятлар» номли XIII¹ бобдаги мансабдорлик жиноятлари учун ҳам субъект ёши этиб 18 (ўн саккиз) ёш белгиланиши лозим. Чунки, мазкур жиноятлар ҳам мансабдорлик жиноятлари ҳисобланади. Шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун унинг ақли расолиги ҳам аҳамият касб этади. Шахс содир бўлаётган воқеликни англай олмаса, унинг жавобгарлиги ҳақида сўз юритишнинг ҳожати ҳам бўлмайди. Қолаверса, 1989 йил 20 ноябрда қабул қилинган Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциянинг 1-моддасига кўра шахс ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар бола ҳисобланади. Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган бир қатор халқаро ҳужжатларда ҳам вояга етмаганларни жиноий жавобгарликка тортишнинг минимал ёшига риоя қилиш белгиланган [13, 239-б]. Аммо, юқоридаги жиноятлар учун субъект ёши ЖК Умумий қисм 17-моддасида кўрсатиб ўтилмаганлиги учун ҳам умумий асосларда 16 (ўн олти) ёш этиб белгиланган. Шунинг учун юқоридагиларга асосан, ЖК Умумий қисм 17-моддасига тегишли ўзгартириш киритган ҳолда XIII¹ бобдаги мансабдорлик жиноятлари учун ҳам субъект ёши 18 ёш қилиб белгиланиши мақсадга мувофиқ.

«Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида [14] асосан тадбиркорлик фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик ва тўсқинлик қилганлик, уларнинг фаолиятини асоссиз тўхтатиб қўйганлик учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормалари талаблари қатъий бажарилишини, шунингдек тадбиркорлик субъектларига етказилган зарарнинг бевосита айбдорлардан ундирилишини таъминлаш тўғрисидаги норманинг киритилиши ҳам мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини янада оширишга хизмат қилади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Пионтковский А.А. Курс уголовного права в 6 томах. Общая часть. – М., 2007. – Б.9.
2. Брайнин Я.М. Уголовная ответственность и ее основание в уголовном праве, – М., 2003. – С. 27.

3. Рустамбоев М.Ҳ. Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм). Олий ўқув юртлари учун дарслик. – Т.: “ILM ZIYO”, 2005. – Б. 147.

4. Усмоналиев М., Бакунов П. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Олий ўқув юртлари учун дарслик. – Тошкент: “Насаф” нашриёти, 2010. – Б. 243-244.

5. Jinoyat huquqi. Umumiy qism: Darslik/A.S.Yakubov, R.Kabulov va boshq. – Т.: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2009. – В. 139.

6. Уголовное право Российской Федерации. Общая часть. М. “Юристъ”, 2001. – С.208-209.

7. Ахраров Б.Ж. Бошқарув тартибига қарши мансабдорлик жиноятлари учун жавобгарлик муаммолари: Юрид. фан. докт. ...диссертация. – Т., 2008. – Б.125–126.

8. Зуфаров Р.А. Порахўрликка қарши курашнинг жиноят ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари: назария ва амалиёт. Юрид. фан. докт. ... дис.автореф. – Т., 2005. – Б. 21.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, 1-сон, 1-модда.

10. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги УРҚ-391-сонли Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 33-сон, 439-модда.

11. Бобоев Ҳ.Б., Исломов З.М. ва бошқ. Давлат ва ҳуқуқ назарияси.–Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2000. – Б.73.

12. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 23-сон, 301-модда.

13. Сборник международных документов Комитета ООН по правам ребенка /Отв. ред. А.Х.Саидов – Т.: Национальный центр Республики Узбекистан по правам человека, 2014. – С. 239.

14. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 40-сон, 467-модда.

Ғ.А.Янгиев,
ТДЮУ докторанти

ДАЛИЛ – ИСБОТ ҚИЛИШ ИНСТИТУТИНИНГ ЭНГ МУҲИМ МАНБАИ СИФАТИДА

Аннотация: исбот қилиш институти жиноят процессининг асосий бўғини саналади. Мақолада ушбу институтнинг энг муҳим манбаи саналган далиллар ҳақида фикр юритилади. Шунингдек, далил хусусиятлари, далилларга қўйиладиган талаблар, етакчи олимларнинг тадқиқотлари ҳамда далилларнинг жиноятларни очишдаги роли ёритилади.

Калит сўзлар: далил, ҳақиқий маълумотлар, замонавий фалсафа, гипноз, полиграф, ёлғон детекторидан фойдаланиш, экстрасенсорика, биоритмология.

Аннотация: институт доказывания является основным звеном уголовного процесса. В статье обсуждаются доказательства как важнейший источник данного института. Кроме того, освещаются такие вопросы, как свойства доказательства, требования, предъявляемые к доказательствам, исследования ведущих ученых и роль доказательств в раскрытии преступлений.

Ключевые слова: доказательство, истинные сведения, современная философия, гипноз, полиграф, использование детектора лжи, экстрасенсорика, биоритмология.

Abstract: institute of proof is a main element of the criminal proceeding. The article discusses the evidence as a most important source of this institute. In addition, it reveals such issues as the properties of the evidence, requirements for evidence, the research of leading scientists and the role of evidence in disclosure of crimes.

Keywords: evidence, true information, modern philosophy, hypnos, the polygraph, the use of lie detector, ekstrasensorics, biorhythmology.

Жиноят ишларини юритишда исбот қилишда далил тушунчаси муҳим ўрин тутди. ЖПКнинг 81-моддасига биноан ижтимоий ҳаффи қилмишнинг юз берган ёки бермаганлиги, шу қилмишни содир этган шахснинг айбдор, айбсиз эканлиги ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд қонунда белгиланган тартибда аниқлашларига асос бўладиган ҳар қандай ҳақиқий маълумотлар жиноят иши бўйича далил ҳисобланади.

Жиноят процессига оид адабиётларда далиллар тушунчасига турлича таърифлар бериб келинади. Баъзи процессуалистлар далиллар тушунчаси деганда иш ҳолатларини тадқиқ қилиш учун қўлланадиган аниқ фактик ҳолатларни назарда тутадилар [1, 142-б] В.Я.Дороховнинг фикрича, «далиллар фактлар тўғрисидаги маълумотлардир, исботлаш предметига кирувчи фактлар эса далил ҳисобланмайди. Инсон онгида предметлар, нарсалар эмас, балки уларнинг образлари, тушунчалари ва улар тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлади. Ҳақиқий маълумотлар – бу қонуний манбалардан олинган фактлар тўғрисидаги маълумотлардир» [2, 224-б]

Демак, россиялик олимлар ўртасида далиллар – бу ҳақиқий маълумотлар ёки фактик ҳолатларми ёхуд фактлар тўғрисидаги маълумотларми, деган

мунозаралар ҳануз давом этмоқда. Бу тушунчаларнинг ҳар бири алоҳида маъно ва хусусиятларга эга.

Бизнинг қонунчилигимизда эса фактлар тўғрисидаги маълумотлар ҳақиқий маълумотлар деб юритилади. Қуйида ҳар бир атаманинг маъносига қисқача тўхталиб ўтамиз. Маълумотлар – бу бирон-бир қарор, хулоса чиқариш учун зарур бўлган хабарлардир. Фактлар эса объектив ижтимоий борлиқдаги ҳодисалар ҳисобланади. Фактлар жиноятларнинг терговини юриятаётган шахсларга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлади. Фактлар тўғрисидаги хабарлар – бу фактларни улар орқали англашимиз мумкин бўлган маълумотлардир. Маълумотлар ҳақиқий ёки сохта бўлиши мумкин. Ҳақиқий маълумотлар жиноятнинг очирилишига ёрдам берса, сохта маълумотлар бунга тўсқинлик қилади.

Далил далилий аҳамиятга эга бўлиши учун жиноятни содир этиш шароитлари, белгиларини ифодаловчи хусусиятларга эга бўлиши керак [3, 140-б]. О.Л.Пашин эса далиллар тушунчасини талқин қилишда унинг процессуал шаклига урғу беради. Унинг фикрича, далиллар – бу судда иш юритиш давомида фойдаланиладиган маълумотлар, ҳужжатлар ва материаллардир [4, 315-б]. У далилларнинг хусусиятига ҳам эътибор бериб, фақат исботланиши лозим бўлган ҳолатларга тааллуқли маълумотлар далил бўлиши мумкин, деб ҳисоблайди. Лекин бу таърифда далилларни тўплаш усуллари, асосий хусусияти ҳисобланган далилларнинг шакли ва мазмуни кўрсатилмаган. Замонавий фалсафа фанида объектнинг мазмуни ва шакли бирлик сифатида келиши, яъни шаклдан объектнинг мазмуни келиб чиқиши эътироф этилган. Бу фикр ЖПК 203, 204 ва 205-моддаларида аниқ ифодаланган бўлиб, агар нарса, баённома ва ҳужжатлар иш ҳолатларини аниқлаш воситалари бўлиб хизмат қила олсагина, улар далил мақомига эга бўла олади, яъни маълумотлар кўрсатувлар, хулосалар, баённомалар шаклида акс этган вақтдан бошлаб далил мақомини олади. Шунинг учун ҳам маълумотлар қонун билан белгиланган шаклга эга бўлмаса, иш бўйича далил бўла олмайди. Бошқа томондан қараганда, кўрсатувлар, баённомалар, ҳужжатлар ишдаги мавжуд ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни ўзида акс эттирсагина, далил ҳисобланиши мумкин.

Далилларнинг қуйидаги хусусиятлари мавжуд: 1) фақат ҳақиқий маълумотлар далил ҳисобланади; 2) улар қонунда белгиланган манбалардан олинган бўлиши шарт; 3) ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга молик бўлган ҳолатлар ҳақидаги маълумотларга асосланиши лозим; 4) ҳақиқий маълумотлар исботлаш предмети алоқадор бўлиши шарт.

Далиллар назарияси фанида ҳақиқий маълумотлар икки қисмга бўлинади: 1) фактлар тўғрисидаги маълумотлар; 2) далилий фактлар.

Фактлар тўғрисидаги маълумотлар деганда, ишонччилигини текшириш зарур бўлган жиноят иши ҳолатлари тўғрисидаги маълумотлар тушунилади. Далилий фактлар деганда эса ишонччилиги шубҳа туғдирмайдиган, текширилган маълумотлар тушунилади. Масалан, гувоҳнинг гумон қилинувчини жиноят содир этилган жойга яқинроқ ерда кўрганлиги тўғрисидаги кўрсатуви факт тўғрисидаги маълумот бўлиб, у албатта текширилиши лозим.

Далиллар фақат қонунда белгиланган манбалардан олинishi лозим. ЖПКнинг 81-моддасида гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, гувоҳ,

жабрланувчининг кўрсатувлари, эксперт хулосаси, ашёвий далиллар, овозли ёзувлар, видеоёзувлар, кинотасвир ва фотосуратлардан иборат материаллар, тергов ва суд ҳаракатларининг баённомалари ва бошқа ҳужжатлар қонуний манба сифатида қайд этилган.

Агар маълумотлар бошқа манбалардан олинган бўлса, улар иш бўйича далил вазифасини ўтай олмайди (масалан, оммавий ахборот воситалари, газеталардаги хабарлар ёки тезкор-қидирув йўли билан олинган маълумотлар, гарчи қонунда назарда тутилган ҳолда текширилмаган ёки баҳоланмаган бўлса). Исботлаш жараёни нафақат илмий-назарий, балки амалий жараён ҳам бўлганлиги сабабли айрим олимлар тезкор-қидирув фаолиятини исботлаш жараёнининг бир қисми деб таъкидлашмоқда [5, 25-б]. Мазкур фаолият қонунчилигимизда процессуал шакллантирилмаганлиги сабабли, ушбу масала мунозарали бўлиб қолмоқда. Фикримизча, тезкор-қидирув йўли билан амалга оширилаётган процессуал ҳаракатлар тартибга солиниб, бу тўғрида тегишли қонун ёки норматив ҳужжат қабул қилиниши мақсадга мувофиқдир. Назаримизда, тезкор-қидирув фаолиятининг мақсади тергов ҳаракатларини пухта амалга ошириш, маълумотлар йиғиш орқали жиноят ишини қўзғатиш учун сабаб ва асослар тўплаш бўлиб, у турли жиноятларни очиш, тергов ҳаракатларига йўналиш беришга хизмат қилади ва уларни далил сифатида эътироф этилишига ҳожат йўқ. Қачонки, тезкор қидирув фаолияти натижасида олинган маълумотлардан, улар қонунда назарда тутилган тартибда текширилган ва баҳолангандан кейингина далил сифатида фойдаланиши мумкин.

Амалиётда айрим сабабларга кўра (масалан, масофа узоқлиги, маблағ билан боғлиқ, касаллиги, чет элдалиги кабилар) шахсларни сўроқ қилиш қийинчилик туғдирмоқда. Айниқса, гувоҳ ва жабрланувчини сўроқ қилишда муаммолар яққол кўринмоқда. Ушбу муаммоларни бартараф этишнинг чораси, шахсларни масофадан туриб сўроқ қилишдир. Сўроқ натижалари кейинчалик жиноят ишида далил сифатида фойдаланилади. Шуларни эътиборга олиб, жиноят процессуал қонунчилигимизга янги 119(1)-модда. “Гувоҳ ва жабрланувчини масофадан туриб сўроқ қилиш”, деб номланган нормани киритишни таклиф этамиз. Бунга асосан, табиийки масофадан туриб сўроқ қилиш натижасида олинган кўрсатувлардан далил сифатида фойдаланилади. Шундай экан, ЖПКнинг 81-моддаси иккинчи қисмини қуйидаги тахрирда баён этилишини таклиф этамиз: бу маълумотлар гувоҳнинг, жабрланувчининг, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг кўрсатувлари, масофадан туриб сўроқ қилиш натижасида олинган кўрсатувлар; экспертнинг хулосаси, ашёвий далиллар, овозли ёзувлар, видеоёзувлар, кинотасвир, фотосуратлардан иборат материаллар, тергов ва суд ҳаракатларининг баённомалари ва бошқа ҳужжатлар билан аниқланади.

Хориж тажрибасига кўра, МДХ давлатлари кўпчилигида, айниқса Қозоғистон Республикасида масофадан туриб сўроқ қилиш амалиёти мавжуд. Европа давлатлари орасида Германия жиноят процессуал қонунчилигида ҳам масофадан туриб сўроқ қилиш натижаларидан далил сифатида фойдаланилади.

Кўплаб мамлакатларда жиноятларни очишда бошқа ноанъанавий усуллардан ҳам фойдаланилади.

Булар гипноз остида сўроқ қилиш, полиграф ёлгон детекторидан фойдаланиш, экстрасенсорика, биоритмология каби усуллардир. Ғ.А.Абдумажидов таъкидлаганларидек, «бундай ҳолларда шахснинг ақли пасаяди, ўзини идора қила олмайди. Шу сабабли бундай усулларга илмий жиҳатдан ҳам, ахлоқий жиҳатдан ҳам йўл қўйиб бўлмайди» [6, 12-б].

Жиноят иши бўйича аҳамиятга эга бўлган ҳақиқий маълумотлар қонунда белгиланган тартибда қўлга киритилиши лозим. Ҳақиқий маълумотлар қонуний манбалардан олиниб, лекин қонунда белгиланган тартибга риоя қилинмаган бўлса, бу далилларнинг ишончлилигига шубҳа туғилади. Масалан, терговчи тинтув ёки олиб қўйиш тергов ҳаракатларини ҳолислар иштирокисиз амалга оширган бўлса, олинган маълумотлар далилий аҳамиятга эга бўлмайди (ЖПКнинг 160-моддаси). Шунингдек, сўроқ қилиш давомида ишора қилувчи саволлар берилиши (ЖПКнинг 102-моддаси), сўроқнинг давом этиш вақтига риоя қилмаслик (ЖПКнинг 107-моддаси) ҳамда зўрлаш, қўрқитиш ва ғайриқонуний чораларни қўллаш орқали кўрсатувлар олишга ҳаракат қилиш (ЖПКнинг 22-моддаси) ҳам салбий оқибатларга олиб келади.

Ҳақиқий маълумотлар исботлаш предметиға алоқадор бўлиши лозим. Алоқадорлик далилларнинг мазмунини ифодалайди ва уларни баҳолашда муҳим ўрин эгаллайди. Аниқланаётган далиллар иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолда бу далиллар ишга алоқадор ҳисобланади. Ушбу ёндашув тергов ишини юритишга янада аниқлик киритади.

Далилларга қўйиладиган асосий талаблар қуйидагилардан иборат: а) далиллар абстракт эмас, аниқ далилий аҳамиятга эга бўлиши лозим. Олинган маълумотлар: нима? қаерда? қачон? қандай содир бўлган? каби саволларга жавоб бериши керак; б) далиллар албатта мақбул бўлиши лозим ва қонуний талаблар асосида тўпланган бўлиши керак.

Хулоса сифатида далиллар, биринчидан, бизнинг ихтиёримиздаги воситалар бўлиб, улар ёрдамида биз номаълум, изланаётган нарса ҳақида, масалан, гувоҳ кўрсатувларидан айбланувчининг қотиллик сабаблари тўғрисидаги хулосага келамиз. Бу исботлаш ашёси бўлиб, унинг ёрдамида изланаётган ҳолат – *factum probans* келтириб чиқарилади. Иккинчидан, у ақлий жараён аҳамиятига эга, шу йўл билан изланаётган ҳолат маълум ҳолатга боғланади ва аниқланади. Учинчидан, ҳиссий ҳолатларга мансублиги, яъни далилларга баҳо беришда субъектлардан ички ишонч ролининг муҳимлиги билан изоҳланиши, шунингдек бу борада тўғри ечим қабул қилинишида жиноят судлов ишларини юритишга масъул шахслардан юксак билим ва тажриба талаб қилинади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Фаткуллин Ф.Н. Общие проблемы доказывания. – Казань: Казанский университет, 1976. – С. 93; Лупинская П.А. Уголовный процесс. / Под общей ред. П.А.Лупинской. – М., 1995. – С. 142.
2. Дорохов В.Я. Теория доказательств в уголовном процессе. / Н.В.Жоги́на. – М., 1973. – С. 224.
3. Ларин А.М. Обязанность доказывания и проблема допустимости доказательств, в частности показаний свидетелей. // Юстиция и сравнительное правоведение. Материалы международного симпозиума. – М., 1986. – С. 136-140.

4. Пашин О.Л. Проблемы доказательственного права. // Судебная реформа: юридический профессионализм и проблемы юридического образования. Дискуссии. – М., 1995. – С. 315.

5. Смородинова А., Зайцева С., Громов Н. Соотношение доказательств и фактов в уголовном процессе. // Российская юстиция. – 1998. – №8. – С. 25.

6. Абдумажидов Ғ. Иқрорликнинг моҳияти ва оқибати. // Жиноят процессида айбга иқрорлик битими. Илмий-амалий анжуман материаллари. –Т.: ТДҶОИ, 2006. – Б.12.

С.М.Адилходжаева,
профессор ТГЮУ,
доктор юридических наук

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ЗАКОНОДАТЕЛЬНЫХ ОСНОВ ИНТЕГРАЦИИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН В ОБЩИЙ РЫНОК СНГ

Аннотация: в статье освещены правовые основы присоединения Узбекистана к общему рынку СНГ. Автор анализирует положительные стороны развития рынка СНГ и поднятия на новый уровень международно-правовых основ общего рынка содружества.

Ключевые слова: общий рынок, Узбекистан, правовая база, интеграция

Аннотация: Мақолада Ўзбекистон МДҲ умумий бозорига қўшилишни ҳуқуқий асослари ёритилган. Муаллиф МДҲ бозорини ривожланишини ҳамда уни ҳуқуқий асосларини янги босқичга кўтарилишини таҳлил қилган.

Калит сўзлар: умумий бозор, Ўзбекистон, ҳуқуқий база, интеграция.

Abstract: The article highlights the legal basis of Uzbekistan's accession common market of the CIS. The author analyzes the positive aspects of the development of the CIS market and raise a new level of international legal foundations of the common community market.

Key words: common market, Uzbekistan, legal basis, integration

В Концепции внешнеполитической деятельности Республика Узбекистан обозначено, что одним из приоритетных направлений внешней политики Узбекистана являются дальнейшее развитие отношений со странами-членами СНГ, с которыми нашу страну связывают исторически сложившиеся политические, экономические, транспортно-коммуникационные и иные связи. Узбекистан продолжает выстраивать отношения сотрудничества со странами СНГ на основе равноправия, взаимной выгоды, уважения и учета интересов друг друга.

В 2011 году 18 октября в г. Санкт-Петербурге был подписан Договор о зоне свободной торговли (далее Договор). Договор заменил более 100 двухсторонних соглашений, заключенных в рамках СНГ за более чем 20 лет, и ознаменовал переход к одному многостороннему соглашению. Договор о зоне свободной торговли (Санкт-Петербург, 18 октября 2011 г.) состоит из Преамбулы, 25 статей и шести приложений, которые являются неотъемлемой частью Договора. В рамках Договора предусматривается поэтапное снижение и отмена таможенных пошлин, отмена количественных ограничений во взаимной торговле, свободный транзит товаров, другие нормы и правила, предусматривающие создание зоны свободной торговли СНГ. Следует отметить, что в Договоре предусмотрены применение общепринятых стандартов и правил торговли, применимых в международной торговле, исходя из норм соглашений ВТО. Договор основывается на нормах и правилах статей V, VIII, XXIV Генерального соглашения по тарифам и торговле 1994 года (далее – ГАТТ 1994) Всемирной торговой организации в части вопросов регулирования транзита товаров и транспортных средств, взимания сборов, осуществления формальностей, связанных с импортом и экспортом, а

также создания зоны свободной торговли. Принципиально важным отличием договора от действующих в СНГ соглашений является наличие инструмента принуждения сторон, нарушающих договоренности соглашение будет способствовать свободному товарообороту в рамках СНГ [1].

Однако, первоначально Договор не был подписан Республикой Узбекистан, а также со стороны государств Республика Азербайджан и Туркменистан, т.к. не отвечал национальным интересам этих стран.

Подлинное создание свободной торговли возможно на основе добровольного присоединения суверенных государств, при всемерном учете мнений и предложений всех сторон, поэтапно, исходя из национальных интересов. В целях минимизации отрицательных последствий присоединения к общему рынку СНГ и защиты национальной экономики и внутреннего рынка, в декабре 2011 года был начат переговорный процесс по завершению согласования условий присоединения Республики Узбекистан к Договору. По итогам многочисленных раундов переговоров позиция Республики Узбекистан была учтена путем предоставления Узбекистану переходного периода до 31 декабря 2020 года (или до вступления Узбекистана в ВТО), по истечении которого Узбекистан согласится принять на себя обязательства в полном объеме, вытекающего из Договор о зоне свободной торговли. Позиция Республики Узбекистан нашла юридическое отражение в «Протоколе о применении Договора о зоне свободной торговли от 18 октября 2011 года между его Сторонами и Республикой Узбекистан» (далее Протокол) [2]. Протокол является многосторонним соглашением, подписанным со стороны государств Армения, Беларусь, Казахстан, Кыргызстан, Молдова, Россия, Узбекистан, Украина, Таджикистан и состоит из Преамбулы, 8 статей, заключительного Положения и двух Приложений.

Протокол о применении Договора между его Сторонами и Республикой Узбекистан подписан всеми странами-участницами Договора о зоне свободной торговли в г.Минске 31 мая 2013 года на заседании Совета глав правительства государств-участников СНГ.

Если с одной стороны, Протокол отражает согласованное компромиссное решение о взаимовыгодном учете интересах по таможенным пошлинам всех подписавших стран, то с другой стороны, в документе максимально учитывает национальные интересы, максимально защищены экономика и внутренний рынок Узбекистана. Протокол отражает желание Узбекистана присоединиться к Договору о свободной зоне торговле СНГ на особых условиях, которые предусматривают на переходный период до 31 декабря 2020 года и отвечает национальным интересам Узбекистана. Участие в Договоре о зоне свободной торговли даст возможность Республике Узбекистан применять режим наибольшего благоприятствования и поставлять свои товары на общий рынок СНГ, интенсифицировать транзит грузов через территорию стран-участников Договора о зоне свободной торговли. Республика Узбекистан, единственная из стран-участников Договора, присоединенных к нему на особых условиях, которые предусматривают на переходный период до 31 декабря 2020 года следующее. Во-первых, сохранение норм и правил в отношении внутреннего налогообложения, в том числе и в отношении акцизного налогообложения ввозимых и производимых товаров, установленные в соответствии с двусторонними соглаше-

ниями с другими сторонами Договора о свободной зоне торговли.

Во-вторых, для Республики Узбекистан сохраняется порядок разрешения спорных вопросов с другими сторонами Договора о свободной зоне торговли на основе двухсторонних переговоров.

В-третьих, наша страна сохраняет возможность предоставления субсидий отдельным отраслям экономики, к которым относятся льготы по освобождению от уплаты таможенных платежей.

В-четвертых, Республика Узбекистан за собой сохраняет право:

- применять запреты на экспорт отдельных видов товаров (пшеница, рожь, ячмень, овес, рис, кукуруза, гречиха, скот, птица, мясо, сахар, растительное масло, кожевенное сырье, коконы, шелк-сырец, лом и отходы цетных металлов);

- устанавливать на основании национального законодательства механизм начисления и взимания ставок таможенных сборов, основанных не на правилах ВТО;

- регулировать санитарные и фитосанитарные меры, а также технические барьеры (стандарты) на основе действующего внутреннего законодательства, с применением в отношении товаров из других стран Сторон национального режима или режима РНБ;

- в случае серьезных нарушений равновесия платежного баланса вводить ограничения на импорт и экспорт товаров (работ, услуг), основанных не на правилах ВТО, а на нормы внутреннего законодательства.

В-пятых, протоколом также предусматривается, что в торговле между Республикой Узбекистан и другими сторонами будут применяться Правила определения страны происхождения товаров от 24 сентября 1993 года.

Содержание Протокола полностью соответствует национальным интересам Республики Узбекистан.

Согласно статье 14 Закона «О международных договорах» Протокол подлежал ратификации [3]. В соответствии со статьей 7 Протокола, данный документ вступил в силу по истечении 30 дней с даты получения депозитарием уведомления от Республики Узбекистан и не менее двух Сторон Договора о выполнении ими внутригосударственных процедур.

Таким образом, правовой основой присоединения к общему рынку СНГ Узбекистаном являются Договор о зоне свободной торговли (Санкт-Петербург, 18 октября 2011 г.), Протокол о применении Договора между его Сторонами и Республикой Узбекистан подписанный всеми странами-участниками Договора о зоне свободной торговли в г. Минске 31 мая 2013 года, а также законы о ратификации этих международных документов. Положительной стороной Договора является возможность Республике Узбекистан поставлять свои товары на общий рынок СНГ, интенсифицировать транзит грузов, пользоваться рынком услуг Создания благоприятной интеграционной среды на основе норм ВТО. Потребительский рынок СНГ насчитывает более 280 млн. человек – это самый большой рынок в Евразии после рынка ЕС. Потенциал рынка СНГ значителен и участвовать в нем стремятся такие страны, как Турция, Новая Зеландия и Вьетнам. Торговый оборот Узбекистана со странами СНГ составляет 2,5–3 млрд. долларов США в год, и имеет тенденцию к росту. СНГ имеет развитую сеть транспортных коммуникаций с выходом на мировой океан. Развитие взаимодействия в области транспорта, в том числе формирование сети международных транспортных коридоров на простран-

стве СНГ, особенно, важно для Узбекистана. В тоже время, открытие национального рынка для товаров стран СНГ без ограничения, в результате которого отечественное производство может пострадать, запрет предоставления субсидий отраслям экономики, наличие инструмента принуждения сторон, нарушающих договоренности, к выполнению своих обязательств. Таким инструментом являются правила разрешения споров, принудительный механизм введения рынка процедурой разрешения споров экономическим судом СНГ, а также двойная правосубъектность стран Таможенного союза, преимущественное положение стран-участников таможенного союза – все это нормы Договора, которые могли нанести вред развитию экономики молодых суверенных стран. В связи с этим Договор первоначально не был подписан Республикой Узбекистан, а также со стороны государств – Республики Азербайджана, Туркменистан. Узбекистан придерживается позиции, что подлинное создание свободной торговли возможно на основе добровольного поэтапного присоединения суверенных государств, при всемерном учете мнений и предложений всех сторон, исходя из национальных интересов. Участие в Договоре о зоне свободной торговли дает возможность Республике Узбекистан применять режим наибольшего благоприятствования и поставлять свои товары на общий рынок СНГ, интенсифицировать транзит грузов через территорию стран-участников Договора о зоне свободной торговли.

Список литературы:

1. Договор о зоне свободной торговли (Санкт-Петербург, 18 октября 2011 г.) Официальный сайт Исполнительного комитета СНГ <http://www.cis.minsk.by/page.php> (дата обращения: 10.01.2017).
2. Протокол о применении Договора между его Сторонами и Республикой Узбекистан подписанный всеми странами-участницами Договора о зоне свободной торговли (г. Минск 31 мая 2013 г.) <http://rulaws.ru/government/Protokol-o-primenenii-Dogovora-o-zone-svobodnoy-torgovli-ot-18-oktyabrya-2011-goda-mezhdu-ego-Storonami>(дата обращения: 10.01.2017).
3. Закон Республики Узбекистан «О международных договорах Республики Узбекистан» // Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 1995 г., № 12, ст. 262; 2003 г., № 5, ст. 67; 2004 г., № 1-2, ст.18; Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2005 г., № 49-50, ст.365

I. Rustambekov

PhD in Law, Head of Department of TSUL

THE ROLE AND IMPORTANCE OF BILATERAL INVESTMENT TREATIES IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN IN ATTRACTION OF FOREIGN INVESTMENTS

Abstract: Bilateral Investment Treaties in their effect on foreign investments, the domestic business environment and investment climate is very actual, in particular, for the Republic of Uzbekistan. This article explores the role and importance, essence and value of Bilateral Investment Treaties. Specifically, it is mentioned that BITs only have a positive effect on foreign investment flows in countries with an already stable business environment.

Key words: foreign investments, bilateral investment treaties, protection, risk, arbitration.

Аннотация: Двусторонние соглашения о поощрении и взаимной защите инвестиций имеют большое значение в привлечении иностранных инвестиций, улучшении деловой среды и инвестиционного климата страны, в частности, для Республики Узбекистан. Данная статья исследует роль и важность, сущность и значение таких соглашений. В статье отмечается, что двусторонние соглашения о поощрении и взаимной защите инвестиций имеют только положительное влияние на привлечение иностранных инвестиций в странах с уже стабильной деловой средой.

Ключевые слова: иностранные инвестиции, двусторонние соглашения о поощрении и взаимной защите инвестиций, защита, риск, арбитраж.

Аннотация: Инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисидаги битимлар давлатларга, жумладан Ўзбекистон Республикасида ҳам хорижий инвестицияларни жалб этишда, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилашда юқори аҳамиятга эгадир. Мазкур мақола бундай битимларнинг ўрни ва аҳамияти, уларнинг мазмун-моҳиятини таҳлил қилишга қаратилгандир. Мақолада инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисидаги икки тарафлама битимлар муқим ишбилармонлик муҳити ўрнатилган давлатларга хорижий инвестицияларни жаоб этишда фақатгина ижобий таъсир кўрсатиши ёритиб берилган.

Калит сўзлар: хорижий инвестициялар, инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисидаги битимлар, ҳимоя, хавф, арбитраж.

Introduction

The impact of foreign investments and multinational firms on developing countries is one of the most hotly contested issues in the current debate over globalization. Proceeding from it designing a favourable policy to attract foreign investors has become one of the hottest topics among developing countries.

As well in the Republic of Uzbekistan, after independence, a wide range of measures has been adopted on radically improving the business and investment climate, introducing universally accepted system of criteria for assessing conditions of doing business in the world practice and on this basis, ensuring further increase of the country's international rating. Favorable climate for doing business has been created in the republic, as well as favorable business environment and reliable legal guarantees for

entrepreneurs are created.

The Republic of Uzbekistan as an equal participant of the world community from the first days of independence began to form its base of international agreements in all spheres of development of society and the state. Thus, in direction of regulation and protection of investments, the Republic of Uzbekistan has signed such major conventions as the Washington Convention of 1965 (Uzbekistan participates from August 25, 1995), the Seoul Convention of 1985 (Uzbekistan participates from November 4, 1993), the Treaty to the Energy Charter and the Energy Charter Protocol on Energy Efficiency and Related Environmental Aspects signed in Lisbon on April 1995 (Uzbekistan participates from December 22, 1995) and others.

As well as, within the framework of activities on attracting foreign investment, the Republic of Uzbekistan pays special attention to Bilateral Investment Treaties (BIT). In the first years of independence, or more precisely in 1992, the first BITs between the Republic of Uzbekistan and Turkey, Finland, Egypt, China were signed. Every year the number of such treaties has increased. To date, the total number of such contracts which is in force are 48. The number of BITs concluded between nation states faced an enormous overall growth during the 1990s; today, there exist about 2600 such treaties.

Role of bilateral investment treaties in attraction of foreign direct investments (FDI) are very important, in particular, for developing country such as Uzbekistan.

Investors always face risks because changes in market prices and opportunities cannot be perfectly predicted ex ante. However, in many developing countries the risk goes beyond ordinary market risk. Investors may have little trust in the reliability and fairness of property rights and government enforcement, and conversely, local businesses, citizens, and politicians may have little confidence in the motives and staying power of international business. Investors complain that the rules are unclear and variable over time. Critics in the host country worry that international investors will reap most of the gains and will flee at the first sign of trouble. In the extreme, the distrust on both sides can be so large that little or no investment takes place, even when this investment would be beneficial to both parties. In recent years international investors in low- and middle-income countries have been aided by the growth of bilateral investment treaties (BITs). These are treaties signed between the home countries of investors and potential host countries that set a general framework for the negotiation of FDI deals. They bind the host country to treat all foreign investors from the home country in ways that will protect their investments and that give them either parity with or advantages over domestic investors [4].

Bilateral Investment Treaties, its essence and value.

BITs are «agreements between two countries for the reciprocal encouragement, promotion and protection of investments in each other's territories by companies based in either country» [5]. Several studies [8] illustrate the positive effect of BITs on FDI and on development. The vast majority of BIT-negotiations [9] take a model agreement of the capitalexporting state as their starting point, followed by modifications requested by the capital-importing country.

BITs represent one of the main policy tools that governments have used to decrease the (perception of) investment risk and attract foreign investment. By signing a BIT the host country commits itself to fair and equitable treatment of foreign investors.

The BIT serves to attract foreign investment by grant-

ing broad investment rights to investors and creating flexibility in the resolution of investment disputes. This flexibility typically includes allowing for any investment dispute to be resolved by international arbitration, most often under the auspices of the International Centre for the Settlement of Investment Disputes (“ICSID”) [5].

Beyond attracting investment, developing countries hope that BITs will have peripheral benefits. For example, binding foreign investment disputes to international arbitration may serve not only as a signal that the current government is friendly towards FDI, but it may also lock future governments into the same policy stance. Further, BITs may provide symbolic benefits to the current government. For example, signing a BIT may signal a willingness to sign international treaties in other areas. For countries in transition, BITs may provide a shortcut to policy credibility in the international arena [4].

BITs are commonly known as agreements between two signatories in order to provide legal standards of protection for foreign investors. This legal protection is a supplementary offer provided for the signatory countries other than those specified in the national laws. Similar to the national laws, the treaty needs to be ratified to come into effect. According to Salacuse (1990), the basic structure of any BIT encompasses eight topics: 1) scope of application 2) conditions for the entry of foreign investment 3) general standards of treatment of foreign investments 4) monetary transfers 5) operational conditions of the investment 6) protection against expropriation and dispossession 7) compensation for losses 8) investment dispute settlement [7].

Basically, BITs vary across countries. They differ according to negotiations between countries; nevertheless, they share a common provision in which investors are entitled to fair and equitable treatment from the signatory governments—there is no discrimination against foreign investors. The treatment is also applicable to the protection against expropriation and the mechanism of dispute settlement. BITs typically provide dispute resolution by an international body; that is, investors can sue the national government at the international arbitration level if there is any violation of the treaty.

The basic provisions of a bilateral investment treaty (BIT) typically guarantee certain standards of treatment for the foreign investor (see Dolzer and Stevens 1995; UNCTAD 1998). By entering into a BIT, signatories agree to grant certain relative standards treatment such as national treatment (foreign investors may not be treated any worse than national investors, but may be treated better and, in fact, often are) and most-favored nation treatment (privileges granted to one foreign investor must be granted to all foreign investors). They also agree to guarantee certain absolute standards of treatment such as fair and equitable treatment for foreign investors in accordance with international standards after the investment has taken place. BITs typically ban discriminatory treatment against foreign investors and include guarantees of compensation for expropriated property or funds, and free transfer and repatriation of capital and profits. Further, the BIT parties agree to submit to binding dispute settlement should a dispute concerning these provisions arise. Ostensibly, these provisions should secure some of the basic requirements for credible protection of property and contract rights that foreign investors look for in host countries. They should also protect foreign investors against political and other risks highly prevalent in many developing countries. Far from being neutral, foreign investors are often granted higher security and better treatment than domestic inves-

tors [3].

BITs specify a number of guarantees to foreign investors, including the right to freely transfer funds and assets, minimum treatment standards and protection from expropriation. Expropriation does not only refer to the direct taking of physical private assets. Virtually all BITs also include protection against so-called ‘regulatory takings’, or ‘indirect expropriations’, referring to regulatory acts taken by the host country that deprive investors of the value of their investment, such as changes in the taxation, regulatory measures, or governmental nonfeasance. The most crucial component of these treaties is the fact that the signatory partners submit to an international dispute settlement mechanism to ensure this protection. The need for an external arbitration mechanism, which allows investors to bring claims of treaty violations to international arbitration tribunals (usually the International Centre for Settlement of Investment Disputes, ICSID)³ is the result of a time inconsistency problem: in order to attract foreign investment, a government can assure investors that it will not expropriate the investments or raise taxes after the investment is made; yet, once the costs of investments are borne by the investors, a myopic host country government might find it optimal to breach its promises and extract rents or expropriate property or funds. Anticipating this behavior, investors will not trust the promises made by the government in the first place and will refrain from investing in the country. This hold-up problem will thus ultimately lead to underinvestment. By providing a credible commitment device, bilateral investment treaties aim at overcoming this problem, thereby reducing the risk of investment and, ultimately, attracting more FDI [11].

As a matter of fact, however, virtually all substantive rules contained in these treaties are meant to protect foreign investors who, although not formally party of the treaty, are clearly their main beneficiaries [1]. It is illustrative that certain BITs, alongside with the Energy Charter Treaty [2], in case of disputes between foreign investors and the host State provide access to international arbitral tribunals exclusively to the former. It must also be noted that obligations imposed upon foreign investors by BITs, such as the obligation to act in good faith or the obligations to comply with local laws and regulations [6], are functional to the enjoyment by foreign investors themselves of the legal protection provided for by the treaties.

It must also be noted that obligations imposed upon foreign investors by BITs, such as the obligation to act in good faith or the obligations to comply with local laws and regulations, are functional to the enjoyment by foreign investors themselves of the legal protection provided for by the treaties [10].

BITs are therefore an important instrument of protection to foreign investors, for which there is currently not much legal alternative. Only few regional free trade agreements contain investment protection provisions like the North American Free Trade Agreement (NAFTA). The World Trade Organization’s (WTO) Agreement on Trade-Related Investment Measures (TRIMs Agreement) imposes only rudimentary disciplines on the regulation of foreign investment that are by far not as comprehensive as and fall much short of provisions contained in BITs. Of course, not all BITs are identical in their provisions. Some developed country investors like the United States insist on some limited rights of its investors to establish investment in host countries in the first place, whereas investor’s rights in most BITs are restricted to fair and equitable treatment after the investment has already taken place

and provide no right of entrance. United States BITs often prohibit certain performance requirements such as local content, export and employment requirements beyond the requirements contained in the WTO's TRIMs Agreement, whereas BIT programs of other developed countries do not contain such provisions. Conversely, some non-developed countries such as China and Eastern European countries have successfully managed to restrict the compulsory dispute settlement provisions to disputes concerning expropriation or the compensation thereof. However, by and large BITs tend to be rather similar in their provisions [3].

Conclusion

Bilateral investment treaties have played and continue to play a crucial role in the promotion of the rule of law and the development of a stable and predictable legal framework. They are not only there to stay, at least in the near future: they are also quite successful.

Developing and transition countries have increasingly engaged in the signing of bilateral investment treaties in order to attract FDI, based on the widely shared view that FDI can contribute significantly to economic development and poverty reduction. However, the degree to which foreign investments can be expected to generate employment, offer access to international technology and know-how and ultimately create growth, varies considerably depending on the type of investment.

A general problem with regard to the role of BITs in Uzbekistan is that still quite a number of people do not know about the existence and functions of BITs and their alternatives. Furthermore, most companies do not care about the legal situation until the harm (e.g. expropriation) occurs. In this understanding, BITs are merely framework treaties in the background. However, it is important to know for national companies that BITs constitute such a safety net.

In addition, it should be mentioned that BITs are more effective in stimulating FDI flows, if they are enforced in an environment of high political stability and an effective legal system. Furthermore, the effectiveness of BITs in stimulating FDI flows appear to be greater, if both partner countries are ratifying members of the ICSID convention. The macro-economic environment of a host country, by contrast, appears to have no influence on a BITs effectiveness in attracting FDI. Likewise, exchange rate volatility, as well as currency crises appear to have no significant impact.

REFERENCES

1. American Manufacturing and Trading, Inc. v. Zaire, ICSID ARB/93/1, Award, 21 February 1997, para 6.06.
2. Article 26 (1) of the Energy Charter Treaty provides for the settlement of disputes between a Contracting Party and a foreign investor "for alleged breach of an obligation of the former".
3. Eric Neumayer and Laura Spess. Do bilateral investment treaties increase foreign direct investment to developing countries? // *World Development*, 33 (10), 2005, pp. 1567-1585.
4. Jennifer Tobin, Susan Rose-Ackerman. Foreign Direct Investment and the Business Environment in Susan Rose-Ackerman *Developing Countries: The Impact of Bilateral Investment Treaties* // *Social Science Research*. May 2, 2005.
5. Jarrod Wong. Umbrella Clauses in Bilateral Investment Treaties: of Breaches of Contract, Treaty Violations, and the Divide Between Developing and Developed

Countries in Foreign Investment Disputes // *GEO. MASON L. REV.* 2006.

6. Inceysa Vallisoletana S.L. v. Republic of El Salvador, ICSID ARB/03/26, Award, 2 August 2006, para 249.

7. Kim Sokchea. Bilateral Investment Treaties, Political Risk and Foreign Direct Investment // *Asia Pacific Journal of Economics & Business*, VOL . 11 NO . 1 (JUNE 2007)

8. Peter Egger & Michael Pfaffermayr (2004), The impact of bilateral investment treaties on foreign direct investment, in: *Journal of Comparative Economics*, vol. 32, numb. 4, pp. 788-804; Eric Neumayer & Laura Spess (2005), Do Bilateral Investment Treaties Increase Foreign Direct Investment to Developing Countries?, in: *World Development*, vol. 33, numb. 10, pp. 1567-1585; Susan Rose-Ackermann & Jennifer Tobin (2006), When BITs Have Some Bite: The Political-Economic Environment for Bilateral Investment Treaties.

9. Rudolf Dolzer & Margrete Stevens (1995), *Bilateral Investment Treaties*, The Hague, Kluwer Law, p. 97.

10. Tarcisio Gazzini. *Bilateral investment treaties // International Investment Law: The Sources of Rights and Obligations* The Hague: Martinus Nijhoff, 2012.

11. Liesbeth Colen, Damiaan Persyn and Andrea Guariso. What type of FDI is attracted by bilateral investment treaties? // *LICOS Discussion Paper Series*. Discussion Paper 346/2014.

Д.Умарханова,

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети
докторанти, юридик фанлар номзоди,

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ОЗОДЛИҚДАН
МАҲРУМ ҚИЛИНГАН ШАХСЛАРНИ ЖАЗОНИ ЎТАШ
УЧУН ФУҚАРОСИ БЎЛГАН ДАВЛАТГА ТОПШИРИШ
ВА УЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ БИЛАН БОҒЛИҚ
МАСАЛАЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА
СОЛИНИШИ**

Аннотация: мақолада жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик йўналиши ҳисобланган озодликдан маҳрум қилинган шахсларни жазони ўташ учун фуқароси бўлган давлатга топшириш ва уларни қабул қилиш масаласининг тартибга солинишининг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган. Бундан ташқари, муаллиф томонидан жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик механизмини такомиллаштириш, миллий ва халқаро ҳуқуқ нормаларини ўзаро мувофиқлаштириш мақсадида озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган, хусусан, рухий касалликка чалинган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш учун фуқароси бўлган давлатга топширишни тартибга солиш борасида қатор таклифлар келтирилган.

Калит сўзлар: халқаро ҳамкорлик, жиноятчилик, маҳрумни топшириш, конвенция, минтақавий халқаро шартномалар, тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари, рухий касалга чалинган шахслар.

Аннотация: в статье проанализированы особенности правового регулирования передачи и принятия лиц, осужденных к лишению свободы, для дальнейшего отбывания наказания в государстве, гражданами которого они являются. Вместе с тем, в целях укрепления совершенствования механизма международного сотрудничества по уголовным делам, приведение в соответствие норм национального и международного права автором предлагается урегулировать вопросы передачи и принятия лиц, страдающих психическими расстройствами, для осуществления принудительного лечения в государстве, гражданами которого они являются.

Ключевые слова: международное сотрудничество, преступление, передача осужденных, конвенция, международные региональные договоры, принудительное лечение, лица, страдающие психическими расстройствами.

Abstract: the article analyzes the peculiarities of legal regulation of transfer and acceptance of persons sentenced to imprisonment, for further serving of punishment in the state whose citizens they are. However, in order to strengthen the improvement of the mechanism of international cooperation in criminal matters, harmonisation of norms national and international law the author proposes to resolve the issues of transfer and acceptance of persons with mental disorders, the implementation of compulsory treatment in the state whose citizens they are.

Key words: international cooperation, crime, transfer of prisoners, convention, regional international treaties, compulsory treatment, persons with mental disorders.

Озодликдан маҳрум қилинган шахсларни жазони ўташ учун фуқаролиги бўйича ўз давлатига топшириш

халқаро ҳамкорликнинг алоҳида йўналиши ҳисобланади. Кўп ҳолларда мазкур ҳолат ушлаб бериш институти сифатида кўриб чиқилсада, лекин мазмунан мазкур халқаро ҳамкорлик йўналишини фарқлаш лозим. Бироқ, иккала ҳолатда ҳам хоҳ у ҳукми ижро қилиш учун ушлаб бериш бўлсин хоҳ маҳрумни топшириш бўлсин, суд муҳокамаси ва айблов ҳукми чиқарилганлиги талаб қилинади. Шунга қарамай топширишда сўраётган давлат суди томонидан сўралаётган давлат ҳудудида бўлган, лекин ушбу давлатнинг фуқароси бўлмаган, аммо сўраётган давлат фуқароси бўлган ёки учинчи давлат фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахсга нисбатан чиқарилган ҳукм талаб қилинади [1, 244-бет].

Маҳрумни топширишдан мақсад давлатнинг ўз фуқароларини, ҳаттоки у чет элда жиноят содир қилган ҳамда мазкур давлатда озодликдан маҳрум қилинганда ҳам унинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун чет эл суди ҳукмига асосан мазкур шахсни жазони ўз давлатида ўташ учун қайтаришдан иборатдир [2, 26–27-бетлар].

Шу қайд этиш лозимки, ушлаб бериш институтида шахс иродасининг розилигисиз амалга оширилса, суд томонидан белгиланган озодликдан маҳрум этиш шаклидаги жазони ўташ учун маҳрумни топширишда эса, фақатгина мазкур шахсининг илтимосномаси ёки шахсий розилиги билан амалга оширилади [3, 211-бет]. Маҳрумни топшириш институти ушлаб беришга қараганда жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик соҳасидаги давлатлараро ҳамкорликнинг нисбатан янги йўналиши ҳисобланади.

Н.И.Марышева маҳрумларни топшириш масаласининг ҳар бир аниқ ҳолати учун келишаётган давлатларнинг алоҳида ўзаро розилик беришларига эришиш муаммоли масала эканлигини таъкидлайди [4, 79-бет]

Бизнинг фикримизча, мазкур ҳолатда шартнома қоидалари ижросини таъминлашда ҳар бирига алоҳида ёндашиш лозим, бунда топширишдан келиб чиқадиган асосий мақсадлар инobatта олиниши лозим ҳамда ушбу шартлар одил судлов манфаатларига ва жазони ўтаётган шахснинг кейинчалик нормал ижтимоий ҳаётга қайтишига ёрдам бериши ҳам зарур.

Бугунги кунга қадар, маҳрумни топшириш шартларини тартибга солишнинг ҳуқуқий асосларининг ривожланиши жуда секинлик билан амалга оширилган ёки деярли кўриб чиқилмаган. Лекин шунга қарамадан, мазкур соҳанинг халқаро-ҳуқуқий тартибга солиниши бирмунча амалга оширилди.

Жумладан, БМТнинг 2003 йилги “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги [5] ва 2000 йилги “Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида”ги конвенцияларининг [6] судланган шахсларни ушлаб бериш тўғрисидаги нормалари эътиборга лойиқ. Уларга асосан, “Иштирокчи давлатлар ушбу конвенцияларнинг қоидаларига кўра жиноят ҳисобланган ижтимоий хавфли қилмишларни содир этган ва турма ёки озодликдан маҳрум қилишнинг бошқа турига ҳукм қилинган шахсни ўз ҳудудида жазони ўташни ташкил қилиш учун икки ёки кўп томонлама келишувларни тузиш имконини кўриб чиқишлари мумкин” (тегишли тартибда 45 ва 17-моддалар).

Бундан ташқари, минтақавий доирада “Маҳрумларни топшириш тўғрисида”ги Европа конвенцияси [7] ва унинг қўшимча протоколи [8] асосида тартибга солинади.

Ушбу конвенциядаги топширишнинг шартлари куйидагилардан иборат:

а) агар шахс бошқараётган давлатнинг фуқароси бўлса;

б) агар ҳукм якуний бўлса;

в) агар топшириш талабини олиш вақтида, ҳукм қилинган шахс ўташи лозим бўлган 6 ой ҳукми мавжуд бўлса ёки ҳукм қасддан бўлмаса;

г) агар топшириш учун ҳукм қилинган шахс розилиги билан унинг ёши, психологик ёки ақлий ҳолати икки давлатдан бирининг назарида зарурият дея эътироф этилса;

д) агар бошқараётган давлатнинг қонунчилигига кўра жиноий қонунбузарлик юзасидан ҳукм юклатилган акт бўлса ёки ўз ҳудудда жиноий қонунбузарлик тузилган бўлса;

е) агар ҳукм чиқарган ва бошқараётган давлатлар ушбу топширишга розилик билдирса.

Шунингдек, МДХ давлатлари ўртасида 1998 йил 6 мартда тузилган, Ўзбекистон Республикасида кучга кирмаган “Озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахсларни жазони ўташни давом эттириш мақсадида топшириш тўғрисида”ги конвенцияни [9] ҳамда 1997 йил 28 мартда қабул қилинган, Ўзбекистон Республикасида 1997 йил 26 июндан кучга кирган “Психик касалликларга чалинган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисида”ги конвенцияни [10] ҳам қайд этиб ўтиш мумкин.

Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси бир қатор давлатлар билан маҳкумларни топшириш тўғрисидаги шартномаларни имзолади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ва Туркменистон ўртасида 2009 йилнинг 25 февралда имзоланган “Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларни жазо ўташни давом эттириш учун топшириш тўғрисида”ги шартномага асосан «маҳкум» – жиноят содир этганлиги учун озодликдан маҳрум этиш тарзида Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг суди ҳукм этган шахс (1-модда, 1-банди, в қисми) эканлиги белгиланган бўлиб, «ҳукми ижро этиш давлати» – озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахс жазо ўташни давом эттириш учун топшириладиган Аҳдлашувчи Томон (1-модда, 1-банди, б қисми) деб таъриф берилган. Мазкур қоидалар мазмунан давлатлар ўртасидаги жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик соҳасининг топшириш институти сифатида тартибга солинганлигини англатади. Бироқ, Ўзбекистон Республикаси ва Бирлашган Араб Амирликлари ўртасида тузилган “Маҳкумларни топшириш тўғрисида”ги шартноманинг 2-моддаси, 1-қисмига асосан “давлатлар ушбу Шартнома қоидаларига мувофиқ маҳкумни топшириш соҳасида ҳамкорликни амалга ошириш учун барча зарур чоралар кўрадилар” деган қоида мустаҳкамланган бўлиб, мазкур қоида биргина императив нормага таяниш ижобий ҳолат эмас. Агарда мазкур қоиданинг мазмуни “томонлар мазкур шартноманинг тегишли қоидалари асосидаги озодликдан маҳрум қилинган шахсларни бир бирларига топшириш ҳақидаги сўровини бажариш мажбуриятини оладилар” кўринишида бўлганда янада мукамалроқ бўлар эди.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларни жазони ўташни давом эттириш учун топшириш тўғрисидаги масала хорижий давлат суд ҳукмларини тан олиш ва ижро этиш билан боғлиқлиги сабабли аксарият МДХ давлатларининг жиноят

процессуал қонунчилигида хорижий давлат суд ҳукмларини тан олиш тартиби белгилаб қўйилган.

Хусусан, Россия Федерациясининг ЖПКнинг 470-моддасида озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган шахсларни жазо ижро этиш учун бошқа давлатга топшириш ҳақидаги сўровномаларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш тартиби баён этилган [11]. Шу каби қоида, Қирғизистон Республикаси ЖПКнинг 441-моддасида [12], Тожикистон Республикаси ЖПКнинг 483-моддасида [13] ўрнатилган. Бундан ташқари, Қозоғистон Республикаси ЖПКда рухий касалликлар билан касалланган шахсларни фуқаролигига тегишли бўлган давлатда тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини ўташи учун топшириш масаласи алоҳида бобда белгилаб қўйилган (62-боб) [13].

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 14-бўлими “Жиноят иш юритиш соҳасида халқаро ҳамкорлик” масаласига бағишланган бўлиб, унинг доирасида суд, прокурор, терговчилар ва суриштирув органларининг хорижий давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлиги тартиби (64-боб), шунингдек жиноий жавобгарликка тортиш ва жазони ижро этиш учун ушлаб бериш (65-боб) масалалари тартибга солинади. Қолаверса, ЖПКнинг 601 ва 603-моддаларида жазони ижро этиш учун ушлаб бериш асослари, шартлари ва тартиби, рад этиш учун асослар тартибга солинган [14].

Аmmo Ўзбекистон Республикаси ЖПКда кейинчалик рухий касалликка чалинган, шунингдек рухий касалликлар билан касалланган шахсларни фуқаролигига тегишли бўлган давлатда тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини ўташи учун топшириш масаласи тартибга солинмаган.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини ўташ учун топшириш институти илмий жиҳатдан таҳлил қилинмаганлиги, қолаверса, миллий қонунчилик доирасида тартибга солинмаганлиги хавотир уйғотади. Бунинг натижасида тузалмайдиган ҳолатда ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини ўташ учун фуқаролигига тегишли бўлган давлатга топшириш жараёнини амалга ошириш деярли имконсиз. Ушбу ҳолатда Ўзбекистон Республикаси тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини топшириш бўйича халқаро мажбуриятларини лозим даражада бажариш имконига эга бўлмайди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг МДХ иштирокчиси эканлиги, шунингдек халқаро ҳуқуқ нормаларини тан олиш ва имплементация қилиш мақсадга мувофиқ эканлигини ҳисобга олиб Ўзбекистон Республикаси ЖПК га МДХнинг 1997 йил 28 мартда қабул қилинган, Ўзбекистон Республикасида 1997 йил 26 июндан кучга кирган “Рухий касалликка чалинган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисида”ги конвенцияси нормаларини имплементация қилиш лозим. Хусусан, Конвенциянинг 1-моддасига кўра, Конвенция иштирокчиларининг фуқаролари тузалмайдиган ҳолатда ижтимоий хавфли қилмиш содир этган тақдирда унга нисбатан суднинг тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш тўғрисида қарори мавжуд бўлса, бундай шахслар фуқаролигига тегишли бўлган ёки фуқаролиги бўлмаган ҳолатда доимий яшаш жойига эга бўлган Конвенция иштирокчи давлатга топширилиши мумкин.

Шу билан бирга қайд этиб ўтиш лозимки, рухий касалликка чалинган шахсларни топшириш Ўзбекистон

Республикаси ва хорижий давлатнинг тегишли тиббий муассасаси томонидан амалга оширилади.

Бундай амалиёт Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва халқаро шартномалари, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принципларига зид. Айни вақтда тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини ўташ учун топширишнинг ҳуқуқий механизми ишлаб чиқилмаган ва шунинг учун тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини ўташ учун топшириш механизми ҳозирги вақтда амал қилмаяпти.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, шунингдек жиноят иш юритуви соҳасида халқаро ҳамкорлик механизмини такомиллаштириш, миллий ва халқаро ҳуқуқ нормаларини ўзаро мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ЖПКни Озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган, шунингдек рухий касалликка чалинган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш учун фуқаролигига тегишли бўлган давлатга топширишни тартибга солувчи 66-бобни киритиш мақсадга мувофиқ. Мазкур бобда қуйидаги масалаларни ўз ичига олиши назарда тутилади:

1) озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган, шунингдек рухий касалликларга чалинган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш учун фуқаролигига тегишли бўлган давлатга топшириш учун асослар;

2) маҳкум ёки тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилган шахсни топшириш шартлари;

3) маҳкум ёки тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилган шахсни топшириш тўғрисидаги масалани ечиш тартиби;

4) топширилган хорижий давлат фуқаросига нисбатан қўлланилган тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини бекор қилиш ёки ўзгартириш тўғрисидаги, суд ҳукмини бекор қилиш ёки ўзгартириш тўғрисида хабар бериш;

5) маҳкум ёки тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилган шахсни хорижий давлатга топширишни рад этиш асослари;

6) Ўзбекистон Республикаси фуқаросини тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини ўташ учун қабул қилиш, шунингдек хорижий давлат судининг қарори ёки ҳукмини тан олиш ва ижро этиш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш.

Адабиётлар рўйхати:

1. Dionysios Spinellis. Extradition - Recent Developments in European Criminal Law // European Journal of Law Reform, Vol. VIII no. 2/3, 2007, pp 223-251

2. Joon Gyu Kim, Cheol-Kyu Hwang. New initiatives on International Cooperation in Criminal Justice. — SNUPRESS (Seoul National University Press), 2012, 260 p.

3. Лазутин Л.А. Правовая помощь по уголовным делам как комплексное формирование в международном уголовном и уголовно-процессуальном праве. Дис. ... док. юрид. наук. — Екатеринбург, 2008, 434 с.

4. *Марышева Н.И.* Международная правовая помощь по гражданским и уголовным делам: Дис. ... д-ра юрид. наук в форме научного доклада. — М.: Институт законодательства и сравнительного правоведения при Правительстве РФ, 1996, 109 с.

5. www.unodc.org/unodc/en/treaties/CAC/index.html

6. www.unodc.org/unodc/en/treaties/CTOC/index.html

7. Convention on the Transfer of Sentenced Persons (1983). <http://www.coe.int/en/web/conventions/full-list/-/conventions/treaty/112>

8. Additional Protocol to the Convention on the Transfer of Sentenced Persons (1997) <http://www.coe.int/en/web/conventions/full-list/-/conventions/treaty/167>

9. Конвенция о передаче осужденных к лишению свободы для дальнейшего отбывания наказания <http://cis.minsk.by/reestr/ru>.

10. Конвенция о передаче лиц, страдающих психическими расстройствами, для проведения принудительного лечения <http://cis.minsk.by/reestr/ru>.

11. Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации от 18.12.2001 N 174-ФЗ (ред. от 19.12.2016) (с изм. и доп., вступ. в силу с 01.01.2017)

12. Уголовно-процессуальный кодекс Кыргызской Республики от 30 июня 1999 года № 62 (с изменениями и дополнениями по состоянию на 10.02.2017 г.)

13. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Таджикистан <http://mmk.tj/ru>.

14. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан от 4 июля 2014 года № 231-V (с изменениями и дополнениями по состоянию на 10.02.2017 г.)

15. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси www.lex.uz

А.А. Саидов,

Ўзбекистон Республикаси ИИВ
Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш
ва юридик таъминлаш бошқармаси
катта инспектори

ОЗОДЛИҚДАН МАҲРУМ ҚИЛИШ ЖОЙЛАРИДА МАҲУМЛАР БИЛАН МУОМАЛА ҚИЛИШНИНГ УНИВЕРСАЛ ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ СТАНДАРТЛАРИ

Аннотация: мақолада озодликдан маҳрум қилиш жойларида маҳумлар билан муомала қилишнинг халқаро-ҳуқуқий тушунчаси, қоидалари назарий-ҳуқуқий таҳлил этилиб, унинг юридик фаолият тушунчаси билан алоқадорлиги ва фарқловчи жиҳатлари очиқ берилган. Шунингдек, мазкур ҳуқуқий фаолиятнинг тузилиши, мақсади, усуллари, шакллари ва воситалари масаласида илмий мушоҳада юритилган.

Таянч сўзлар: халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар, маҳумлар, жазони ижро этиш, инсон ҳуқуқлари, халқаро стандартлар

Аннотация: в данной статье проанализированы с теоретически-правовой точки зрения международно-правовое понятие и правила обращения с заключенными в местах лишения свободы, раскрыта его связь и отличительные черты юридической деятельности. Также, приведено научное описание структуры, целей, методов, форм и средств данной правовой деятельности.

Ключевые слова: международные правовые документы, заключенные, права человека, исполнение наказания, международные стандарты.

Abstract: In this article international-legal concept and rules for treatment of prisoners in prisons were analyzed theoretically and legally, disclosed its association and distinctive features with the notion of legal activity. Also, given the scientific description of structure, methods, forms and means of this legal action.

Key words: International legal documents, prisoners, human rights, penitentiary, international standards

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасида ишлаб чиқилган энг муҳим халқаро ҳужжат – *Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг* 2-моддасида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари истисносиз барчага тааллуқли экани кўрсатилган: “Ҳар бир инсон... ушбу Декларацияда эълон қилинган барча ҳуқуқ ва барча эркинликка эга бўлиши зарур”. Ушбу муҳим қоида шахснинг жиноят одил судлови соҳасидаги ҳуқуқий мақоми асосларини белгилаб беради. Декларациянинг 5-моддасида эса “Ҳеч ким қийноққа ёки шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни хўрловчи муомала ва жазога дучор этилмаслиги керак”, деб белгиланган [2].

Декларациянинг баъзи қоидалари жиноий жазога ҳукм қилинган ва қамоққа олинган шахсларга бевосита тааллуқлидир. Жумладан, 9-моддада куйидагилар белгиланган: “Ҳеч ким асоссиз қамалиши, ушланиши ёки қувғин қилиниши мумкин эмас” [2].

Декларацияда бир қатор асосий жиноят-процессуал ва жиноий-ҳуқуқий қоидалар мустақамланган. Масалан: “Ҳар бир инсон... унинг иши ошкора ва адолат талабларига риоя қилинган ҳолда мустақил ва холис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга” (10-модда); “Ҳеч ким, содир этилган вақтда миллий қонунлар ёки халқаро ҳуқуққа кўра жиноят

деб топилмаган хатти-ҳаракати ёки фаолиятсизлиги учун жазога ҳукм қилиниши мумкин эмас” (11-модда) ва бошқалар.

Маҳумнинг ҳуқуқий мақомини аниқлаш учун Декларациянинг 29-моддаси алоҳида аҳамиятга эга. Унга кўра “ҳар бир инсон ўз ҳуқуқи ва эркинликларидан фойдаланишда ўзгаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини демократик жамиятда етарли даражада бўлишини ҳамда ҳурмат қилинишини таъминлаш, ахлоқ, жамоат тартиби, умум фаровонлигининг одилона талабларини қондириш мақсадидагина қонунда белгиланган чекланишларга риоя этиши керак”. Декларациянинг бу қоидалари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 25- ва 26-моддаларида ўз аксини топган [1].

Маҳумлар билан муомала қилиш қоидаларини белгилловчи яна бир муҳим универсал халқаро ҳужжат *Фукарolik ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактдир*. Пактнинг 6-моддасига биноан “яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқ қонун билан ҳимояланади. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан инсонни яшашдан маҳрум қила олмайди”.

Ушбу Пактнинг 7-моддасига кўра, “ҳеч ким азоб-уқубатга солинмаслиги ва унга нисбатан шафқатсиз, ноинсоний ёки кадр-қимматини хўрловчи муомала қилинмаслиги ёки жазоланмаслиги керак. Жумладан, ҳеч бир шахс устидан унинг розилигисиз тиббий ёки илмий тажриба ўтказилиши мумкин эмас” [3, 54-73 бетлар].

Пактнинг 9-моддаси ҳар бир инсоннинг куйидагиларга бўлган ҳуқуқини белгилаб берган:

биринчидан, эркинлик ва шахсий дахлсизлик: “...Ҳеч ким ўзбошимчалик билан ҳибсга олиниши ёки ҳибсда сақланиши мумкин эмас. Ҳеч ким қонун билан белгиланганидан бошқача асос ёки тартибда озодликдан маҳрум этилиши мумкин эмас”;

иккинчидан, ҳибсга олинаётган ҳар бир кишига ҳибсга олиш вақтида қамалиш сабаблари айтилади ва дарҳол унга қўйилган айб маълум қилинади;

учинчидан, жиноий айблов билан қамалган ёки ушланган ҳар бир шахс зудлик билан судья ёки қонун бўйича суд ҳукмронлигини амалга ошириш ҳуқуқи бўлган бошқа мансабдор шахс ҳузурига келтирилади ва айбланаётган шахс оқилона муддат ичида иши судда кўрилиши ёки озод қилиб юборилиши ҳуқуқига эга. Иши судда ҳал этилиши кутилаётган шахсларни ҳибсда тутиб туриш умумий қоида бўмаслиги, бироқ озод қилиш, судга келиш, судда иш кўриб чиқилаётганда унинг ҳар қандай босқичига келиш кафолатларини беришга, зарур ҳолларда ҳукми ижро этишга келишга боғлиқ қилиб қўйилиши мумкин;

тўртинчидан, қамоққа олиниши ёки ҳибсда ушланиб туриши туфайли озодликдан маҳрум этилган ҳар бир шахс ўз ишининг судда кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга, чунки суд дарҳол унинг ушланиши қанчалик қонуний эканлиги борасида қарор чиқара олсин ва агар унинг ушланиши ноқонуний бўлса, озод қилиш ҳақида фармойиш бера олсин;

бешинчидан, ноқонуний равишда қамалган ёки ҳибсда ушлаб турилган ҳар бир киши даъво кучига эга бўлган компенсация талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Пактнинг 10-моддаси алоҳида амалий аҳамиятга эга. Ушбу моддага кўра:

биринчидан, озодликдан маҳрум этилган барча шахслар инсоний муомала қилиниши ва инсон шахсига хос бўлган кадр-қиммати ҳурмат қилиниши ҳуқуқига эга.

иккинчидан, истисно ҳоллари бўлмаганида айбланувчилар судланганлардан алоҳида жойлаштирилади

ва уларга судланмаган шахслар мақомига жавоб берадиган алоҳида режим белгиланади;

Судгача бўлган қамоқ бежизга айбсиз ҳисобланмайди – кўп ҳолларда судлар ҳақиқатан ҳам уларни айбсиз деб топадилар. Бундан ташқари, одил судлов принципларига кўра кўпгина мамлакатларда жиноий ишлар узоқ вақт судда кўриб чиқишни кутади, ва шу боис суд айбдор деб топган шахслар ҳам судгача бўлган қамоқда ҳукм тайинланадиган муддатдан анча узоқ вақт бўлишлари мумкин.

учинчидан, балоғат ёшига етмаган айбланувчилар балоғатга етган абланувчилардан ажратиб қўйилади ва қарор чиқариш учун қисқа муддатда судга келтирилади.

тўртинчидан, маҳкумларга мўлжалланган жазони ижро этиш тизимидан мақсад маҳкумларни тўғри йўлга солиш ва уларни ижтимоий жиҳатдан қайта тарбиялашдир. Балоғатга етмаган қонунбузарлар балоғатга етган қонунбузарлардан ажратиб қўйилади ва уларнинг ёши ҳамда ҳуқуқий мақомига жавоб берувчи режим белгиланади.

Таъкидлаш лозимки, ушбу Пактнинг барча моддаларининг қоидалари Ўзбекистоннинг амалдаги жиноят-ижроия қонунчилигида ўз аксини топган ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Жазони ижро этиш бош бошқармаси фаолиятида тўла амалга оширилмоқда.

1975 йилда БМТ Бош Ассамблеяси консенсус асосида *Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши декларацияни* қабул қилган. Ушбу Декларациянинг 1-моддасида қийноқ қуйидагича таърифланган: "...Қийноқнинг таърифи шундай исталган ҳаракатни англатадики, у билан қандайдир шахсга ундан ёки учинчи шахсдан маълумотлар ёки эътироф олиш, уни у ёки учинчи шахс содир этган ёки содир этишда гумон қилинадиган ҳаракат учун жазолаш... мақсадида... атайлаб кучли оғриқ ва азоб берилади".

Бироқ бу таърифга қонуний санкциялар натижасида пайдо бўладиган, шу санкциялардан ажралмас ёки улардан тасодифан чиққан оғриқ ёки азоблар кирмайди.

Ушбу Декларация қоидаларининг ривожлантирилиши натижасида Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенция тайёрланган ва 1984 йил 10 декабрда қабул қилинган.

Ушбу Конвенциянинг 2-моддаси ҳар бир иштирокчи давлатдан қийноқ ҳаракатларининг олдини олиш учун қонуний, маъмурий судлов ва бошқа чоралар кўришни талаб қилади. Унда таъкидланишича, "ҳеч қандай фавқулодда ҳолатлар, улар қандай бўлмасин: хоҳ уруш ҳолатими ёки уруш хавфими, ички сиёсий беқарорликми ёки бошқа исталган фавқулодда ҳолатми эканлигидан қатъи назар, қийноқни оқлашга хизмат қилолмайди". Конвенциянинг 4-моддаси, шунингдек иштирокчи давлатлардан қийноқларнинг қўлланишида айбдор шахсларни жазолашни ҳамда қийноқларга қарши кўмити тузишни (17-модда) талаб қилади.

Ўзбекистон Республикасининг жиноят қонунчилигида қийнаш жиноят сифатида баҳоланган ва бунинг учун унинг оғир айб эканлигини ҳисобга олган ҳолда тегишли жазолар белгиланган. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексининг 235-моддасида қийноқларни қўллаш орқали жисмоний ёки руҳий азоб бериш уч йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилишга олиб келиши назарда тутилган норма белгиланган.

Конвенцияда қийноқлар ҳақидаги хабарга давлат ичида қийноқлар содир этганликда, шунингдек қийнаш ёки қийнашда иштирок этишга уринишда гумон қилинаётган шах-

сни қамаш ва дастлабки тергов ўтказишигача бўлган чора кўриш мумкинлиги назарда тутилган.

Халқаро Меҳнат Ташкилоти 1930 йилда Зўраки ёки мажбурий меҳнат тўғрисидаги 29-конвенцияни қабул қилган. Ўзбекистон ушбу Конвенцияни ратификация қилган. Гарчи Конвенция бундай меҳнатни тақиқласа ҳам, бироқ ундан суд органининг қарори билан чиқарилган ҳукм оқибатида ҳар қандай шахсдан талаб этиладиган ҳар қандай иш ёки хизмат чиқариб ташланмаган. Шу сабабли Конвенциянинг 2-моддасида бундай шахснинг иши ёки хизмати давлат ҳокимиятининг назорати ва текшируви остида амалга оширилиши кераклиги ва бундай шахс хусусий шахслар, компания ва жамиятлар ихтиёрига берилиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган. Конвенциясининг 2–3-моддасига кўра зўраки ёки мажбурий меҳнатнинг қўлланиши ҳокимият томонидан аниқ ва тўлиқ тартибга солиниши керак.

Халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 13-боби 88–96-моддаларида маҳкумларнинг меҳнатидан фойдаланиш қоидалари белгиланган. Хусусан, озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган шахслар ахлоқ тузатиш муассасаларининг маъмурияти белгилаган жой ва ишда меҳнат қилишга мажбурдирлар. Айни вақтда маъмурият ушбу шахсларни меҳнатга «уларнинг жинси, ёши, соғлигининг ҳолати меҳнат қобилияти ва иложи борича ихтисосини ҳисобга олган ҳолда» меҳнатга жалб этади (88-модда). Кодексда, шунингдек маҳкумлар ахлоқ тузатиш муассасаларини ва уларга туташ ҳудудларни ободонлаштириш ишларига ҳақ тўламай жалб этилиши мумкинлиги белгиланган (93-модда).

Минтақавий даражада қабул қилинган универсал хусусиятга эга халқаро ҳужжатлар орасида, аввало, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгаши иштирокчилари бўлган давлатлар вакилларининг Вена учрашуви Якуний ҳужжатини (1989) кўрсатиш зарур. Унда маҳбуслар билан муомала қилишга доир масалада қуйидаги принциплар эълон қилинган:

биринчидан, ҳеч ким ўзбошимчалик билан ҳибсга олиш, қамоқда сақлаш ёки кувғин қилишга дучор этилмаслигини таъминлаш;

иккинчидан, қамоқда ёки ҳибсда сақланаётган барча шахслар билан инсонийлик билан ва инсон шахсига хос қадр-қимматни ҳурмат қилиб муомала қилинишини таъминлаш;

учинчидан, БМТ қабул қилган Маҳбуслар билан муомала қилишнинг минимал стандарт қоидалари (1990), Ҳуқуқий тартиботни сақлаш бўйича мансабдор шахсларнинг ахлоқ кодекси (1979)га риоя этиш;

тўртинчидан, қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи бошқа турларини тақиқлаш, бундай амалиётнинг олдини олиш ва унинг учун жазолашнинг самарали қонунчилик, маъмурий, суд ва бошқа чораларини кўриш.

Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа конвенцияси (1950)да ҳибсга ва қамоққа олинганларга оид қуйидаги қоидалар белгиланган:

биринчидан, ҳеч ким қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи бошқа турларига дучор этилиши мумкин эмас (3-модда);

иккинчидан, ҳеч ким Конвенцияда назарда тутилган ҳоллар ва қонунда белгиланган тартибдан бошқача тарзда озодликдан маҳрум қилиниши мумкин эмас (5-модда); зўраки ва мажбурий меҳнат тақиқланади, бироқ "ушбу Конвенциянинг 5-моддаси қоидаларига мувофиқ қамоқда бўлган ёки бундай қамоқдан шартли равишда озод қилин-

ган шахс одатда бажариши лозим бўлган ҳар қандай иш” бундан мустасно;

учинчидан, Конвенцияга мувофиқ ўлим жазосини қўллашга йўл қўйилади, бироқ 1983 йил 28 апрелда қабул қилинган Конвенциянинг 6-Протоколи 1-моддасида унинг бекор қилиниши эълон қилинган. Ушбу жазо фақат «уруш пайтида ёки уруш хавфи муқаррар шароитда содир этилган ҳаракатлар учун» қўлланиши мумкин (Протоколнинг 2-моддаси);

тўртинчидан, Европа Кенгашига аъзо давлатларнинг фуқаролари, агар ўз мамлакатидан ўз ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишнинг барча қонуний воситаларидан фойдаланиб бўлган бўлсалар, давлат ҳокимиятининг ноқонуний ҳаракатлари юзасидан шикоят билан Страсбург шаҳрида жойлашган Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судига мурожаат этиш ҳуқуқига эгадирлар. Жиноий жазоларга ҳукм этилган шахслар ҳам ана шу ҳуқуққа эгадирлар. Ҳуқуқлари бузилган фуқаро стандарт даъво аризасини тузади, унда қайси ҳуқуқлари бузилгани ва ким жавобгарликка тортилиши лозимлигини кўрсатади. Даъво аризаси биринчи инстанция судига, сўнгра юқори турувчи суд инстанциясига берилади. Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судининг қарори икки турда бўлиши мумкин:

жавобгар давлат ўз миллий қонунчилигини Европа стандартларига мувофиқлаштириши шарт эканлиги ҳақида;

жабрланувчига етказилган зарарни қоплаш ҳақида.

Қийноқлар ҳамда инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ёхуд жазолашнинг олдини олиш тўғрисидаги Европа конвенцияси (1987), аслида БМТ Бош Ассамблеяси 1984 йилда қабул қилган Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи бошқа турларига қарши конвенцияни Европа шароитларига мосланган минтақавий ҳужжатдир. Унда 1989 йилда Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судидан ташқари орган – Қийноқлар ҳамда инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ёхуд жазолашнинг олдини олиш бўйича Европа қўмитаси ташкил этилиши кўзда тутилган. Қўмита Европа Кенгашига кирувчи давлатларга озодликдан маҳрум қилинган шахслар билан шафқатсиз муомалада бўлишнинг олдини олишда қўмаклашишга хизмат қилади. Унинг аъзолари ушбу соҳадаги қонун бузилишларини аниқлаш учун қамоқхоналарга бориш, тегишли мамлакат ҳудудидан тўсқинликсиз юриш, озодликдан маҳрум қилинганлар сақланаётган жойлар ҳақида ҳар қандай маълумот, шунингдек Қўмита учун зарур бўлган исталган ахборотдан фойдаланишга ҳақлидирлар. Иш натижалари бўйича Қўмита аъзолари борган ҳар бир мамлакатда тегишли маъруза тузилади. Унда аниқланган фактлар баён этилади, зарур бўлса тегишли давлат билан музокараларга асос бўладиган тавсия ва таклифлар берилади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2009. – Б. 7.

2. БМТ Бош Ассамблеяси 1948 йил 10 февралда қабул қилган. Ўзбекистон Республикаси унга 1992 йил 30 сентябрда қўшилган. Қаранг: Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2008.

3. 1966 йил 16 декабрда БМТ Бош Ассамблеясининг 1496-ялпи мажлисида 2200(XXI) Резолюцияси билан қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Пактни 1995 йилда ратификация қилган. Қаранг: Ўзбекистон Республикаси

ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. – Т.: “Адолат”, 2002. – Б. 54–73.

4. Декларация БМТ Бош Ассамблеясининг 1975 йил 9 декабрдаги 3452(XXX) Резолюцияси билан қабул қилинган. См.: Декларация о защите всех лиц от пыток и других жестоких, бесчеловечных или унижающих достоинство видов обращения и наказания // Права человека: Сборник международных договоров. Том 1 (Часть первая). Универсальные договора. – Нью-Йорк, Женева: ООН, 2002. – С. 354.

5. Конвенция БМТ Бош Ассамблеясининг 1984 йил 10 декабрда қабул қилинган. Ўзбекистон Парламенти уни 1995 йилда ратификация қилган. Қаранг: Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига оид халқаро ҳужжатлар. – Т.: “Адолат”, 2004. – Б. 59–75.

6. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси // Ўзбекистон Республикаси кодексидан: Тўплам. – Т.: “Адолат”, 2006. – Б. 71.

7. Халқаро Меҳнат Ташкилотининг асосий конвенциялари ва тавсиялари. – Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, 2008. – Б. 40–54.

8. Халқаро Меҳнат Ташкилотининг асосий конвенциялари ва тавсиялари. – Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, 2008. – Б. 41–42.

9. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси: Расмий нашр. – Т.: “Адолат”, 2008. – Б. 42–46.

10. Инсон ҳуқуқлари бўйича Халқаро шартномалар: тўплам. – Т.: “Адолат”, 2004. – Б. 339–359.

11. Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг инсонийлик мезонлари бўйича ҳужжатлари. – Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказ, 2002.

12. Европейская Конвенция о правах человека и основных свободах // Международные акты о правах человека. – М.: Норма, 2002.

13. Каний Жиффер. Қийноқлар: ахборотлар тузиш бўйича қўлланма. – Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, 2003. – Б. 117.